

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 7 (146)

2009 йил, июл

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## М У Н Д А Р И Ж А

**Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор**.....3

### НАСР

Фарход ЖИЙЛОН. **Махмуд Кошгарий**. Роман.....13

Василий ЯН. **Қўрғон узра гулханлар**. Роман.....39

Беки САЙТАҚОВ. **Бола бахши**. Хикоя.....111

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Қирғиз шеъриятдан. **Олатовдан эсган эпкин**.....33

Пабло НЕРУДА. **Муштарак кўшиқ**.....105

### НОБЕЛ МАЪРУЗАЛАРИ

Гао СИНЬЦЗЯН. **Адабиётнинг яшаш ҳуқуқи**.....137

### ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

ВАЛЕНТИНА ОБЕРЕМКО. **Павлик ҳаётда бўлганми?**.....146

### АДАБИЙ ҲАЁТ

Ализода АСКАРЛИ. **Ўзбек шеъриятининг озорий оҳанги**.....149

### МЕРОС

Бурҳониддин РАБҒУЗИЙ. **Қисаси Рабғузий**.....152

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Маҳкам МАҲМУДОВ. **Аҳли фазл ва беназир эл**.....173

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Ог МАНДИНО. Яхши яшаш сирини.....177

ТОШКЕНТ  
ИЮЛ

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир ҳайъати:**

Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Азиз САИД  
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Абдулла ИСМОИЛОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Абдурахим МАННОНОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Азимжон ПАРПИЕВ  
Гайрат ШОУМАРОВ  
Тўлепберген ҚАЙПБЕРГЕНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Рустам ҚУРБОНОВ

Навбатчи муҳаррир Н.ЖЎРАЕВА  
Техник муҳаррир У.КИМ  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 7. 2009.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишга рухсат этилди. 30.06 2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1350 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2009 й.

---

---

# Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор

**М**аълумки, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш бадиий ижод, хусусан, бадиий адабиёт ривожига ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Мустабид тузум даврида номлари, асарлари тақққлаб қўйилган ёзувчи ва шоирларимизнинг хотираси ёзозланиб, уларнинг адабий мероси қайтадан тиклангани, таваллуд саналари кенг нишонланиб келаётгани, нашриёт ва босмаҳоналар, газета ва журналларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, нашр ишлари замонавий талаблар асосида йўлга қўйилаётгани, адабиёт аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шу йил 24 июн куни Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Б.Алимовни қабул қилиб, уюшма фаолиятининг самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар ҳақида суҳбатлашган ва ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр билдирган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар билан бирга маданият ва санъат, таълим, илм-фан соҳасидаги вазирлик ва идоралар, ижтимоий жамғармалар, маънавият, ёшлар ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан йиғилиш қатнашчиларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов таништирди.

Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳақида гапирганда, табиийки, халқимиз маънавиятининг, миллий тафаккуримизнинг ажралмас қисми бўлган, керак бўлса, унинг ўзагини ташкил этадиган она тилимизни, бой тарих ва қадимий анъаналарга эга адабиётимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган заҳматқаш инсонлар, уларнинг оғир ва масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз олдимиздан ўтади.

Биз шоир деганда, аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат ноёб истеъдоди, айна пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуг бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, зиёлиларнинг илғор қисми бўлмиш бадиий адабиёт вакилларининг халқимиз қалбини, унинг олий мақсадлари, бугунги ҳаёти, тақдири ва келажакни яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Энг муҳими, ёзувчиларимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, ўз ижодига, қалб амри билан танлаган касбига содиқ қолиб, миллий ўзлигимизни англаш, халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келадиганини таъкидлаш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб билман.

Мана, ҳадемай мустақиллигимизга ўн саккиз йил тўлади. Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янги руҳда ўсиб-улғаяётган навқирон авлодни вояга етказмоқдамиз. Савол туғилади: бу жараёнларга ёзувчилар қандай ҳисса қўшмоқда ва уларнинг олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўзбек тили, адабиёти бу борада қандай рол ўйнаши керак? Она тилимизни, бадиий тафаккуримизни ривожлантириш орқали халқ маънавиятини юксалтириш йўлида яна қандай ишларни қилишимиз зарур?

Ҳозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадиий солномасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми?

Мана шундай катта масалалар билан майдонга чиқиши керак бўлган Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини қониқтирадими?

Жамиятнинг илғор ва онгли вакилларини бирлаштирган мазкур ижодий ташкилот бугун олдимизда турган янги ва юксак марраларга халқни даъват этиш, айниқса, таълим ва тарбия, маънавият, маданий ҳаётни ривожлантиришда нима иш қилиши керак, деган саволни кун тартибига қўйиш ўринлидир.

Албатта, адабиёт, ижод аҳли фаолиятига баҳо беришда, аввало, уларнинг меҳнати, маҳорати ва истеъдоди меваси бўлган асарларидан баҳраманд бўладиган кенг китобхонлар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Ле-

кин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум гоёларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмунини, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим.

Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва баррикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яъни, ёзувчи “Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилияпсан?” деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.

Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун ижодкорларимиз, аввало катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг муҳими, бу ўта оғир, кучли иродани талаб этадиган жабҳада ҳақиқий фидойилик кўрсатиши лозимлигини яхши тушунамиз.

Шу боис ҳам ҳаётнинг ўзи Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини ошириш масаласини олдимизга долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Мухтасар айтганда, бизнинг бадиий ижод соҳасига, бу Уюшманинг бугунги тақдири, эртанги кунига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимиз аввало Ёзувчилар уюшмасидаги муҳитни яхшилаш, уни мавжуд оғир вазиятдан чиқаришдек муҳим масалани ҳал қилишга қаратилиши зарур. Бу борада Уюшма аъзолари, шоир ва адибларимизнинг ўзлари нима иш қилиши, айни пайтда давлат, ҳукумат, Президент томонидан қандай ёрдам бериш кераклигини аниқлаб олишимиз лозим.

Менинг фикрим бўйича, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раҳбаридан тортиб оддий аъзосигача — унинг фаолиятига дахлдор ҳар бир одам ёзувчилар оламининг фикру зикрини, муаммоларини, бу ижодий ташкилотнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тушунишга қодир бўлиши керак.

Халқимиз йиллар, асрлар давомида орзиқиб кутган озодликка эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борада қандай

огир йўллардан, қандай мураккаб босқичлардан ўтишга тўғри келаётганини чуқур англаб етишимиз керак.

Адибларимиз айнан мана шундай масалалар устида, бугунги кунда уларнинг сўзи халқ қалбида қандай акс-садо бераётгани ҳақида яна бир бор ўйлаб кўришларини истардим.

Сир эмаски, бугун илгаригидек фақат том-том асарлар чиқариш билан иш битмайди. Ноқулайроқ бўлса ҳам, ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик: кенг китобхонлар, айниқса, ҳозирги ёшлар бу асарларни ўқияптими?

Тўғриси айтиладиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти, дунёни телевидение, компьютер орқали танияпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар “Ўткан кунлар”, “Уруш ва тинчлик” каби мумтоз романларни ёппасига ўқияпти, деб айта оламизми?

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиш.

Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада яна бир муҳим масала устида ўйлаб кўришимиз керак. Яъни, ёзувчиларимиз ўз истеъдоди билан одамларнинг онги ва дунёқараши, маданий савиясини юксалтириш, халқ қалбининг куйчиси бўлишдек огир ва мураккаб, улуғ бир вазифани зиммасига олган экан, аввало эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини, гражданлик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Менинг фикримча, ёзувчилик – бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир.

Шу маънода, Ёзувчилар уюшмаси юртимиздаги бошқа жамоат ташкилотларидан мутлақо фарқ қилади. Бу Уюшма ҳар бири алоҳида бир олам бўлган ўнлаб, юзлаб шоир ва адибларни, уларнинг нафақат моддий, балки маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бевосита масъул эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чинакам ижод ва истеъдод маҳсули бўлган асарларни, ёзувчининг юрагидан,

қалбидан чиққан ҳаққоний ва таъсирчан фикрларни кенг оммага етказиш учун барча мавжуд воситалардан унумли фойдаланиш зарур. Дейлик, эски даврда бўлганидек, ёзувчи нашриёт учун хизмат қилишига чек қўйиш лозим.

Керак бўлса, нашриётлар ҳам, театрлар, радио-телевидение, киностудиялар ҳам ёзувчи ва шоирларнинг ижодини жамоатчиликка, ўқувчи ва томошабинларга етказиш, улар билан ҳамкорлик қилишдан, уларга янада кенгроқ минбар беришдан манфаатдор бўлиши лозим. Чунки, бу ижод турларининг ҳам тағзаминида биринчи навбатда адабиёт, сўз санъати туриши ҳеч кимга сир эмас.

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим **биринчи масала** ижодкор ўзининг ижтимоий бурчини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адибнинг сўзи, унинг ижодий меҳнатининг маҳсули жамият тараққиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз, аввало шу соҳага кириб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адибларнинг ўзи яхши англаб олиши керак.

Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

Шундан келиб чиқадиган **иккинчи масала** шуки, бугунги кунда ёзувчиларнинг машаққатли ижодий меҳнатини тўғри ва адолатли баҳолаш учун давлат ва жамият томонидан яна нима иш қилиш керак, деган савол устида ўйлашимиз даркор. Аслида бу ўта мураккаб масала бўлиб, очигини айтганда, бир ёзувчига юқорироқ, бошқасига эса пастроқ баҳо беришда ҳакам бўладиган одам ҳам, аниқ мезон ҳам йўқ.

Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда, жуда оғир ва мушкул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда, инсоннинг ҳиссиётлари, унинг чексиз руҳий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишмандлар ҳам ожиз қолган бу ҳаётнинг азалий ва абадий савдоларини акс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёрлар механизминини ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарса.

Айтайлик, заводда ишлаб чиқарилган буюм — соат ёки машинанинг сифатига баҳо бериш мумкин, лекин ижод маҳсулига шундай баҳо бериб бўладими? Агар бу масаланинг моҳиятига тўғри етиб борилмаса, ялт этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совутиб, қобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавҳарнинг қадрига етмасдан, худдики уни тупроққа кўмиб қўйиш билан баробар, десак, муболаға бўлмайди.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адиблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Менга қолса, ўз истеъдоди, кўз нури ва юрак қўрини, бутун борлигини бағишлаб, фақат ижод билан шуғулланадиган ҳақиқий ёзувчиларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учун уларга барча шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлардим.

Маълумки, Уюшма таркибидаги айнан шу масалалар билан шуғулланиши лозим бўлган Адабиёт жамғармаси бугунги кунда молиявий жиҳатдан ночор аҳволга келиб қолган. Шу сабабли унинг ўрнида янги

жамғарма — Ижод фондини тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш бу муаммоларни ечишга имкон туғдиради, деб ўйлайман.

Бунинг учун тегишли идора ва вазирликлар билан биргаликда Ижод фондининг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Бу Фонднинг низом жамғармасини шакллантиришга албатта давлат ўз маблағи билан ҳисса қўшади.

Шунингдек, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот ва муассасалар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини ҳам бу жамғармага жалб этиш устида ишлашимиз керак.

Нега деганда, адабиёт масаласи - бу маънавият масаласидир. Бу Фонд ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, юртимизда ижод соҳасининг, миллий маданиятимизнинг ривож топиши учун, келажакимиз учун хизмат қилишини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ижодий жараённинг, адабиётнинг асосий бунёдкори — бу ёзувчи ва шоирлардир. Лекин бу ишни фақат уларнинг елкасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик, бутун жамиятимиз унга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Айни пайтда бундай Фонд ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини оширишга хизмат қиладими ёки боқимандаликка олиб келадими — бу ҳақда ҳам ҳар томонлама чуқур ўйлаш лозим. Бошлаётган ишларимиз амалий самара бериши, гоёвий-бадий етук асарлар яратишга замин туғдириши учун пухта ўйланган механизмларни яратишимиз зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижодий фаолият учун қалам ҳақи тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш керак. Бу — энг нозик масала. Бу тизим адолатли бўлиши, Ёзувчилар уюшмаси ишининг самарасини оширишда рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариши, содда қилиб айтганда, ҳақиқий ижод намунасини қалбаки асарлардан, яъни шолини курмақдан ажратишга хизмат қилиши керак.

Ижод аҳли учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзувчилар уюшмасининг поликлинिकासини ва Дўрмондаги ижод уйини таъмирлаш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш лозим.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағ ажратишни кўзда тутиш, таъмирлаш ишларини 2010 йилда амалга ошириш, жорий йилда эса тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш керак. Шу билан бирга, Дўрмон ижод уйининг бугунги кун талаблари асосида самарали фаолият юритишини таъминлаш учун унинг ҳам низомини ўзгартириш зарур.

Барчамиз яхши англаймизки, адабиётда ҳам анъаналар давомийлиги, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эътибор, уларнинг билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода, Уюшма фаолиятида кекса адибларга эътиборни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Ёши улуг ёзувчиларга, асарлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қиладиган оқсоқолларга ёрдам тариқасида Ижод фондидан маълум миқдордаги маблағни Ёзувчилар уюшмасининг қарори билан уларга бериб бориш айни муддао бўлур эди.

Бундай савобли ишни маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.



**Учинчи масала.** Бу чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад — Ёзувчилар уюшмасининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада оширишдан иборат. Токи Уюшмага аъзо бўлган ҳар қайси инсон авваламбор бу ташкилот унинг ижодини ривожлантириш, асарларини жамоатчиликка етказиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий ёрдам ва кўмак беришга қодир эканини яқиндан ҳис қилиши лозим.

Ўзимизга савол берайлик: ҳўп, бир қаламкаш уюшмага аъзо бўлди. Бунинг таъсирини бугунги кунда у ўз ижодида, ҳаётида сезадими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Яъни, ёзувчиларда Уюшма мени ўз бағрига олди, энди хотиржам бўлиб, ижод билан шуғулланишим мумкин, деган тушунчани ҳис этиш, шундан қониқиш ҳосил қилиш йўқ.

Уюшма — бу бирлашма дегани. Шундай экан, ягона эзгу мақсад йўлида бирлашган одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши керак эмасми?

Уюшма раҳбариятининг асосий бурчи, вазифаси, такрор айтаман, биринчи навбатда ижодкорлар учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат бўлиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса аввало моддий асос, молиявий заминга эга бўлиш лозим.

Шу билан бирга, Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибини ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не улуг ижодкорларнинг қутлуг номлари, ижодий мероси билан боғлиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган фидойи инсонларгина бу ташкилотга аъзо бўлиши керак.

**Тўртинчи масала** — ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласи. Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда. Ёш адиб ва шоирлар, адабий танқидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақриزلардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва Уюшма аъзолигига кириши лозим. Авваламбор, устоз адибларни, Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор.

Уюшма низомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш, умуман, бу борада алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Айниқса, вилоятларда бу ишни алоҳида кўриб чиқиш ва назоратга олиш керак.

Уюшма аъзолигига даъвогарларнинг асарларини баҳолашда истеъдод ва фақат истеъдод асосий мезон бўлиши зарур. Бунинг учун нафақат марказда, балки жойларда ҳам фаолият кўрсатаётган ижодий тўгарак ва семинарларнинг иш самарасини ошириш, баҳс-мунозаралар, мушоиралар, фикр алмашувлар, шу билан бирга, устоз ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат мактабини ўрганиш бўйича машғулотлар олиб боришни кучайтириш даркор.

Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган танловларда қатнашаётган қаламкашлар орасидан энг яхши истеъдод эгаларини танлаб олишда

Ёзувчилар уюшмаси асосий ташаббускор бўлиши, бу ишларни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга ошириши зарур.

Бу борада амалий натижа бермаётган баъзи бир юзаки тадбирлар ҳам борки, улар бугун ўзини қанчалик оқлапти — бу масалани ҳам алоҳида кўриб чиқиш керак. Умуман, ёш ёзувчиларнинг ижодий семинарларини санаторийларда, хушхаво чаманларда ўтказиш шартми? Ахир, ёзувчи зоти доимо ҳаёт қўйнида бўлиши, унинг қайноқ нафасини сезиб туриши керак эмасми?

Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду гами билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз.

Шундай экан, нима учун бу анжуманлар турли вилоятларда эмас, ҳар йили бир жойда ўтади? Қолаверса, бу семинарларга номзодларни танлаб олиш бўйича аниқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ҳақида ҳам бош қотириш фурсати етди, деб ўйлайман.

**Бешинчи масала.** Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарифидинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни, у киши “Жаҳон адабиёти” журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Фарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувейт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим.

Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда албатта ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият ғоят зарур. Шунинг унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи — худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон — Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Энг охириги масала** — нашриётлар ва нашр масаласи. Бугунги кунда нашриётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч ким четдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш даркор. Яъни, фақат иқтисодий манфаат ортидан қувиб бадий жиҳатдан заиф, миллий маънавия-

тимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак.

Айниқса, адабий жараён кўзгуси бўлган газета ва журналларда шеър ва ҳикояларни чоп этишда талабчанлик ва масъулиятни янада кучайтириш керак, десам, ўйлайманки, муҳтарам адибларимиз ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Бунда, айниқса Уюшма муассислигида чоп этиладиган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ёшлик”, “Амударё” журналлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шаклу шамойили, мавзу-мундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамоатчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлаш, сўзсиз, катта аҳамият касб этган бўлур эди.

Бундан ташқари, ҳар бир китоб, ҳар бир бадиий асарнинг талаб даражасида чоп этилишида Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўз таркибида истеъдодли, ҳолис ва адолатли адиб ва мунаққидларни бирлаштирган ижодий кенгашларнинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш керак.

Ёш ижодкорларнинг асарларини чоп этишга ҳам айнан шу кўз билан қараб, бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ёндашув марҳум Муҳаммад Юсуф каби ҳақиқий истеъдодларни кашф этиш ва уларнинг ижодини халққа етказишда энг тўғри ва адолатли йўл бўлади.

Менимча, бу масаланинг асосий калити — чинакам иқтидор эгаси бўлган ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат ҳисобидан чоп этишдан иборат. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан шартнома тузиб, бу китобларни уларнинг кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш ва шу тариқа минг-минглаб фарзандларимизнинг бу асарлардан баҳраманд бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртлиларида таълим олаётган ёшларнинг ана шу китоблар ҳақидаги фикрларини ўрганиш ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айниқса, биз учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Ёш истеъдодларни айнан ана шундай талаблар асосида камол топтириш, уларнинг адабиёт оламида ўз муносиб ўрнини эгаллашини таъминлаш учун Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва янгича асосда қайта ташкил этиш лозим.

Мана шу фикрларни сизларга мурожаат тариқасида етказиб, бу масалалар хусусида сизлар билан, яъни, давлат ва ижодий ташкилотлар билан биргаликда бош қотириб, тегишли хулоса ва қарорлар чиқариш ўринли, деб биламан.

Шу билан бирга, илгари билдирган бир фикримни таъкидлаб айтмоқчиман: агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улугламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуг адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди.

Мана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда жонкуяр ва фидойи адибларимиз ўзбек адабиётининг муқаддас анъаналарига садоқатли бўлиб, уларни муносиб давом эттирган ҳолда ижод қиладилар ва янги-янги гўзал асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар, деб ишонаман.

\* \* \*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган қизгин ва самимий фикр алмашув ҳамда муҳокамаларда уюшма раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон Миллий университети профессори, адабиётшунос Умарали Норматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шоири Иқбол Мирзо, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев, Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби, шоира Энахон Сиддиқова, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, шоир Мирпўлат Мирзаев, ёзувчи Улугбек Ҳамдамов, самарқандлик адиб ва публицист Нусрат Раҳмат ва бошқалар қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан ўзбек адабиётининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар. Хусусан, Президентимизнинг ижод аҳлига қаратилган мазкур мурожаати нафақат Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти, балки бутун маънавий ҳаётимиз учун умуммиллий аҳамиятга эга экани, бу фикр-мулоҳазалар бугунги кунда шоир ва адиблар олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда дастуруламал бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Фарҳод ЖИЙЛОН

# Маҳмуд Кошғарий

*Тарихий романдан боблар*

## АРСЛОНХОН ВА БУҒРОХОНЛАР САЛТАНАТИ

**Х**аёлим кабутарлари тафаккур осмонида парвоз қилиб, узоқ тарих қаърига сингиб кетди. Йиллар, асрлар бирма-бир ортимда қолди. Замонлар тўзони остида кўмилиб ётган қадим карвон йўллари гўё қайтадан қучоқ очиб, илҳом тулпоримни машҳур Хоқония диёрига олиб борди. Минг йиллар бурунги азиз Қашқарнинг олтин тупроғини тавоф қилиб, ўз даврини зилзилага келтирган Арслонхон ва Буғрохонлар салтанати излари бўйлаб қадам ташладим.

Ана, гўёки ўргимчак тўридай айқаш-уйқаш карвон йўлларида туя, от, хачир ва соябон ўрнатилган карвонлар қуроли қўриқчилар ҳимоясида Қашқар, Болосоғун, Самарқанд, Ўдун<sup>1</sup>, Кўчо каби катта шаҳарлардан чиқиб, дунёнинг турли томонига йўл олмоқдалар. Чор атрофдан келувчи карвонларнинг ҳам адоғи кўринмайди.

Ана, зарбоф тўнлари устидан боғланган камарига зийнатли қилич осган, сувсар тўмоқни бостириб кийган басавлат тархон от ўйнатиб ўз қўшини бошида биёбон бўйлаб кезиб юрипти. Улар қорахонийлар заминига ёғий нафаси етмасин, деб ҳушёр турадилар.

Ана, қўй терисидан пўстин кийиб, от-уловига минган кўчманчилар уюр-уюр йилқилар, сурув-сурув қўйлари билан яйлов кезадилар.

Ана, тоғ конларида чарм шалвор кийган, оёқларига чориқ боғлаган ярим яланғоч ишчилар чиғириқ билан ер остидан темир ва мис маъданларни тортиб чиқармоқда.

Денгиз тўлқинлари каби мавж урган олтинранг адирларда оқ як-так кийиб, белини маҳкам боғлаган, оёқларига учли ковушлар илиб олган деҳқонлар ўроқ тортадилар.

<sup>1</sup> Ўдун – Хўтан.

Уйғур тилидан  
Саидмурод ХОЛБЕКОВ  
таржимаси

Иқтидорли ёзувчи Фарҳод Жийлон 1945 йилнинг 8 августиди Фўлжа шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келган. 1954 йилдан 1961 йилгача Фўлжа ва Урумчидаги рус мактабларида ўқиган. 1961 йилдан 1966 йилгача Урумчида уйғурча мактабларда таҳсил олган.

Бирмунча вақт бошланғич мактабларда ўқитувчи, Шинжон халқ нашриёти Таржима бўлимида муҳаррир, 1979 йилдан Шинжон Ижтимоий фанлар академияси Тил тадқиқоти институтида русча таржимон бўлиб ишлади.

Мана, маҳалла ичи. Дарвоза олди тупроқ йўлида қўзичоқдек митти ялангоёқ болалар чуғурлашиб чуқурчага ёнғоқ отиб, ким ютарга бир-бири билан баҳслашмоқда.

Дарвозадан ҳовлига кирилганда ўрик, шафтоли дарахтлари орасидан кўриниб турган уй эшиги олдида осилиб турган ишком остида парилар билан ҳусн талашган қиз-жувонлар эртақдаги булбулигўлардек ақлу ҳушни оладиган дилтортар ашулалар айтиб, чарҳда ип йигирмоқдалар.

Ана, қатор расталар. Кимхоб тўн, баҳмал бўрк кийган басавлат савдогар дўкон ва кенг очилган қўш тавақали эшикда қаторлашган рангин газмолларни ўтган-қайтганларга мақтайди:

– Эй халойиқ, бу ёнга бир қараб ўтинг! Молтанир бойваччалар, буларга қарамай қандоғ ўтасиз! Кўринг, Ўдуннинг шоҳи атласлари, Қашқар ипаклари, Самарқанд кимхоблари, Бухоро зардўзи, читлари! Ипак дейсизми, бўз дейсизми, ҳаммасидин бор...

Чакмонининг барларини белбоғига қистириб қўзи теридан тикилган қора қалпоғини бир ёнга қийшайтириб кийган мўйловдор мағрур темирчи ғилоф ва дасталари қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган қилич, ханжарларни у ён бу-ёнга айлантиради.

– Эй ботир азаматлар! Қаранг мунга! Пўлатму бу ё олмос? – бақиради у. – Қорахонийлар шухратини юксалтирган, жаҳонга донғи кетган Хоқония қиличи мана шу!

Савдогарларнинг бири нафис жонон чинниларини мақтаса, бири нақшинкор кумуш ва мис қошиқларнинг таърифини келтиради. Бири олтин узук, сирғаларни кўз-кўз қилса, яна бири хилма-хил тўмоқ, этикларни қатор териб қўйган.

Расталар адоғидаги бозор ҳам савдогар ва харидорлар билан ғужгон. Оқ кигиз қалпоқ ва қўй терисидан тикилган нимча кийган тоғли яғмолар<sup>1</sup> наслдор арғумоқларни ўйноқлатиб бозорга соладилар. Ёнидан очиладиган узун қора чопонлар кийган бутпараст ябоқулар<sup>2</sup> туя, қўтосларини турли юртлардан келган мусулмонлар билан савдолашадилар. Яқин-йироқдан келган қарлуқ<sup>3</sup> деҳқонларининг уюм-уюм ўтин у сомон, қоп-қоп буғдою тариқлар босилган ғўлабирдай қўпол аравалари турнақатор туради.

Хаёллар денгизи ичра кезиб, бир кенг майдонга чиқдим. Бу ер ҳам бир ажиб бозор эди. Чин, Ҳиндистон, Эрон ва Араб савдогарлари

<sup>1</sup> Яғмо – айни даврда Қорахонийлар ҳудудидаги асосий қабилалардан бири.

<sup>2</sup> Ябоку – қорахонийлар тобелигида яшаса-да, ислом динини қабул қилмаган қабилалардан бири.

<sup>3</sup> Қарлуқ – қорахонийлар ҳудудидаги асосий қабилалардан бири.

Фарҳод Жийлон ўз ижодини 1960 йиллардан бошлади. Дастлабки ҳикоялари, айниқса, “Ўрхун шажараси” романи жамоатчиликка манзур бўлди. Бу тарихий романида ўрхун-уйғур хонлиги (744–840-йиллар) тўғрисида ҳикоя қилинади. Кучу-уйғур хонлиги (850-1350-йиллар) тўғрисида “Идикут юлдузи” номли навбатдаги тарихий романини ёзиб халқ меҳрини қозонди. Фарҳод Жийлон рус тилидан бир қанча таржималар, жумладан, Александр Дюманинг “Граф Монте Кристо” номли машҳур романини, Н.А.Баскаковнинг “Туркий тиллар” асарини, тилшуносликка оид кўплаб илмий мақола, ҳикояларни таржима қилган.

Айниқса, туркий халқларнинг бутун дунё тан олган биринчи тилшунос олимга бағишланган «Маҳмуд Кошғарий» романи адибга катта шухрат келтирди.

хилма-хил асл молларни ёйиб қўйишган. Бу ерда турли мамлакатларнинг хос маҳсулотлари сотилар, айрибошланарди.

Оҳ Қашқар, Қашқар! Қадимий шаҳар! Қорахонийлар сулоласининг улкан ўрдаси жойлашган машҳур пойтахт! Қанотланган қаламим тарих саҳифалари аро кезиб, масжид-мадрасаларнинг зарҳал қуббаларини ва чексиз осмон қаърига бўй чўзган минорлар ора-лаб, кўз ўнгимда хон саройини намоён қилди. Сарой деворларига рангин гиштлар билан безак солинган, эшик-панжалари мураккаб ўйма нақшлар билан зийнатланган. Қаламим олтин тахтда ўтирган бир мўйсафид сиймосини чиза бошлади. У бошига баҳмал дўппи, эгнига кимхоб тўн кийган. Соқоли Тангри тоғ қорларидай оппоқ, ўткир кўзлари замон сирларидан воқифдек хаёлланиб бир белгисиз нуқтага тикилган... Эй қалам, унинг салоҳиятини китобхонларга ошкор қил! У — Хоқония, Ўдун, Кўчо ва Мовароуннаҳрнинг буюк хоқони. Унинг исми Юсуф Қодирхон. Аббосийлар халифаси унга “Малик ул-Машриқ ва Чин” деган фахрий ислом унвонини тақдим қилган. У Қашқар, Ўдун, Кўчо каби юртлардан то Жайхун ва Сайхун оралигидаги жойларгача бўлган кенг заминдаги ерли эликхонларни<sup>1</sup> бирлаштириб, хонликни мустақкамлаган. Бундай улуғ ишлари боис, у Юсуф Қодир Арслон Буғро Қорахон деб улуғланади.

У бор гайратини, бутун умрини қорахонийлар қудратига қудрат қўшиш учун сарфлаган эди. Энди қариди. От чоптириб, қилич ўйнатган даврлари ўтиб кетди. Шон-шуҳрат самосида аркон талашиб шунқордек парвоз қилган, кураш уммонига шўнгиб, баҳодирлик майдонида арслондек наъра тортган навқирон фасл қайтиб келмайди.

Олтин тахтда ясланиб ўтирган хоқон шу тобда нималарни ўйлаётган экан? У узоқ ўтмиши: хатарли, жафоли ва шарафли масоф (жанговар юриш)ларини эслаяпти.

Эй қалам, унинг шу хотираларини китобхонларга баён қил!

Қорахонийлар замини гоят зўр хавф ичида турар эди: Бир ёқдан тубутлар<sup>2</sup> таҳдид солар, яна бир томондан ғазнавийлар фитна уюштиради, ислом динига кирмаган кўчманчи ябоқу ва басмил қабилалари парокандалик келтиради, хонликнинг ғарбий музофотига салжуқийлар вақт-бевақт ҳужум қилиб туришарди.

Кечмишнинг ана шундай суронларида Юсуф Қодирхон тахтга ворислик қилди. У, гўё, ҳалокатдан башорат бериб, қорахонийлар замини узра бостириб келаётган қора булутларни тарқатишга бел боғлади. Довуллар еру кўкни ларзага солди. Неча минглик катта қўшин оёққа қалқди. Юсуф Қодирхон салтанати белгиси — тўққиз сариқ байроқ баланд кўтарилди. Жанговар қўшин олдида қарағай тасвири қизил байроқ ҳилпирарди. Оппоқ арғумоқ минган Юсуф Қодирхон қўлини кескин силтаб, қўшинни ҳар тарафга йўналтирди. Қашқар, Болосоғун, Барсғон, Кўчо каби ерлардан отланган буюк хоқон Юсуф Қодирхон қўшини тоғлар ошди, дарёлардан кечди, чўллар кезинди. Қонли жанглар бўлди. Баъзан осойишталик

<sup>1</sup> Марказдан бошқа жойлардаги ҳукмдорлар “эликхонлар” деб аталган.

<sup>2</sup> Т у б у т — денгиз йўли билан Ямандан Чинга бориб қолган бани Собит авлодлари бўлган қавм номи.

билан сулҳ тузилди. Ниҳоят, хатар тоғлари емирилди. Қорахонийларга қаратилган таҳдид ва фитналар барҳам топди.

Бири бостирилса, яна бир офат бош кўтарарди. Лекин бу навбат аввалгисидан-да хавфли эди. Хонликнинг гарбида ерли хон ва беклар бузғунчиликни авж олдирди. Жаҳон саҳнасида мағрур қад кўтариб турган ушбу мустақкам кўрғон, бир неча авлод, неча хон: Арслонхон, Буғрохон, Қорахонийлар салтанати остида гуллаб, юксалиб келаётган кенг замин истиқболида парчаланиш хавфи турарди. Жанг довуллари яна гумбурлади. Юсуф Қодирхон ғазабга келди. У катта ўғли Сулаймон Тегин билан иккинчи ўғли Муҳаммад Тегинни даргоҳига чақиртирди.

— Бундай бузғунчиликка йўл қўйманг! — деди хоқон. — Парокандалик ҳалокаатга боис бўлур. Эл бирлиги мудофааси учун отланинг!

Сулаймон Тегин билан Муҳаммад Тегин икки йўлда айрилиб, Мовароуннаҳрга қўшин тортиб кирдилар. Ўзаро даҳшатли қиргин — ички уруш бошланиб кетди. Икки Тегин Жайхун ва Сайхун ерларини бошдан-оёқ кезиб, шахсиятпараст бек, фитначи эликхонларнинг катта-кичик исёнларини битта-битта бостирдилар.

Қорахонийлар бирлиги сақлаб қолинди. Икки Тегин қўшинлари зафар кучиб, Қашқарга қайтди. Юсуф Қодир Арслон Буғро Қорахон унвон тақдим қилиш маросими ўтказди. Катта Тегинга “Буғро”<sup>1</sup> унвони берилди ва у Сулаймон Буғро Тегин деб аталди. Иккинчисига “Йўғон”<sup>2</sup> унвони берилди ва у Муҳаммад Йўғон Тегин деган ном олди.

Хоқоннинг фармонида биноан, Сулаймон Буғро Тегин ворис сифатида ўрдада қолди. Муҳаммад Йўғон Тегинга хонга тегишли юрт — Ўпол диёри ҳадя қилинди ва у зарбдор қўшинга қўмондон бўлиб, Ўполнинг ёзги қароргоҳи бўлган қалъадан ўрин олди.

Шавкатли тождор Юсуф Қодир Арслон Буғро Қорахон олтин тахт-да ўтириб жанговар кунларни эслади, улуғ ишлари кўз олдидан ўта бошлади. У хаёлчан кўзлари билан йироқларга назар ташлади. У гўё бутун Қашқарни, ўз ҳукми остидаги қишлоғу шаҳар, сахрою адирларни кўриб чиқди. Кейин мамнун бўлиб, ўз-ўзига хитоб қилди:

“Ўзингга шукур, Худованди Карим, қорахонийлар замини мустақкамланди. Тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб, қадим маданиятли эл, гўё, Тангригоҳдек мағрур қад кўтарди, қудрат топди!”

Юсуф Қодирхон ўз ҳаёти қандай кечганини ҳозир тўла маъноси билан тушунди. Ё Раббим! Хоқон бўлмақ нақадар мушкул! У умрини муттасил курашларда ўтказди. Мабодо унинг юрагига назар солиш мумкин бўлганда эди, бу юрак турли-туман ғам-андуҳ, қаҳру ғазаблар билан лиммо-лим эканлигини билардилар. “Тавба! — ўйлади Юсуф Қорахон, — куйиб, тугаб бораётган бу юрагимда жиндай ҳаловатга жой топилурму? Бу олтин тахт, беҳисоб бойликлар бахт ато этдиму? Умрим кураш майдонларида ўтди. Жанглар ҳам барҳам топди. Афсус! Менга бу осойиш кунлар фароғати насиб қилмади. Қодир Эгам мени курашлар учун яратган экан. Шу курашларга сарфлаган меҳнатим мевага кирганда ҳаётимга куз хазонлари хуруж қилмоқда...”

<sup>1</sup> Б у г р о — хоқония тилида «туя».

<sup>2</sup> Й ў г о н — хоқония тилида “фил”.



Юсуф Қодирхон олтин тахтга суяниб, пешонасини кафтига олди ва яна хаёл денгизига ғарқ бўлди. Оҳ, ҳаёт... Қисмат... Тўсатдан Қорархон бошини кескин кўтарди, кексалик соя солган сўлгин қиёфаси жонланиб кетди, нурсизланган кўзларида қайта ўт чақнади. “Йўқ, — деди у ичида, — ўзимни саодатли тахт соҳиби деб аташга ҳақлидурмен. Эл омонлигига дахл этмади. Шунинг ўзи ҳам бутун олам ичра энг юксак бахт эмасму?!”

Юсуф Қодирхон олтин тахтдан секин тушиб, нақшинкор дераза ёнига келди ва қўшқанот панжараларни кенг очиб юборди. Анвойи гуллар, мевали дарахтларнинг хуш ифори сингиган соф ҳаво димоққа урди. Юсуф Қодирхон кўкрагини тўлдириб нафас олди.

Сулаймон Бугро Тегин билан Муҳаммад Йўғон Тегин икки томондан келиб турдилар. Улар хон отасининг сўнгги васиятини эшитиш учун махсус чақиртирилган эди.

— Нақадар роҳатбахш ҳаво! — деди Юсуф Қодирхон, — Қашқарнинг ҳавоси шундай боҳаво бўлганлиги учун хонлигимиз пешвоси Алп Эр Тўнга ҳам шу ерларда макон тутган ва Қашқарни “Ўрдукент” деб атаган. Ўшандан бери бу азим шаҳр хоқонлик пойтахтидур.

Юсуф Қодирхон йироқлардаги маълум бир нуқтага тикилиб қолди. Тиниқ осмонда оппоқ момикдек булут парчалари ларзон кезинади.

Сулаймон билан Муҳаммад эҳтиром билан сукут ичра туришарди.

Юсуф Қодирхон сўзида давом этди:

— Алп Эр Тўнга бутун умр элимиз эсонлиги учун курашди. У эронийлар билан йиллар урушди. Шу урушларнинг бирида қурбон бўлди. У оламдин ўтди. Лекин юрт тинчлиги сақлаб қолинди. Эронликлар кўп талафот кўриб истилочиликни тўхтатишди. Алп Эр Тўнгадек аждоларимиз муқаддас қони эвазига бунёд бўлган хоқонлик борган сари юксалди, гуллаб-яшнади. Биз ана шу Алп Эр Тўнга Қора Хоқон авлодидурмиз.

Юсуф Қодирхон ҳолсизланиб деразадан ўзини четга олди. Икки Тегин дарров келиб уни қўлтиғидан ушлаб, суяб тахтга ўтқизишдида, ўзлари тахтнинг икки ёнидан: Сулаймон ўнг тарафдан, Муҳаммад сўл томонидан ўрин олди.

— Кейинги вақтларда туманлардаги нодон эликхон, очкўз бекларнинг қилмишлари аста-секин фош бўлди, — Юсуф Қодирхон давом этди, — Аллоҳга шукрлар бўлсунки, холис ниятимиз баракотидин Аллоҳ таоло ишимизга ривож берди. Кўнгли қора бузғунчилар тегишли жазосини олдилар. Хонлигимиз мустаҳкамланмоқда. Лекин эмди парокандалик юз бермайдур, деб бўлмас. Мен боқий оламга сафар қилгач сиз ҳар доим сергак ва ҳушёр турунг. Алп Эр Тўнга Қора Хоқон ўз қўли билан барпо этган хонлигимизда бузғунчилар қутқусига йўл қўйманг! Энг аввал ўзларинг иноқ ва иттифоқда бўлинг! “Кенгашлик билиг ўзрашур, кенгашсиз билиг ўпрашур”<sup>1</sup> деган ҳикматни ҳаргиз унутманг. Кенгашли иш қилинг ва дастингизда яроғни маҳкам тутинг!

Икки Тегин ўрнидан туриб, таъзим бажо келтирдилар.

— Айтганингиздек қилурмиз, муҳтарам хон ота! — дея қасамёд қилдилар, — эл учун жонимизни-да аямаймиз. Ҳеч бир тажовуз ва бузғунчиликка асло йўл қўймаймиз.

<sup>1</sup> Кенгашли иш ўзлашар, кенгашсиз иш бузилар.

– Кўб бўлди. Тўшак қилиб ётиб қолдим, – Юсуф Қодирхон яна сўзлади, – эл-улусни кезолмадим, лекин сиз менинг кўрар кўзим ва эшитар қулоғимдурсиз. Қани, айтинг, ҳозир хонликнинг юмуши нечук? Элнинг аҳволи нетак?

– Хонликдаги барча ишлар амр-фармонингизга мувофиқдур, – деди Сулаймон.

– Буюк Хоқонияда тинчлик ва эсонлик, – деди Муҳаммад Йўғон Тегин.

– Маъқул, – деди Юсуф Қодирхон титроқ ва бемадор қўли билан оппоқ соқолини силаб, – шундоғ бўлса бу дунёдин хотиржам кўз юмгаймен.

Дарвоқе, у умр адоғини беармон ўтказди ва хотиржамлик билан кўз юмди.

Ўрда битикчиси хонликнинг шажара китобига қуйидаги сўзларни битиб қўйди:

“Бу хонлар хони, малик ул-Машриқ ва Чин Юсуф Қодир Арслон Буғро Қорахон Ҳақ Таолонинг илтифоти ила буюк хонлик олтин тахтида ўттиз беш йил ўтириб, донолиги ва ботирлиги билан халқни оламга машхур бўлиб, тарих ҳижрий 424 йил<sup>1</sup> остонамиз<sup>2</sup> Қашқарда фоний дунёдин боқий оламга сафар қилди. Илоҳим, ётқон ери жаннат бўлғай, омин!”

Анъанага мувофиқ, катта тегин хоқон бўлди ва Сулаймон Арслонхон деган ном олди. Иккинчиси “Буғрохон” унвони билан ўринбосар бўлиб, Муҳаммад Буғрохон деб аталди.

Ўрданинг мусибат хабари ва Сулаймон тахтга ворис бўлганлигини эълон қилиш учун учқур тулпор минган чопарлар атрофдаги эликхонларга елдай елиб кетишди.

Мўйсафид Юсуф Қодирхон ўрнида энди навқирон Сулаймон Арслонхон ўтириб, битикчиларга ёрлик ёздирар, ўзга элларга ялавочлар<sup>3</sup> йўллар, лашкарбоши ва тархонларга фармон бера бошлаган эди. Унинг имосига шай сарой аҳли таъзим ила итоат билдириб:

– Хосиятли амру фармонлари биз учун вожибдур, саодатли Сулаймон Арслон Қорахон! – деб жавоб беришарди.

Арслонхон буғрохонлар салтанати анъаналарини давом эттира бошлади.

## АРСЛОНХОН ҲУЗУРИДА

Ҳижрий 432 йил<sup>4</sup> Ёз.

Сулаймон Арслонхон салмоқли қадамлар билан келиб тахтга ўтирди ва ечими йўқ мушкул масалага дуч келган каби ўйчан, қовоқлари солинган, анча вақтгача жим қолди. Ҳорғин ва нурсиз кўзлари билан тахтнинг икки ёнидан пойгоҳгача қўл қовуштириб турган аъёнларига назар ташлади-да, имлаб ўтиришга ижозат берди ва яна сукутга чўмди, нақшинкор панжараларга тикилди. Кейин аста бошини кўтариб қуббасимон меҳробнинг олтин ҳалли безакларига кўз югуртди. Бирпасдан сўнг бўйни толиб бошини саланглатди-да, пойи-

<sup>1</sup> Милодий 1032 йил.

<sup>2</sup> О с т о н а – пойтахт.

<sup>3</sup> Я л а в о ч – элчи.

<sup>4</sup> Милодий 1040 йил.

даги чўгдек гиламга тикилиб қолди. У чигал саволларга жавоб тополмагандек эди.

Ниҳоят, у бошини буриб, турнақатор аъёнларни зимдан кузатди. Уларни танимаган каби бироз хаёлланиб бир-бир назардан ўтказди. Ким булар? Қимматбаҳо, зарбоф кимхобларга бурканган бир-биридан салобатли кишилар кимлар? Сулаймон Арслонхон уларни нега танимасин? Улар ўрда амалдорлари, вазир-визаролар эмасми? Улар: туксун, ёбғу, ҳожиб<sup>1</sup> каби сарой аъёнлари ўнг ёқда; сувбоши, тойингур, илимка<sup>2</sup> сингари амалдорлар сўл ёнда. Ҳаммаси курсиларда ҳайкалдек тош қотган, чуқур сукут ичида ўтирар, хонликнинг бу олий ҳукмдорига маҳтал эдилар.

Сулаймон Арслонхон оқ ипак салласининг кўксига туширилган дасторпечини бир қўли билан ўйнаб қўйди-да, ўнг ёнига қаради. Вазирлардан юқорида, тахтнинг ўнг ёнида оқ, кўк, яшил саллалари бир гуруҳ кишилар ўтирардилар. Вазирлардан ҳам юқорида турганига қараганда, уларнинг ўзга юртли ялавочлар эканлигини сезиш қийин эмас. Дарҳақиқат, бу кишилар ғазнавий<sup>3</sup> ялавочлари эди. Шу пайт кимки Арслонхонга синчиклаб қараса, кўзларида шу ялавочлар боис бўлган тоқатсизликни кўрган бўларди.

Ҳақиқатан ҳам Сулаймон Арслонхон қалбида пайдо бўлган кўнгилсизликка шу ялавочлар сабаб эди. Улар Қашқарга иккинчи бор келган эдилар. Бундан бир ой илгари бу ялавочлар ғазнавийлар султони Масъуднинг Сулаймон Арслонхонга ёзган мактубини олиб келгандилар. Мактубда ғазнавийлар ва салжуқий туркманлар ўртасидаги Дандонқон жангида ғазнавийлар қўшини мағлуб бўлганлиги хабар қилиниб, қорахонийлардан ёрдам ўтинган эди. Ялавочлар қабул маросимида Арслонхоннинг катта иниси Муҳаммад Бугрохон ҳам иштирок этган эди. Маросимдан сўнг ака-ука хонларнинг фикрлари бир ердан чиқмади. Бугрохон ғазнавийларга имдод беришдан қатъий бош тортганлиги учун ўртада ихтилоф юзага келди. Арслонхон но-илож султон Масъуд ялавочларига кўмак тўғрисида лом-мим демай, рисоладагидек дўстона сўзлар ва қимматбаҳо совға-саломлар билан кузатиб қўйган эди. Орадан бир ой ўтиб, улар яна келган эдилар.

Сулаймон Арслонхоннинг боши қотди. У ғазнавийлар билан дўстона муносабатни узмаслик, салжуқийлардан қорахонийларга келиши мумкин бўлган таҳдидни чеклаш учун уларга ёрдам бериш фикрида эди. Бироқ Муҳаммад Бугрохон бунга илло-билло рози бўлмади. Боз устига ялавочларнинг бу галги ташрифидан кейин у Ўполга қайтиб кетди. Тобим йўқ, дея баҳона қилиб ётиб олганига ҳам мана тўрт кун бўлди. Арслонхон инисининг мижозини билар, терслиги тутса, дод деган билан бекор, гапга кўнмайди. Иложсиз қолган Арслонхон бир томони Бугрохондан хафа бўлса, ичида ғазнавийларни ҳам қарғарди: “Тангри урсун, сўқушқоқлар! Тенг келолмасанг, уруш кўзгаб не қилурсен?”

<sup>1</sup> Туксун, ёбғу, ҳожиб — турли хил вазирларнинг амал номлари.

<sup>2</sup> Сувбоши, тойингур, илимка — вазирлардан бир даража куйи турадиган амалдорлар.

<sup>3</sup> Ғазнавийлар хонлиги — ҳозирги Афғонистон заминини асосий ҳудуд ҳилган ва Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эроннинг бир қисм ерларини ўз ичига олган мамлакат.

Хоқон билан вазирлар тўрт кундан бери бир қарорга келолмай, султон Масъуд ялавочларини турли базму зиёфатларга кўмиб, аниқ жавоб айтмай, бошқа аъёнларнинг фикрини ҳам билиш учун вақтни чўзмоқда эдилар.

Мана бугун ҳам Арслонхон саройида ялавочлар учун махсус базм ҳозирланган эди.

Сулаймон Арслонхон ўрда аҳли ва ялавочларга яна бир бор кўз югуртириб чиқди-да, эшик олдида қўл қовуштириб, буйруқ кутиб турган бирукка<sup>1</sup> қараб имлади ва:

– Базм бошлансун! – деди бўғиқ овозда.

Учли бахмал бўрк кийган бирук икки букилиб таъзим қилди ва ён эшикни очиб:

– Нағмачилар! – деди баланд овозда.

Хоқон ҳузуридаги базмга муносиб ясанган бир тўп ёш йигитлар чолғу асбобларини кўтариб чиқиб, йиғилганлар адоғига келди-да, тахтнинг қарши томонига қатор ўтиришди.

Дастлаб барбатнинг майин, ёқимли садолари қадимий Қашқарнинг мунгли куйларидан бошлади. Барбатчи йигит ширин хавотирни кечираётган жунунваш ошиқдек бошини қуйи солиб, бутун вужуди билан берилиб барбат чаларди. Куй борган сари жиддийлашиб, авжига етганда, барбатга шўх танбур қўшилди. Сўнг бошқа нағмачилар ҳам жўр бўлдилар. Най, гижжак ва доира садолари даврани қизитарди. Куй куйга уланди.

Аъёнлар иштиёқ билан тинглашмоқда эди. Қорахонийлардан тузук жавоб ололмай боши қотган ялавочларнинг ҳам кайфияти чоғлана бошлади. Фақат Арслонхон ҳануз қовоғини очмай, букчайганча жим ўтирарди.

Куй тугади.

Арслонхон гўё чўчиб уйғонгандек, илкис атрофга қаради-да, ажнабий ялавочларга ғамгин кўринишни ўзига эп кўрмай, базўр кулимсираб, нағмачиларга “боракалло” деди ва бирукдан сўради:

– Хўш, яна не томоша ҳозирланмиш?

– Шавкатли хоқоним ижозат берсалар, ҳикматлар маскани Бағдод шаҳридин келган раққосалар жавлон қилурлар! – деди бирук икки қўлини кўксига қўйганича эгилиб.

Арслонхон ижозат берди.

Нағмачилар кирган хона рўбарўсидаги нақшинкор қўш қанот эшик очилди-да, бир тўда нозанин қизлар мисли капалаклардек қанот қоқиб чиқиб келишди ва амалдорлар орасидаги бўш қолдирилган жойдан ўтиб тахт олдига келди.

Куй сеҳри Нил бўйларидаги йироқ юртнинг анвойи рақсларига бошлади. Раққоса қизлар ёқимли оҳангларига жўр бўлиб бор маҳоратларини кўрсата бошладилар. Уларнинг шўх ҳаракатлари даврага ўзгача файз киритди. Илк ташрифи бўлган бу араб қизлари нозу карашмалари билан ўзларига маҳлиё қилиб, кўзларни куйдирди. Аъён-

<sup>1</sup> Б и р у к – саройнинг меҳмон кутиш ишларига масъул амалдор. М.Кошғарий «Девон»ида бу сўз «бирук» тарзида берилган ва шундай изоҳланган: «Шоҳ ёнида катталарни ўз жойига ўтказувчи киши. Бу сўзнинг асли «буйруқ», чунки у шунга буюради». (Тарж.).

лар хоқонга зимдан қараб қўйишар, Арслонхоннинг базмни бекор қилиб юборишидан хавотирда эдилар.

Лекин Сулаймон Арслонхон ҳам берилиб томоша қилмоқда эди. У гоҳ хузувланиб, оқара бошлаган соқолини бармоғи билан тутамлаб қўяр, гоҳ ўсиқ қошлари кўтарилиб, кўзлари чақнаб кетарди. “Ростданам мақтаганларича бор экан!” — деб ўйлади хоқон. Кеча тобғучи<sup>1</sup> хузурига кириб, Бағдод раққосалари тўғрисида айтиб, чиқимини кўрсатганда у: “Баҳоси жуда баланд-ку?” — деб ажабланганди. Тобғучи таъзим қилиб: “Шавкатли хоқоним, улар сара соҳибжамоллар, рақсларини бир кўрсалар эди”, — деганди.

Сулаймон Арслонхон раққосаларни кўриб, тобғучига мамнуният-ла бош ирғаб қўйди. Хоқондаги ўзгаришни кўриб, аёнлар ичра ўтирган тобғучи кўнгли эмин топди.

Арслонхон ўрдасида Қашқар, Болосоғун, Ўдун, Кўчо ва Самарқанднинг машҳур санъат намояндалари жам бўлган эди, буюк хоқон жавахирларни аямай, Хуросондан ҳам уста созандаларни келтирган эди. Қашқар ўрдасида бебаҳо машҳур созандалар, атоқли ашулчилар, гўзал раққосалар бот-бот томоша кўрсатиб, буюк қорахонийлар хоқонининг кўнглини олиш учун жон куйдириб, бор ҳунарларини ишга солмоқда эдилар. Лекин ҳали халифаликдан келган араб санъаткорлари Арслонхон хузурига томоша кўрсатишмаганди.

Саройдаги базм борган сари қизир, рақс авж олмақда эди. Силлиқ қизил ипақдан бўғма шим кийган, бел ва билаклари очиқ араб қизлари сурма қўйган қош-кўзларида жилва ўйнаб, Бағдод, Шом ва Мисрнинг танларни жунбушга келтирувчи рақсларини намоиш қилмоқда эдилар. Улар худди сокин қўлда сузиб юрган оққушлардек майин ҳаракат қилиб, кишиларни бир дам ширин туйғуларга чўмдирса, бир дам худди тип-тиниқ сувда сузиб юрган олтин балиқлардек тўлганиб момиқ баданларини ўйнатиб, хоқон ва вазирларнинг дилларида ҳаяжон кўзгарди.

Ниҳоят, раққоса қизлар нағманинг хуш ниҳоясида нозу истиғно билан эгилиб таъзим қилишди ва бу олий мартабали томошабинларнинг кўзларини оловлантириб, кийикдек ўйноқлаганча югуриб майдондан чиқишди-да, эшик олдида тўпландилар.

Вазир ва амалдорлар хоқоннинг яккаҳон рақс ёки қўшиқ эшитиш учун буйруқ беришини кутган эдилар. Шу пайт қопуғбоши<sup>1</sup> соядай сас чиқармай кириб келди-да, оёқ учида юриб тахт олдига келди ва кўллари қовуштирганича аста энгашиб, хоқонга деди:

— Шайхулислом Ҳисомиддин ибн Мусо ҳазратлари буюк хоқонимизнинг муборак дийдорини тавоф айлаш орзусида қадам ранжида қилмишлар.

Бемаҳал келган меҳмон Арслонхоннинг руҳини туширди. Шайхулислом исмини эшитиб, нохуш хаёллари яна кўзгалди. Арслонхоннинг Бугроҳон билан дастлабки ихтилофига ҳам шу Ҳисомиддин ибн Мусо сабаб бўлган эди.

Уч йил муқаддам вафот этган кекса шайхулислом ўрнига қўйиладиган номзод масаласи устида Арслонхон Муҳаммад Бугроҳон билан музокаралашган эди. Икки хоннинг гапи бир ердан чиқмади.

<sup>1</sup> Т о б ғ у ч и — молия амалдори.

<sup>2</sup> Қ о п у ғ б о ш и — хон саройининг ички ишларини бошқарувчи амалдор.

Сулаймон Арслонхон бу ўринга қозикалон мансабида бўлган мазкур Ҳисомиддин ибн Мусони лойиқ топди. Муҳаммад Бугрохон бўлса Сочия мадрасасининг бош мударриси Ҳусайн ибн Халафни маъқул кўрди. Ҳар икки хон ҳам ўз фикрларида қатъий қолдилар. Арслонхон Ҳисомиддин Мусони “тадбиркор, қўлидин иш келур” деб таърифласа, Бугрохон Ҳусайн Халафни “билимли, катта олим”, деб далил келтирарди. Баҳе Ҳисомиддин ибн Мусо фойдасига ҳал бўлди.

Сулаймон Арслонхон янги шайхулислом билан жамоат намозидан ташқари ҳам суҳбатлашар, ўзга мусулмон ҳукмдорлар каби турли масалаларда у билан маслаҳатлашар, ички-ташқи ишларни ҳал қилишда фикрини сўрар, фатволарини ихлос билан тингларди.

Хусусан, бугун ҳам Арслонхон шайхулисломнинг келишини тоқатсизлик билан кутиб ўтирган эди. У газнавий ялавочларга сўнгги қатъий жавобни беришдан аввал катта иниси Бугрохон билан кенжа иниси Маҳмуд Арслон Тегиннинг муносабатларини ўзларига билдирмай билиб олишга қарор қилган ва бу махфий вазифани шайхулисломга топширган эди. Нафсиламрини айтганда, Арслонхон уни мана шундай юмушлар учун мазкур мансабга ўтқизган эди. Чунки бундай ишлар шайхулисломга чўт эмас эди.

Сулаймон Арслонхон бетоқат кутгани шайхулислом, ниҳоят, келган эди. Лекин бугунги базм боис кундан-кунга улғаяётган изтироблари бир нафас бўлса-да, унут бўлиб руҳияти тетиклашган, кайфияти чоғ эди. Шунинг учун ҳам бу содиқ маслаҳатчисининг қасддан қилгандек айтиши шу дамда пайдо бўлиши хоннинг бироз ранжишига сабаб бўлди.

Базм иштирокчилари сукунат ичида Арслонхоннинг қарорига маҳтал, ҳатто қопуғбоши ҳам ҳануз эгилганча хоқон амрига мунтазир эди. Арслонхон ҳордиқ олаётган каби кўзларини юмиб, бошини секин орқага ташлаб бўғиқ овозда деди:

– Кирсун!

У яқинлашиб келаётган қадам шарпасини эшитиб, кўзларини очганда шайхулислом Ҳисомиддин ибн Мусо тахтнинг олдида бош эгиб, таъзим қилганча турарди.

– Хуш келибсиз, ҳазрати шайхулислом, баҳузур ўлтургайсиз, — дея Арслонхон ўнг ёнидаги вазирлар қаторини кўрсатиб.

Ҳисомиддин ибн Мусо баланд бўйли, озгин бўлиб, узун яшил шоҳи тўн устидан оқ яктак кийган, силлиқ қилиб таралган сийрак соқоли оқара бошлаган, бошидаги катта оқ салласи оғирлик қилгандек бироз букчайган кўйи турарди. У хоқонга салом ва ҳурмат адо қилиб, вазирлар томон бурилди. Ва бу дунёнинг ҳикматлари эга авлиёдек қиёфасига улғувор тус берди-да, туксун ва бош ҳожибнинг ўртасидаги бўш ўринга келиб ўтирди.

Арслонхон имлаб нағмачи ва раққосаларнинг чиқиб кетишини буюрди. Бу ҳолдан базмда иштирок этаётган вазир ва амалдорлар надоматда қолди. Хоқон шайхулисломнинг муҳим хабар билан келганлигини фаҳмлаган, йўқса, у бундай бемаҳал келмаган бўларди.

Хоқон базмни тўхтатиб, ҳурматга сазовор бу зотнинг кўнглига ёқадиган иш қилдим, деб ўйлади. Ваҳоланки, бу салобатли шайхулислом гарчи хонлик жомеъ масжидида ҳар жума намозидан сўнг мўъминликни тарғиб қилиб, бу ўткинчи дунёнинг ҳою ҳавасларига берилмаслик ҳақида жамоатга ваъз ўқиса ҳам, айтиши дамда у чиқиб

кетаётган раққоса қизларнинг орқасидан худди қўзичоқни кўриб қолган бўридек кўзлари ўйнаб, ўгринча қараб қолган эди. Бу ҳаракати билан ҳали у авлиёлик даражасига етмаганлигини ошкор қилиб қўйди. Сулаймон Арслонхон қиз-жувонларнинг жилвасини томоша қилишни “ўзига муносиб кўрмайдиган” бу мўътабар маслаҳатчисининг яширин кўз ҳаракатларини кўрмасликка олиб деди:

— Хўш, эмди шоирларимизнинг дурдона илҳомларидин баҳра олайлик!

Ўрда шоирлари навбат билан ўртага чиқиб, машҳур Ўдун қоғози-га битилган шеърларини ўқий бошладилар. Илҳом чашмасидан қайнаб чиққан ҳикматли сўзлар ва гўзал мисралар, бамисоли олтин тахт олди-га бебаҳо поёндодек ёйилди. Дабдабали мадҳия ва қасидалар худди анвойи хушбўй гуллардек Арслонхоннинг боши узра сочилди.

Мадҳиялар ўқилиб, вазир ва амалдорлар шоирларга мақтов-олқиш ёғдирдилар. Арслонхон бу ижтиҳодли қалам соҳибларини олтин, кумушлар билан сийлади. Сўнг хоқон маросим ниҳоясига етганлигини эълон қилди.

Ўрда аёнлари ва газнавий ялавочлар чиқиб кетишди. Арслонхон хузурида ёлғиз шайхулислом қолди. Шайхулислом гапни қандай бошласам экан, дегандек ўйга толди. Арслонхон ором олаётган каби вазминлик билан ўрнидан турди ва ирғанглаб келиб шайхулислом Ҳисомиддиннинг ёнидаги курсига ўтирди.

— Қани, сўзланг, ҳазратим, — деди у шайхулисломга тикилган кўйи.

Ҳисомиддин ибн Мусо бироз ўйланиб, томоғини қирди-да, гапни узоқдан бошлади:

— Хоқон Тангрининг ердаги сояси демакдур. Шу боис хонга бўйсунмоқ — вожиб...

Шайхулислом бир муддат жим қолиб, кўз остидан хоқонга қараб қўйди. Арслонхон гавдасини сал энгашиб жиддий тингламоқда эди. У гапнинг давомини кутмоқда эди.

— Фақир шавкатли хоқоннинг энг содиқ мухлиси бўлганим учун хонлигимиз ичида бош кўтариб чиқаётган иноқсизликдин жуда хавфсираб қолганмен...

У яна хоқонга кўз ташлади. Арслонхон “сўзлайвер” деб имо қилди.

— Ишончли кишиларимиз етказган хабарларга кўра, — деди Ҳисомиддин ибн Мусо, — хоқонимиз кичик амакиси Тўғонхон билан кенжа иниси Маҳмуд Арслон Тегин аввалги кун шикордин қайтаётиб, ташвишли гапларни қилмишлар. Тўғонхон: “Сулаймон тўрт девор ичига қамалиб, кун бўйи муфтиларга термилиб ўтирмай, кўпроқ отда юриб, эл сўраб, кентдаги амалдорларнинг саъй-ҳаракатларини, фуқаро аҳволидин бохабар бўлиши лозим эди” деганмиш. Фақирга бениҳоя алам қилгани шуки, Арслон Тегин ҳам унга қўшилиб: “Хон оғам бурунги чоғларда баҳодирлиқ бобида шараф қозониб, Арслонхон деб аталган бўлса-да, бугун илгариги арслонваш хоқон эмди йўқ”, деганмиш.

Шайхулислом хоқоннинг кўзига термилиб яна жимиб қолди.

Арслонхон ҳасрат чекиб, хаёл огушида ўтирарди. Сўнгги вақтларда бундай гаплар бир неча марта қулоғига чалинган эди. Тўғонхоннинг ҳам, Арслон Тегиннинг ҳам ўрда бошқарувидан норози эдилар. Арслонхон буни биларди.

– Хўш, яна не гап? – сўради Арслонхон. У энг муҳими ҳали айтилмаганини сезди.

– Айтай десам, тилим куядур, айтмайин десам, дилим, – дея Ҳисомиддин аламли бош чайқаб қўйди.

– Ҳар нечук гап бўлса ҳам, айтаверинг, шайхулислом, – деди Арслонхон.

Ҳисомиддин яна томоғини қириб, шошилмай сўзлади.

– Фақир хонлигимиз гамида куйиб, беш вақт намозда хон оиласининг иноқлигини тилаймен, Арслонхон салтанати учун дуо қилгаймен. Афсуски, Тўғонхон билан Арслон Тегиндин қайгуланганимда, эмди ундан-да улуғроқ бир қайғу юрагимни қопламиш. Фақир шавкатли хоқоним амрига мувофиқ ниҳоятда ишончли ва устаси фаранг бир кишини Муҳаммад Буғрохоннинг қалъасига, маҳрамликка ўрнаштириб қўйган эдим. Шу киши бугун саҳарда Ўполдин келиб жиддий бир хабар берди. Мен бу хабарни хоқонимизга еткизишни ният қилган эдим. Бироқ бугун Арслон Қора Хоқонимиз газнавий ялавочларни қабул қилганини англаб, пешиндин кейин келишни мувофиқ топдим.

Ҳисомиддин жим қолди. Афтидан қаттиқ ҳаяжонланаётганлиги билиниб турарди.

– Пешиндин кейин, – давом этди у, – Буғрохон хизматидаги ўша киши фақир билан учрашувдин сўнг номаълум кишилар тарафидин ўлдирилганлиги маълум бўлди...

Сулаймон Арслонхоннинг паришонлигини ел олиб кетгандек бўлди. У дарҳол бошини кўтариб, шайхулисломга таажжуб-ла юзланди.

– Шундоғ, у ўлдирилибдур, – деди шайхулислом, – раҳматли бундоғ ишларда жуда эви бор эди. У қорахонийларга содиқлиги билан шаҳид бўлди.

– У не хабар келтирган эди? – Арслонхон анчайин тоқатсизланиб сўради.

– Кеча Ўпол қалъасида Буғрохон билан Арслон Тегин узоқ суҳбатлашибдур, – деди Ҳисомиддин ибн Мусо, – уларнинг не дейишиб, не тўхтама келганлигини уқолмадим. Ҳалиги ўлдирилган киши уларга мулозимлик қилиб, кириб-чиқиб юриб, чала-чулпа қулоқ солибдур. Унинг маълумотича, Буғрохон билан Арслон Тегин газнавий ялавочлар ва газнавий-салжуқий уруши тўғрисида сўзлашганмиш. Арслон Тегин кетгач, Муҳаммад Буғрохон ҳужрасига битикчисини чақиртириб, салжуқийлар султонига бир парча мактуб ёздирибдур. Ҳалиги одамимиз бу мактуб мазмунини ҳам тўлиқ англай олмабдур. Лекин иккинчи мактуб ҳақида билиб олибдур. Иккинчи мактуб Буғрохоннинг катта ўғли Барсгон шаҳрининг ҳоқими Ҳусайн Буғро Тегинга ёзилганмиш.

Шайхулислом бир дам сўзлашдан тўхтаб, Арслонхонга қаради.

– У мактубда не ёзилмиш? – сўради Арслонхон.

– Ҳусайн Буғро Тегинга ёзилган мактубда газнавийларнинг ёрдам сўраб Қашқарга ялавочлар юборганлиги, мабодо, Сулаймон Арслонхон Барсгон ҳоқимига ёрлик тушириб, газнавийларга қўшин билан ёрдам кўрсатишни буюрса, бундоғ буйруқни рад қилишни Муҳаммад Буғрохоннинг ўзи ҳам ҳаргиз газнавийларга ён босиб, салжуқий туркманлар билан урушмасликни ҳамда жангга ҳозирлик кўриб қўйишни айтганмиш.



Бу сўзлар Арслонхоннинг қоқ юрагига теккан шафқатсиз зарба бўлди. Унинг кўзлари қизариб, нафаси бўғилиб кетди.

— Шу гап ростму? — деди у қопқонга тушган қоплондек газаб билан ҳирқираб.

— Рост бўлгани учун бу хабарни фақирга етказган ҳалиги бечора фожиали ўлдирилмиш, — шайхулислом бошини қайғули чайқади. — Унинг бу ҳақда менга айтган хабарини кимдир англаган, билиб қолган бўлса керак! “Ёлғиз ерда сўзлашсанг ҳам, секин сўйла, деворнинг ҳам қулоғи бор”, деган ҳикмат рост айтилмиш!

— Демак, Буғрохоннинг қулоғи жуда узун экан-да! — деди Арслонхон секин.

— Бунинг устига, қўлиям жуда узун, — сўз қотди Ҳисомиддин.

Арслонхоннинг қиёфаси даҳшатли тус олди. Икки тиззасига кўйилган муштлари маҳкам тугилди, семиз ва бўйдор гавдаси олдинга интилди. Лекин у ўрнидан қўзғолмай қон тўлган кўзлари билан гилам устидаги бир белгисиз нуқтага тикилиб қолди.

Шайхулислом ҳамдард бўлибми ё кўрқибми, ҳартугул, ўзини оқлаб дудуқланди:

— Фақир... Сулаймон Арслонхон Қора Хоқонга чексиз содиқ бўлганим учун... буларни ўз вақтида маълум қилишни муқаддас бурчим деб билгаймен... Унинг устига, бу ишни шавкатли хоқоним шахсан ўзи фақирга вазифа қилиб топширган эдилар...

Арслонхон унга қарамай имлаб чиқиб кетишга буюрди. Шайхулислом ўрнидан туриб, чуқур эгилиб таъзим қилгач, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Шайхулисломнинг бу галги маълумотлари Сулаймон Арслонхонни ҳақиқатан гангитиб қўйди. Кўпдан бери айғоқчиларнинг, айниқса, шайхулислом саъй-ҳаракатлари билан унча-мунча гап-сўзлар Арслонхонга етиб борарди. Бу махфий гапларни эшитган хоқон ранжиса ҳам унчалик ғам чекмас эди. У Муҳаммад Буғрохоннинг султон Масъуд Ғазнавий билан келишмаслигини ҳам биларди. Лекин бугун маълум бўлганидек, ўз қардоши Буғрохон очиқ-ошкора мухолифатга ўтишини ўйламаганди. “Ё Халлоқи олам! Қардошларнинг тиг кўтариши исёндин дарак!”. Дарвоқе, бу Арслонхонни чўчитадиган иш эди. Чунки Муҳаммад Буғрохон хон сулоласида иккинчи даражали хон эди.

## ХОНЛАР КЕНГАШИ

Ҳисомиддин ибн Мусонинг энг сўнги маълумоти, айниқса, катта иниси Муҳаммад Буғрохон тўғрисида эшитган Сулаймон гафлат уйқусидан уйғонгандек сергак тортди. У гўё кўзларини катта очиб, ўз атрофига, ўтмишга ва келажакка зеҳн билан назар соларди. Қай тарафга қарамасин, қайси масалада бош қотирмасин, чигал ўй-хаёллари бири-биридан ваҳимали, қабоҳатли кўринди. У ўзини тубсиз ўпқонга тушиб қолгандек ҳис қилди. “Эй Парвардигори Олам, Ўзинг мадад бергайсен!”. Шу тобда Арслонхон атрофида ишонгудек, суянгудек, таянгудек кими бор? Арслонхон нега бу ҳақда аввалроқ ўйлаб кўрмади. Қатор масалаларни нега ўз вақтида бартараф қилмади? Нечун бепарволик қилди? Энди тақдири не кечгай? Яна не ишлар, мушкулотлар юз берур?

Сулаймон Арслонхон ана шундай хаёллар ичида ўртаниб кунни кеч қилгач, охири яна содиқ маслаҳатчиси Ҳисомиддин ибн Мусонинг фикрини билишни мувофиқ топди.

У ўз ҳужрасидаги юмшоқ гилам устида у ёқ-бу ёққа юраверишдан чарчаб тўхтади ва олтин чироғпояларда чароғон ўт ёлқинига қараб турар, лекин ҳеч нимани кўрмаётган каби бир дам тикилиб қараб тургач, аста келиб, бир четга солиб қўйилган тўрт қаватли шоҳи кўрпа устига оёқларини узатиб ўтирди. Кейин овоз чиқариб чақирди:

– Маҳрам!

Ташқари хонада Арслонхоннинг хизматига шай хос маҳрам дарҳол бошидаги қизил бахмал телпакни ва эгнидаги яктакни шошапиша тузатган бўлиб, ичкарига кирди-да, қўл қовуштирди.

– Лаббай, буюк хоқоним.

Арслонхон фармойиш берди:

– Қопуғбошига айт, шайхулисломга чопар юборсун. Ҳазрати Ҳисомиддин эрта намози бомдодқа улгуриб келсун.

Эртаси куни хоқон билан шайхулислом бомдод намозини бирга ўқишди.

– Не қилмоқ даркор, ҳазрати шайхулислом?

Намоз ўқиб бўлишгач, Арслонхон жойнамозда туриб, кўнглидаги мубҳамликларни ўз маслаҳатчисига тушунтирди ва юқоридаги саволни берган эди.

Хоқон ёнида жойнамозда юқуниб ўтирган Ҳисомиддин ибн Мусо қисқа йўталди, ўрнидан қўзғалиб қўйди, лекин сўзламади. У бошини қуйи солганча тубсиз хаёл денгизига ғарқ бўлиб бир лаҳза жим қолди. Кейин бўйнини чўзиб, эшик тарафга эҳтиётан қараб қўйди. Хоқон унинг хавотир ичра турганини, ўзи ҳам эҳтиёткорлик лозимлигини фаҳмлади. Ўрнидан туриб, шайхулисломни сарой ичкарисидаги бир кичикроқ хонага бошлаб кирди. Бу уй ниҳоятда жиддий ва махфий суҳбатлар учун махсус ҳозирланган бўлиб, хоннинг хос маҳрамидан бошқаси бу ерга кириши ман қилинган эди. Икковлон гулдор атлас ёстиқларга ёнбошлаб ўтирдилар. Шайхулислом оғиз очиб хоқоннинг “Не қилмоқ даркор?” деган саволига жавоб қайтарди.

– Мен айтмасам-да, буюк хоқонга маълумдурки, хон оиласи ичидаги кўбдин бери содир бўлаётган иноқсизликни, айниқса, Буғрохон олийлари билан бўлган низони тез орада ижобий ҳал қилиш осон эмас. Шу вазҳдин фақир фикрича, ҳозирги вазиятда ғазнавийларга ҳарбий ёрдам беришга имконият йўқтур...

Гап шу ерга келганда Арслонхон тасдиқланган тарзда бошини ирғаб қўйди.

– Бошқа масалаларни кейинроқ ўйлаб кўрайлик, – деди Ҳисомиддин ибн Мусо.

Арслонхон яна бошини ирғади ва маъюсланган ҳолда чуқур хўрсинди.

– Шундоғ бўлсун, – деди у руҳи тушкун ҳолда, – аввал ғазналик ялавочларни жўнатиб юборайлик, кейин Муҳаммад билан бир сўзлашай.

У бир зум жим қолиб, тўсатдан муҳим нарса эсига тушгандек шошиб қўшиб қўйди:

– Ҳа, рост! Айғоқчингизнинг ўлдирилганлигини бошқа тилга олмағайсиз. Муҳаммад билан иккимиз ўртамизда бу ҳақда гап очилишини хоҳламаймэн.

– Иншооллоҳ... – деди Ҳисомиддин.

– Эй Муҳаммад, Муҳаммад! – Арслонхон аламли бош чайқаб, – Сен қандайин терс!.. Қандайин...

У кўнглидаги газабни ифодалайдиган сўз тополмагандек тўхтади, бироздан кейин ҳовуридан тушиб, шайхулисломга мурожаат қилди:

– Ҳисомиддин ҳазрат, муқарриблар аро бу дилхираликлар яна ул-гайиб кетгайму?

– Иншооллоҳ, бундоғ бўлмас, – деди шайхулислом тасалли бериб.

– Муҳаммад иккимиз ўртамиздаги масаланинг чораси борму? – хоқон яна сўради.

Шайхулислом шошилмасдан томоғини қириб қўйди.

– Дарвоқе, Муҳаммад Буғрохон бир сўзли хон, – деди Арслонхонга зимдан қараб.

Хоқон унинг сўзларига жим қулоқ солди. Ҳисомиддин ибн Мусо унга синовчан бир қараб қўйди-да, юмшоқ ва сирли овозда гап бошлади:

– Сулаймон Арслонхон билан Муҳаммад Буғрохон – Хоқониянинг икки олтин аркони. Икки хоннинг ўзаро ҳамдам, ҳамнафас бўлиши биз мўъмин-мусулмонларнинг дуои тилагимиздур, лекин Буғрохон олийлари оқ кўнгул мусулмонларнинг самимий орзу-умидларига муҳолиф йўл тутаётгандек...

Ҳисомиддин “ортиқ гапириб юбордим, шекилли”, деб ўйлаб хоқонга синчиклаб кўз ташлади-да, авзойидан ҳеч бир норозилик сезмагач, янаям мулойим, сирли оҳангда:

– “Кўш қилич бир қинга сиғмас”, деган қадим нақл бор... – деди.

Майин айтилган бу гапдан Сулаймон Арслонхон юрагига нашта санчилгандек чўчиб, ранги ўнгиб кетди.

– Йўқ, йўқ... Ҳисомиддин ҳазрат... ундоғ деманг... – деди нафаси бўғилиб, – ундоғ деманг. Оҳ, Худованди Карим, гуноҳкор банданга ўзинг осонлиқ бергайсен!

Суҳбат ниҳояланди. Арслонхон шайхулисломнинг чиқиб кетишига ижозат берди.

“Кўш қилич бир қинга сиғмас”. Бу сўзлар беаёв отилган пайкон каби Сулаймон Арслонхоннинг миясини тешиб, юрагига қадалгандек бўлди. Икки қилич бир қинга сиғмаса не қилмоқ керак? Ҳисомиддин ибн Мусо не демоқчи? Не демоқчилигини хоқон тушунган эди. У яширин хавфнинг олдини олиб, тожу тахтни сақлаб қолиш учун энг охириги, яъни, энг даҳшатли чорани қўллаш керак демоқчи бўляпти. Йўқ, йўқ! Бу Аллоҳ таолонинг газабини келтирур! Йўқ, яқинлараро зиддиятни у даражага етказмаслик керак.

Арслонхон бу чигал вазиятдан чиқолмай, хаёллари ўтмиш воқеаларига чирмашиб кетди. Дарвоқе, Муҳаммад Буғрохоннинг газनावийларга нафрати сабабсиз эмас эди.

Хонлар хони Юсуф Қодир Арслон Буғро Қорахон ҳаёт вақтида Самарқанд эликхони Али Тегин Ўрдукентга бўйсунмай, исён кўтарган эди. Шунинг учун Муҳаммад Йўғон Тегин (Муҳаммад Буғрохон) хон отасининг бўйруғи билан Мовароуннаҳрга қўшин тортди. Шу билан бир вақтда Юсуф Қодирхон газнавийлар ҳукмдори Султон Маҳмудга мактуб йўллаб, ўғли Йўғон Тегинга ёрдам беришни талаб

қилди. Султон Маҳмуд дарҳол Йўғон Тегинга ёрдамга шошилди. Али Тегин мағлуб бўлгач, қорахонийлар бутунлигига дахл етказадиган бузғунчилик ҳаракатларидан воз кечиб, қўш пойтахт — Қашқар ва Болосоғунга мангу содиқ қолишни билдирди.

Юсуф Қодирхон билан Султон Маҳмуд Самарқанд жанубида учрашиб, дўстлик битимига имзо қўйишди ва Султон Маҳмуднинг қизи Зайнабни Юсуф Қодирхоннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Йўғон Тегинга, Юсуф Қодирхоннинг қизини Султон Маҳмуднинг иккинчи ўғли Амир Маҳмудга унаштириш тўғрисида келишиб олишди. Кўп ўтмай, милодий 1030 йил Султон Маҳмуд вафотидан сўнг бу режа амалга ошмай қолди.

Милодий 1031 йил баҳорида Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг катта ўғли Масъуд Қашқарга ялавочлар жўнатиб, тахтга ворислик қилмоқчи эканлигини ва бу билан икки хонлик ўртасида дўстликни давом эттирмоқчилигини билдириб, Қодирхоннинг қизига уйланиш талабини қўйди. Лекин Юсуф Қодирхон саломатлиги ёмонлашиб, ғазнавий ялавочлар билан бўладиган суҳбат орқага сурилди.

Милодий 1032 йил Юсуф Қодирхон оламдан ўтди. Ғазнавий ялавочлари Қашқарда бир муддат қолишига тўғри келди. Қорахонийлар ўрдаси марҳум Қора Хоқонни сўнги манзилга кузатиш маъракаларини ўтказиш, тахт ворислиги, мансабларга қайта тайинлаш каби масалалар билан банд бўлди.

Алқисса, Султон Масъуд ялавочлари милодий 1034 йил 6 сентябрида вазифасини аранг бажариб, Юсуф Қодирхоннинг қизини олиб Ғазнага қайтдилар.

Шу йили кузда Муҳаммад Бугрохон ғазнавийлар хонлигига махсус ялавочлар жўнатиб, марҳум Султон Маҳмуд ваъда қилган малика Зайнабни талаб қилди. Лекин Султон Масъуд Ғазнавий Бугрохоннинг бу талабини қабул қилмай, Хоқония ялавочларини қайтариб юборди ва Сулаймон Арслонхонга иниси Бугрохон талабидан ранжиганлигини айтди. Арслонхон бу воқеадан хабар топгач, Муҳаммад Бугрохондан ёзғирди. У олий ҳукмдор бўлмиш Арслонхон, яъни шахсан ўзининг тасдиғини олмай, ялавочларни чет элларга юборишни жуда катта густохлик деб ҳисоблади.

— Бу бошбошдоқлик, ғоят ҳаддин ошиб кетишликдур! — деди у аччиқланиб.

— Йўқ, муҳтарам хон оға, — деб эътироз билдирди Бугрохон, — бу салтанатга дахлдор иш эмас. Ялавочлар ғазнавийлар ўрдасига каминангиз совчилари бўлиб борди.

Ўшанда ака-ука хон ўртасида дастлабки ихтилоф туғилган эди.

— Бир туғқан акасининг бесўроқ совчиларни йўлга солиш бизнинг йўсуларимизга тўғри келурму? — деди Арслонхон ғазабини зўрға босиб.

— Бу ҳаргиз-да бошбошдоқлик билан сиздин бесўроқ қилинган иш ҳисобланмайдур, хон оға, — деди Муҳаммад Бугрохон, — Малика Зайнабнинг никоҳ битимини раҳматли хон отам билан Султон Масъуд ва Зайнабнинг ўз отаси аллақачон рози-ризолик билан келишишган. Бас, нечун энди Масъуд бу битишувдин ёнди? Бунинг тагида ғайриният, ёмон ғараз ёшурунган. Мен буни икки хонлиқ аро дўстлиқни бузганлиқ, деб билурмен.

Арслонхон билан Бугрохон кўп тортишди, лекин улар бир фикрга келолмади.

Шундан бошлаб Муҳаммад Бугрохоннинг қалбида Султон Масъуддан ўч олиш истаги ўт бўлиб ёна бошлади. У ғазнавийлар душмани салжуқийлар билан махфий битим тузди. Султон Масъуд бундан ўз вақтида хабар топган бўлса ҳам билдирмай қорахонийлар билан муносабатини узмасликка уринди. У салжуқий туркманлар билан уруш учкунлаб турган вазиятда қорахонийлар билан ҳам ёвлашиб қолишдан хавфсирарди. Яна бир томони у қорахонийларнинг улуг хоқони Арслонхоннинг ўзига қарши чиқмаслигига ишонарди. Шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши у милодий 1037 йил августида ғазнавийлар ўрдасининг махсус дўстлик вакиллари гуруҳини ташкил қилиб, қиймати минг динордан ошадиган асл совға-саломлар билан Қашқарга йўлга солди. Шундай қилиб, Арслонхон ва Бугрохонларнинг ҳам Ғазна ўрдасига тенг даражали вакиллар гуруҳини жўнатишни таклиф қилди. Бу таклифга биноан қорахонийларнинг мазкур икки хони ҳам икки гуруҳ ташкил қилиб, шу йили сентябр ойида Ғазна шаҳрига жўнатишди. Бу вакиллар гуруҳи Ғазнада жуда қизгин қарши олинди.

Ғазна ҳукмдори Султон Масъуд ҳам, Қашқар ҳукмдори Сулаймон Арслонхон ҳам ниҳоят Муҳаммад Бугрохондан хотиржам бўлдилар.

“Афсуски, — деб ўйлади Сулаймон Арслонхон ўзининг махфий суҳбатлар учун ажратилган бўлмасида танҳо ўтириб, — орадин уч йил ўтиб ҳам Муҳаммад Бугрохон кўҳна адоватни ҳануз унутмабдур. Шайхулисломнинг маслаҳати барҳақ. Бу вазиятда ғазнавийларга ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмайдур. Ички низолар босилмай туриб, четдаги ҳар қандай можаро-таллошларга аралашмаслик лозим”.

Арслонхон девонбеги ва бош ҳожиб билан сўзлашганда улар ҳам бу фикрни қўлладилар. Шу боис у ғазнавийларга ёрдам беришдан воз кечди.

Ўша кунидеҳ Арслонхон саройида барча вазирлар иштирокида ғазнавий ялавочларга тугал жавоб бериш йиғини ўтказилди. Хоқон билан бош ҳожиб алоҳида-алоҳида сўзлаб, Хоқонияда вужудга келган қатор ички муаммолар туфайли ғазнавийларга ҳарбий мадад бериш иложи йўқлигини, Султон Масъуд мазкур қарорни тўғри қабул қилишига умид боғлашди. Кейин ялавочлар иззат-икром билан кузатиб қўйилди.

Кунлар кетидан ойлар ўтди. Сулаймон Арслонхон ҳеч хотиржам бўлолмади. Хон оиласидаги келишмовчилик кундан-кунга авж олмоқда эди. Муҳаммад Бугрохоннинг неча йиллик пинҳон ғазнабийлар кўмак сўраб келиши билан, гўёки, ёнартоғ (вулқон)-дек отилиб чиқди. Гарчи кичик амакиси Тўғонхон билан кенжа иниси Арслон Тегин ғазнабийлар билан ҳам, Арслонхон билан ҳам муҳолиф эканини билдирмаган бўлсалар-да, жузъий ишларда сарой тутумлари билан ҳисоблашиб ўтирмайдиган бўлди. Бунинг устига, Арслонхон ва Бугрохонларнинг яқин қардоши, Мовароуннаҳр эликхони Иброҳим Табғачхон Қашқар ва Болосоғунга итоат қилмай қўйган, қорахонийларга тақдидан ўзини «Иброҳим Табғач Бугро Қорахон» атаган, ҳатто Самарқанд ва Бухорода ўз номига олтин, кумуш тангалар чиқарди. Бунинг устига, Бағдод хали-

фаси ҳам унга “Имод уд-давла” (Давлат таянчи) деган ислом ун-вонини берган эди.

Сулаймон Арслонхон хонликнинг бутунлигини аслига келтириш учун турли чоралар қўллаган бўлса-да, ҳеч қандай натижа бўлмади. “Ё, Раббил оламин! Бу не аломат? Қудратли қорахонийлар замини парчаланиб кетурму? Оқибати не бўлур?” Сулаймон Арслонхон ҳасратли хаёллар ичра бу қалтис вазиятдан чиқиш йўлини тополмай гаранг эди. “Раҳматли отам Юсуф Қодирхон ҳаёт бўлганида бу ишларни не йўсунда бартараф қилмоғи мумкин эди? Бу касофат тартиб-сизликларга қандай тадбир қўлларди? Қандайин қарорлар қабул қилиб, не фармонлар чиқарарди?” Бу саволларга Арслонхон ҳам, вазирлар ҳам, шайхулислом ҳам тайинли жавоб тополмади.

Зўр бир карвон поёнсиз саҳрода йўлдан адашиб қолган. Карвон-боши ҳорғинлик ва ташналиқдан ҳолсизланиб ётибди. Ёрдамчилари оби ҳаёт излаб чор атрофга тарқаб кетган. Туяларга ем-хашак берадиган, дадил йўлбошловчининг ҳам мадори қуриган... Қорахонийлар шу тобда гўё қум барханлари орасидаги ана шу чорасиз карвонга ўхшарди. Сулаймон Арслонхон чексиз саҳрода ишончли, тўғри йўл тополмай тентираб юарди.

Шу тариқа ойлар, йиллар ўтиб, милодий 1043 йил етиб келди. Сулаймон Арслонхон ниҳоят бир қарорга келишга мажбур бўлди. У чўлда адашган карвонга сарбон бўлиши, одам, туялар ҳаётини сақлаб қолиш учун бир тадбир ўйлаб топиши керак эди.

– Кўш қилич бир қинга сиғмаса, буни ҳал қилишнинг икки хил усули бор, – Арслонхон хулосаси шу бўлди, – биринчиси: бир қилични орадин кўтариш, яна бири: икки қилични икки қинга солиш. Иншооллоҳ, иккинчи усул доирасида иш қилмоқ лозим.

Сулаймон Арслонхон ҳижрий 435 (милодий 1043) йил бутун хон оиласини фавқулодда катта кенгашга чақирди.

Қашқар халқи бундай дабдабали кунларни оз кўрган эди. Бутун шаҳар байрам тусида эди. Ўрда дарвозаси ва қалъанинг кунгурали деворлари устида қорахонийлар салтанати нишони – қизил ва сариқ байроқлар ҳилпирарди. Ўрда олдидаги кенг майдонни ўраб олган чериклар узун найза ва бургут шаклидаги темир байроқларни тик тутган ҳолда худди тош қотган ҳайкаллар каби қимир этмай туришарди. Ўрда олдида олиб борадиган катта йўлнинг икки томонида кишилар тўда-тўда келиб, Арслонхон саройига ўзга юртлардан келадиган хон ва тегинларни кўриш учун йиғилдилар. Ҳатто чет эллик савдогар ҳам машҳур қорахонийларни кўришга қизиқмоқда эдилар. Мис дубулға ва темир ҳалқали совут кийган чериклар йўл устига чиқиб қолганларни итариб-суриб, четга ўтишни буюрарди. Кўп ўтмай оппоқ арғумоқлар минган бир тўп ўрда навкарлари савлат билан от чоптириб келиб:

– Йўлни бўшатинг! Четга чиқинг! Четга! – деб жар солиб ўрда томон ўтиб кетди.

Йўлнинг икки томонидаги фуқаро ғала-ғовур кўтарди:

– Келишганга ўхшайдур...

– Келишди. Ҳа, келди!

– Ана келишаётир!

Дарвоқе, йироқдаги муюлишдан савлатли отлиқлар кўринди. Байрамона кийиниб, зийнатли қиличлар осган қўриқчилар отларини йўргалатиб ўтиб кетишди. Орқасида ўтдек ёнган заргулли қизил ипақдан соябонли, уч от қўшилган аравада яшил кимхоб тўн, оқ шоҳи саллал мўйсафид оқара бошлаган соқолини сийпаб, чордона қуриб ўтирарди.

— Тўғонхон, — деди йўл бўйидагилардан бири бу мўйсафидга ишора қилиб.

— Ҳа, марҳум Юсуф Қодирхоннинг иниси, шавкатли Тўғонхон бузургвор шу киши экан-да! — деди бири соябонли аравага қараб, — демак, узоқ Болосоғундин келибдур-да.

— Шундоғ, — деди учинчи киши, — Тўғонхон бузургвор ҳам орани узоқ демай, Қуз ўрдудин<sup>1</sup> келган бўлса, бу сафар саройда жуда муҳим кенгаш бўладиган чоғи...

Бу орада Тўғонхон ва унинг отлиқ қўриқчилари ўтиб кетишди. Бирпасдан кейин яна отлиқлар чиқиб келди. Одамлар ичида билармонларидан бири:

— Муҳаммад Бугрохон! — дея олдинда оқ қашқа бўлган қора арғу-моқни йўргалатиб келаётган соқоли оқара бошлаган, улугвор кишини кўрсатиб.

— Ўполдин келибдур, — деб қўйди яна бири.

Шу он бутун халойиқ диққатини келаётган учинчи отлиқлар тўпига қаратди. Булар бошқаларидан ажралиб турарди. Саф олдида оппоқ от миниб келаётган қора соқолли киши эғнида зарбоф тўн, оқ ипақ салласининг дасторпечи кўкраги узра ҳилпирар, отининг юганини, кумуш узангисини қип-қизил ёқутлар безаб турар эди. Уни қўриқлаб келаётган йигитлар ҳам асл либосларда, кумуш ғилофли қиличлар осган: томошабинлар бу басавлат чавандозларга қизиқсинар, ҳатто ажнабийлар ҳам “бу ким?” дея сўрардилар.

— Иброҳим Табғачхон! — деди бири Сулаймон Арслонхоннинг бу камнамо қариндошини таниганидан мағрурланиб.

— Ҳа, Табғачхон! — кишилар ҳайрат ичида хитоб қилишди.

Бу Самарқанд ҳукмдори мустақил бўлиб, Ўрдукент ва Қуз ўрдуга бўйсунмай қўйганлиги тўғрисида Қашқар халқи кўп эшитган, аммо ўзини кўпчилик кўрмаган эди.

— Ўҳ-ҳу, Самарқанд тарафлардин ҳам келишибди-да! А?

— Ана, Арслон Тегин ҳам келаётир.

— Қаранглар, Ўдуннинг эликхони ...

Хон оиласининг асосий аъзолари Қашқар ўрдасига йиғилдилар.

Карнай садолари тантанали янграб, довуллар гумбурлади. Сулаймон Арслонхон аъёнлари билан ўрда дарвозаси олдида чиқиб, суюкли қариндошларини қарши олди.

Ташриф буюрган барча хон ва тегинлар Арслонхон саройи катта қабулхонасида жам бўлишгач, олий даражали кенгаш бошланди.

Бу хонлар кенгаши тафсилоти қандай бўлганлигини ҳеч ким билмади. Кишилар фақат унинг натижасидан воқиф бўлдилар. Тарихчилар далолатига кўра, Сулаймон Арслонхон мазкур кенгашда барча

<sup>1</sup> Қорахонийларнинг иккинчи пойтахти Болосоғун шаҳри “Қуз ўрду” деб ҳам аталарди.

хон ва тегинлар ўзини қорахонийларнинг “Улуғ сардори ва хонлар хони” деб эътироф этсаларгина, хонликдаги заминларни қардошларига бўлиб беришни уқтирган. Улар бу шартга рози бўлишган. Арслонхон қуйидагича тақсимот қилган:

Кўш пойтахт Қашқар ва Болосоғун – Сулаймон Арслонхонга;

Муҳаммад Бугрохонга – Талас ва Исфижоб;

Арслон Тегинга – унинг шарқидаги юртлар;

Уларнинг кичик амакиси Тўғонхонга – бутун Фарғона диёри;

Иброҳим Табғачхонга – Самарқанд ва Бухоро;

Ниҳоят, чўлда адашган карвон эгалари туяларни бўлиб олишиб, тарқалдилар.

*Давоми бор*





# Олатовдан эсган эпкин

Солижон ЖИГИТОВ

## БАҲОР

**Б**аҳорнинг таровати ажабтовур  
Тўсатдан ғир-ғир шамол – эпкин келар.  
Яшил кенглик, Илиқ ёмғир, Шудринг майса,  
Бетизгин қулун бўлиб кетгим келар.

Судралиб булут кўчар, булут кўчар,  
Булутнинг қатларига ботгим келар.  
Сокинлик, тўрғай куйлар, хушбўй майса,  
Чалқанча хаёл суриб ётгим келар.

Чор тараф нилий рангда, кўзим яшнаб  
Ифоридан ҳеч айро бўлгим келмас.  
Яшарган ер, Яшил дунё, Тиниқ осмон,  
Ҳа, фақат ўлгим келмас, ўлгим келмас...

## САРИҚ РАНГЛАР

Сарғайиб кетди тоғнинг ўт-ўлани,  
Сап-сарик бўлди ажаб, атроф-ёнлар.  
Жавҳар тусли далани таърифлашиб,  
Қўним билмай сайрайди зағизгонлар.

Солланган ёнғоқларнинг кўрки сарик,  
Сайхондаги толларнинг бўрки сарик.  
Теракнинг япроқлари жезга ўхшар  
Сой сарик, Тоғлар сарик, Тўқай ғариб.

Табиатнинг қути йўқ, мотамсаро,  
Сарғайиб боши эгик қайин, ирғай.  
Биргина ўрикзорнинг япроқлари  
Лов-лов ёнар ўлимга бўйинсунмай.

Балки инсон сўнгги сафар олдидан,  
Охирги умидларин дилдан туйиб.  
Ана шу сарик ранглар кўзгусида,  
Турарми ўрикзордай ёниб-қуйиб.

## КЕЧКИ КУЗ

Ҳаво олиб тоғлар боши туманли  
Кузги тўқай хаёл суриб турарди.  
Қари ёнғоқ кескир болта заптидан  
Қарс-қурс этиб, бесўнақай қулади.

Тупроқ түзиб, чўчиб кетди ҳатто ер  
 Қўрқув босди ниҳолчалар қўксини.  
 Ўрмон йиғлар фарзандидан айрилиб,  
 Табиатнинг файзи кетди, ўксиниб.

Бутаб, қирқиб, ёғочини арралаб,  
 Арқон боғлаб судратганча бўз отга  
 “Ўтин тайёр” дея қувнаб қирғизим,  
 Қўшиқ айтиб кетди овул тарафга...

## Тўлаган МАМЕЕВ

### ХАЙРЛАШУВ

(Манзара)

Ботаётган қуёшга боқиб,  
 Қирда турар кекса бир одам.  
 Агар ортга сал юрса борми,  
 Тубсиз жарлик-ўпқон бир қадам.

Кўз узмайди жануб тарафдан,  
 Кунга қараб қотган шамдайин.  
 Қимир этмас, буёғи асли –  
 Яратганнинг ўзига тайин.

Қуёш ботди, бироз ўтмасдан,  
 Бўз адирнинг ортига – пастга  
 Қирдан ошиб ўтди бобо ҳам  
 Ўнг қўлида ирғайли ҳасса.

Адир томон келдим эртаси,  
 Терак бўйи қуёш ораси.  
 Офтоб ботди одатдагидай,  
 Кўринмади чолнинг қораси.

“Ёлғон дунё” ташвишин бобо,  
 Улоқтириб елкадан, бошдан.  
 Қуёш билан қирда хўшлашиб,  
 Чамамда у узлатга шошган...

### ҲАВАС

Оппоқ қирли қояларнинг ичида  
 Тоғ чўққиси ўта баланд, энг буюк.  
 Макон қурган булутлардан юксақда,  
 Бургут, бургут барчасидан Сен буюк.

Қанотингда борми бирор хосият,  
 Қуш зотига ҳатто бошинг эгмайсан.  
 Қарға, қузғун тирноғинга арзимас.  
 Меъданг тўқдир, ўлимтикка тегмайсан.

Жўриманлар сарқит учун жон берар,  
 Чиябўри зор ғажилган иликка.

Сен чарх уриб зовдан-зовга ўтасан,  
Чангалларинг мослашгандир кийикка.

Ҳазар қилиб қузғунларнинг ишидан,  
Қанотингни дадил, эркин ёзасан.  
Ўнгай ўлжа изламайсан ҳеч қачон,  
Покдомонсан, покизасан, тозасан.

Бургут, бургут бу оламда Сен буюк  
Сендан баланд қоялару осқалар.<sup>1</sup>  
Юксакликда қани Сенга ўхшаса,  
Ота юртнинг йигитлари, бошқалар.

## ХАЧИРГА АЙЛАНГАН КУЛУК<sup>2</sup>

Бир йилқичи ўз касбини  
Назарига илмас эди.  
Фунон кулук туғса ҳамки,  
Фарқини ҳеч билмас эди.  
Айирмай отни хачирдан,  
Эътибор бермай кўпига,  
Эҳ, аттанг, ўша қулунни,  
Қўшди хачирлар тўпига.  
Улар билан бирга яшаб,  
Фунон ҳам етди асийга<sup>3</sup>.  
Ниҳоят нўхта урилди —  
Мослашган асли хачирга.  
Уловдай қорни қаппайди,  
Ўрганди сомон егани.  
Майрилиб учқур туёғи  
Унутди тақа деганни.  
Ранг-туси тамом ўзгариб,  
Юриши ғалат-беланги.  
Хачирлар кулга ётишса,  
У ҳам чангга беланди.  
Қуйруқлари тулаб кетган,  
Наинки кўркам ёли бор.  
Айланиб қолди хачирга,  
Насаби зотли жонивор...

## ТУЗ СОТГАН КЕЛИН

Аста юриб, ўқтин-ўқтин йўталиб,  
Ёш келинчак бир халта туз кўтариб.  
— Туз олинглар, Шамшиқулнинг тузи, — деб  
Маҳалладан ҳар кун тонгда ўтади.

Эри эса кўрпасини йиғмасдан,  
Бошин ушлар кўча-кўйга сиғмасдан.

<sup>1</sup> О с қ а — чўққи.

<sup>2</sup> К у л у к — чопқир.

<sup>3</sup> А с и й — вояга етди.

“Юз-юз отар” йўлакдаги дўкондан,  
Бу оламда не бўлганин уқмасдан.

Келин эслар овулдаги боласин,  
Қайнотаси қарайди кўз қорасин.  
Бечоранинг кўкраклари зирқираб,  
Яширинча артар ёшин-жоласин.

Набиралар чол ортидан эрчишар,  
Етим қолган чумчуқдайин телчишар<sup>1</sup>.  
Кўз ўнгидан ўтар ўғли, келини,  
Улар эса кўними йўқ, тентишар.

Наҳот, олам ғирт ташвишдан иборат?  
Ҳувиллайди беш хонали иморат...  
Набиралар суянчиғи – мадори,  
Инсоф тилаб, бобо қилар ибодат.

## Атантой АКБАРОВ

### ЮЛДУЗЛАР

Азрўй-азал осмондаги юлдузлар  
Бир маромда ёғду сочиб туришар.  
Ерда эса икки “юлдуз” қирпичоқ,  
Бир-бирини кўролмасдан уришар.

Файирликнинг ботқоғидан чиқолмай,  
Пахта қўйиб-товон ўпгай, ялингай.  
Сохта шуҳрат илинжида саросар,  
“Юлдуз” деган касалликка чалинган.

Якто бўлиш иштиёқи ухлатмай,  
Иқтидорнинг йўлин тўсар гов бўлар.  
Покдомонлик унутилган манзилда,  
Қашқирлардай қасос олар, ёв бўлар.

Минг афсуски, қалби қурум баъзилар,  
Инсоф бериб, губорларин аритмас.  
Шу боисдан ўша сохта “юлдузлар”,  
Ҳатто қадам босган ерин ёритмас.

Осмон узра зиё сочган юлдузлар  
Ўзларига бино қўймай, керилмай.  
Қаро туннинг пардаларин парчалаб,  
Нур улашиб, ёғду сочар эринмай.

### КУЗ

Куз келиб, қовоғи солиниб,  
Ҳукмини ўтказа бошлади.

<sup>1</sup> Телчишар – насибасин ейди.

Далаларнинг сочу соқолин,  
Супуриб, тозалаб ташлади.

Деҳқондай ҳис қилиб боғларни,  
Тартибга келтира бошлади.  
Қовунга тўр қўйлақ кийгизиб,  
Сабзини ўрага ташлади.

Кейин у лайлакни, турнани,  
Маржондай қаторга сафлади.  
Қунларни тасбеҳнинг тошидай  
Санамай, сидириб ташлади.

Шўх-шаддот боладай ошиқиб  
Шохларни силкитиб қучарди.  
Япроқлар чўчиган қушлардай,  
Бутоқдан олислаб учарди.

Ўктам бир оҳангни соғиниб,  
Куз учун шукрона айтаман.  
Барглар-ку, қуш каби қўнса ҳам,  
Каптардай учолмас қайтадан.

### ДАРВЕШ

Уйланмапти бир дарвеш,  
Ҳаёт завқин сурмапти.  
Бу бевафо дунёга  
Ошиқ бўлиб юрмапти.

Ҳақиқатни қидириб,  
Тубига ҳам етибди.  
Қуйлай-қуйлай ниҳоят,  
Оқин бўлиб кетибди.

Ёзган машқи анча қурч,  
Оддий сўздан иборат:  
“Мафтун бўлма ўзинга,  
Мўртдир бундай иморат.

Ёшлик – омад фаслидир,  
Савоб ишга шайлангин.  
Бўриларга дуч келсанг,  
Сен арслонга айлангин.

Тутқич бермас йигитлик,  
Ўтар-кетар қуюндай.  
Севмай олган аёлинг,  
Сўраб олган буюмдай.

Бойлигинга ишониб,  
Керилиб кетма ортиқ.  
Кўз ёш тўкма, бу ҳаёт –  
Заҳар ҳам қилар тортиқ.

Бахилликка кул бўлиб,  
Ўз бахтингдан қолмагин.  
Ўзгаларнинг пойига  
Тушов, тузоқ солмагин.

Ғафлат-туман, кўрсатмас —  
Ҳатто оёқ остини.  
Қазо куни етса ҳам  
Ростини айт, ростини...”

\* \* \*

Шундай холис шеър учун,  
Унинг тилин кесибди.  
Бир юмалаб шу дарвеш  
Қўшиқ бўлиб кетибди...

### **ЯЙЛОВДА**

Чўпонларга майса — тўшак,  
“Кўкат” дейди билмаган.  
Қулунларни эргаштириб  
Йилқи тушар жилгадан.

Тунги ором-ҳордиқ учун  
Олқиш айтиб ўтишар.  
Яйловдаги гулни илк бор  
Капалаклар ўпишар.

Қўзларидан севинчининг  
Ёшин сочар булоқлар.  
Нафасларин ичга ютиб,  
Кузатар отқулоқлар.

Бўз бедовнинг туғидан,  
Чанг ўрлайди чилимдай.  
Чавандознинг қалби қалқир  
Нозик қўбиз қилидай.

Сўна чаққан буқадаин,  
Чақмоқ чатнар — ёмғир тайин.  
Вақт айланар арқонланган  
Ўта ўжар гунондаин.

Яйлов кўркам тумор қилиб,  
Осгим келар бўйнимга.  
Эҳ, қанийди сулув қиздай  
Кириб олса қўйнимга.

*Қирғиз тилидан  
Турсунбой АДАШБОЕВ  
таржималари*

Василий ЯН

# Кўрғон узра гулханлар

Роман

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

## ШОҲЛИ ИСКАНДАР ҲУЖУМГА ЎТДИ

### ҲУЖУМ

**А**йғоқчилар бутун Бақтрия ёнаётгани, чегара шаҳарларига тўпланган кўшинлар бола-чақасини асраш учун тарқалиб кетаётгани ҳақида Искандарга хабар етказишди. Дайди атраван қиёфасида тоғдан бир неча марта ошиб ўтган бошқа айғоқчи Бесс сараланган кўшини билан Бақтрияни ташлаб қочгани, улуг Ҳуз дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб олиб, барча қайиқлару паромларни ёқиб юборишга буйруқ бергани ҳақида муҳим маълумот келтирди.

Базилевс<sup>1</sup>нинг режаларини ҳеч ким била олмасди. Қилаётган ишлари Дрангианада бутунлай қолишга аҳд қилгандек кўринарди. У Порропамис этакларига Александрия<sup>2</sup> шаҳрини қурдириш билан банд эди. Искандар бир гуруҳ македониялик зобитлар уни ўлдириб, ўрнига янги йўлбошчи тайинлашни режалаштираётганини ҳам билиб олди: ваҳшийлашиб кетган Искандар шаҳар қуриш ташвишларини йиғиштириб қўйиб, бир ой давомида фитна чиқаришда гумон қилинганларни қатл этиш билан машғул бўлди. Тезкор қурилаётган уй-жойлар эса ёмғирда нураб кетди.

Отлиқ аскарлар бошлиғи, шоҳнинг эмикдоши, тенгқур дўсти Филота шафқатсиз қийноқлардан кейин македониялик жангчилар ихтиёрига топширилди. Уни дастлаб тошбўрон қилишди, сўнг найза санчиб ўлдиришди. Базилевс Филотанинг отаси Парменионга махсус мактуб ёзиб, уни содиқ уч нафар тансоқчиси орқали ўз юртига жўнатди. Чопқир туяларда йўлга чиққан бу чопарларга махфий буйруқлар ҳам берилган эди.

Парменион Искандар йўллаган мактубни ўқий бошлаган пайтда чопарлар орқа томондан келиб кекса саркардага қилич урдилар.

Ўзига яқин кўплаб одамларни қатл этиш ҳам Искандарни қониқтирмади. У ватани билан боғланиш учун тезкор алоқа ташкил этил-

<sup>1</sup> Б а з и л е в с — олий ҳукмдор.

<sup>2</sup> Бу шаҳар йўқ бўлиб кетган.

<sup>3</sup> П а р м е н и о н — Филиппнинг дўсти, қадрони. Барча жанглarda қатнашиб, Искандар армиясини олис Македония билан мустаҳкам алоқасини назорат этувчи олий лавозимни эгаллаган. Захирадаги ҳамма кўшин Парменион кўли остида эди.

Охири. Боши ўтган сонларда.

гани, хоҳловчилар уйларига хат-хабар юборишлари мумкинлигини эълон қилди. Бироқ жангчилар ёзган хатларнинг барчаси очиб, ўқиб кўрилди, норозилик кайфиятида мулоҳаза юритган аскарлар ажратилиб, қароргоҳдан ташқарида жойлашган ва кузатув остида бўлган алоҳида жарима гуруҳларига жўнатилди. Уларга яқин орада бўладиган жангларда ўз садоқатини исботлаш шарт эканлиги қатъий равишда таъкидланди.

Ўз аламини ана шундай йўллар билан енгиб, ҳовуридан тушган базилевс Македониядан бир неча минг ёш аскарлар етиб келгандан кейин норозиликлар бутунлай босилади, кўшинлар яна иродамга сўзсиз бўйсунди, деган тўхтамак келди. Эрта баҳорда, тоғларни ҳамон қор босиб ётган, кундузи қуёш музларни эрита бошлаган кунларнинг бирида қисм бошлиқлари ва яқинлари билан зиёфатда ўтирган Искандар шу кунларда яна юриш бошланишини билдирди.

– Қаерга? – бирдан сўради ҳамма.

– Ўзларинг топинглар!

Қизгин баҳс бошланиб кетди. Баъзилар Ҳиндистонга, бошқалари Бақтрияга юрамиз, дейишди. Айримлар эса шоҳ ўз чегараларини етарли даражада кенгайтирди, энди орқага қайтиб, Кавказ орқали Понтий денгизи<sup>1</sup> қирғоқларида ҳаракат қилади. У ерда скифларни бўйсундиргандан кейин янги йўл билан Македонияга қайтади-да, ватанида бутун дунё салтанатининг пойтахтини барпо этади, деган фикрни маъқуллашди.

– Буни мен Курранинг охирига етиб борганимдан кейин ҳал қилман, – деди тантанали равишда базилевс. – Мен найзамни ернинг шарқий қирғоқларини ювиб турадиган, ҳар куни Фебнинг икки гилдиракли ярқироқ араваси чиқиб келадиган денгиз сувларида ювганимдан кейингина қатъий қароримни айтаман.

Ҳамма Искандар шарққа юрмоқчи эканлигини англади, лекин қайси йўл билан: Сўғдиёна ва Серик орқалими ёки Ҳиндистон орқалими – ҳеч ким топа олмади. Каттакон думалоқ “Геракл қадаҳи”ни қўлма-қўл қилиб, муваффақиятли юриш учун ичишди.

Искандар бир неча кунни режа тузиб ўтказди. Сарой бош қоҳини тушуниб бўлмайдиган, мужмал нарсаларни башорат қилди. Искандар драңгиана қоҳинлари – оташпарастрлар ибодатхонасига ҳам борди. Улар илоҳий бўр билан ерга доирачалар чизиб, ҳар бирини ўн икки бўлакка бўлишди, сўнг то оғизларидан кўпик келиб, томирлари тортишиб, йиқилиб қолмагунча пилдироққа ўхшаб айланишди.

Улар:

– Сен ҳеч қачон ўлмайдиган бўласан! Сен ҳақингда Авесто китобида ёзилган! Сен бутун ер юзини кезиб чиқасан ва ҳатто ер остидаги одамхўр аждаҳони ҳам енгасан! – деб чувиллашди.

Отлиқ гуруҳнинг бошлиғи оқсоч Эригей Артаксандан шошилини равишда етиб келди. Қўлида форс баҳодири Сатибарзаннинг соғути бор эди. Эригей у билан дунёни қадимий форслар бошқарадими ёки ёш македонларми деб баҳслашиб, яккама-якка курашга тушганига ҳаммани ишонтирди. У ёшига кўра форс баҳодиридан икки баравар катта бўлса-да, тепасида учиб юрган маъбуда Афина Паллада қўлларига мадад бергандек бўлибди, форс худолари илонга ўхшаб кулча бўлиб, ерда судралиб қолганини ўз кўзи билан кўрибди. Шундан кейин Сатибарзаннинг ҳамма суворийлари кўрқиб қоча бошлабди.

<sup>1</sup> П о н т и й д е н г и з и – ҳозирги Қора денгиз.



Хайрли хабарлардан кўнгли жойига тушган Искандар Панжир во-дийси орқали етти тоғ довонига<sup>1</sup> қараб юришга буйруқ берди. Дрангианада тартиб сақлаб туриш учун озгина аскар қолди, холос. Искандар билан шимолга йигирма мингга яқин пиёда ва уч минг отлиқ суворий йўлга чиқди. Туялар қўшилган икки гилдиракли араваларнинг узун карвони бўкириб, қий-чув кўтариб, қўшин ортидан борар эди.

Юриш бошланган кунда қуёш чарақлаб чиқди. Саланг тоғи чўққиларида, довон яқинида кулранг булутлар бир неча кунгача осилиб турди. Йўл бошловчилар ўша ерда, горда жодугар кампир Ожуз яшайди, тоғда булутлар мудраб қолса, кампир қаҳрини сочади – қорбўрон бошланади ва ҳамма йўллар муз билан қопланади. Ожуз булутда учиб кетгандан кейингина йўловчилар йўлга чиқишлари мумкин, дейишди. Йўлга чиқиладиган кун булутлар фарбга қараб сузиб кетди, чўққилардаги қор кўз қамашадиган даражада ялтиради.

Искандар шарқона кенг либосларда парачиларнинг<sup>2</sup> мўйнали шими, намаг этик ва қора кундуз чакмонда борар эди. Тагидаги тоғ йўлларига ўрганган бақувват от ўйноқларди.

Кўп ўтмай юриш юриш оғирлашди – ҳаммаёқни қалин қор босган эди.

Базилевс қорни тепкилаб, йўл очиш учун олдинга қулларни ўтказишни буюрди. Иссиқ ўлкаларда қўлга тушган жулдур кийимли ярим яланғоч асирлар қалин қорга ботиб, тез чарчаб қолди. Македонияликлар йиқилганларни бир чеккага улоқтириб юборишар, улар шу ерда музлаб қоларди. Ҳолдан тойганлар ўрнига орқадан асирларнинг янги тўдаси жўнатиларди.

Йўлда, чиқиш қийин қоялар устида тоғ қишлоқлари кўринар эди. Тош кулбаларнинг тепа қисми тор бўлиб, гумбази ўртасида ёруғлик тушадиган ва тутун чиқадиган туйнуқлари бор эди.

Қаттиқ совуққа ўрганмаган македонияликлар, айниқса юнонлар орасида бир кун ичидаёқ умидсизлик бошланди. Улар аҳолини талаб, иссиқ кийимларини тортиб олар, қўйларини сўйиб, териси билан оёқларини ўрар эдилар. Улар исиниш учун кирган кулбалардан чиққиси келмас, йўлни давом эттириш учун найзаларни ишга солишга тўғри келарди.

Тоғ тизмасидан ўтиб, шимол томондан Бақтрия қишлоқларига тушиб келгунча қўшин ўн етти кун йўл босди. Бу вақт ичида ғамланган озиқ-овқат, шароб ва ёғлар тамом бўлди. Очликдан бўкираётган юк ҳайвонларининг ярми сўйиб ейилди.

Бақтрия қишлоқларидан озиқ-овқат, чорва моллари ва гиштин ўраларга кўмилган дон-дун топилди. Бесснинг ҳамма захираларни ёқиб юбориш ҳақидаги буйруғи бу жойларга етиб келмаган эди. Македония армияси очофат чигирткага ўхшаб дуч келган ҳамма нарса-ни еб, отлар ва чорва молларини тортиб олиб, бўйсунмаган аҳолини ўлдириб, йўлда давом этди. Аҳоли босқинчилардан қутулиш учун дуч келган томонга қочар эди.

Искандар тоғ этагидаги жилғалар мўл жойда ялангликда шаҳар қуришга<sup>3</sup> буйруқ берди. Бу ерда етти минг нафар қул ва сафар қийинчиликларига бардош беролмайдиган жангчилар қолдириб кетилди. Қочиб кетган аҳолининг ер-мулклари уларга берилди. Етим қолган

<sup>1</sup> Одатда карвонлар Бадахшонга борадиган Хавак довони.

<sup>2</sup> П а р а ч и – Қобулдан шимолда яшовчи қадимий қабила.

<sup>3</sup> Чамаси бу шаҳар қолдиқлари Хавас довонидан тушаверишдаги Эндераб қишлоғи яқинида бўлса керак.

болалар ва аёллар кулларга айлантирилди. Искандар аскарларига бироз дам бергач, ҳеч қандай қаршиликка учрамай, йўлда давом этди.

## БАЗИЛЕВС БАҚТРИЯДА

Искандар Бақтрияга яқинлашди. Пойтахт Бақтрианага киришдан аввал кўшин бир неча кун ҳордиқ чиқарди. Уларни атрофдаги қишлоқларда яхшилаб боқиб, тартибга келтиришди. Тоғдан ўтиш машаққатлари кўпчиликни толиқтириб қўйган эди.

Базилевс шаҳар дарвозаси яқинидаги тепаликда тўхтаб, жанговар тартибда келаётган гуруҳларни олдинга ўтказди. Араваларни яқиндаги қишлоқларда қолдиришди. Фақат шоҳнинг араваси ҳамда сайёр девонхонасигина Бақтрия вилоятининг ноиб яшаган марказий қалъа ичидаги мустаҳкам бинога жойлашадиган бўлди.

Илиқ баҳор тонги, ҳали тунги совуқ заҳрини йўқотмаган куруқ йўллар, мағрур жангчилар айтаётган жанговар қўшиқлар ва ниҳоят, оёқлари остида муте бўлиб ётган қадимий форс пойтахтининг улугвор кўриниши — Искандар кўнглини хуррам қилди. У ўзининг қартайган, лекин ҳамон асовлигини йўқотмаган, фақат тантанали маросимлардагина хизмат қиладиган қора айғири — Буцефалга миниб олган эди. Атрофини қуршаган отлар жунбушга келтирган айғир қаттиқ кишнар, олдинги туёқлари билан ер тепинар, сувлиқни чайнаб, саркарда пайдор қўли билан тортиб турган энли қизил жиловни узишга уринарди.

Тепаликдан қараб шаҳар чегарасини илғаб бўлмасди: чоғроқ боғ билан ўралган сарғиш, қизил гиштли<sup>1</sup> уйчалар ҳар томонга чўзилиб кетганди. Уйлар орасидан гумбазлар ҳамда ибодатхона миноралари устида кўкка ўрлаётган кўкимтир тутун устунни осилиб турар — бир неча юз йиллар аввал бақтрия коҳинлари ёққан илоҳий олов ҳали сўнмаган эди.

Базилевсга шаҳарда рақиб кучлари йўқлиги, оқсоқоллар кенгаши уни шаҳар ташқарисида иззат-икром билан кутиб олишга тайёр турганини етказишди.

— Эвмен! — Искандар сайёр девонхона бошлиғига мурожаат қилди. — Бу забт этилган нечанчи пойтахт ҳисобланади?

— Уларнинг сон-саногига етиб бўлмайди! — хитоб қилди хушомадгўй Перитакена.

— Ҳар ҳолда бу забт этилган охирги пойтахт бўлиб қолмайди, — жавоб берди Эвмен.

— Олдинда ҳали сўғд пойтахти — Мароқанд билан скиф пойтахти — Росконаки турибди, — кўшимча қилди саркарда.

Искандар шаҳар остонасида тўхтади. Баланд бўйли, қоқсуяк, соқоли от думидек дағал қари чол олдинга отилиб чиқди. У думалоқ қадимий пергаментни кўтариб олганди.

— Тўхта, дунёни забт этувчи! Сен мангуликка даҳлдорсан! Муқаддас китобларда нималар ёзилганини эшит. Уларга ҳамма нарса маълум. Улар сен ҳақингда гапирганлар! Улар Бақтрияга — илоҳий олов кўриқчиси бўлиб келишингни башорат қилганлар!

— Майли, гапираверсин, — деди базилевс ундан мақтов сўзларини кутиб.

— “Шундай кун келадики, осмону фалак ғам-аламдан қораяди, дарахтлару, гиёҳлар мурдаларнинг ҳидидан қуриб қолади... Ёвузлик худоси Ахриман боқий умр берган Афросиёб келиб, барча одамларни қириб ташлайди...”

<sup>1</sup> Балх ёнидаги текисликда ҳозир ҳам ана шундай қизил ва сариқ гиштлар сочилиб ётибди.

– У ақлдан озган, уни ҳайданглар! – деб қичқаришди атрофдагилар.

– Сен ҳам мангу яшайсанми? – сўради Искандар.

У ғазаб ўтида ёнар, қора айғири ўйноқларди.

– Мен ҳам боқий яшайман, лекин Авестонинг адолатли халқини қутқариш учун сени қандай ўлдиришни биламан. Сен ўлгач, қуртлар жирканч танангни уч кунда еб битиради...

– Бу башорат қайси китобда ёзилган? – ғазабдан хириллади базилевс.

– Адолатгўй, порлоқ донишманд Зардушт ёзган мана бу китобда! – қичқирди қария қоғоз ўрамини силкитиб.

– Гефестион, соғлом фикр ва ҳақиқий фалсафанинг душмани айтаётган барча зарарли, маъносиз китобларни бир жойга тўпла! Уларнинг устига мой сепиб, мана бу телба билан бирга ёқиб юборишни буюраман!

Искандар отига қамчи уриб, қарияни ағдариб ўтди ва шиддат билан ичкарига отилиб кирди. Қариянинг чинқариғи ғазабга минган базилевс орқасидан эргашган юзлаб отлар туёғидан чиққан овозлар ичида йўқолиб кетди.

Йўлнинг икки томонида шаҳарнинг таниқли аслзодалари ва янги ҳукмдорни форс одати бўйича кутишга чоғланган беҳисоб атраванлар ер ўпиб ётишарди.

Улар бошларига сиқимлаб тупроқ сочиб:

– Худонинг ўгли, шоҳлар шоҳига шон-шарафлар! Унинг умри боқий бўлсин! – деб қичқаришарди.

\* \* \*

Иримчи ва бадгумон Искандар оқшомда ноибнинг кечки овқат тайёрланган тор узун залига киргач, Гефестиондан илоҳий китоблар ёқилдими, деб сўради.

– Жангчиларни ибодатхоналардаги барча қўлёмаларни йиғиб, бош майдонга олиб келишга юбордим. Улар эртага ёқилади.

– Йўқ, бугун кечаси ёқилсин!

– Бироқ сен бу ерда, Бақтрияда тиббиёт бўйича бебаҳо китоблар ёзган тажрибали олим – табиблар яшаганини унутяпсан.

– Яхши, тиббиёт ҳақидаги китоблар ажратилиб, Афинага, устозим Аристотелга юборилсин...

Искандарнинг доимий ҳамроҳи, файласуф Каллисфен гапга аралашди:

– Улуғ шоҳ, бу ерда эллин худоларини тан олмайдиган ваҳшийларнинг бидъатлари ва урф-одатлари ҳақидаги маъносиз китоблардан ташқари, ўтмишда яшаб ўтган халқлар тарихи ёзилган китоб ва йилномалар ҳам бор. Тарих ҳақидаги китоблар қимматга эга эмасми?

Хушомадгўй Перитакена эътироз билдирди:

– Каллисфен, сен ҳақиқий тарих шоҳлар шоҳи боқий Искандар туғилган кундан бошланишини унутиб қўйдинг. Шунинг учун оламда ягона, ҳеч қачон энгилмайдиган, ғолиб ва бутун дунёни бўйсундирувчи Осиё шоҳи Искандар бундан кейин ҳам ўз ҳаётини музаффар гулчамбарларга буркаши учун қадаҳларни уриштирамиз!

Тун бўйи майдонда гулханлар ёнди. Уларда бақтриялик донишмандлар ўн икки мингта хўкиз терисига ёзган қадимий асарлар куйдирилди. Улар билан бирга “Ахриманнинг хизматкори ёвуз Искандарни йўқ қиламан” деб қичқирган кекса атраван ҳам ёниб кетди.

## ЎКУЗДАН КЕЧИБ ЎТИШ

Македон армиясига қарашли илғорлар Ўкуз дарёси қирғоқларига етиб келиб, кечув жойида мажақланган панжараларнигина кўрдилар. Бу ерда битта ҳам қайиқ қолмаган эди. Улар жарликдан кўк чолворли ярим яланғоч чолни тортиб чиқаришди. У бож тўлашдан қочган дайдилар қайиғини тортиб олиб, нариги қирғоққа ўтиб кетишганини айтиб, сўкинар эди. Жангчилар ёнидан — қирғоққа яқин жойдан отлар ва одамлар ортилган улкан қайиқ шитоб билан сузиб ўтди. Македонияликлар аввал қирғоққа даъват этиб қичқирдилар, сўнг уларга ўқ ёғдирдилар, лекин қайиқ нариги қирғоққа қараб жадал сузиб кетди.

Искандар барча йўлларга отлиқ ва пиёда илғорларни юбориб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан Бақтриядан чиқди. У ботирлиги ҳамда кўққисдан ҳужум қилиши билан донг таратган бақтриялик отлиқ аскарлар пистирмасига дуч келишдан хавфсирарди.

Дарё қирғоғида душманлардан ном-нишон қолмаганлиги ҳақидаги хабарни олган Искандар зудлик билан кечувга етиб келди ва толиққан жангчилар қароргоҳ яқин қолганини билиб дадилланишсин деб, тепаликларга гулхан ёқишни буюрди.

Қора от миниб, ярқироқ бронза совут таққан, елкасига қизил чакмон ташлаган базилевс тепаликка кўтарилиб, қорайган осмонни ёритаётган гулханлар шуъласида узоқ вақт йўлга тикилиб турди. У энг охириги қисмлар қуллар тиклаган тери чодирларга кириб келгандан кейингина пастга тушди. Шахсан ўзи қароргоҳни айланиб, ҳамма нарсани кўздаб ўтказиб чиқди, атрофга соқчилар кўйди. Тун яримлагандан кейингина шоҳ Дородан ўлжага олинган, олтин ип билан тикилган қирмизи чодирга кирди. У тун бўйи гуруҳ бошлиқларини ҳузурига чақириб маслаҳатлашди, айғоқчилар билан суҳбатлашди.

Тонгда отлиқ аскарлар орқага, Бақтрия томондаги қишлоқларга от кўйишди. Кун ярмига бориб, ёлланган бақтрияликлар қарвони етиб келди. Улар беҳисоб ходалар ва тахталар, шароб сақланадиган мешларни туя ва эшакларга ортиб келган эдилар. Мукофотга учган ёки қийин-қистоқ остида ҳайдаб келинган бақтрияликлар унча катта бўлмаган сол<sup>1</sup>ларни шиширилган мешларга боғлаб, ораларини шохшабба ва бўйралар билан тўлдирардилар.

Шундай кичкина соллардан бир қанчасини бир-бирига улашди. Уларга ўқчилар, соққончилар ҳамда совутли жангчилар жойлашишди. Ёлланган бақтрияликлар эшкак эшиб, солларни бошқаришга кўйилди.

Қирмизи чакмонга ўралиб олган Искандар солларнинг қирғоқдан узоқлашиб, оқим бўйлаб сузиб кетаётганини йиғма ўриндиғида кузатиб ўтирди. Дарёнинг нариги қирғоғида жадал ҳаракатланаётган суворийлар гуруҳи элас-элас кўзга ташланарди.

Искандар ўрнидан туриб, тепаликда у ёқдан-бу ёққа юриб, дастлабки натижаларни кута бошлади. Тез орада:

— Қайтиб келишяпти! — деган хитоблар эшитилди.

Солларни юқорига, оқимга қарши судраб бориб, яна сувга туширишди. Биринчи солда янги кийимлар кийиб, ясениб олган бир нечта форс мулозимлари кўринди. Салдовчилар калта эшакларни жонжаҳдлари билан эшиб, қароргоҳ ёнида тўхташди. Форслар кўйлақларини белларидан юқори кўтариб, тўппа-тўғри сувга сакрадилар-да, қирғоққа чиқа солиб, базилевс қаршисига югуришди. Улар ҳукмдор олдида тиз чўкиб, эмаклаб, одатдаги саломлашув сўзларини айтиб

<sup>1</sup> «Гупсар» деб аталадиган ана шундай соллар яқин ўтмишда ҳам Амударёнинг юқори қисмида ишлатилар эди.

қичқиришди-да, Искандарга пергамент ўрамини узатишди. Девонхона бошлиғи Эвмен уни олиб, Искандарга ўқиб эшиттирди.

“Биз, Датаферн ва Катен, – Сўғднинг олий насабли аслзодалари шоҳлар шоҳи, Форс ҳукмдори Искандарга маълум қиламизки, агар у Навтака<sup>1</sup> шаҳрига йўлбошчиларидан бирини муносиб қўшин билан юборса, биз шоҳнинг қотили, салтанат тожини ўғирлаб олган ёвуз Бессни тириклай тутиб берамиз. Кўп йил яша ва ҳукмдорлик қил!”

Искандар пергамент ўрамини олиб, ўрнидан сакраб турди-да, ўз чодирига кириб кетди. У ерда самога юзланиб, хитоб қилди:

– О, ўлмас Зевс, инсонлар тақдирининг ҳукмдори! Сен ҳақиқатан ҳам ўз ўғлинг жасоратларини кузатасан, унинг шон-шуҳрати йўлидаги ғовларни олиб ташлайсан. Мен номингни кечаю кундуз шарафлаш учун сенга юзта буқа қурбонлик қилишга ва бутун Форс диёрида юзта ибодатхона қуришга қасам ичаман!

Бир неча македониялик бошлиқлар чодирга кириб, остонада қатор бўлиб турдилар. Искандар тиззасида ётган харитадан бош кўтариб, чангга ботиб, қуёшда куйган ёрдамчиларига диққат билан назар солди.

– Лаг ўғли Птоломей, – базилевс чорпахил, мушакдор, юзлари жиддий ва қатъиятли македонияликка мурожаат қилди. – Фақат энг яқин дўстимгагина ишонадиган бир вазифани сенга топширмақчиман. Агар уни бажара олсанг, номинг абадий шон-шуҳратга кўмилади. Сен олдинга, душманларнинг Навтака шаҳрига йўл оласан. У ерда шоҳнинг қотили Бессни ушлаб, тириклайин олиб келасан. Сенинг ихтиёрингга учта гиппархия<sup>2</sup>, македониялик этэрлар, барча отлич найзадорлар, мингта қиличбоз ва ўқчиларнинг ярмини бераман. Навтакагача ўн кунлик йўл, лекин сен уни тўрт кунда босиб ўтишинг шарт. Пистирма ва тузоқлардан эҳтиёт бўл, форсларнинг ваъдаларига ишонма! Мен қолган аскарлар билан ортингдан бораман. Сени Геракл ва боқий худолар асрасин!

– Бесснинг қўшини қаерда ўзи? Асосий жанг қаерда бўлади?

Искандар қўли билан узоқларни кўрсатди:

– Тоғлар устида учаётган бургутлар ва ҳамма нарсани кўриб турган қуёшгина буни айта олади.

Биринчи солда нариги томонга ўтиб қайтган Гефестион деди:

– Бесснинг асосий кучлари Сўғдиёна ичкарасида, катта йўллардан бирида мушт бўлиб тугилиб ётган бўлса керак. Биз нариги томонда фақат бир гуруҳ суворийларни кўрдик. Уқчилар ўқ уза бошлаши билан ҳаммаси тўзғиб кетди. Тепалик устига чиқиб, бизни кузатиб туришди-да, кейин ғойиб бўлишди.

– Улар бизни алдаб Сўғд ичкарасига олиб кетмоқчи, – деди базилевс. – У ерда тор йўлдан ўтмоқчи бўлган ҳар қандай қўшинни тепадан тош думалатиб ўлдириш мумкин бўлган кўрқинчли дара – Темир дарвоза бор. Бироқ бизга қудратли Зевснинг ўзи мадад беради. Ҳозир бизни ким тўхтата олади?

## БУДАКЕН НАВТАКАДА

Будакен Талиссия боғида унинг саховатига қойил қолганини билдириш учун кетма-кет ташриф буюраётган сўғд аслзодалари ва форс амалдорлари билан эҳтиёткорона суҳбатлар қуриб, вақтини ташвишсиз, ғамсиз ўтказмоқда эди.

<sup>1</sup> Искандар солномачилари тилга олган Навтака шаҳри тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Шаҳрисабз, Шара ёки Қарши шаҳри ўрнида бўлган.

<sup>2</sup> Г и п а р х и я – тахминан ҳозирги замон полкига тенг келади.

Будакен қишда уч ой Мароқандда шаҳаншоҳга меҳмон бўлди. Улар кўпинча биргаликда атрофи баланд девор билан ўралган қўриқхонага овга бориб туришарди. Бу ерда кўп юртлардан олиб келинган саргимтил пахмоқ арслонлар, ола-була қоплонлар, йўл-йўл йўлбарслар озодликда яшар эди. Қуллар сурон солиб, мис қалқонларни даранглатиб, жониворларни жасурлик, чаққонлик ва найза отишда ўзаро мусобақалашаётган овчилар яқинига ҳайдаб боришарди.

Шодиёна кунларнинг кети узилмасди. Бесс Будакенни аслзодаларнинг кўрғонларига меҳмонга олиб борар, у ерда дабдабали зиёфатларда бўлиб, қирғий ва тозилар билан шикор қилиб вақт ўтказишарди.

Бир куни Будакеннинг ёнига чопар келиб, Сатибарзан шаҳаншоҳнинг топшириғига кўра сафарга кетаётганини маълум қилди. Кўп ўтмай шоҳ ошхонасидан атрофига ўриклар терилган, қовурилган қўй ва парранда гўштлари солинган катта баркашларни юбормай қўйишди.

Унга биркичиб қўйилган таржимон шоҳ тўсатдан Бақтрияга жўнаб кетганини тушунтирди. Будакен қадрдон чўлларига қайтиб кетишни ўйлади, лекин у ҳалиям Сколотни топишдан умидвор эди. Кузатувчиси Спитамен гойиб бўлди, унга нима бўлганини ҳеч ким билмайди. Будакен кутаверди. Ҳамроҳлари ҳам кун бўйи гиламда ағанаб, кўшиқ айтишдан бўшамас эди.

Бекорчиликдан зеркииб кетган Будакен ҳар куни шаҳар айланадиган бўлди. У оқшом савдо-сотиқ тугаб, қоронғи тушгандан кейин бозор марказидаги майдонга боришга одатланди. Иккита скиф ҳамроҳлигида томошага келган бақироқ оломонни туртиб, итариб, майдоннинг қоқ ўртасига ўтиб борарди.

Будакенни дарров тўрга таклиф этишар, гиштин гумбазли ёғоч сўрига, машҳур савдогарлар орасига ўтказишар эди. Қоронгиликда мой қўйилган сопол қорачироқлар, девор ёриқларига ўрнатилган шамлар пишиллаб ёнарди. У писта, бодом чақиб ўтириб, ўғил болаларни тахта супада ўйин тушишини, юзига ун ва қора куя чаплаган масхарабозларнинг илондек эгилиб-букилишини, ёнаётган машъалаларни отиб ўйнатишларини томоша қиларди.

Бир неча кундан кейин шоҳнинг муҳрдори Датаферндан чопар келди. У Будакенга шаҳаншоҳ муҳим музокараларда қатнашиши учун уни Бақтрияга чорлаётгани ҳақидаги хабарни етказди. Яна битта пойтахтни кўриб, чўлда гапириб юраман, деб хурсанд бўлган Будакен шу заҳоти скифларни оёққа тургазиб, йўлга тушди.

У ҳар бир қаричи ҳафсала билан ишлов берилган далалар, адоқсиз боғлар, узумзорлар ёнидан ўтди. Чеки йўқ қумликлар ва тошлоқ чўлларга ўрганиб қолган Будакен яшил водий гўзаллигидан ҳайратда қолди. Қордек оппоқ ёки пушти гулларга бурқанган мевазор боғлар қовун, тарвуз уруғлари эндигина униб чиқаётган далалар билан алмашди. Дарёлардан тўлиб-тошиб оқаётган тиниқ сувлар, экинзорлар оралаб жилдираётган ариқлар чумолидек тиним билмай меҳнат қилаётган сон-саноксиз одамларга ҳаёт ва ризқ-рўз олиб келмоқда эди. Далаларда кимдир ҳўкизлар билан омоч сурса, бошқаси кетмон чопиб ариқ олмоқда. Юк ортилган юзлаб туялар узун карвон бўлиб Навтак йўлида тизилиб боради. У ерда шоҳ янги пойтахт қурмоқчи. Бостириб келаётган ёвга қарши қурашга тайёрланаётган катта қўшинни боқиш ва кийинтириш зарур. Шунинг учун ҳар томондан ғалла, туз, пахта, зиғир, тери йиғиб келишга буйруқ берилган, деб гапиришарди бақтрияликлар.

– Бу ерда туриб душмандан кўрқмасдан Сўғдни яхши бошқариш, мумкин, – деди Будакен доводда туриб уч қатор тишли девор билан ўраб олинган шаҳарни томоша қилар экан.

– Албатта, бўлиши мумкин эди, – тасдиқлади кузатувчи, – фақат ҳукмдорлар камроқ еб, юз йиллик шароб солинган хумларни камроқ кучоқласа....

Шаҳарнинг ўртасида бир нечта думалоқ минорали баҳайбат қалъа юксалиб турарди. Қалъа атрофига сочилган уйчалар оппоқ гуллаган ўрик ва пушти рангга чулганган бодомзорларга кўмилганди.

Будакен ёғоч кўприк солинган дарёчадан ўтиб, шовқин-суронли оломон орасига тушиб қолди. Узумзор боғ ва тарвуз экилган кент далани Бақтрия ва Сўғддан ҳайдаб келинган деҳқонлар топтаб ташлаган эди. Улар тутаб ётган гулханлар ёнида ўтиришар, ёнбошлаб ётишар, атрофда санқиб юрганлари шох-шабба, янтоқ, похол боғламларини йиғиб келишар, ўжарлик қилиб тисарилаётган қўй-эчкиларни шохидан ушлаб судрашар эдилар.

Йўлларда ҳарбий назоратчилар учраган кимсани тўхтатиб сўроқ қилишар, айримларини ўтказиб, бошқасини орқага қайтариб юборишарди.

– Булар шохнинг шавкатли кўшинлари. Фақат ҳозирча курул-яроғ йўқ, – тушунтирди кузатувчи.

“Тартиб ҳам...”, ўйлади Будакен.

Шаҳар дарвозаси яқинига бугдой тўла қоплар тахлаб кўйилганди. Туя қарвонлари олиб келган арпани шундоққина ерга хирмон қилиб тўкишмоқда. Уюлган дон ёнида ур-йиқит бошланган: “Нон, нон!” деб қичқириб, ёпирилиб келаётган оломонни жангчилар қамчи билан савалаб, орқага қайтармоқда эди.

– Бу қандай галва? Галла тўлиб ётибди-ку? – ҳайрон бўлди Будакен.

– Ҳар куни минглаб туяларда дон олиб келинади, лекин одамлар ҳам оз эмас. Нонвойлар нон ёпиб улгуришолмаяпти, оч одамлар қиздирилган тошларда бугдой қовуриб кун ўтказишяпти.

Улар дарвозадан кирдилар. Бир неча соқчи отларнинг юганидан ушлаб, ким келаётгани, Мароқанддан қачон чиқишгани, елкасида ёли бор икки шохли илон учиб келиб, шаҳар устида айланиб, тоғ томонга қайтиб кетгани ростми, деб сўради.

Будакен фақат устахоналар жойлашган кўча бўйлаб юрди. Кўчанинг икки томонида ярим яланғоч темирчилар болгаларини гурсиллатиб, найза ва қилич ясамоқда эди. Чарм босқонлар дам бериб ҳарсиллар; болгалар зарбидан майда учкунлар сачрарди. Ихраш, жанг-журунг, тарақа-туруқ товушлари узлуксиз шовқинга кўшилиб кетган.

Ҳорғин от минган, баланд бўйли, ёнбошига узун форс камонини осган бир одам Будакенга яқин келди. Будакен унга қараб, ҳайратдан донг қотди: у Спитамен эди. Овчи от ёлига эгилиб сак тилида шивирлади:

– Агар омон қолишни ва кадрдон чўлларингни яна кўришни хоҳласанг, мендан айрилма, – у атрофга яна аланглаб, кўшимча қилди. – Балки, ўғлингни ҳам кўриб қоларсан.

Ҳамиша хотиржам юрадиган Будакен ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўёзди.

– У қаерда? Шу ердами? Шу шаҳардами? – умидвор шивирлади у.

Спитамен аслаҳасозларни кўрсатди ва совуққонлик билан жавоб берди:

– Бу ер бозор. Балки, яхши қилич сотиб оларсан? Буларнинг ҳаммаси моҳир уста. Қандай эпчиллик билан пўлат тоблаётганини кўриб қўй.

Уларнинг ёнида терга ботган темирчи ишламоқда эди. У тиғи роса тобланган қилични каттакон қисқич билан ушлаб, ёғоч пақирдаги мойга ботирди.

Олов қуюни ва қора тутун кўтарилди. Иккита қул пақир устига сопол қопқоқни босиб алангани ўчирди. Темирчи қорайиб, қирмизи доғлар билан қопланаётган тиғни кўздан кечирди.

– Бугун кун ботишда Бесснинг саройи яқинидаги майдонда учрашамиз. – Спитамен отини ҳайдаб кетди ва бир зумда оломон орасида гойиб бўлди.

\* \* \*

Кун ботаётган деганда Будакен айтилган жойга келди.

Кекса деҳқон қўлини кўксига қўйиб уни кутиб олди. Таъзим қилиб:

– Спитамен сени кутяпти. Орқамдан юр, – деди.

Будакен отини оломон орасидан зўрға йўл очиб кетаётган қария орқасидан ҳайдар экан:

– Шаҳаншоҳ меҳмонига йўл беринглр!<sup>1</sup> – деб қичқириб борди.

Одамлар сак хонининг бўй-басти, бедов оти ва ғалати кийимларини таърифлаб баланд овозда гаплашишар ва уларга йўл бўшатишарди.

Тор гувалак кўчалар ва шаҳар дарвозаси ортда қолди. Йўл бошловчи деҳқон зовурдан сакраб ўтиб, урушга сафарбар этилганларнинг гулханларига қараб юрди. Будакеннинг изидан иккита отлиқ скиф келарди.

Атрофи дарахтлар билан ўралган кичкина уйга етиб келишди. Девор остидаги қозикларга аравакаш отлар боғланган, қуруқ ерда бир қанча одам ухлаб ётар, деворга найза ва болталар суяб қўйилганди.

Қария Будакеннинг отини жоловидан ушлаб, тушишига кўмаклашди. Сўнг дарчани шундоққина скифларнинг бурни тагида ёпиб, Будакенни боғ ичкарасига бошлаб кетди.

Тепа шоҳларига узум новдалари чирмашиб кетган кекса дарахт тагидаги гиламда Спитамен ва яна бир неча киши ўтирарди. Будакен бурнида бир тутам пахта осилиб турган қоровул Кукейни таниди.

Спитамен сакраб туриб, меҳмонга пешвоз чиқди:

– Мана бу ерга ўтир, азиз меҳмон, сен билан туғишган амакимдек гаплашаман.

Спитаменнинг ишораси билан суҳбатдошлари ўрниларидан туриб, уй ичига кириб кетишди. Деҳқон сопол лаганда бир неча нон ва қиш бўйи сақланганидан сўлинқираб қолган узум олиб келди. Спитамен кўзларини қисиб, жим ўтирарди.

– Агар македонларга қул бўлишни хоҳламасанг, бу шаҳардан кетишинг керак. Бесс шоҳлик тожигга қўл уриб, ақлини еб қўйди, катта отга миниб, уни бошқаролмай қолди. Бесс қилаётган ишларнинг ҳаммаси фақат икки шоҳлига фойда бераяпти. У халқни мамлакат ҳимоясига чақирди, ўзи эса саройда ўтириб олиб, ювиндихўрлар билан зиёфатдан бўшамай қолди. Аскарлар оч, уларни ким жангга бошлаб бориши ҳам номаълум. Кўпчилик уйларига қочиб кетишмоқда. Бесс жасур, шерюрак йигитларимизни кўй подасига айлантирди. Бесснинг кўшинлари эндиликда хом хамир, икки шоҳли хоҳлаган жойидан қирқиб, бўлаклаши мумкин.

<sup>1</sup> Қадимда Форс шоҳининг “дўстлари”, “меҳмонлари” деган унвонлар бўлган.



Будакен Спитаменга ишончсизлик билан синчиклаб қараб турарди: “У сотилиб кетмадимикин? Икки шохлининг айғоқчиси эмасмикин? Нима учун уни бунчалик мақтаяпти?”

– Шунча қўшинни сарсон-саргардон қилиб Бақтриядан қочиб келишга ҳеч қандай зарурат йўқ эди. У ўз атрофидан душман қидиряпти. Аслида ўзи ва ҳамтовоқлари халққа душманлик қилаётганини хаёлига ҳам келтирмайди.

– Нима қилиш керак? – сўради Будакен вазминлик билан.

– Ўз чўлларингга кетишинг ва суворийларни жангга тайёрлашинг керак. Ҳали кўрасан, қонхўр Икки шохли ўз кучини кўрсатиб қўйиш учун у томонларга ҳам бориб қолади.

– Қўявер, бош суқиб кўрсин-чи... – тўнғиллади Будакен. – Қуруш ҳам бизни эламаган эди, калласидан ажралди. Ўзинг нима қилмоқчисан?

Спитамен Будакеннинг гап оҳангидаги истеҳзони пайқади.

– Кимки бегоналар зулмига бўйсунганини хоҳламаса, ойболта олиб, душман шохини синдириши керак. Кимнинг кўксига сийқа хорижий танга эмас, озод юрак уриб турса, у македонияликлар ва яванлар уйларимизни босиб олишига, эркакларни ўлдириб, аёллар ва болаларни қул қилишига йўл қўймайди. Бақтрияликлар тоғ дараларида ўз вақтида қиличларини кўтаришмади. Натижа нима бўлди? Улар македонияликлар қамчисидан қочиб бу ёққа келишмоқда. Энди ҳамма йўлларда македонияликларни сўйиш учун тоғларга йиғилишмоқда. Бироқ кеч бўлди, яванлар бақтрияликларнинг уйида ўтиришибди.

– У биз томонга ҳам боради, деб ўйлайсанми?

– Эркаклар қорни билан ерда эмаклаб шафқат сўрайдиган ҳамма ерга у боради. Бироқ чинакам жангга ташна шерюрак йигитлар бор. Қара, қанча ботир ўғлонлар бу ерга йиғилган. Биз ҳозир неча юз кишимиз, ҳар кун яна қанча довюрак йигитлар келиб, қўшилишяпти.

Будакен индамади. Македон араваси орқасидан кетаётган занжирбанд ўғлини кўз олдига келтирди.

– Ўғлингни кўрасан деган эдинг-ку?

– Чўлга қайтишдан олдин мен билан бирга бўлсанг – кўра оласан. Жангчиларимиз босиб келаётган Македонияликларни тутиш учун тоғларга кетади... Иккимиз эса Икки шохлини кутиб олишга борамиз.

– Эсингни еб қўйдингми?

– Нега? Иккаламиз камбағал чўпонга ўхшаб кийиниб оламиз. Йигирмата қўйни македонияликларнинг қароргоҳига ҳайдаб борамиз, шу ерда ўғлингни кўрасан. Йўлда қочиб кетиши осон бўлади. Балки уни қутқариб олармиз. Мен ҳозир жўнайман. Сен эса билганингни қил.

– Сен билан бирга бораман.

– Шундай дейишингни кутган эдим. Менда деҳқонларнинг кийими бор, роса катта, от ёпинчиғига ўхшайди. Бугуноқ дарёга қараб йўлга чиқамиз. Жангчиларинг отларини олиб Курешатада бизни кутишсин. Қайтишингда тоғлар бўйлаб юриб, уларни топиб оласан.

– Чўлда айтадиган гапларимни билиб олдим, – деди Будакен, – фақат бошим омон қолса...

## ТЕМИР ДАРВОЗАЛАР

Тоғ сўқмоғида иккита йўловчи ҳорғин келарди. Кийимларига қараганда кўчириб келтирилганларга ўхшайди. Ранги айниб кетган жун чакмон кийган, оёқларида тўзиб кетган чориқ. Улар ўндан ошиқ

думбали қўй ва устига қоплар ортилган оёқлари ингичка, онда-сонда учраган ўтларни чимдиб кетаётган қари эшакни ҳайдаб боришарди.

Йўл борган сари кўтариларди. Майда баргли заранг, арча ва писта дарахтлари тоғ бағрига сочилиб кетган.

Довон устида тошлоқ ерга илдиз отган беш юз йиллик ёлғиз арча савлат тўкиб турарди, унинг тўқ яшил қинғир-қийшиқ новдалари тарвақайлаб кетган. Шохларига йўловчилар боғлаб кетган латталарни шамол тортиқлаб ўйнайди.

Тошлоқ йўл ва яланғоч қоялар иссиқ тафтини қайтаради. Жуссаси баҳайбат айиққа ўхшаган бир йўловчи арча тагидаги тошга ўзини ташлади, шериги қоя лабига кўтарилди. Қуёш тоғнинг қиррадор, яланғоч чўққилари ортига ботиб борар, чуқур ёриқлардаги қор уюмлари қонли оқимга ўхшаб кўринарди. Олис-олисларни бинафшаранг туман чулғаб олган.

— Яқинлашиб қолдик. Ҳов анави ерда, қора қоялар ёнида темир дарвозалар бор.

— Ў, чапақай, нега гапингга кўна қолдим!— ингради йўгон одам.— Яёв юриб, бўрига ўхшаб кийикларни қувиб юрганимдан бери уч мучал ўтди-ёв. Энди бир ўтовимдан иккинчисига яёв боролмайман. Ҳўв Папай, мени тезроқ яна отга миндир!

— Хо-хо-хой!— узоқдан қичқириқ эшитилди.

Пастда, тоғ ёнбағрида омоч дастасини тутган деҳқон кичкина гунажин ва эшакни ниқтаб ер ҳайдар эди. Деҳқон йўловчиларни кўриб нимадир деб қичқирди. Илонизи қилиб ҳайдалган ернинг охирига бориб, омочни чиқариб олди ва тошдан-тошга енгил сакраб, юқорига кўтарила бошлади.

Титилиб кетган қўй терисига ўралган ёшгина қўшчи йигит, хушмуомалалик билан жилмайиб, йўловчиларнинг ёнига келди.

— Қаёққа кетаяпсизлар? Жонингиздан тўйдингизми? Энди ҳамма у томондан, катта дарёдан қочиб келяпти.

— Нега қочишади?

— Нега қочади дейсанми? Албатта, ўз ерида ўтириб, дон экканга нима етсин!

Деҳқон гадир-будир, сертомир бармоқларига қаради.— Мен ўзимга шунақанги жой топдимки! Арпа зўр бўлади. Урушаётганлар билан нима ишим бор? Бу уруш — дўл аралаш бўронга ўхшайди, ёнингдан ёғиб ўтади-кетади, биз қўшчиларга яна қуёш нур сочаверади.

— Биз ҳам ўзимизни бекорга оловга урмасак керак.

— Яхшиси, шу ерда мен билан қолинглар. Сизларга энг яхши, шунақанги бўлиқ ерни кўрсатаман. Очилмаган кўриқ. Ҳали бирон марта шудгор қилинмаган. Эшагингизни мана бу уловларга қўшиб қўямиз, икковларинг омоч тортишга ёрдам берасизлар. Шундай қилиб, бўз ерни шудгор қиламиз. Кузда донимиз бўлади.

— Темир дарвозаларгача ҳали узоқми?

— Улар ҳов анави довондан кейин бошланади. У ерда соқчилар гуруҳи бор. Агар кўриқчилар ўтказмаса, ёлғизоёқ сўқмоқдан айланиб ўтишингиз мумкин. У ердан қўйлар ҳам, эшагингиз ҳам ўтиб кетади.

— Шу сўқмоқдан бизни ўтказиб қўя оласанми?

— Бўлмасам-чи! Фақат ҳозир иложим йўқ. Аригимни сув ювиб кетган. Уни тузатишим керак. Сув экинзорга кирмай ўтиб кетяпти. Ариқни тузатишга ёрдам берсаларинг, эртагаёқ сўқмоқдан ўтказиб қўяман.

— Майли,— дейишди йўловчилар.— Биз сенга бугун, эртага сен бизга ёрдам берасан.

Деҳқон сояда ётган қўйларни ҳайдади ва ҳаммалари эҳтиёткорлик билан тоғ ёнбошидан пастга туша бошладилар.

Улар тун бўйи жон-жаҳдлари билан ишлаб, тоғ ёнбағридан ўтган ариқни қайта тозалаб чиқдилар. Сув тошлоқ қияликни ювиб кетмасдан экинзорга тўғри келиши учун ариқ қирғоқларини тош, шохшабба, чим билан мустаҳкамладилар. Оғир меҳнат билан овора бўлиб, уруш ҳам, бостириб келаётган Икки шохлининг ваҳимаси ҳам вақтинча унутилди.

Тунда деҳқон иккала йўловчини ўз кулбасига бошлаб келди. Кулба жуда кичкина, тошдан қурилган, тепаси ясси бўлиб, томига шохшабба босилганди. Ичкарида қурумдан қорайиб кетган деворлар кўмирга ўхшаб ялтирарди. Девор ёриқларида йирик кўнғир сувараклар ва сон-саноқсиз очофат каналар ўлжа кутиб ётарди.

Иккала меҳмон ҳам ҳўл кийимларини узун хода устига ёйиб ташкарида ётдилар.

Деҳқоннинг кичкина, чаққон, бурни узун, ҳар нарсага қизиқиб қарайдиган кўзи ўткир хотини қайнатилган жўхори ва пиширилган лавлаги солинган кўза кўтариб келди.

Атрофни қуюқ қоронғилик босиб, шоқоллар хазин улий бошлаган пайтда узоқда қизил оловлар ёнди. Улар кучайиб борар, қипқизил аланга устунга ўхшаб осмонга ўрларди.

— Бизнинг қишлоғимиз — Чакчак ёнаяпти! — қичқирди деҳқон. Сомон ёнаяпти, галла ёнаяпти! Жун ҳиди келади. Деҳқонларнинг чорва моллари ёнаяпти. Бошимизга кулфат ёғилди.

\* \* \*

— Бу ер ёвуз Ахриманнинг салтанати-ку! Қаерга кетяпмиз ўзи? — атрофга аланглаб, баланд овозда сўради Будакен.

Ўткир қиррали қизил қоялар чор атрофда юксалиб турар, уларнинг ўртасида сеҳрли девлар қўли билан қурилганга ўхшаган, оппоқ гумбаз<sup>1</sup> алоҳида ажралиб турарди.

Кичик дарёчанинг қумлоқ қирғоғи бўйлаб кетган йўл эгри-бугри ариқ ёқалаб кўтарилиб, қояли тизма тўсиб қўймагунча тоғ ёнбоши бўйлаб давом этар, сўнг яна дарё ёқасига тушарди.

— Йўлнинг давоми қани?

— Ҳов ана, тоғ ёрилган жойда,— дея деҳқон баланд қора қоядаги худди биров қилич билан иккига бўлиб қўйганга ўхшаб кўринадиган ерни кўрсатди.

Йўловчилар тор қоронғи йўлакка киришди. Қиррали қора тошлар худди ҳозир босиб тушиб, янчиб ташлайдигандек бош устида осилиб турарди. Атроф қоронғи ва намчил эди. Ёриқ жойнинг кенлиги бешолти қадам келарди. У гоҳ кенгайиб, гоҳ яна тораярди.

— Тўхтанглар, нарига бориш керак эмас,— гулдиради Будакен. “... керак эмас!” — такрорлади акс-садо.

Бир зум тек қотишди. Дара ичкарисидан ҳеч қандай товуш эшитилмади.

— Дўзахга кириб чиққанинг яхши эмасми?— сўради Спитамен.— Қўрқма, мен сени дўзахдан гард тегизмасдан олиб чиқишга ваъда берганман...

— Нега ҳаммаёқ жимжит?— ҳайрон бўлди деҳқон қулоқ солиб туриб.— Бу ерда ҳамиша тўполон, қий-чув бўларди, эшаклар ҳанграб, карвонлар ўтарди... Одамлар қани? Ҳозир Темир дарвозалар бошланади, қани, олға юрамиз.

<sup>1</sup> Гипс ва туздан ҳосил бўлган тепачалар бу ерларда ҳозир ҳам бор.

Кўйлар яна туёқлари билан тошларни шақиллатишди. Будакен у ёқдан-бу ёққа аланглаб бурнини тортар, қояларни ўйиб кирган кичик ғорларга кўркув билан қараб қадам ташларди. “Булар ёвуз руҳларнинг ини”, деб ўйларди у.

Олдинда йўл темир қопланган йирик ходалардан ясалган катта қора дарвоза билан тўсилган эди. Қоялар ниҳоятда тор йўлак ҳосил қилиб, бир-бирига тегай деб турарди. Бу ерда туриб, оз сонли жангчилар билан ҳам бутун бир қўшинни тўхтатиб қўйиш мумкин эди. Оғир тош тўсиқ тираб қўйилган улкан дарвозалар ярим очик. Тор йўлак ёнига қурилган учта кичик уй жимжит, эшиклар қўпориб олинган, саватлар, похол, синган идишлар сочилиб ётарди. Ҳамма нарса одамлар шошилишда қочиб қолганидан дарак беради.

— Мана бу ўйларда кўриқчилар яшар эди. Улар карвонлардан бож йиғишарди. Бироқ ҳаммаси қочиб кетишибди. Нимадан кўрқишди экан? Биз, деҳқонлар, ҳосил бўлмай қолишидан кўрқамиз, холос. Елкамизда сўғд ҳокими ўтирадимми ё бақтрияникими — бизга барибир.

— Бироз кутиб турамиз, — таклиф қилди Будакен.

У дарвозалар ёнига келиб, бир табақасига қўл тегизди, у бўғиқ гижирлади, чилвирага осиб қўйилган кўнғироқчалар жириглади.

— Жим, келишяпти!

Узоқдан шовқин-сурон эшитилди. У даранинг гулдурашига қўшилиб кучая борди. Туёқларнинг тошга урилиб тақиллаши, қуролларнинг жаранглаши сукунатни бузди. Ҳаммаёқни отларнинг кишнаши босиб кетди.

Тор дара муюлишидан бир нечта суворий отилиб чиқди. Уларнинг бронза совутлари, узун найзалари, қизил чакмонлари ва дубулғалари учидаги от думлари — ҳаммаси бегона, бақтриялик ёки сўғд жангчилариникига ўхшамас эди. Суворийлар шитоб билан от чоптириб келиб, дарвоза олдида тўхташди.

Дара ичкарасидан яна бир гуруҳ жангчилар чиқиб келди.

Кўйлар чўчиб маъраб, бир жойга тиқилиб, гуж бўлиб олишди.

Олдин келган отлиқлар ўйларни айланиб ўтиб, дарвоза олдида қайтишди.

— Кимсан? — сўради Спитаменнинг ёнига катта, озгин отини ҳайдаб келган малла соқолли, шамолда қорайиб кетган суворий.

Спитамен деҳқончасига қўлларини кўксига қовуштирди ва итоаткор оҳангда жавоб берди:

— Нон излаб юрибман. Кўйларни сотиш учун ҳайдаб кетяпмиз.

— Бу одамлар кимлар?

— Деҳқонлар. Бирга кетяпмиз.

— Темир дарвозаларнинг қоровули қаерда? Нима учун ҳеч ким йўқ?

— Биз қаердан биламиз? Биз Чакчакка кетяпмиз. Дарвозадан кўйларни ҳайдаб ўтганимиз учун кимга ҳақ тўлашни билмай тўхтадик. Шоҳга бож тўламасак, бизни жазолашади.

— Менга тўлайсизлар! Бож билан бирга кўйларнинг ярмини оламан, қолган ярмини эса... яна ўзим оламан.

— Кўйларни текинга бермайман, мен камбағал одамман, — деди Спитамен.

— Сен кимсан? — сўради чавандоз Будакеннинг елкасига қамчи уриб.

— Мен ҳам деҳқонман. Кўйларнинг ярми уники, ярми меники. Мен ҳам нон излаб юрибман.

Чавандоз белбоғидан ҳамён олиб, кумуш танга чиқарди.

– Мана, олинглар-да, ҳеч қаёққа кетманглар.

Будакен кенг кафтларида тангаларни ушлаб, қизиқиш билан кўздан кечирди. Унда тери ёпинган жингалак сочи йигитнинг боши акс эттирилганди. Унинг дубулғасида қўй шохи бор эди.

– Бу кимнинг сурати?

– Ҳозир, билиб оласан.

– Бу – Осиё шоҳи Искандар. У худонинг ўғли, ҳамма унга бўйсунуши керак. Эй, Архелай, манави дайдиларни ол, икковини бирга боғлаб қўй!

Македон суворийлари отларидан сакраб тушиб, совутларини ҳам ечмасдан, тизгинларни қўлларига ўраб, тошлоқ ерга ағанаб ётишди.

Дарвоза ёнида, қоялар туртиб чиққан жойга соқчи қўйишди. Шу ерда елкаларини елкаларига тираб, икки “дайди” ўтиришар эди. Улар тирсакларидан қаттиқ боғланган эди.

– Сен, ёвуз, мени алдаб, шу ерга олиб келдингми?– вишиллади Будакен.

– Ўламан деб кўрқма, ҳали Спитаменнинг қўшиғи охирига етгани йўқ. Дехқонимиз қочиб қолди-ку. Суворийлар кўриниши билан у жуфтакни ростлади. Шундай қочдики, фақат оёғининг товони кўришиб қолди, холос.

– Гаплашманглар! – қичқирди соқчи.

## ШОҲЛАРНИНГ ЎЧИ

Гуруҳ бошлиғи тўртта суворийни тингчи<sup>1</sup> қилиб олдинга юборди. Ўзи тош устига ўтирди-да, тиззасига бир бўлак пергамент қўйиб ёзишга киришди:

“Пагнинг ўғли Птоломей, Осиё шоҳи Искандарга – Филипп ўғлига қувончли хабар йўллади. Юз суворийдан иборат илғор қисм билан Темир дарвозалар дарасига ёриб кирдик. Тиришиб қилган ҳаракатимиз ва қўшинлар олдида учиб борувчи сенинг улугвор номинг туфайли ўтиб бўлмас дарадаги сон-саноксиз ҳимоячилар қочишга мажбур бўлди. Жангда анчагина асирларни қўлга олдим. Уларнинг кўрсатмаларини кейинги чопар орқали маълум қиламан. Қисқа муддатли дам олишдан кейин Навтаканинг асосий йўлида юришни давом эттираман. Тезроқ кел, ҳамма йўллар очиқ. Сени олампаноҳ Зевснинг ўзи асрасин!”

Птоломей пергаментни думалоқлаб, чилвир билан боғлади. Бир бўлак мумни қўлида эзиб, чилвир охирига ёпиштирди-да, Афина Паллада тасвири туширилган узугини босди. Озгин, юзлари қорайиб кетган жангчи келди. Птоломей хатни зудлик билан етказиш зарурлигини билдириш учун ерга ташлади. Жангчи ўрамни чарм дубулғаси ичига солиб, пешонасига бостириб кийди-да, тасмасини ияги тагидан боғлади. У сакраб отига миниб, дара бўйлаб елиб кетди. Туёқларнинг акс-садоси бир муддат эшитилиб турди.

Спитамен мудраб, чайқала-чайқала ёнбошига ағдарилган ва ўзини ҳам қўшиб йиқитган скиф хонининг кенг елкасига боғлаб қўйилган эди.

“Уйку қайғуда юпанч беради, чарчаган одамга куч бағишлайди”, деди Спитамен ва бир амаллаб ёнбошлади. Қўллари увишиб қолди, танасига арқонлар ботиб, азоб бера бошлади. Қон қуйилган боши ён томонга осилиб қолганди. Спитамен уйкуга кетди. Тушига малла со-

<sup>1</sup> Т и н г ч и – разведкачи, айғоқчи маъносига.

қолли улкан булут кирди. Булут македонияликларнинг бронза дубулгасини кийган хунук каллага айланди. Оғзини очган эди, унга найза кўтарган скиф отликлари кириб кетди...

Дарадаги шовқин Спитаменни уйғотиб юборди.

Йўлда бир қанча форслар турарди. Қоронғи дарага юқоридан туншаётган қуёш нурлари узун, қирмизи кўйлақлар устида товланади.

Спитамен Бесснинг оёғини ялаб, зиёфатларда ва сафарга чиққанда эргашиб юрадиган хушомадгўй мулозимларни таниди. Улардан бири кекса, семириб кетган, ёноқлари қирилган, соқолини хинага бўяган Датаферн, иккинчиси, шоҳнинг ҳар нарсага қурби етадиган эркатойи, ёш, сурбет, маишатбоз Катен эди.

Бир томонда хизматкорлар ранг-баранг ёпинчиқлар билан безатилган отларни ушлаб туришарди. Бу машхур аёнларнинг аввалги такаббурлиги, манманлиги қаерда қолди? Улар македон қўшинларининг бошлиқлари олдида хушомад ва итоатгўйлик билан эгилиб-букилар, пешонаси ва бармоқларини ерга теккизар эдилар.

Улардан нарида бошдан-оёқ қирмизи жун чакмонга ўралган баланд бўйли одам турарди. У оддий намат форсий қалпоғини бўяб узайтирилган қошигача бостириб олганди. Қора кўзлари жовдираб, гапираётганларни безовта кузатарди.

Птоломей ҳарбийларча тик туриб, совуқ, бирор маъно англаб бўлмайдиган юзини уларга бурди.

— Мен сизларга шоҳнинг талабини етказдим. Сизлар форс қонунларини унутмасликларинг керак. Шоҳ бирор қарорга келса, уни ҳеч ким бекор қилолмайди. Унинг амрини бажаришга шошилишлар!

— Эшитамиз, шавкатли саркарда! Тушунамиз, улуғ зот! Айтганингни бажарамиз, эй, фусункор зот!

Мулозимлар Птоломейга қайта-қайта таъзим қилишди, кейин ёлғиз турган бояги баланд бўйли одамга ташланишди. У форсларни оёғи билан итариб, қаршилиқ кўрсатди ва ингичка овозда бақаришга тушди. Форслар хизматкорларини ёрдамга чақаришди. Улар югуриб келиб, баланд бўйли одамнинг чакмони, узун ички кийимлари ва кенг ипак чолворини юлиб олишди.

Бу Бесс эди. У шир яланғоч, марварид қадаб тикилган сандал ва намат қалпоқдагина қолди.

— Шу ерда турсин, — Птоломей қора қоя тагидаги япалоқ тошни кўрсатди. — Сизлар эса ёнида бўласизлар.

Дара ичкарасидан карнай овозлари эшитилди. Ётган жангчилар сакраб туриб, қурол-аслаҳаларини тартибга келтирдилар-да, текис бир қаторга тизилдилар.

Олдинда ялтираб турган мис совут таққан македон этэрлари кўринди. Улар найзаларини тик тутиб, учтадан бўлиб, саф тортиб келишарди. Уларнинг орқасидан пешонасига қизил пат осилган учта оқ от кўшилган кичкина уч филдиракли зарҳал жанг араваси чиқди. Бронза қопланган арава тошлоқ йўлда силкиниб-силкиниб келарди. Аравани чўккалаб ўтирган ҳабаш-қул ҳайдаб келар, ёнида чорпахил, чиройли, соқоллари қирилган, мағрур жангчи тик турар, унинг пўлат дубулгасида оқ лайлак пати ҳилпиради. У иккита калта найза ушлаб олган эди.

Жангчи юксак қояларга ҳайрат билан назар ташлади, “Осиё ҳукмдори, худонинг ўғли, Базилевс, Искандарга шон-шарафлар!” деб қичқираётган жангчиларнинг нидосидан темир дарвозалар титраб кетгандек бўлди.

Ниҳоят, қисик кўзлар қора қояда яққол кўриниб турган Бесс-

нинг йўғон, хомсемиз гавдасида тўхтади. Бесс қўллари билан юзини тўсиб, тескари ўгирилди. Ёноқларидан кўз ёшлари оқар, елкалари титраб, қалтирар эди.

Арава тўхтади, шовқин-сурон кўтариб саркардани олқишлаётган жангчилар ҳам тош қотди.

Искандарнинг бўғиқ, газабга тўла овози хўмрайган қояларда аксадо бериб, дара бўйлаб гумбурлади:

— Ниҳоят, сени учратдим, аянчли қочоқ, мақтанчоқ! Қани, айтчи, худолар менга атаб қўйган форс шоҳининг тожини тортиб олишга қандай ҳаддинг сиғди? Гапир, нега қутурган итдек ташланиб, оққўнгил шоҳ Дорони, қариндошинг ва валинеъматингни кишанлаб, кейин азоблаб ўлдириш даражасига бординг? Бу разил ишни шаҳаншоҳ унвонини ўзлаштириш учун қилганингдан тонасанми! Жавоб бер! Гапир, худолар лаънатига учраган!

Бесс титраб-қалтираб кўз ёшларидан нафаси тиқилиб, зўрга гапирди:

— Мен... ўзимни... шоҳ... деб эълон... қилганим... фақат... шоҳликни сенга... шавкатли Искандарга топширмоқ... учун эди... Агар мен шундай қилмасам... шоҳлик тожини... бошқа биттаси... эгаллаб оларди!..

— Шундай дейишга журъат этдингми ҳали? Шоҳлик тожиги кўл чўзишга кимнинг ҳадди сиғади? Уни фақат худонинг ўгли эгаллаши мумкин. Князь Оксафр қаерда?

Арава ортида турган мулозимлар орасидан семиз, юзлари осилиб кетган Оксафр — ўлдирилган шоҳ Доронинг укаси чиқиб келди.

У хизматкорлар ушлаб турган отдан аранг сирғалиб тушди, узоқ юришдан увишиб қолган оёқларини зўрга босиб, беўхшов қадамлар билан Искандарнинг ёнига яқинлашди.

— Оксафр, мана, аканг Доронинг қотили! Уни сенга тортиқ қиламан. Сен ундан ўч оласан: аввал бурни ва қулоқларини кесасан, кейин деворга қоқиб қўйиб, найза санчиб ўлдирасан.

Оксафр виқор билан баланд бўйли Бесснинг олдига борди, сўкиниб, ҳар бир тўлганганда ваҳима босиб, уни қамчилашга тушди.

Искандар Бессни тутиб келган форсларга ўгирилди. Улар устига қимматбаҳо ёпғич ёпилган каттакон лаганни кўтариб туришарди. Унда форс шоҳининг қовоқдек думалоқ, нодир жавоҳирлар билан безатилган тожи ётарди.

Искандар тожга кўзларини қадади. У оқ шоҳли дубулғасини ечиб, югуриб келган нубиялик қўлга узатди. Тожни очкўзлик билан ушлаб баланд кўтарди, кейин жингалак сочлари устига кўндирди. Тож катта эди, кўзларигача босиб тушди. Искандар яна нимадир кутаётгандек, уни бир зум қўллари билан ушлаб турди. Хўмрайган дарага назар ташлар экан, осилиб турган баҳайбат қиррадор қоя тошларга кўзи тушиб, юзида хавотир аломати сезилгандек бўлди. У тожни ечиб, қора нубияликка тутқазди:

— Олға юрамиз! Бу ердан, зулмат босган тор дарадан тезроқ чиқиб кетишимиз керак, бўлмаса тепадан устимизга тош думалатишлари мумкин. Наватакада янги галабамизни нишонлаймиз. Мен шавкатли жангчиларимга юртини ҳимоя қила олмайдиган, бизга қул бўлиш учун яратилган бу овсар халқнинг ҳамма ерини, далаларини ва уйлари билан бутун бойликларини бўлиб бераман. У ерда жангчилар дам олишади. Сизлар эса, шоҳнинг қотили Бессни менга тутиб келтирганлар — алоҳида тақдирланасизлар, мен сизларни унутмайман! Сафардаги дўстларим, эшитинглар, — базилевс овозини баландлатиб жангчиларга мурожаат қилди. — Форс салтанати энди бутунлай бизники ва ҳамиша шундай бўлиб қолади! Энди бошқа душманлар

йўқ. Отам олий худо Момақалдироқ Зевсга шон-шарафлар!

– Сен ҳамиша голибсан! Сен бутун оламнинг шоҳисан! – қичқирди жангчилар. Акс-садо уларнинг сўзларини қайтарди.

Оқ отлар депсиниб, жойидан қўзғалди, олтин арава гадир-будир йўлда тебраниб, олға юрди. Унинг ортидан қуролларини ялтиратиб, шовқин-сурон билан базилевснинг тансоқчилари ва мулозимлар ҳам шаҳдам йўлга тушдилар.

– Будакен қонга тўлган кўзлари билан суворийларни кузатиб ўтирди. Бронза дубулғали, баланд бўйли йигит кўзига иссиқ кўринди. Ўғлига – оқ-сарикдан келган, қадди-қомати келишган Сколотга қуйиб қўйгандек ўхшарди!

– Сколот! – бўқирди Будакен. – Сколот!

Бироқ Будакеннинг наъраси отлар дупури ва жангчиларнинг шовқин-сурони орасида йўқолиб кетди.

– Нега бўкирасан, жим бўл! – деб Будакеннинг бошига урди соқчи.

– Бу Сколот, менинг ўғлим Сколот, – гўлдирарди Будакен. – Мен янглишиб, баланд бўйли яванни ўғлимга ўхшатгандирман, лекин отни ҳеч қачон адаштирмайман. У машҳур Бўронқуш насли, ўйноқи айғирни миниб ўтди!

Барча жангчилар отларга сакраб миниб, базилевсга эргашдилар. Тез орада дарага сокинлик чўкди, кулранг қўшоёқлар яна инларидан отилиб чиқдилар; улар югуришиб, орқа оёқларида тик туриб, ҳавони хидлашар ва атрофга аланглаб қарашар эди.

Птоломей банди қилинган деҳқонларни унутиб, базилевс орқасидан от қўйди.

Спитамен жон-жаҳди билан ўзи боғланган арқон ва камарни тошга ишқалаб, узишга урина бошлади. Ой нури дарани ёритгач, чуқурликда иккита кўланка кўринди. Улар эҳтиёткорлик билан, ҳар бир шарпадан ҳадиксираб келардилар. Булар ёш деҳқон ва унинг ушоққина рафиқаси эди.

Улар боғловда ётганларни топиб, қўлларини ечдилар.

– Сизларни ўлдиришган бўлса керак, деб ўйладик. Утиб бораётган лаънати яванлар орасида сизларни кўрмадик. Биз мурдаларингни дафн этишга аҳд қилдик, сут ва угра ош қўйиб, руҳларинг тўйишини, биздан ўч олмаслигини истадик, чунки қўйларимиз билан бирга даламиз ёнида ҳалок бўлдингиз, деб ўйладик. Буюк Аҳурамаздага ҳамду санолар бўлсин. Сизлар тирик экансизлар ва яна бизникига келишингиз мумкин. Сув зовурни уриб кетди, уни тузукроқ тузатиш керак. Энг аввало сув бўлсин, шунда нон бўлади. Иш қочиб кетмайди!

Эрталаб икки “деҳқон” Искандарнинг қўшинлари ҳамма қишлоқларни талаб, қуритиб кетаётган катта йўлдан бошқа алоҳида сўқмоқ бўйлаб жўнашди.

Спитамен оқсоқланиб бораётган Будакенни юпатди:

– Ҳамма одамларимиз энди Мароқанд ёнига тўплангани ва биз нозикойим хонзодаларнинг ёрдамисиз чинакам курашни бошлаймиз. Сўғдлар юнонлар босқинига чидаб туролмайди. Улар ўз далаларини ва ўз тутзорларини яхши кўрадилар. Бу дарахтларни ташлаб кетгандан кўра унга ўзларини осишни афзал биладилар. Мана, сен икки шоҳнинг қанчалик ёвузлигини кўрдинг. Энди чўлга бориб, бу шоҳ то ўз башарасига бошлаб туширадиган ботир жангчиларга дуч келмагунча тўхтамаслигини сакларга сўзлаб берасан.

Будакен ингради ва тишларини гижирлатди:

– Менинг ўғлим икки шоҳли билан бирга! Агар ёвуз сак ерларига



борса унда Сколот ҳам бизга қарши жанг қиладими? Эвоҳ, шундай бўлса, у билан ўзим олишаман. Кўрамиз, у отасига қўл кўтарарми-кан...

## ЕТТИНЧИ ҚИСМ

### ТУРНАЛАР ШИМОЛГА УЧАДИ

– Биз енгилмас Осиё шоҳининг жангчиларимиз.  
– Сизларда фақат шоҳ енгилмасми?  
Биз, скифлар эса ҳаммамиз енгилмасмиз.

### ТУРНАЛАР ШИМОЛГА УЧАДИ

Сўғдларнинг чегара миноралари орқада қолди. У уфқда тўқ-қизил нуқтага ўхшаб кўринади. Олдинда поёнсиз чўл ястаниб ётибди. Одатда қуриб, қақраб ётадиган текисликни баҳор гуллари – кип-қизил лолақизғалдоқлар, сап-сарик лолалар ва бошқа турли-туман чўл чечаклари ранг-баранг гиламдек безатган.

Будакеннинг Сўғддан шимолга – ўз қўналғаларига қаймоқчи бўлгани скифлар гуруҳида қувончли туйғулар уйғотди. Ўғли ҳақидаги оғир ўйлар Будакенни муттасил эзиб турар, у оғир уҳ тортиб, чуқур хўрсинар эди. Эгасининг тушкин кайфиятини ҳис қилган ақлли оти у ҳар хўрсинганда қулоқларини чимириб, ялтироқ қора кўзлари билан эгасига қиялаб қарарди. Ниҳоят, илиқ баҳор қуёши, сарин шабада олиб келаётган чечакларнинг хушбўй ҳиди ва бўрсилдоқ ер нафаси, байрамга тайёргарлик кўраётгандек саранжом-саришта кўри-наётган чўл сак йўлбошчисининг қорайган ғамгин чехрасидаги чуқур ажинларни ҳам беихтиёр текислаб юборди.

Будакен қадим йўловчилар Яланғоч чўл деб номлаган ҳудуддан борарди: бу ерларда на туялар учун янтоқ, на овчилар учун қуён ёки жайрон бор. Шамол тортқилаган томонга қараб кетаверадиган туяқорину қуруқ тиканли гулчамбарга ўхшаган шўраларгина чўл бўйлаб учиб, думалаб юради. Ҳалок бўлган ҳайвонларнинг суяги сочилиб ётадиган бу жойлардан карвонлар фақат баҳор ойларидагина кўрқмай ўта олади.

– Анавини қара, Кидрей, булар ахир ёввойи отлар-ку! – деб қичқирди олдинга тикилиб бораётган кекса Хош.

Кидрей оти Пегашни қамчилаб, бархан устига чиқди ва қўлини соябон қилиб, олисларга қаради. Бир қанча қора нуқталар аста-секин йўлни кесиб ўтмоқда эди. Ердан кўтарилаётган илиқ буғ тўлқинга ўхшаб таралмоқда, уфқ чизигида ҳамма нарса гўё титраб турганга ўхшайди.

– Ёввойи отларни кўрмаган экансан, – деди истеҳзо билан Кидрей. – Сен кўпроқ қимизли мешларни кўтариб ўргангансан, шунинг учун ёввойи отларни қулонлардан ажрата олмаяпсан. Уларнинг чо-пишини қара!

– Булар ёввойи қулонлар, уюрдан бияни ажратиб олиб, олдиларига солиб, ҳайдаб кетяпти, – деди Будакен.

Будакеннинг қонидаги овчилик туйғуси жунбушга келди: у уфққа қарагани сайин бурун парраклари кенгайиб, чўл ҳиди қуйилиб келаётган ҳавони чуқур-чуқур симирди. У этигининг қайтарма қўнжидан бир неча тукни юлиб олиб, ҳавога отди ва учишини кузатди:

– Шамол улар томондан келаяпти. Қулонлар бизни пайқамайди.

Тўда яқинлашди. Қулонлар бияни қувлашга шунчалик берилиб кетган эдиларки, бархан ортидан яқинлашиб келаётган хавфни сезмадилар ҳам. Улар тартибсиз: гоҳ ёйилиб, гоҳ гуж бўлиб, бир-бирларини ёлларидан тишлаб, таллашиб югуришарди. Тўдасидан ажратилган бия ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаб, яқинлашган қулонни думи билан уриб чопаетгани кўриниб турарди. Лекин устидаги нима? Бўйнига қоплон ёпишиб олганми ё юк ортиб қўйилганми?

Ёввойи қулонлар ўта сезгир ва бадгумон бўлишди. Улар фойдасиз қувишни бирдан тўхтатишди. Бир неча калласи катта эркак қулон баландликка елиб чиқди ва узун қулоқларини диққайтириб, скифлар томонга тикилиб қолди, сўнг пастликка қараб шитоб билан чоғиб кетишди. Бутун тўда шимолга бурилиб чўл ичкарисига қочиб кета бошлади. Қулонлар гувиллаб ўтиб кетган жойда чанг булути қолди, холос.

Скифлар барханлар орасида кўздан йўқолган бия изидан от қўйдилар.

Будакен скифларга етиб олиб, ерда ётган ёшгина аёлни кўрди. Хош унинг боши остига ўз қулоқчинини қўйди. Аёл жуда озиб кетган: ёноқлари ич-ичига ботган, кўзлари хира, уларда ҳаёт асари йўқ эди. Қипқизил бўлиб шилиниб, тилиниб, қонталашган қўллари ҳолсиз чўзилиб ётарди. Скифлар унинг атрофида чўк тушиб ўтирганларича, шивирлаша бошладилар. Кидрей озиб, қоқ суяк бўлиб қолган бияни арқонидан етаклаб келди. Унинг териси қотиб, танаси чанг ва туз билан қопланган, биқини қулонлар тишлагани туфайли қонаб ётарди.

— Бу аёлни танийсан,— деди Хош паст овозда.— Қизинг Зарикани узатган кунингда у туя арқонини ечган эди.

— У тирикми?

— Ҳали тирик.

Будакен Томириснинг ёнига, қумга ўтирди. Унга тугундан таги энли кўза олиб беришди. Бесс совға қилган кўҳна шароб билан бронза косани тўлдириди. Будакен яланғоч чўлдаги ёвуз руҳлар ғазабланмасин деб бир неча томчи шаробни ерга тўқди ва чайиб, қорайган қўли билан Томириснинг бошини кўтарди. Оқариб, қовжираб кетган лаблар бронза коса четига тегди, лекин очилмади. Будакен ғадир-будир тирноқлари билан қизнинг лабларини очиб, оғзига шароб томизди.

Будакен Томирис билан анча овора бўлди. У давра қуриб ўтирган скифларга бир неча марта косани тўлдириб шароб узатди. Улар бир қултумдан ичиб:

— Қабиламизнинг қизини ким хафа қилган бўлса, ўлимга учрасин! — деб такрорлар эдилар.

Аста-секин Томирисга ҳаёт нишонлари қайтди. У узук-юлуқ қуриллаган овоз элас-элас эшитилаётган осмонга диққат билан тикилди.

Ҳамма юқорига қаради. Мовий ранг осмонда уч бурчак шаклда турналар учиб борарди.

Томирис қадини кўтариб, қимирламай ўтирган скифларга кўрқув билан тикилиб қолди. Кўзлари Будакеннинг япалоқ юзида тўхтагач, унинг рангпар лабларида энгил табассум жилва қилди:

— Менга озодлик берган Будакенмисан?.. Мен энди кўрқмайман, лекин сен кўрқ.

— Кимдан кўрқай?

— Уйга қайтишдан эҳтиёт бўл, у ерда сени ўлдиришади.

Будакеннинг қошлари чимирилди, кўзлари ўнг-чапга олазарақ нигоҳ ташлади.

Томирис қийинчилик билан ёнига ўтирилди, яраланган қўлини ёноғи остига қўйиб, жим бўлиб қолди.

— У ухлади,— деди кекса Хош.— Бу — яхшилик аломати.

Будакен шу ерда тўхтаб, юкларни тушириш ва отларни мешдаги сувлар билан суғоришни буюрди. У юклар орасидан чарм қоп олиб, уни кўнғир айғирнинг эгари орқасига боғлади...

– Сизлар тўғри Аччиқ қудуқларга, Афросиёб тоши турган жойга борасизлар, – деб тушунтирди Будакен Кидрейга отлар арпаларини еб бўлгач. – Ўша атирофда Шэппи Тэмен билан озод скифларнинг чодирни бўлиши керак. Бу аёлни ўша ерга олиб борасизлар.

– Агар кўналга чодирлари тоққа, яйловга кўчган бўлса-чи?

– Унда... Вой-вой, бай-бай, нима қилиш кераклигини наҳотки ўзинг билмасанг! Қумда қолдириб кетсак, бекорга ўлиб кетади. Кейин арвоҳи кечалари учиб келиб бизни безовта қилади. Чодирни тополмасанглар, уни бизникига олиб келасизлар!

Скифлар турнақатор бўлиб шимолга йўл олишди; отлар шитоб билан борарди: Яланғоч чўлдан тезроқ чиқиб олиш керак. Бир отнинг устидаги юклар орасига Томирисни миндиришди.

Скифлар Будакен нима учун бир ўзи Афросиёб ҳайкалига ўхшаб чордона қуриб ўтирганича жойидан кўзғалмаётганига тушунмай, бурилиб қарашди.

Яна олис кўк гумбазидан қур-қурлаган турналар овози эшитилди. Будакеннинг хаёли жойига келиб, осмонда қанотларини кенг ёйиб учиб бораётган қушларга тикилди.

У ўрнидан туриб, ерга қоқилган бронза қозик атрофида бетоқат айланаётган айғирни олдига осойишта ва дадил борди. Чарм қопдан Бесс совға қилган зирхли пўлат совутни олди. Кийимини ечиб, совутни кийди ва тасмаларини маҳкам боғлади. Совут жуда қулай, моҳир уста томонидан ясалган эди. У кийимларини яна кийганда остида совут борлиги сезилмай қолди.

Будакен арқонни қозиғи билан ўраб, эгар қошига илди ва сакраб отига минди. Айғир бир текисда, “бўри юриш” қилиб, Будакеннинг кўналғасига қараб йўлга тушди.

## МАРҲУМНИНГ ҚАЙТИШИ

Будакен ора-чора тўхтаб, кечаю кундуз йўл босди. У гоҳ тақир ер бўйлаб отини йўрттириб борар, гоҳ елиб кетишга тайёр от жиловини тортиб, секинлатарди. Оти арпа еяётган пайтда эса осмонга қараб ётиб, бир кўзини очиб хавотир билан ухларди, кейин яна кўчманчилар билан учрашиб қолмаслик учун ташландиқ сўқмоқлар билан шимолга қараб йўл босарди.

Будакен ўз қароргоҳига анча яқин келиб қолди. Гира-шира оқшомда у узокдан пастак яланглик ҳамда қоровул тепа гумбазини таниди. Айғир гандираклаб кетди. Будакен жаҳл билан икки учли қамчисини ерга отди, отдан эҳтиёткорлик билан тушиб, унинг бўйнини силади. У қафтлари билан отнинг пешанасини қашлади, қулоғини ушлаб кўрди – улар ҳолсиз осилиб қолганди.

Будакен ўз қароргоҳига тикилиб узок ўтирди. Чўлни қоронғилик қоплаб, осмонга юлдузлар сочилди. От ўзига келиб, гўё уйқудан уйғонгандек оёқларини навбатма-навбат дўпирлатишга тушди. Қароргоҳ томонда оловлар ёнди. Шунда Будакен отининг жиловидан етаклаб кўналга томон пиёда йўл олди.

Яқинлашиб келаётган йўловчини сезган итлар жон-жаҳллари билан ҳуришга тушди. Қари бўрибосарлар эгасини таниб, атрофида айланиб сакраб, тумшуклари билан туртиб, қўлларини ялай бошладилар, уларнинг ортидан кучукчалар ҳам тинчланишди.

Бироқ тепалик ёнбағрида нега чодирлар кам? Сурувларни қаёққа

ҳайдаб кетишди, нима учун қозиқлар ёнида бир нечта туя мудраб ётибди? Будакен чодирлардан бирининг ёнига жимгина борди — ундан вазмин суҳбат овози эшитиларди. Намат, тешигидан ичкарида нималар бўлаётганини кузатиб турди.

Будакеннинг тўртинчи — кенжа хотинини кампирлар ўртага олиб ўтиришар ва бир текис тебраниб паст овозда хазин кўшиқ куйлашар эди. Хотини бева аёллар эрига аза очганда киядиган кўк кўйлак кийганди.

Будакен эшик ўрнига осилган гиламни кўтариб чодирга кирди.

Ҳамма аёллар жим бўлиб, оғизларини очганларича бақрайиб қолишди.

— Балки мени бўтқа ва бўза билан сийларсизлар?— гўлдиради Будакен.

— Марҳум! Марҳум овқат егани учиб келди! — аёллар қий-чув кўтариб, бир жойга ғуж бўлиб, ёстиқ билан юзларини беркитишди.

Будакен туфлаб, чодирдан чиқди. У қўналганинг нариги чеккасига — катта хотини — Сколотнинг онаси яшайдиган чодирга борди. У ичкарига бостириб кирди ва бу ерда ҳам қий-чув кўтарилишини кутиб тўхтади. Кекса хотини — Спаретра ўчоқ ёнида ўтириб, узун нина билан кўзичоқ терисини тикмоқда эди. Эрини кўриб, бир неча сония кўрқинч билан тикилиб қолди, кейин сакраб туриб, оқсоқланганича оёғини аранг судраб, унга қараб юрди: бир замонлар қўлда кичкина Сколотни қутқариш учун бўри билан тап тортмай олишган, ўшанда оёғини бўри тишлаб, шикаст етказганди.

— Тирикмисан, ўтағаси ёки руҳинг учиб келдими? Менга барибир, кўноқ бўл, олов ёнига ўтир.

— Ҳаммаларинг тентак бўлиб қолдиларингми? — деди Будакен оловни айланиб ўтиб, гиламга ўтирар экан.

— Биз эмас, хонлар тентак бўлиб қолишди,— деди Спаретра.— Нимани эшитган бўлсам, ўшани биламан, чўлда нималарни гапиришмайди? Эмишки, сен сўғдлардан жуда кўп совға олибсан, улар сени шунчалик зиёфат қилишибдики, битта бутун қўйни еб, бўкиб ўлиб қолибсан. Мен эса иккита қўйни есанг ҳам сенга ҳеч нарса бўлмаслигини айтдим. Яна-да соғлом, бақувват бўлади дедим. Кел, этигингни ечиб, оёқларингни ювиб қўяй. Буларнинг ҳаммасини куёвимиз Гелон қилди. У тоғдан ўзининг тохарларини бошлаб келиб, уларни бизга подачи қилиб қўйди. Улар уюр ва сурувларимизни номаълум томонларга ҳайдаб кетишди. Бизга шунчалик оз бия қолдики, сут ҳам етмаяпти. Агар бу ерда сенинг ўрнингда ўғлимиз Сколот бўлганида у куёвимизга онасини хор қилдириб кўярмиди?!

Будакен ечинмади, қовоғини уйиб атрофдаги товушларга қулоқ тутди. Фақат:

— Сколот тирик! — деди холос.

Чодирлардан тирик Будакенни кўриш учун аёллар югуриб чиқишди, лекин киришга юраклари бетламай, наматдаги тирқишларни кенгайтириб ичкарига мўралашди.

Олтита сулув қизи қирмизи кўйлақлар кийиб, мунчоқлар ва тасмалар билан безаниб, бир-бирларини итариб, туртиб, чодирга киришди ва кираверишда тўхтаб қолишди. Оталари қарагандан кейин баравар ергача эгилиб, таъзим қилишди.

Будакен қизларини яхши кўрар, доим суюб эркалатарди. Қизлари журъат этиб, енглари билан юзларини яшириб, савол бера бошлаганда қаҳрли юзида табассум пайдо бўлди.

— Соғ-саломатмисиз?

— Жангчилар қаерда қолди?

Мароқанд бозорида бизни эсладингизми?

Будакен бўлиб-бўлиб жавоб берди:

– Жангчилар келишади, улар Мароқанд бозоридан олинган совгаларни келтиришади. Сизлар эса кириб, ухланглар, оловга кул сеппиб қўйинглар.

Будакен ҳамма ўз чодирига тарқалсин, деб буюрди. Фақат пайпасланиб ёнига келаётган кўшиқчи Саксафарни кўриб, истиқболига чиқди, уни кучоқлаб, яхши овқатлантиришяптими, деб сўради.

– Будакеннинг қўналғасида кўшиқчи Саксафарга ҳамиша нон ва пишлоқ топилади, – деди кўшиқчи.

– Агар ҳамма оч қолса, Саксафар ҳам тўқ бўлмайди, – деди кимдир.

Будакеннинг газаби қайнади:

– Боравер, Саксафар, эртага кўшиқларингни тинглайман!

Саксафар эшик томон юрар экан, тўхтаб, ожиз кўзларини тепага қаратиб гапирди.

– Деворга суянма – у йиқилади, дарахтга умид боғлама – у қурийдди, инсонга ишонма – у сени сотади...

– Агар олдинроқ кўлимда ўлмаса, – гапини кесди Будакен.

Чодирлардаги оловлар булут қоплаган юлдузлардек сўнди; ҳаммаёқ жим бўлиб қолди. Олисан, қоронгилик қаъридан шивирлаган овозлар келарди, чамаси, одамлар ухлмасдан эҳтиёткорлик билан ниманидир кутмоқда эди.

Будакен чодирга кираверишда чордона қуриб ўтириб, чўлдан келаётган овозларга қулоқ солди. Яқин-атрофда туялар кавш қайтарар, кўзичоқлар зорланиб маъраб қўярди. Шамол чодир устига осилган намат учини тортқилаб ўйнади.

Чўлдан гоҳ кандим ва арчагулларнинг нозик ҳидини, гоҳ яқин-атрофда ётган ўлаканинг бадбўй, оғир ҳидини олиб келарди. Чамаси, уни қаердандир итлар судраб келишган бўлса керак. Ниҳоят, овозлар тинди. Аммо бирдан итлар барабар ҳуришга тушди, кейин уларнинг овози чўл ичкарасидан кела бошлади. Будакен итлар ҳураётган томонда кимдир борлигини сездди. Кўйлаги барини камарига қистириб, пичоғини тишлаб, шарпа чиқармай қоронғи чўлга чиқди. У бўрибосарларнинг газаб билан ҳуришига қулоқ тутиб, дадил олға юрди. Итлардан бири ангиллади – кимдир уни урди. Йўлда кўзичоқлар кўраси, пичан ғарами элас кўринди. У бир лаҳза ғарам ёнида тўхтади ва оҳиста юришда давом этди – пичан орасига яшириниб кутиш жанг-чига муносиб иш эмас.

Будакен овоз чиқармай, ёввойи ҳайвонга ўхшаб эмаклаб бораверди. Кўй қумалоқлари тугаб, қумлоқ бошланганини ҳис қилгандан кейин тин олиб, ҳавони искади ва шапалоқ қулоқларини динг қилиб тўхтади. Энди итнинг ҳуриши қўналға яқинидан эшитилди.

Будакен тагин эмаклаб, ит овози келётган томонга бурилди. Ниҳоят, қоронгиликда бир неча отнинг гавдаси хира суратга ўхшаб кўринди. Узанги аста шиқиллади. Иккита айғир бир-бирини ҳидлаб, пишқирди.

– Қора саман, тек тур! – деган бўғиқ овоз эшитилди.

– “Бу кимнинг овози? Тохар гапираётгани йўқми?” – хаёлидан ўтди Будакеннинг ва у отларни кўриқлаётган кишига қараб эмаклади. Будакен шарпа чиқармай унга ташланди, остига босиб эзгилади ва қилич тақилган камарини юлиб олди.

Харакатсиз тана жойида қолаверди.

Иккита айғир юлқиниб, чўл ичкарасига қочди. Уларнинг бирига Будакен миниб олганди, иккинчи, учқир айғир кўкрагидаги мис тақинчоқларини жаранглатиб, ёнида елиб борарди.

Кўналғадан эркакларнинг қичқириви, аёлларнинг қий-чуви ва

газабга минган итларнинг вовуллаши эшитилди.

Будакен от жиловини тортиб, қулоқ солиб турди ва яна олға елиб кетди.

## ОЗОД СКИФЛАР

Озод скифларнинг ўн икки чодирларидан танлаб олинган вакиллар қароргоҳ кенгашига йиғилишди. Улар Спитаменнинг эски, қора чодирдаги ўчоқ атрофида ўтириб, Яксарт қирғоғида бўладиган сак йўлбошчилари йиғинига бориш-бормасликни муҳокама қилишарди. Бу йиғинда Мароқандни босиб олган Икки шохлига таъзимга бориладими, тобелик белгиси сифатида совға-салом юбориладими ёки... кўрғонларда гулхан ёқиладими — мана шу масала ҳал қилинмоғи зарур эди...

Вакиллар елкаларини бир-бирига тираб, чўққи қалпоқларини эгиб, қисик кўзларини қип-қизил оловга тикиб, зич ўтиришарди.

— Агар биз борсак, ҳукмдорлар бўйсуниб келди, деб ўйлашади, — дейишди баъзилар.

— Уч юзта чодиримизда тўрт юзта суворий бор. Эркимиз ўз кўлимизда, — жавоб берди бошқалари.

— Ҳокимларнинг минглаб кўйи, саноқсиз биялари бор. Улар шуни эҳтиётлашади, биз эса жанг қилишимиз керак.

Ташқаридан отларнинг дупури эшитилди.

— Шеппи-Тэменнинг чайласи қаерда? — хириллади паст овоз.

— Шэппи-Тэмен йўқ, лекин овчимиз қаердалигини шу ерда билиб оласан.

Ёпқич сурилиб, пастак туйнук орасига йўғон, баҳайбат одам йиқилиб тушди. У қора жун чакмонга ўраниб олганди. Бир муддат тиланчига ўхшаб остонада туриб қолди.

— Оловга яқин кел, — деди кенгаш оқсоқоли. — Ёнимизга ўтир. Дам олиб кетиш учун бу ерга кирдингми ё айтадиган муҳим гапинг борми?

— Будакенни танимаяпсизларми? — нотаниш одам чакмонини ечиб, қини бронза билан безатилган қилич осилган камарни ўртага ташлади. — Бу камар эгасини ким биледи? Сизлардан тунда бостириб келиб мени хафа қилганларни жазолашни сўраб келдим.

Ўтирган скифлар ҳаяжонланишди. Қиличли камар қўлдан-қўлга ўтди. Будакен ҳамон остонада турарди. У ўтирганлар орасидан ўз хизматкорларини таниди. Улар камарни диққат билан кўздан кечиришди. Скифлардан бири қалпоғини ечиб, узун, оқара бошлаган сочини орқага ташлади.

— Хон Будакен, пешонамга қара: манави белгини кўраяпсанми?

Унинг пешонасига қиздирилган темирда босилган доира ва икки чизиқча — Будакеннинг ҳаммага таниш тамғаси бор эди.

— Сен ҳамма молларингга, буюмларингга ҳамда қўналгангда туғилган ҳар бир болага ўз тамгангни босгансан. Биз сендан кетдик, энди болаларимизда сен босган тамға бўлмайди. Нега биздан ёрдам сўраб келдинг?

— Ё сен бизни яна қўл остингга, оғир меҳнатга қайтариб, кўзичоқларимизни тортиб олмоқчимисан? — гулдиреди бошқа овозлар.

Будакен қаҳрланиб жим турарди. У душманлик билан қадалиб турган нигоҳларни кўрди.

— Сизларни орқага қайтариш ёки биронта кўзичоқни тортиб олиш учун келганим йўқ...

— Сенга ҳеч нарса бермаймиз...

— Мен сизлардан ҳамма қилич таққанлар кенгашга кетиб, қўнал-

гада фақат аёллар ва болалар қолганда сакларнинг озод қабиласига ҳужум қилиш адолатданми, деб сўрагани келдим...

— Қайси саклар шундай қилишибди? Дайди даҳлар эмасми?

— Бу қилич кимникилигини мен билмайман,— деди бир скиф.— Тўқасида отни йиқитаётган йўлбарс тасвирланган. Бундай тўқалар тохар қабиласида бўлади.

— Тохар қабиласига мансуб куёвинг Гелон қўналганга ҳужум қилмадимикин?

— Бу ҳукмдорлар бойлигидан босар-тусарини билмай қолди.

— Ҳамма ёвузлик Гелондан чақаяпти,— гулдурашди скифлар.— У ҳаммамизни ўзига бўйсундирмоқчи. Будакеннинг молларини ўз қўналгасига ҳайдаб кетаяпти, мағрур қизларимизни ёввойи отларнинг орқасига боғлаб қўймоқда. У бойлардан кетиб, озод яшаётганимизни ҳеч қачон кечирмайди.

Қора чодир ичидан аёл кишининг заиф овози эшитилди:

— Будакен мени ҳаётга қайтарди. У менга озодлик ҳадя қилди, Шэппе-Тэмен номидан Томирис хон Будакенга ёрдам сўрайди...— Йўтал гапини бўйиб қўйди.

— Биз сак қабилаларининг кенгашига бормоқчимиз. Биз билан бирга бўл, сенга ҳеч ким тегмайди. Биз кенгашда алоҳида гулханимизни ёқамиз. Сен ҳам ёнимизда ўтирасан. Биз кенгашдан аёллар ёлғиз қолган қўналгага тунда ҳужум қилиш мумкинми, деб сўраймиз. Бу ёққа, ёнимизга ўтир.

Будакен олов ёнига келди, собиқ хизматкорлари сурилишиб жой бўшатишди. Ҳамма қатори ўтириб, қўлларини оловга тутди.

Скифлар унга кўз қирини ташлаб, бир-бирларига имо қилишарди:

— Ювош бўлиб қолибди-ку ёки бизни лақиллатмоқчимиз?

## ҚАБИЛАНИНГ УЛУФ КЕНГАШИ

Яксарт дарёсига яқин жойда ўсган асрий қора толлар ва кумушранг тераклар остида саноқсиз гулханлар ёнди. Атроф хилма-хил овозлардан гувиллар, қўшиқлар, қий-чув, зериккан отларнинг кишнаши ва туёқлар дупури бир-бирига аралашиб кетганди.

Вакил скифлар, йўлбошчилар, таниқли ҳокимлар ва оддий эркин саклар узоқ-узоқлардан қабила кенгашига келган эдилар.

Чўл бўйлаб янги ой чиққан тунда Яксартда муҳим масала ҳал қилиниши ҳақида миш-миш тарқалди. Тамир ҳузурига юборилган чопарлар бу хабарни ҳамма уруғ ва авлодларга етказди.

Бутун атрофдан ўз фикрини айтишга ҳаққи бор отлиқлар қуроласлаҳаларини тақиб оқиб келишарди. Хавф туғилганда скиф қабилалари кенгашдан кейин тўғридан-тўғри жангга йўл олгани маълум. Шунинг учун қуролсиз келган жангчи ҳамманиннг орқасида ўтирар ва гапиришга ҳаққи йўқ эди.

Бепоен текислик қўйнида аввалги жанг-жадалларда қадрдон бўлиб кетган эски дўстлар учрашиб, бир-бирларининг қучоғига отилар, ўнг оёқлари тиззасини букиб, одатдаги саломлашув сўзларини шивирлаб айтишарди.

Ҳозир оддий иш эмас — чўлда ҳамма танийдиган хон Будакеннинг жонажон қабиласига хиёнат қилгани — улкан меш тўла олтин учун Икки шоҳли ёвузга форсларни енгиб, энди бутун Осиё халқлари бўйнига бўйинтуруқ солишга тайёр турган босқинчи шоҳга сотилгани муҳокама қилинади.

Қабила кенгашига келаётганлар хиёнаткор Будакенни бўралашиб

сўқмоқда эдилар. Хоннинг ўзида олтин кам эдими? Отининг юганидан тортиб, кийимидаги тугмачалар, тўртта хотинининг кўкрагидаги жами тангалар ҳам олтиндан. Лекин ҳукмдор бой бўлган сари шунча очқўз кимсага айланиши ҳаммага маълум.

Шунинг учун тўпланганларнинг ҳаммаси Будакенни қабиладан ҳайдаб юбориш ёки тошбўрон қилишга тайёр эдилар. Сотқин хоннинг уюри ҳамда сурувларини қайси уруғларга бўлиб бериш ҳақида ҳам қизгин баҳс кетмоқда эди.

Озод скифлар пакана, пахмоқ отларини елдириб келиб, бошқалардан алоҳида жойда ўз гулханларини ёқишди. Будакен кенг, қора чакмонга ўралиб, одатда минадиган кенг ўмровли жийрон айғирини эмас, массагетларнинг катта ва енгил саманини миниб, улар билан бирга келди. Шунинг учун ҳамма бу чавандоз қаердан келди, — деб қизиқиб қолди. У кимнинг хизматкори? Хоннинг қозонидан воз кечиб, ўз ақли ва билак кучи билан яшамоқчи бўлган озод авлодлардан биримикин?

Ҳамма қабилалардан хонлар ва оқсоқоллар ажралиб чиқиб, текисликда ёлғиз турган кўрғонга кўтарила бошлади, озод скифлар эса кенгашнинг уларга даҳли йўқдек, гулхан атрофида ўтиравердилар: уларнинг олдига икки марта чопар келиб, оқсоқоллар йигинга чорлаётганини маълум қилди. Улар эса озод скифлар эшитиш учун эмас, ҳал қилиш учун келганини билдиришди. Улар сайлаган беш вакил кўрғонга кириб, бошқалар қатори ғуж бўлиб бир чеккага ўтирди.

Кекса хон Тамир от ёпинчиғи устида ўтирарди. У титроқ қўлларини кўкка кўтариб минғирлади:

— Ў, улуғ мадаккоримиз Папай! Сак халқларини юксакликка ёки ҳалокатга олиб борадиган ҳозирги тадбиримиз адолатли бўлиши учун бизга ақл ва куч-қувват ато эт! — Тамир озод скифларнинг орқасида қошигача ўраниб турган Будакенга қарамасликка ҳаракат қилди.

У Будакен келганини аллақачон пайқади, лекин кенгашдан кейин, балки, тошбўрон қилинадиган ёки найза санчиб, бўрибосардан қочган бўридек ўлдириладиган одам билан ҳамманинг кўз олдида кучоқлашиб кўриша олармиди?

— Бизга Будакеннинг хиёнати ҳақида гапиринг! Ўша сотқинни кўлимизга беринг! — деган овозлар янгради. — У кенгашга келишга кўрқади. Олтинларни олиб сак чўлларига қочиб кетган!

Будакен ярадор айиқдек бўкириб, чакмонини ерга отди:

— Будакенни ким ҳақорат қилипти? Будакен шу ерда, қабила кенгаши олдида! Ким уни айбламоқчи? Бошқаларнинг орқасига яшириниб эмас, юзимга очиқ айтсин! Бу гаплар сакнинг оғзидан чиқяптими ёки бошқа қабиланинг шоқоли улияптими — дарров аниқлаймиз!

Тамирнинг хира кўзлари атрофга аланглади. У ёнидагилар билан нималарнидир маслаҳатлашди.

— Салом сенга, шавкатли Будакен! — деди Тамир ҳамма тинчлангандан кейин, оломон орасида енгил шивир-шивир эшитилиб тинди. — Сен кенгашга келиб, жасорат кўрсатдинг. Нега ҳар доимгидек тўғри келиб ёнимизга ўтирмадинг? Нима учун чақирилмаган кўноққа ўхшаб турибсан. Қани, бизга айт-чи, шу пайтгача қаерларда бўлдинг? Кимларни кўрдинг? Бу ерда — чўлда сенинг саёҳатинг ҳақида ҳар хил миш-мишлар юрибди.

— Мени хиёнатчи дейишга журъат этган кимса ёнимга келиб турмагунча ҳеч нарсани гапирмайман. Шунчалик улуғ кенгаш чақирилишига сабабчи бўлган ўша чувалчанг қани?

Шунда Тамир аслзода Гелонга ўтирилди. У юрагидан зарба еган



жангчига ўхшаб ранги оқариб ўтирарди. Бироқ одатдагидек димоғдорлик қилиб ўрнидан турди ва Будакенга орқа ўгириб, оломонга, ҳар бир сўзини ташналик билан кутаётган кенгаш аъзоларига қарата хитоб қилди:

– Мен кўпдан буён яванлар яқин келмоқда, саклар уларни чодирларимизга киришига йўл қўймасдан, янчиб ташлашга шай туриши керак, деб гапираман. Бироқ эркин жангчилар, айтинглар-чи, шундай таҳликали кунларда таниқли хонларимиздан бири душман томонга бориб, улардан олтинлару бошқа ҳадялар олишини қандай баҳолаш керак? Қайси хизматлари учун унга ҳадя беришади? Душманлар фақат ўзларига фойда, бизга зарар берадиган хизматлар учун ҳақ тўлашади. Хон Будакен менга қариндош, лекин ҳар бир жангчи учун қадрдон қабиласининг осойишталиги ва ҳақиқат ҳамма нарсадан устун туриши керак. Тўғри гапиряпманми?

– Тўғри, тўғри! – деган овозлар эшитилди.

– Албатта, Будакенни кечирish мумкин, ўғли занжирланиб, Икки шохлининг кўлида ётибди. Ўғлига раҳми келган Будакен уни қутқармоқчи бўлган. Шу туфайли кекса Будакенга шафқат қилишингизни сўрайман. Бизда билаги ва ақли заифлашиб қолган қариялар қилмишини кечирish одати бор. Будакенни саклар урушга тайёргарлик кўраяптими-йўқми деб қўналғамизга келган келгинди йўлдан урди. У тинчликсевар халқларга офат ёғдирувчи Икки шохли махлуқнинг айғоқчиси эди. Шу айғоқчи Будакенни лаънати яванлар билан учрашишга кўндирди. Озод сак учун қандай шармандалик бу!

– Ёлғон! У айғоқчи эмас! – қичқирishди озод скифлар. – Шеппе-Тэмен халқнинг дўсти, у сенга ўхшаб, бировнинг молларини тортиб олиб, ўз тамғасини босмайди!

“Будакенга ўлим!” деб қичқирганлар ҳам бўлди. Бошқалари Будакеннинг оқланишини талаб қилдилар. Озод скифлар сакраб туриб, Гелоннинг кекирдагига қилич тикамиз, деб пўписа қилдилар.

Тамир ўрнидан туриб, худо Артимпаса<sup>1</sup> тасвири туширилган туғни кўтариб кутиб турди. Ҳамма жанг ёки ўлимга етакловчи муқаддас туғ кўриқчиси бўлган маъбудага жим қараб қолди.

– Саклар, биз қатл этмоқчи бўлган одамнинг гапларини эшитмай туриб, уни жазолашимиз мумкин эмас. Аввал Будакендан сўраймиз. Бизга айт-чи, хон Будакен, ўтқир қиличини ҳамиша ёрқин ва доғсиз сақлаб келган зот, Икки шохлининг олдида борганинг ва у билан гаплашганинг ростми?

Қип-қизариб кетган Будакен қуруқликка ташланган балиқдек оғзини каппа-каппа очиб турар ва бирор гап айта олмасди.

Ҳамма ҳозир Будакен йиқилиб тушиб, ўлиб қолади, деган хаёлга борди, бироқ Будакен гумбурлатиб кулди ва:

– Мен қариманми? Бу ажнабий хонвачча мени ақлдан озган деяптими? – Ҳозир бу тўғрими-йўқми, амалда синаб кўрамиз. Мен урф-одатларимизни хонзода Гелондан кўра яхшироқ биламан. Нима иш қилишни сакларга ўргатиш учун тохарларга йўл бўлсин! Боболаримиз яратган қонунга кўра, қари чол деб эълон қилинган киши ўзини камситган одамни сўнгги жангга чақиради. Шунда ҳамма унинг билаги заифлашганми, қўллари ўзига бўйсунадими-йўқми – буни амалда кўради. Икки шохлини кўрганманми, ундан ҳадя олганманми – буни жангдан кейин айтаман, – деди.

– Жангга! Жангга! Иккови ҳам жангга чиқсин! – бақира бошлади

<sup>1</sup> Ар т и м п а с а – скифларнинг ҳосилдорлик ва оналик худоси.

саклар.

Гелон қичқирди:

– Мен пиёда эмас, отда жанг қиламан. Пастга, текисликка тушамиз!

## ЎЛИМ БИЛАН ЯККАМА-ЯККА

Оломон скифларнинг сеvimли томошаси бўлган ҳаёт-мамот жангини яхшироқ кўриш учун ўз отларини қидириб кўргондан пастга отилди.

– Будакен ҳалиям кучли, лекин у семириб кетган, бурилиши қийин бўлиб қолган, – деб гап маъқуллашди скифлар. – Гелон ёш ва кучли, найзани яхши ишлатади. Агар пиёда олишганларида Будакен қари айиққа ўхшаб, уни эзиб ташларди ёки умуртқасини синдирарди. Гелон отда Будакенни найза билан жароҳатлайди.

Тамирнинг буйруғи билан бир неча скиф ҳар томонга от қўйиб, оломонни орқага ҳайдади. Кенг майдонда кураш учун жой очилди. Икки чавандоз бир вақтнинг ўзида майдоннинг икки томонидан кириб келишди. Улар фақат найза ва калта қилич билан олишиб, ўқ-ёй ишлатмаслиги керак эди. Ҳар иккиси чап қўлида қўтос терисидан қилинган кичкина, думалоқ совут ушлаб олган.

Гелон массагетларнинг баланд бўйли чопқир отига минган, Будакеннинг оти ҳам ўшандай кучли, бақувват айғир эди. От унга ўрганмагани учун бегонасираб депсинарди. Будакенга узун, ингичка найза узатишди. Найза бақувват қўлларида шу заҳоти синиб кетди. Сак баҳодирларидан бири унга йўғонроқ найзасини берди. Будакен уни айлантириб кўриб, кулимсиради:

– Бўлади!

Тамир туғни силкитгач, иккала чавандоз ҳам бир-бирига шиддат билан ташланишди. Отлар енгил сакраб, олға отилди, туёқлар остидан чанг-тўзон кўтарилди. Гелон совут билан ўзини ҳимоя қилиб эгилиб ўтирар, қўлидаги найзани отишга шай эди.

Кенг яғринли, бақувват Будакен қалқон билан бошини ҳимоя қилиб, тирсаги билан найзани қаттиқ қисиб олганди. У аввал тохарнинг ҳамласини қайтариб, сўнг ҳал қилувчи зарба беришни мўлжалламоқда эди.

Рақибларнинг учрашувига бир неча одим қолганда Гелон найзасини отди, у учиб келиб Будакеннинг кўкраги остига урилди. Ҳамма беихтиёр ўтқир пўлат найза тешиб чиқадиган томонга – Будакеннинг орқасига қаради.

Бироқ Гелон отган найза Будакеннинг кўкрагидан сапчиб қайтиб кетди ва учи синиб ерга тушди.

Икки чавандоз бир-бирининг ёнидан гизиллаб ўтди; жунбушга келган отлардан қочган оломон қий-чув кўтариб, ўзини ҳар томонга урди.

Энди омад Будакенга юз бурди: унинг оғир найзаси қўлида эди.

Рақиблар яна юзма-юз келишди. Гелоннинг ўнг қўлида калта қилич, чап қўлидаги қалқон билан муқаррар ўлимдан ўзини ҳимоя қилишга шайланиб турарди.

Шу аснода аёл кишининг қаттиқ қичқириви янгради:

– Уни ўлдир, шафқат қилма! – бақирар эди кимдир. Будакен оломон шовқинида бу хитобни англай олмади.

Қичқираётган қизи Зарика эди. У қизил қўйлақда, қора биясини елдириб келар, оломон орасини ёриб ўтиб: “Уни ўлдир!” деб қичқирарди. Зарика кимга қичқиряпти – эри Гелонгами ё отасигами? Бу-

дакен буни англай олмади.

Чавандозларнинг ҳаракати сустлашди. Иккови ҳам эҳтиёткор бўлиб қолди. Отлар енгил сакраб, яна бир-бирига яқинлашди. Будакен найзасини сиқиб ушлади, тўмтоқ томонини айлантириб, отнинг бўйнига эгилди-да, олға ташланди. Найза Гелоннинг томоғига қадалди.

Гелон отдан ағдарилди. Эгасиз қолган от ёнбошига бурилиб, оломон орасига қочди. Оғир найза уриб туширган Гелон эса қимиз тўлдирилган мешга ўхшаб ерда чўзилиб ётарди. Карахт аҳволда қўлига таяниб, қаддини сал кўтарди, бошини елкаси орасига қисиб, охирги зарбани кутди.

Удумга кўра, Будакен рақибини ўлдириб, оти билан топтаб ташлаши лозим эди. Лекин ғазаб билан қичқираётган қизини кўриб шаштидан тушди. У эрини авф этишни сўраб илтижо қилаяпти, деб ўйлади. Гелонга ўгирилиб, найзасини кўтарди ва уни ерга қоқиб қўйишга тайёр ҳолда тўхтаб қолди.

Гелон қўллари билан от туёқларини ушлади, сўнг бармоқларини лабларига ва пешонасига олиб борди: у мағлуб бўлганини тан олиб, шафқат сўрамоқда эди.

Зарика Будакеннинг ёнига учиб келиб:

— Уни ўлдир! Нега шафқат қиласан?— деб қичқирди. — У ҳаммани талади. Сени назарига илмади. Найзани менга бер — уни ўзим ўлдирман!

Гелон ўрнидан турди, кўзларига қон қуюлиб, яна ҳужумга ўтмоқчи бўлди.

— Нега буни олдинроқ айтмадинг? — сўради Будакен.

Зарика қўлини силтади, биясини қамчилаб, чанг тўзони ичида гойиб бўлди.

Гелон оқсоқланиб, Будакенга яқинлашди.

— Атайлаб сенга ўлдирадиган зарба бермадим, — деди у зўраки кулиб. — Совут кийганингни билиб қолдим, халққа қариб қолмаганингни, найзани ҳамон маҳорат билан ишлатишингни ва илгаригидек қабилага етакчилик қила олишингни кўрсатиб қўймоқчи бўлдим... — У тилёғламалик қилиб Будакеннинг отини етаклаб қабила кенгашига олиб бориш учун жиловга қўл чўзди.

Бироқ Будакен массагет аргумоғининг бўйнига қамчи уриб, орқа оёқларида тик турғизди ва хитоб қилди:

— Кулдан тоғ яралмайди, сен, сотқин, қаҳрамон бўлолмайсан!

## БУҚА ТЕРИСИ

Будакен кўрғонга қараб от қўйиб, тепаликка елиб чиқди ва Кенгаш гулхани ёнида тўхтади. Оломон шовқин-сурон кўтариб, уни ўраб олди.

Гелон ҳам бу ерга келди. Орқасидан қилич сопини маҳкам ушлаган хизматкор тохарлар ва бадавлат хонзоданинг туҳфа ва тортиқларидан умидвор бир гуруҳ тарафдорлари келишарди.

Будакен отдан тушмасдан оломонга мурожаат қилди:

— Бу ерда ёлғон арқонини тўқиб, мени ёмонотлиқ қилмоқчи эдилар. Мен, Будакен, сизларнинг олдингизда туриб айтаман: мен Икки шохли илонни Темир дарвозалар дарасида кўрдим. У тўртта от қўшилган форс шохининг аравасида келди. Мен чўпон кийимида эдим, қўлларим боғлиқ эди, шунинг учун лаънати яван мени таёқ билан савалади. Икки шохлининг менга берган совғаси шу, ҳамон елкаларимда калтак азобини ҳис қиламан. Бироқ душманнинг кучи қандайлигини билиш учун ҳаммасига чидадим. Мени деҳқонлар топиб

олиб, бу ерга, чўлга қайтиб келишимга ёрдам беришди. Сизлар эса мени бегона одамга хураётган итдек кутиб олдинглар. Мен очиқ айтаман: Икки шохлидан кўрқиш керак. Жангчилари баҳодир йигитларимиздан кучли бўлгани учун эмас, ўзи ҳужумга ўтишидан, ғажиб ташлаш учун бегона кекирдаси қидиришидан кўрқиш керак. Унга кучли жангчилари эмас, рақибларининг кўрқоқлиги ёрдам бермоқда. Икки шохлини тоғлар ҳам, дарёлар ҳам тўхтата олмайди; фақат биз, сакларгина уни тўхтатиб қоламиз ва янчиб ташлаймиз. Унга ташланиб, жанг қилиш ва орқага улоқтириб ташлаш керак. Мени жонажон қабиламга хиёнатда айблаган мана бу шоқоллар эса ҳозир навбати билан олишувга чиқсин. Мен тайёрман.

Скифлар бир-бирларига қараб, жим қолишди, учи чўққи қора қалпоқлар устида енгил кулги момақалди роқдек янгради. Гелоннинг аҳволига тушиш ва Будакеннинг оғир найзасига дуч келиш кимга ҳам ёқади?

— Будакен хоин деб ким қичқирди? Чиқинглар!— деган овозлар эшитилди кўрғоннинг турли томонидан.

— Бу ёлғонни чўлга “Узун қулоқ” ёйди. Ҳеч ким тайинли бир гапни айтолмасди. Сенга ишонамиз, Будакен! Отдан туш. Қабил кенгаши наматига ўтир, биз билан бирга қимиз ич!

Бироқ Будакен рад этиб бош чайқаб, танглайни тақиллатди ва ўйноқлаётган айғиридан тушмади. Овозлар тингач, Будакен қичқирди:

— Мен яна такрорлайман: кутган эмас, ҳужумга ўтган ютади. Саклар, ҳужумга тайёрланинг! Пичоқларни қайраш керак бўлган пайтда хотиржам қимиз ичиб ўтиролмаман. Мен буқа терисига ўтираман ва ҳаммани орқамдан юришга чақираман!

— Мен ҳам буқа терисига ўтираман!— ёввойи отларни ўргатувчи Кидрейнинг овози эшитилди.— Мароқандга чопқин қилишга тайёрланинг! Яванлар у ерда сўғдларнинг қонини шердек ичиб, ичкилик-бозликка мук тушиб, биқиб ётибди. Ҳозир тез ҳаракат қилолмайди. Тамир, бизни Мароқандга бошла!

Қичқириқлар бирдан тўхтади. Скифларнинг кўзи кекса Тамирга қадалди. Уруш бўладими ёки омонат, охири номаълум тинчликми, унинг ингичка мумдек сарғайган қўлига боғлиқ эди. Бироқ бу қўллар тиззасида ҳаракатсиз ётар, Тамир эса Яксарт тераклари устида ёниб турган ёрқин юлдузлар туркумига тикилган эди.

— Сабр қилинглар, Сўғддан келаётган чопарни эшитинглар!— деган овоз келди орқа қатордан.

Ўтирганларни итариб-туртиб, елкалари оша ҳатлаб, жулдур кийинган бир одам гулхан ёнига ўтиб келди. У ёш, ягриндор эди. Бошига қизил боғич танғиб олганди. Юзи чанга ботган эди, қора терга тушганидан оғир нафас оларди.

Гулхан шуъласида қизариб кўринаётган нотаниш кимса оқсоқоллар олдида тик турди.

— Саклар! — ниҳоят тилга кирди у. — Ҳозир Мароқанддан учта от алмаштириб келдим. Яванлар Мароқандга келмоқда. Улар бу ерларга ҳам, гуллаб-яшнаган Чоч<sup>1</sup>га ҳам келишади. Яванлар катта карвон йўлидаги заҳарли илонга ўхшаб, атрофдаги қишлоқларни ёндириб, яксон қилиб, деҳқонларни ўлдириб келмоқда. Биздаги овчилар илоннинг думини ерга михлаб, ушлашни билади. Кўп ўтмай яванлар калласини бу ерга — чўлимизга ҳам тикади. Қонхўр илонни орқага қайтишга мажбур қилишимиз керак. Биз тўрт юз чавандоз йиғилдик ва

<sup>1</sup> Ч о ч — Тошкентнинг қадимги номи.

йўлларда яванларнинг араваларига ҳужум қилишни бошладик. Жангчиларимиз орасида хотинлари, болаларидан ажралган, галла гарамлари ёндирилган деҳқонлар бор. Бироқ биз оз сонлимиз, қиличимиз ҳам етарли эмас. Жангчиларимиз болта ва гурзилар билан урушга кирмоқда. Озод саклар, сизлардан мадад қутамиз!

Қаторлар бўйлаб шовқин кўтарилди:

— Биз ҳеч қачон сўғд деҳқонлари билан жанг қилмаганмиз! Неча йиллардан буён сўғд савдогарларига халақит берганимиз йўқ.

— Бу йигит ким ўзи? Будакеннинг тўйида қора Бўронқушни бўйсундирган азамат эмасми? Бу — Шэппе! Ўзимизнинг Чапақай — тиканак-ку бу!

Ҳаммаёқда дағал овозлар гуриллади.

— Тамир, бизни яванларга қарши олиб бор! Найзаларимиз занглаб кетди!

Тамир эчки соқолини селкиллаптиб, мумга ўхшаган қўлини кўтарди. Шовқин аста-секин тинди...

— Етти ўлчаб, бир кесиш керак! — деди Тамир, — умуртқамизни синдирмоқчи бўлганлардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Лекин шошилиб, ақл ишлатмасдан бир иш қилиб бўлмайди. Аввал элчи юборамиз: Икки шохлининг кўзига тик қараб, нимани хоҳлаётганини билиб оламиз. Икки шохли чегара дарёларимиздан сузиб ўтишга журъат этмайди. Агар у Яксартнинг ўнг қирғоғига, озод тупроғимизга қадам қўйишга уриниб кўрса, ўттизта скиф қабиласига дуч келади. Агар баҳодирларимиз қаддини ростлаб, кўзойнакли яван илонининг думини қирқмоқчи бўлса, жасур овчи Шэппе-Тэмен билан биргаликда ҳужумга шай бўлиб турсин. Ҳар бир жангчи душманни енгиб, совутини қўлга олишини хоҳлайман. Биз уларга мадад беришга ҳамиша шай турамиз. Кўрғонлар устида гулханларни ёқинг!

Чўл бўйлаб қувончли садо тарқалди:

— Саклар, отланинглар! Қиличларингизни қайранг! Яванларга қарши юришга тайёрланинг!

Ноғорачилар отларига сакраб миниб эгарнинг икки томонига осиб қўйилган жанг ноғораларини гумбурлатиб чалиб, чўл ичига от чоптириб кетишди.

Ҳамма томондан қичқирик овозлари келарди: жанговар даъватга кўра скифлар ўз уруғ ва авлодига қараб тўпланишди. Ҳамма ёш ботирлар ва ёши улуғларни ўраб олиб, ҳарбий қисмларга ким етакчилик қилиши, озиқ-овқатни ким етказиб бериши ҳақида баҳсга киришиб кетди.

Будакен, чамаси, буқа териси ҳақида кўпдан ўйлаб келарди: Кидрей узоқдан бўйни йўғон, узун шохлари қайрилган, газабнок кўзларига қон қуйилган малла буқани судраб келди.

Кўлига шиқилдоқлар осилган чилдирма тутган бахши буқа атрофида айланиб, қийқириб қўшиқ айтар ва буқа қонига ташна руҳларни улуғлар эди. Буқа бошини эгиб бўкирар, туёқлари билан ер депсинарди.

Бахши нафасини ростлашга улгурмасдан туриб, буқа тўртта оёғини осмонга узатиб ётар, моҳир скифлар эгри пичоқларида терисини танашидан ажратишга киришиб кетишганди. Буқанинг қонини чарм мешга қуйишди, бахши афсун айтиб қонни Будакеннинг гулхани атрофини айлангириб сепиб чиқди.

Малла тери шилиниб, ерга тўшалгач, Будакен чордона куриб, буқанинг қорайиб турган умуртқаси устидаги чизиққа ўтирди. Ёнига қизи Зарика тиз чўкди. Унинг ранги оқариб кетган, қора кўзлари

нафрат ва газабдан ёниб, атрофга назар соларди: Гелон эмас, Буда-кен билан ёнма-ён ўтириш орқали у ўз қабиласига, ота чодирига қайтишини, Гелон ва хизматкорларининг ҳужумидан ҳадиксираётганини ҳаммага билдирмоқда эди.

Кидрей қилич билан гўшти майдалаб, лапанглаб атрофда айланиб юрар, оғзини катта очиб, қачондир Будакеннинг пойгасида от чопган Зарикага шод-хуррам қараб-қараб қўярди. Энди у яна озод. Наҳотки мағрур сак қизидан кўра ёввойи отни қўлга ўргатиш осонроқ бўлса?

Спитамен бошқа гулхан олдида ўтирарди. Остига ола буқа териси солинган. Янги дўстлари бир-бирининг қўлларидан ушлаб, депсиниб, рақсга тушар ва сакларнинг жанговар қўшиқларини куйлашарди.

Спитамен гуруҳи Мароқанд яқинида ҳаракат қилаётган Икки шохли қўшинларига орқа томондан зарба бериши керак эди.

Атрофда гулханлар ловуллаб, ҳамма ўткир найзалар учидан бир бўлак буқа гўштини оловда пиширар эди. Найза учига бир бўлак гўшт илиб, умумий қаторга қўшилган ҳар бир скиф жангга отланган қўшин сафига қўшилар ва душман калласи билан қайтиш ёки жангда мардона курашиб ўлишга сўз берар эди.

## САККИЗИНЧИ ҚИСМ

### СКИФЛАР ЖАНГИ

Бизнинг ўқлар ўлдирар фақат,  
Хушёр ухлар ҳозир садоқда...

*Саксафар қўшиқларидан*

## ШОХЛИ ИСКАНДАР СЎҒДНИ ЁНДИРМОҚДА

Сакларнинг Улуғ кенгаши ҳозирча тарқалмаслик ва Сўғдда нималар бўлаётганини кузатишга қарор қилди. Кекса Тамир қароргоҳини Яксарт бўйига кўчириб келтирди; ёнида Гелон ва бошқа хонлар чодир тикишди. Чопарлар шу ердан ҳамма уруғларга буйруқларни етказар эди. Илгари сўғдларга асир тушган ва улар билан муомала қилишни яхши биладиган икки скиф сўғдга, меҳмондўст савдогар ошналари ёнига юборилди. Улар хўжақўрсинга сотиш учун тузланган мол терилари боғламини олиб кетишди; уларга савдогарлар билан энг чекка кўрғонларга товар олиб бориш, Икки шохли ҳақида нима эшитса, дарҳол қоровул сакларга билдириш ҳақида аҳдлашиш вазифаси топширилган эди.

Ун бир кундан кейин Икки шохли ҳақида дастлабки хабарлар етиб келди. Унинг жангчилари Навтака шаҳри атрофидаги ҳамма қишлоқларни талаб, ўт қўйгани маълум бўлди. Аҳоли қимматли буюмларини олиб, тоғларга қочибди. Бироқ Икки шохли қочоқлар ортидан қувибди, уларга етиб бориб, ҳамма мол-мулкни тортиб олибди ва уларни жангчиларига бўлиб берибди.

У томондан кўзлари кўрқувдан олазарақ бўлиб қолган қўлаб одамлар қочиб келишди. Улар Икки шохлини кўрганини айтишарди. У аскарлари билан бирга жангга кирар ва қилич уриб қочоқларнинг чап елкасидан ўнг ёнбоши тосигача бўлиб ташлар экан. Тоғ устидан яванларга тош думалатган сўғдлар орасида битта абжир мерган бор

экан: у Икки шохлига қарата учта ўқ узган, учала ўқ ҳам темир зирҳ билан қопланган кўкрагига тегиб, синиб кетган, бироқ битта ўқ очиқ қолган тиззасига теккан ва у ердан ҳамма одамларникига ўхшаган қизил қон оққан. Икки шохли тиззалаб, йиқилиб қолган. Уни жангчилар ўраб олиб, чакмонга ўтқазиб кўтариб кетишган.

Шунда Икки шохли худонинг фарзанди эмас, у ҳам ҳамма қатори ўлимдан кўрқади, форс шоҳлари ҳам ўзларини Аҳурамазданинг ўғиллари деб ҳисоблаган эди, деган гап тарқалди.

Чопарлар сўғд қасрларидан Улуғ кенгаш манзил қилган қалъагача тўхтовсиз от чоптириб келарди. Улар ўроғлиқ чарм келтиришар, чап ёноғига хон Тамирнинг тамғаси туширилган саводли қул Улуғ кенгашга кўпдан бери бахтиёр ва осойишта сўғдда нималар бўлаётганини овоз чиқариб ўқиб берарди. Эндиликда мамлакат қайғуга ботган, чанг босган кўчалар қон билан ювилган эди. Савдогарлар Икки шохли Мароқандга жангсиз киргани, дарвозаларга соқчилар қўйиб, шаҳарга киргандан ҳам, чиққандан ҳам бож олаётгани ҳақида хабар қилишди.

Ва ниҳоят, чопар сўнгги хабарни олиб келди: Курешата шаҳрига кираверишда Икки шохлининг илғор қисмлари пайдо бўлибди. Узоқдан куюқ тутун кўринар, атрофдаги қишлоқлар ёнарди. Бесснинг жангчилари қуроолларини ташлаб, деҳқонлар кийимида оломонга араллашиб кетгани маълум бўлди. Хон Оксарт ва бошқа ҳокимлар оилалари билан тоғларга яширинишди, айрим амалдорлар эса шармандаларча Икки шохлига тобелик изҳор қилиб бордилар.

Шу куни скифларнинг ҳамма кўрғонларида гулханлар аланга олди. Сўғд савдогарлари юбориб турган хабарлар тўхтади. Скиф жангчилари чегара қалъаларида бирин-кетин қора тутун устунлари ҳавога ўрлаётганини кўришди: бу орқасида култепалар қолдираётган яванларнинг қилмиши эди.

Чўлда яванларнинг битта гуруҳи кўринди, у сакларнинг қоровул тепасига яқинлашиб тўхтади ва мис карнайларини чалиб, ишора берди. Сак жангчилари чўл бўйлаб тарқалиб, маълум масофада туришарди. Бироқ яванлардан уч киши ажралиб, аста-секин сакларга яқинлашди. Улардан бири сак тилида биздан кўрқманглар, музокара учун уч кишини юборинглар, бизлар ҳам уч кишини юборамиз деб қичқирди. Саклардан тўриқ от минган Кидрей ва яна икки киши ажралиб чиқди. Улар юз йигирма қадам масофада туриб, бир-бирларига қичқира бошладилар.

— Сизлар кимсизлар? — сўради яванлар. — Биз мутелик билан ерга йиқилишинглар зарур бўлган енгилмас Осиё шоҳининг жангчиларимиз.

— Бизлар ҳам енгилмас саклар бўламиз. Бизда енгилмаслар жуда кўп, сизларда эса фақат шоҳ енгилмас экан.

— Бу ерда нима қиляпсизлар? Бу чўлда фақат калтакесаклар билан чигирткалар кўринади-ку?

— Биз калтакесакка ўхшаб ҳамма ерда яшашимиз, чигирткага ўхшаб бир жойдан бошқа жойга учиб ўтишимиз мумкин. Чигирткалар ҳамма барглари еб битиргандек биз ҳам, агар хоҳласак, Сўғдга учиб бориб, ўзгаларнинг бойлиги билан тўлдирилган қопларингизни тортиб олишимиз мумкин.

— Биз томонга суқулиб кўринглар-чи, шунда биламиз ким кимни шилишини.

— Сизларга нима керак? Нима учун бу ерга келдиларинг? — қичқирди Кидрей. — Шўр сувимиз ёки тўқим остида пишган от гўштини татиб кўришни хоҳлайсизларми?

Яванлар шивирлашиб олиб жавоб беришди:

– Хоҳлаймиз. Биз эса сизларни бундан яхшироқ нарса билан меҳмон қиламиз. Дўстлик гиламида бирга ўтириб, “эчки жуни” ҳақида суҳбатлашамиз. Бошлиқларингиз бу ёққа чиқиб, отини айтсин. Бизнинг бошлиғимиз ҳам чиқади. Унинг исми Пенида, қўлида шоҳ тасвири туширилган узуги бор.

Кидрей отининг тўқимини ерга солиб, устига чордана қуриб ўтирди, қолган икки жангчи унинг отини олиб, қирқ қадам нарига кетди.

– Келаверинглар! – қичқирди Кидрей.

Унинг ёнига мис совут ва дубулға кийган Пенида деб номланган яван келди: ранг-баранг гулли чолворини сўғдлардан тортиб олгани кўриниб турибди. Ёнидаги қовоққа ўхшаган кигиз қалпоқ кийган кекса форс таржимон гилам, кўза ва халта кўтариб олганди. Пенида Кидрейнинг рўпарасига, гиламга ўтирди, таржимон орқасида турди.

– Шаробимиздан татиб кўришни хоҳлайсанми? – деди Пенида кўзадан косага шароб қуйиб. – Менда яхши олмалар ҳам бор. Уларни жасур шоҳимизнинг бақувват қўлига тушганидан миннатдор сўғд савдогарлари олиб келишган.

– Шаробингдан ичардим-у, – деди Кидрей, – лекин унга сизлар олижаноб сўғд савдогарларини қуйдирган гулханларнинг ҳиди уриб қолмаганмикан? Яхшиси, нордонгина қимиз ичганимиз дуруст эмасми – у иссиқда чанқовни яхши қондиради.

– Қимиз бизнинг ошқозонимизга тўғри келмайди, – жавоб берди Пенида.

Шундай қилиб, Пенида ҳам, Кидрей ҳам ўз ичимликларини ичишди.

– Катта бошлиқларингиз қаерда? – сўради Пенида.

– У хоҳлаган жойда бўлади, – жавоб берди Кидрей, – қаерда сак баҳодири душманга ташланадиган бўлса, ўша ердан ўсиб чиқади.

– Сак жангчилари кўпми?

– Чўлда кум тепалари қанча бўлса – шунча.

– Мен сизларга шоҳимиз – шоҳлар шоҳининг иродасини етказгани келдим. У хонларингга айтиб қўйишни буюрдикки, сизлар, скифлар шоҳ рухсатисиз Яксарт дарёсининг бу қирғоғига ўтмас экансизлар. Бу гапни шоҳингга етказасанми?

– Бизда шоҳ йўқ, лекин Улуғ қабила кенгаши бор ва у сенинг гапларингдан шу бугуноқ хабардор бўлади, – жавоб берди Кидрей. – Саклар дарёдан ўтадим-йўқми – буни мен осмонда учиб юрган бургут қанчалик билса, шунчалик биламан.

Пенида ўрнидан туриб, қўлини кўтарди:

– Гапингни эсингда тут! Яна айтиб қўйгинки, дарёдан ўтмоқчи бўлган скифлар душман ҳисобланади: уни тутиб ўлдиришади.

– Сизлар ҳам эсларингдан чиқарманглар, агар дарёдан биз томонга ўтадиган бўлсангиз, сак отлари туёғи остида янчиласиз, – жавоб берди Кидрей.

Пенида қайрилиб, ўз гуруҳи томон кетди. Таржимон ҳам гиламни кўтариб, орқасидан жўнади. Учрашув жойида сопол кўза ва олма тўла қоп қолди.

Скифлар келиб, уларни кўздан кечирдилар, лекин яванлар ҳийласидан чўчиб, кўзани синдириб, олмаларни отиб юбордилар.

Кидрей йўлда бир неча от алмаштириб, қабила кенгаши тепалигига етганда бошқа чопар ҳам келиб қолди. У яванларнинг илғор гу-



руҳлари Яксарт қирғоқларида пайдо бўлгани, чегарадаги Ванкат<sup>1</sup> шаҳрини — Чочга борадиган қарвон йўлидаги асосий кечувни эгаллагани хабарини етказди. Чопар илғорлар ичида Икки шохлининг ўзи ҳам бор деб тахмин қилди, чунки шаҳар деворлари ёнида чарм чодирлардан ташқари қизил ва ранг-баранг ҳашаматли чодирлар ҳам пайдо бўлган эди. Уларнинг айримлари жуда катта ва ясалган экан. Илғор гуруҳ ортидан пиёда ва отлиқ бошқа аскарлар ҳам узлуксиз келиб турибди. Тамир ва Улуғ кенгаш аъзолари шу заҳоти сак жангчилари Мўғул тоғларига — Ванкатга қараб йўлга чиқсин деб буйруқ жўнатди.

## СКИФ ЭЛЧИЛАРИ

Қирғоқдаги баланд бўйли, олтиндек товланиб турган қамишзор ичидан йигирмата скиф суворийси чиқди ва қасир-қусур қилиб синаётган пояларни оралаб чоғроқ тепаликка кўтарилди.

Узоқдан кўм-кўк боғларга бурканган таниш Ванкат шаҳрининг кулранг сариқ деворлари кўринди. Тор қирғоқлар орасида сиқилган ҳайбатли дарё сувлари лойқаланиб оқиб ётарди. Туманлар орасида мангу қор босган юксак тоғ чўққилари осойишта бўй чўзиб туради. Улар меҳнаткаш дах ва сўғдларнинг экинлари барқ уриб ўсаётган ҳосилдор водийни ҳалқадек ўраб олган.

Бироқ ҳаммиша ўрикзор боғлар, ям-яшил жўхоризорларию сап-сариқ буғдой далалари кўзни қувонтирадиган бу текисликдан ҳозир қанақа шовқин-сурон, ваҳший ўкирик ва фарёд эшитилипти?

Скифлар тепаликда туриб, қичқириқлар қаердан келаётганини кўришди: йўлда ва ям-яшил экинзорлар орасида одамлар оломон бўлиб келарди. Ялтироқ сариқ ва қизил кўйлақлар кийган, бола кўтарган аёллар дуч келган томонга югурар, йиқилиб-туришар — ҳамма хатар босиб келаётган томонга алангларди.

Ўттизгача ажнабий жангчи занжирдек тизилиб, найзаларини қия тутиб, бостириб келмоқда эди. Уларнинг қаршисидаги деҳқонлар подага ўхшаб тисарилиб борар, қўлларида болга, арра ва белураклар ялтирарди. Яқин келганларга ердан тош, кесак олиб отишарди.

Жангчилар шаҳдам қадамлар ташлаб, чурқ этмасдан шафқатсизлик билан бир текисда яқинлашиб келишарди.

— Икки шохли тартиб ўрнатмоқда, — деди отлиқ скифлардан бири. — Ҳозир яван ўзини ҳимоя қилишни ҳам унутган, ҳўкиздек мулоийм бўлиб қолган деҳқонларни бутунлай қириб ташлайди. Кейин аёлларни ва болаларни сотиш учун ўз қароргоҳларига ҳайдаб кетишади.

— Бу ерда қараб туришдан фойда йўқ — йўлда давом этамиз! — Тамир қўл силтади, отлиқлар пастга энди.

Топталган экинзор ёнидаги тор сўқмоқдан шаҳарга қараб йўл олишди.

Қалъа атрофи ва дарё қирғоғи ранг-баранг чодирларга тўлиб кетганди — арабларнинг қора, форсларнинг олачиפור чодирлари қалашиб ётар, ҳўкиз териси тортиб қурилган пастак чодирлар ҳаммаёққа тўлиб кетган эди. Дарё бўйидаги тепаликда катта ва тўқ-қирмизи рангли бир неча чодир ажралиб турарди. Уларнинг олдида кўплаб одамлар ва ҳар хил зотдор отлар тўпланган эди. Пиёда ва отлиқ аскарлар ҳамма йўлларда тинимсиз ҳаракат қилишарди. Уларнинг орқасидан ярим яланғоч қуллар буғдой солинган қоғлар, тугунларни кўтариб, шох-шабба ортилган эшакларни ҳайдаб боришарди.

<sup>1</sup> В а н к а т — Сирдарё қирғоғидаги Хўжанд шаҳри. Юнон тарихчилари бу шаҳарни базилевс шарафига олис Искандария деб аташган.

Бир неча македониялик соқчи найзалари билан скифларнинг йўлини тўсди. Скиф отлиқларидан бири юнон тилида гапирди.

– Бизнинг тилимизни қаердан биласан?– сўрашди жангчилар.

– Мен тарслик киликийларданман, – жавоб берди отлиқ. – Сак хони Будакеннинг қулиман. Ҳозир сак элчиларига таржимон бўлиб келдим.

– Кимнинг олдига ва нима учун келаяпсизлар?

– Шоҳингизни кўришга келдик, – гапга қўшилди туёғи ингичка, баланд бўйли айғир минган чиройли ёш скиф.

– Унда отдан тушиб, қуролларингизни қолдириб, пиёда боришингиз керак, – деди соқчилар бошлиғи, – шоҳимиз сизлар билан гаплашишни хоҳлайдими-йўқми – билиб келамиз.

– Биз, саклар отдан ажралмаймиз, – хотиржам жавоб берди кекса, букчайиб, эти суягига ёпишган скиф. – Биз шоҳ чодирига фақат отда борамиз. Агар шу ҳолатда шоҳ олдига боришга йўл бермасангиз, орқага қайтиб кетамиз ва сизлар билан фақат жанг майдонида учрашамиз.

Жангчилар ўзаро пичирлашиб жавоб қилишди.

– Агар одатларинг от миниб туришни тақозо қилса, майли, ўтаверинглар.

Соқчилардан бири қизил чодирга югуриб кетди, қолганлари скифларни ўраб олиб, бирга юрди.

Скифлар элчиларга хос иззатларини сақлаган ҳолда атрофни хушёр кузатиб боришди. Улар ичида бу ерга қанча аскар йиғилгани, димоғдор яванлардан қанчаси сакларга қарши чиқиши мумкинлигини ҳисоблашар эди.

Дарё қирғоғи бўйлаб соллар қаторлашиб кетгани, деҳқонлар назоратчилар кузатуви остида ивигилган катта мешларни пуфлаб шишириб, сувга тушираётгани ҳам уларнинг назаридан четда қолмади.

Скифларни каттакон қизғиш чодир олдида тўхтатишди. Чодир атрофида скифларникидан уч барабар узун найза ушлаган, совут кийган соқчилар қотиб туришарди. Кенг оқ чакмонга ўралган бошлиқлар ичкарига кириб-чиқишмоқда эди.

Скифлар отларини чодирлар олдидаги қозиқларга боғлашди. Пахмоқ чўл отлари пишқириб, бўйнини сиқиб, яқинлашаган бегона кимсани тегишга чоғланиб депсинар эди.

Баланд бўйли, сочлари моҳирлик билан жингалак қилинган, энгсиз нимча кийган, олтин камар таққан чиройли яван чодирдан чиқди. У сўғд табибига ўхшаб атрофга хушбўй ҳид тарқатиб, скифлар билан саломлашди ва уларни чодирга олиб кирди. Таржимон бу бошлиқ Осиё шоҳининг дўсти Гефестион эканлигини маълум қилди.

Бир қанча яван ҳарбий бошлиқлари кирди. Улардан бири форс кийимида эди. Нубиялик баланд бўйли қора хизматкор бронза оёқли ва парча ўриндиқли буклама стул олиб кирди. Форс кийимидаги йигит стулга ўтирди, бошқалар ҳар томонда тик турди.

– Ўтиринглар, – деди таржимон. – Осиё шоҳи сизларни тинглашга тайёр.

Скифлар чодир эни бўйлаб қўйилган гилам ёстиқчаларга ўтиришди ва рўпараларидаги одамга тикилиб қолишди.

Мана, Икки шоҳли қанақа экан! Айнан ўзимикин? Яванлар кўп нарсадан беҳабар кўчманчилар устидан кулиб ёки беҳосдан ҳужум қилиб қолишидан ҳадиксираб шоҳ ўрнига тансоқчиларидан бирини ўтқазиб қўйишмаганмикан?

Ўтирган одам ёш, соқол-мўйлови қирилган, бўйи бошқаларникидан пастроқ эди. Узун, маллага мойил сочлари деярли елкаларигача

тушиб турар, сочлари орасида ҳеч қанақа шох йўқ эди. Битта кўзи иккинчисига қараганда каттароқ бўлиб, қийғоч боқарди. У кибрга тўла совуқ нигоҳ билан ўтирган скифларни кўздан кечирди ва кекса Тамирнинг нурсиз, аммо айёр кўзларига тикилиб қаради.

Шоҳ этаги тиззадан пастга тушадиган узун, олтин гуллар тикилган қизил форс кўйлагига эди. Чарм камарида форс шоҳларининг нишони — қаноти кенг ёйилган лочин ва ҳалқа тасвири туширилган олтин тўқа. Кенг, қизил чолворининг почаси, форсий сахтиён этиги кўнжигга тикиб кўйилган.

Скифлар бутун форс салтанатини қўлга киритган бу келгинди шоҳга синчиклаб разм солиб, бир муддат жим ўтиришди. Сак ҳукмдори Мавак ва унинг бир гуруҳ дўстлари Доро ёрдам сўраган пайтда яванлар билан жанг қилган эди.<sup>1</sup>

Биринчи бўлиб кекса Тамир сўзлади. Гапларини икки шохлининг ёнида энгашиброқ турган баланд бўйли йигит паст овозда таржима қилиб турди. Этаги тиззасигача тушган узун кўйлакли иккита мирза қул гиламга чўкиб, силлиқ тахтачага қалам билан тез-тез ёзишга киришди.

— Македония шоҳи! — гап бошлади Тамир. Ҳамма жим бўлди, фақат мирзаларнинг ёғоч қаламигина қитирларди.— Наҳотки, худолар танангни шуҳратпараст руҳинг каби бутун дунёни ўзига сиғдира оладиган қилиб яратган деб ўйласанг? Сен бир қўлинг билан шарқни, иккинчиси билан ғарбни ушлаб турмоқчисан. Бу ҳам камлик қилиб, ярқироқ қуёш ҳар кунни ором оладиган денгизни ҳам эгалламоқчи бўласан. Сен ҳамма инсон наслини забт этганингдан кейин ўрмонларга қарши уруш очасан, совуқ қор, оқаетган дарё, кучли шамол ва ниҳоят, ёввойи ҳайвонларга ҳужум бошлайсан...

Базилевс оёқларини чалиштириб, бошини хиёл эгиб, энкайиб ўтирган Тамирга қизиқиб қаради. Кўлларини тиззаларига енгил уриб кўйди, бармоғига тақилган олтин узук кўзидаги қимматбаҳо тош ҳаворанг тусда жилваланди. Бу узук бир вақтлар форс шоҳи Доронинг кўлида эмасмиди? Бесс уни бўғизлаб, кўлидан юлиб олмаганмиди?

Тамир гапини давом эттирди. Ҳеч ким айёр скиф йўлбошчисиси гапни қайси томонга бураётганини англай олмади.

— Македония шоҳи, катта дарахтлар юз йиллаб яшайди, лекин бўроннинг битта ҳамласи уни ердаги хасдек учириб кетади. Кўпинча арслон кичик ҳайвонларга ем бўлади, занг букилмас темирларни еб тугатади. Оҳизлар томонидан енгилмаган мустаҳкам нарсанинг ўзи йўқ.

Базилевс сакраб туриб, бир томонга юрди ва нималардир деб гўлдиради.

Дароз таржимон баланд овозда тушунтирди:

— Осиё шоҳи унинг ҳузурига нима мақсадда келганларингни сўраяпти. Унга сабоқ бермоқчи эмасмисан?

Тамир ҳужумга чоғланган сассиқкўзанга ўхшаб гужанак бўлди:

— Сен билан нима ҳақида баҳслашиш мумкин, Македония шоҳи? Биз ҳеч қачон сенинг ватанингга бостириб кириб, тупроғини топтаган эмасмиз. Бепоён чўллар эгаси сифатида кимлигингни ва чегараларимизга нима учун келганингни билишга ҳаққимиз борми?

— Яна нималарни билмоқчисан? — сўради Икки шоҳли ва қайтиб кичкина курсига чўкди.

— Биз, саклар ҳеч кимга тобе бўлган эмасмиз. Шунингдек, бировнинг устидан ҳукмронлик қилишни ҳам хоҳламаймиз. Бироқ сен биз

<sup>1</sup> Граник, Тарс ва Арбела жангларида.

кўчманчиларни синамоқчи бўлсанг, очиқ айтаманки, осмон ҳар биримизга ҳўкиз, бўйинтуруқ, ўқ-ёй, найза ва коса беради.

– Осмон сизларга нима ҳадя этади? – қайта сўради шоҳ. Силлиқ қирилган юзида истехзо пайдо бўлди.

– Хўкиз, бўйинтуруқ, ўқ-ёй, найза ва коса беради, – пинагини бузмай такрорлади Тамир. – Биз улардан дўстлар учун ҳам, душманлар учун ҳам фойдаланамиз: дўстларимиз билан хўкизлар меҳнатидан баҳраманд бўламиз, косаларда худоларимизни шарафлаб шароблар ичамиз, ёйларни узоқдан туриб душманнинг кўкрагига санчамиз, найзаларимиз билан яқиндан зарба берамиз. Шу тарзда форслар шоҳи Курушни ҳам, мидияликларни ҳам енгдик. Отларимиз Мисргача бўлган йўлни босиб ўтди... – Тамир гапини тўхтатди, эчки соқоли титрай бошлади.

Искандар мовий ранг таратаётган узукли қўлини олдинга чўзди:

– Уша ёқда, олис Мисрда худолар мени ўз фарзанди деб тан олишди. Македония отлари ҳозир чўл остонасидан оқаятган Яксарт сувлари каби улуғвор Ливия дарёси сувларидан баҳраманд бўлишди...

– Дарёдан ўтсанг, чўлларимиз қанча кенг, бепоёнлигини кўрасан, – қўшимча қилди ёш, чиройли скиф.

У анчадан буён гапга қўшилмоқчи бўлиб безовта тебранмоқда эди.

– Жим ўтир, Гелон, Тамир гапирсин, – шивирлади ёнидаги скиф.

Тамир гапини давом эттирди:

– Бизнинг мулкимиз жуда кенг ва уни сен ҳеч қачон забт этолмайсан. Биз камбағалмиз, аммо кучимиз ана шунда. Сенга бўйсунган мамлакатларни талаб, ҳаддидан ошган жангчиларнинг бўғизланган сигирни судраб кетаётган йўлбарсга ўхшаб, зўрға ҳаракат қилишади. Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ ва бўлишини ҳам хоҳламаймиз. Бепоён текисликларимиз биз учун энг бой шаҳарлардан ҳам, энг серҳосил экинзорлардан ҳам азиз. Сен иссиқ қонини тўкмаган ерларда яшовчиларгина садоқат белгиси сифатида найзаларини алмаштириб, сенга яқин дўст бўлиши мумкин.

Гелон яна гап қўшди:

– Тенглар ва эркинлар ўртасида мустаҳкам дўстлик ўрнатиш мумкин, фақат найзамиз тиғини татиб кўрмаганларгина бизга тенг бўла олади.

Искандар Гефестионга имо қилиб, шивирлади:

– Анави ёш скифни олиб қол, чамаси, менга хизматга ўтмоқчи. – Шоҳ баланд овозда скифларга мурожаат қилди:

– Менга тобе бўлган халқлар номимни улуғлашмаяптими?

Скифларнинг энг чеккасида ўтирган, ғариб кийинган жангчи кескин жавоб қайтарди:

– Сен мағлуб бўлган эллар билан дўстлашаман, деб умид қилма. Хўжайин ва қул ўртасида ҳеч қачон чинакам дўстлик бўлмайди... Қуллик асоратига тушган халқ ҳатто тинч, беташвиш яшаган чоғда ҳам кўзғолон кўтаришга ҳақли.

Искандарнинг юзи ўзгариб, ўткир кўзлари пешанасига кўтарилгандек бўлди.

Базилевс ўрнидан туриб, скифларга тескари ўтирилди ва жим қараб турган дўстларига мурожаат қилди:

– Бу ваҳшийлар менга тобе бўлиш ўрнига ақл ўргатишга келишибди. Сўғд ва бақтрияликларни кўзғолон кўтаришга ундаётган шулар эмасмикан? Кўшинлар қайиқларга ўтирсин! Биз скифлар қирғоғига ўтамиз!

У скифларга ўтирилди, лаблари истехзодан қийшайган эди:

– Кўриб турибманки, скифлар ҳеч қачон қуроолларини қўлдан қўймайди. Аммо уларнинг орасида ҳам ақлли ва хушёр одамлар бор

экан. Мен сизларнинг насиҳатларингизга ва ўз омадимга амал қилишга уринаман. Лекин мен ҳеч қачон пухта ўйламасдан қарор қабул қилган эмасман.

Базилевс гап тамом деган маънода қўлини кўтарди ва парда орқасига ўтиб кетди.

Тамир ўрнидан кўзгалди, бошқа скифлар ҳам ўрнидан туриб, бирин-кетин чодирдан чиқишди.

– Икки шохлига ким таржимон бўлганини биласанми? – сўради скифлардан бири Тамирдан.

– Чамаси, форсларнинг Арбелдаги улуғ жанглирида урушган Мавак жангчиларидан бирортаси бўлса керак?

– Йўқ, у Сколот, Будакеннинг ўғли-ку! У келгиндиларнинг кийимини кийиб, сочларини яванчасига, кўзичоқниқига ўхшатиб жингалак қилиб олибди.

– Яхшиям орамизда Будакен йўқ. У шохнинг кўз олдида хоин ўғлини ўлдираб эди.

Гефестион форс таржимон билан абжир саманга миниб олган Гелоннинг олдида келди.

– Осиё шохи отингни кўрмоқчи. Биз билан шохнинг отхонасига бормаёсанми? – деди Гефестион.

– Ҳозир орқаларингдан етиб бораман! – деди Гелион отини ниқтаб бораётган Тамирга.

Кейин у таржимонга ўгирилиб, шивирлади:

– Айтиб қўй, мен шох қўшинига ўн мингта қўй ҳайдаб бора оламан. Уларга қандай нархда ҳақ тўлайди?

## МУҒУЛ ТОҒЛАРИДАГИ ЖАНГ

“Баҳодирлар, Мўғул аждарига қарши от қўйинг!” – Тамирнинг бу даъвати чопарлар орқали барча сак қўналгаларига етиб борди.

Ҳамма Мўғул аждаҳоси – яланғоч текислик ўртасида турадиган, қилич билан кесилганга ўхшаган қора қоя – тор кечув жойи эканини яхши биларди. Яксарт дарёси сўғд шаҳри Ванкент ёнида уни айланиб ўтиб, Беговот остонасидан ҳатлаб, шимолга – Яланғоч чўл томонга хотиржам йўл олади.

Кечалари кўрғонлардаги гулханлар қизил аланга бўлиб ёнар ва катта жанг кўрмаган ёш сакларда қувончли ҳаяжон уйғотарди. Улар шошилинич эгарларни ямашар, қиличларини чархлашар ва бўлажак мурасасиз жангларда темир совут ёки чодир кираверишига осиб қўйиш учун яван калласини олиб келишга қасамёд қилишарди.

Чўл бесаранжом бўлиб қолди. Мисли кўрилмаган икки шохли одамлар босиб келаётгани, уларнинг адоғи йўқлиги, орқасидан фақат вайронагарчилик қолаётгани, ўт-ўланлар сўлиб, бошқа бош кўтармаслиги ҳақида миш-мишлар ёйилиб кетди. Айрим чўпонлар қўйларини шимолга ҳайдаб кетишди, аксинча, сурувларини Яксарт этагидаги пастликларда боқиб, араваларга хотинлари ва болаларини жойлаб жанубга, Мўғул аждари томонга, жанглардан кейин катта бойлик орттириш умидида йўлга тушганлар ҳам кўп бўлди. Қари кампирлар араваларда темир ўчоқлардаги кўмирни пуфлаб, жонажон гулханлар оловини эҳтиётлаб борар эдилар.

Намат ўтов тикилган аравалар гумбирлар, оғир қайрағоч гилдираклар қаттиқ гижирлар, жуфт-жуфт қилиб аравага қўшилган хўкизлар ҳайдовчилар тинмай калтақлар билан ниқтаб, тез юришга мажбурлаганида бўкириб, оҳиста қадам ташларди.

Мўгул дарасида, тоғ жилгаси ёнида шовқин-суронга тўла чодирлар қад кўтарди. Товонига тушадиган тўқ қизил қўйлак кийган қизлар тепалик ёнбағирларига ёйилиб, ўтган йилдан қолган қуруқ хас-хашакларни йиғиб келишарди. Улар тебраниб қўшиқ айтишар ва ихчам боғланган қуруқ шох-шаббаларни бошларига қўйиб кўтаришар, кўкракларидоги кумуш безаклар қуёш нурида балиқ тангачаларига ўхшаб ялтирарди. Енгилмас сак баҳодирлари жанг чақирғини эшитиб, урушга отланган бўлса, қизлар нимадан ҳам кўрқишарди?

Текислик бўйлаб қуюқ чанг булути сузиб юрарди: ёш скиф жангчилари ҳуштак чалиб, қий-чув кўтариб, найза улоқтириб, чопиб кетаётган от устида камондан ўқ узиб, жанговар машқларни бажаришарди.

Малларанг чўққи қалпоқ ва қулранг жун чакмонларни елкасига ташлаб олган Буняк уруғининг йигитлари биринчилардан бўлиб чодирларга яқин келишди. Улар ёли узун, думи хина билан бўялган жуссаси кичик отларга минишган эди. Отларни тушовлаб текисликка қўйиб юбориб, ўзлари ҳуштак чалиб, ҳайқириб қўшиқ айтиб, чодирларга қараб йўл олдилар. Чакмонларни чапанларича чап елкаларига ташлаб олган ёшлар ўнг қўллари билан камарларига осилган бронза тўқалар ва мис косаларни жаранглатиб, удумга кўра, муздеккина бир ҳўплам қимиз билан сийлашни талаб қилишар ва:

– Бизга яванларни кўрсатинг! – деб қичқиришарди. – Ўқларимиз садоғимизда занглаб кетди, улар яванларнинг семиз қоринларини тезроқ тешиб ўтишни хоҳламоқда.

Юзлари қошиқдеккина, ямоқ қўйлакли оқсоч кампир аравадаги ўтовдан бошини чиқариб, шилпиқ босган кўзларини пана қилиб гапира кетди:

– Вой-буй, ҳаммаларинг қирчиллама ёш, кўркам йигит экансизлар-ку. Эртага иссиқ гулхан билан қора чодирларга қайтиш насиб этармикин? Келинлар, пишган қимиз қуйиб берай. Жасур кўзларинг кўриб турганда бемалол ичаверинг!

Озод скифлар гуруҳи ўзларининг янги туғлари билан келишди.

Уларнинг олдида тўриқ от минган Кидрей мис шақилдоққа боғланган туғни кўтариб олганди.

– Будакеннинг “фидойи”лари қани?

– Қирғоқ яқинида, яванларни кузатишмоқда.

Кидрей туғни чўлтоқ думли қари бўз от минган қарияга берди. Унинг белбоғида камон ўрнига чилтор осилиб турарди. Қария қалтироқ қўлларини узатиб, туғни илиб олди.

– Қаранглар, кўзи ожиз қария туғ кўтариб олибди.

– Йигитларни кўр одам жангга олиб кирадими?

– Бу бахши Саксафар, суюкли қўшиқчимиз! У жанговар қўшиқларни айтади.

Кидрей дарёга қараб йўл олди; у Будакеннинг “фидойилар” гуруҳини асосий йўлдан – чеккадаги дарадан топди. Жангчилар тошлар устида чўзилиб ётишарди; баъзилари отларига ем берар, бошқалари қоялардан оқиб тушаётган тиниқ булоқ сувлари билан мешларни тўлдирарди.

Будакен қоя тошга суяниб ёнбошлаб ётар, ёнида турган сув тўла косага қўл теккизмаганди.

Кидрей отдан тушиб, Будакеннинг ёнида бир муддат ўтирди. У сак элчилари Икки шохли ёнида Сколотга ўхшаган ёш таржимонни кўришганини эшитган эди. Сакларнинг қадимий одатига кўра, ота жангда сотқин ўғлини қидириб топиши ва ўз қўли билан ўлдириши лозим эди. Фамгин Будакен ана шунга ўзини тайёрлаётимикин?

– Нима учун жангчиларнинг қирғоқда эмас, бу ерда турибди, – ниҳоят сўради Кидрей.

– Қабила кенгаши мени “фидойилар” билан бирга шу ерда пистирмада туришимни буюрди. Агар яванлар бу йўлдан ҳамла қилиб келса, биз уларнинг биқинига зарба берамиз, иккига бўлиб ташлаб, бир қисми билан жанг қиламиз.

– Агар яванлар бу томонга сузиб ўтишса, сол ва қайиқларни чопиб ташлаш керак. Шунда улар орқага қайтиб кетолмайди.

– Бу Гелонга топширилган.

– Тамир қани?

– Тамир укаси Сотрак билан дарё қирғоғидаги тепаликда. Улар керакли жойга сак жангчиларини юбориб туради.

Кидрей ўрнидан туриб, бир сиқим қум олди ва Пегашга сакраб миниб, қумни яванлар томонга сочиб юборди:

– Яванларнинг юзи мағлубият шалтоғи билан қоплансин! Уларнинг кучи мана шу қумдек сочилиб кетсин!

Скифларнинг асосий кучлари Яксартнинг шундоққина қирғоғига, кечув рўпарасига жойлашган эди. Бу ерда дарё тораяр ва нариги томонда нималар бўлаётгани аниқ кўриниб турарди. Моҳир мерганлар баъзан камондан ўқ узишарди; баъзи камон ўқлари нариги қирғоққа етиб борар ва ўқ теккан отлар тепинишга тушар ёки сол ясаётган сўғдлар орасида тўс-тополон кўтариларди.

Соллар жуда кўп эди. Улар дарё ёқалаб қатор тизилиб кетган. Ҳайдаб келинган ўн минглаб сўғдлар неча кундан бери сол яшаш билан машғул эди. Бугунги куёш ярақлаб турган тиниқ тонгда шаҳарнинг эски тош деворига чиқиб олган томошатабларни ҳам кўрса бўларди.

Минглаб ўқлар ҳавода визиллаб, скифлар турган қирғоққа ёғилди, айрим жангчилар эгардан учиб тушди. Скифлар қирғоқдан чекиниб, тепаликларнинг ёнбағирларига кўтарилишди. Икки шохлининг ўқ отар манжанақлари яримта найзадек келадиган ўқларни дарё оша визиллатиб отиб, қирғоқни скифлардан тозалай бошлади. Бир вақтнинг ўзида чап қирғоқдан жангчилар чиққан кўп сонли соллар ва қайиқлар ҳаракатга келди. Баъзилар сол ёнбошида тиззалаб ўтириб, қамиш бордонларни тўсиқ қилиб ушлаб туришарди. Уларнинг орқасига камончилар ва сопқончилар яширинган эди. Улкан, ости ясси қайиқларга суворийлар жойлашганди; улар қайиқ ортидан қулоқларигача сувга ботиб, бурун катаklarини кериб сузиб келаётган отларнинг жиловидан ушлаб олгандилар. Лойқа, қорайган дарёнинг шиддатли оқими солларни айлантдириб кетди; баъзи жангчилар сувга қулаб, гирдобда ҳалок бўлди. Эшкакчилар шитоб билан эшкак эшишга тушдилар, македонияликларнинг соллари ўнг қирғоққа яқинлаша бошлади. Яванлар ерга сакраб тушиб, жиққа ҳўл бўлган баҳайбат отларига миндилар ва туташ саф бўлиб, скиф отлиқларига қарши ҳужумга ўтдилар. Сопқончилар дўлдек ёғдириб турган думалоқ тошлар сакларнинг ҳимоясиз кўкракларига зарб билан тегиб, уларни отдан ағдариб туширар, жиловни қўйиб юборишга улгурмаган ярадорларни отлар текислик бўйлаб олиб қочарди.

Ранг-баранг, баҳайбат қушлар галасига ўхшаган ўн икки мингта сол дарёни кесиб ўтди. Икки шохлининг жангчилари қирғоққа сакраб тушиб, саф тортди ва карнайлар садолари остида тошлоқ тупроқни босиб скифларга қарши югурдилар. Жангчиларнинг кўлидаги япасқи ўткир қиличлар куёш нурларида ярқираб товлана бошлади.

Бироқ пиёда яванлар от бўйнига ёпишиб, кичкина камондан заҳарли ўқ ёғдириб, душманни маҳв этиб бораётган скиф отлиқларига ета олмадилар.

Яраланган жангчилар лаънатлар ўқиб ерга йиқилар, қатордан аж-ралиб қолиб, жон аччигида ўқни суғуриб олиб, қон оқаётган яраси-ни гулдор латталар билан боғлаб, соллар олдига қайтишарди.

Икки шохлининг мис совут кийган, қизил ёпинчиқли суворий-лари узун қатор бўлиб сафга тизилди. Охирги қатордаги отлиқлар узун найзалар учини олдингиларнинг елкаларига қўйишди. Шу та-риқа гуруҳ олға юриб найзалар учини тиккайтириб олди. Тиш-тир-ноғигача қуролланган зирҳли жангчиларга қарши чарм ёки арқондан ясалган қалқонлар таққан калта найзаю калта қиличлар билан қурол-ланган, якка ҳолда ҳаракат қилишга ўрганган скиф жангчилари нима ҳам қила оларди? Тамир ва Сотракнинг топшириқларини унутмаган скифлар тепалик ёнбошига кўтарилиб, атрофга тарқалишди ва чошиб бораётган отда бурилиб, македонияликларга қарата ўқ ёғдиришди. Скифларнинг ёйлари яхши кийинган яванларнинг мис совутлари ва дубулғаларига тегиб синар, сакраб кетарди, шундай бўлса ҳам кўп жангчилар оғир яраланди, найзаларнинг текис қатори сийраклашиб борди. Яванларнинг эгасиз қолган отлари саф орасидан отилиб чи-киб, македонияликлар гуруҳи ортида чошиб юришарди.

Македонияликлар скифлар қўлга тушмаётганидан ғазабга келди-лар: уларнинг қудратли отлиқлари ва пиёдалар қаноти янчиб, йўқ қилиб ташлаш мумкин бўлган жипс тўдани ҳеч қаерда учратмади. Македонияликлар скифларни қувлаб етиш учун тўп-тўп бўлиб юриш-да давом этдилар, бироқ уларнинг қаторлари орасига ваҳима тушди. Ҳар доим ҳаммага даҳшат солиб келган қўшин биринчи марта кўрқув билмас ва матонатли рақиб билан юзма-юз тўқнашган эди.

Ғазабга минган скиф баҳодирлари эркин чўлларини эгаллаб ол-моқчи бўлган димоғдор яванлар билан шафқатсиз қўл жангига кириш йўлларини изламоқда эдилар. Бу жангда шуҳрат қозониб, ке-йинчалик номлари гулхан атрофида кўр қўшиқчилар томони-дан куйланишини орзу қилган “фидойилар” нега шу пайтгача кўринмаяпти?

Икки гуруҳ македон қўшини олдинга ўтди. Уларни тўхтатиш ке-рак! Ахир улар сак қароргоҳларига – хотинлари, болалари, оналари турган жойларга қараб кетишмоқда-ку!

Македонияликларнинг учинчи гуруҳи ҳам қудратли селга ўхшаб яқинлашиб келмоқда эди. Олдинда қуёш нурида ярақлаётган мис со-вутда яхши кийинган бир неча суворий кўринди.

Будакен қоялар орасида бостириб келаётган гуруҳни кузатмоқда эди. У жангга отилишга шай ёшларни тўхтатиб турарди:

– Ҳали эрта, вақт бор! Сакларнинг бошини гажиб ташлайман, деган ёвуз итни кўришга имкон беринг!

Унинг қоплонникидек ўткир кўзлари македонияликлар орасидаги қошлари чимирилган, бурун ва пешонаси тўғри чизиқли, бақувват, келишган йигитни кўрди. У қўлида узун найза кўтарган, кумушранг дубулғаси учиде қарқаранинг оппоқ патлари ёйилиб турарди.

– Улала! – Будакен скифларни жанговар курашга даъват этди.

Фидойилар оғир қиличларини қинидан чиқаришди ва шиддат би-лан олдинга отилишди. Сакларнинг тўриқ, саман ва малла отлари македонияликларни ёнбошидан уриб, қаторларини мажақлаб таш-лади. Македонияликлар узун найзаларини ташлаб, қилич суғуриб, қўл жангига ўтишди ва бўрон шиддати билан ташланган скифларга аралашиб кетишди.

Будакен қўлидаги темир гурзини айлантириб, жанг қизгин бора-ётган тўдага ўзини урди. У узокдан пўлат дубулғали чиройли гавдани



кўрди. Кўзлари ўгли Сколотнинг таниш шакл-шамойилини излаб, аланглай бошлади. У бир неча македонияликни уриб, отдан йиқитди. Абжир айгири гўё эгасининг қаҳр-ғазабини сезгандек, ярадор айиққа ўхшаб бўкириб, дуч келганни уриб-янчиб кетаётган скифдан қочиб четланаётган жангчилар орасида елдек учиб борарди.

Икки шохли шу яқин атрофда. Ҳозир уни ағдариб, отининг туёқлари билан топтаб ташлайди. Бироқ Икки шохлининг сараланган кўриқчилари Осиё шоҳига яқинлашиб келаётган дарғазаб скифни илғаб қолишди. Баҳайбат қора нубиялик ён томондан учиб келди ва кучли зарб билан унга найза улоқтирди. Найза совутдан сирганиб ёнбошига илиниб қолди ва тўриқ айгирнинг белига санчилди. Будакен дўмбалоқ ошиб йиқилаётган оти билан бирга ерга ағдарилди. Чавандозлар тўдаси устидан ўтиб кетди. Будакен охирги нигоҳи билан Кидрейнинг тўриқ отини кўриб қолди. Елкадор нубияликка санчилик, уни ерга йиқитган найза кўзига ялт этиб кўринди, кейин гўё қора тун ўз пардаси билан Будакеннинг кўзларини ёпгандек бўлди.

Искандарнинг хос кўриқчилари шоҳлар шоҳини скифлардан аранг ажратиб олдилар. Отининг жиловидан ўшлаб, жанг қизгин кетаётган жойдан шоҳни олиб чиқиб, отларини дарё томонга елдириб кетдилар.

Искандар қайиқ олдига аранг етиб борди. Бу ерда у эфебга қояга чиқиб скифларни кузатишни буюрди. Ўзи шувоқ буталари орасига кириб кетди. Тансоқчилари чакмонларини ёйиб, уни паналадилар.

— Тезроқ табибни чақиринг, базилевснинг қорни оғрияпти! Скифлар қаерда? — деб қичқиришарди улар.

— Скифлар яна яқинлашишяпти! — қояда туриб жавоб берди эфеб.

Ранги докадек оқариб, кўзларининг ости кўкариб кетган Искандарни тансоқчилар суяб, қайиққа олиб келишди. Эшкакчилар жонжаҳдлари билан эшкак эшиб, нариги қирғоққа жадал йўл олишди.

Македония пиёдаларининг олдинги қатори ҳужумни давом эттирди. Энди уларни тўхтатиб бўлмасди, “Ортимиздан Искандар кўшимча кучлар билан келяпти”, деган ишонч тап тортмай жанг қилишга ундарди. Енгилмас скифларни тор-мор қилганлиги учун буюк мукофотлар кутган пиёдалар ҳар томонга сочилиб кетган рақиб жангчилари ортидан қувиб борар, лекин македонияликларнинг шиддати сувга қилич ургандек самарасиз эди.

Скифлар пиёдалар ва македониялик этэрларнинг оғир отларидан осонлик билан қутулиб кетишди ва белгиланган маррадан яна шундай шиддат билан орқага қайтиб, изма-из келаётган яванларга ён томондан кучли зарба беришди.

Уларнинг қаршисидан даҳшатли дод-фарёд овозлари эшитилди.

Олдиндаги дара йўлини аёллар, болалар ва қари-қартанглар чиққан аравалар тўсиб қўйганди. Гулханлар тутар, ҳуркиб кетган ҳўкиз ва туялар боғлаб қўйилган жойларида ўзларини ҳар томонга урарди.

Куёшда қорайган сак аёллари араваларда йиғлаётган гўдакларини кўтариб:

— Аввал бизни ўлдириб кетинглар! Душманга қолдириб шармисор қилманглар! Жангчимисизлар ўзи? Каллаларингни йўқотиб, қаёққа қочаяпсизлар? — деб қичқиришарди.

Озгин от миниб, эгарга бешикни кўндаланг қўйиб олган бир аёл скифлар қаторига елиб келди:

— Бизга найза беринглар! Биз ўзимиз жанг қиламиз! Жангда ўламиз!

Аёлнинг бўйни оша кенг камар билан осиб олинган беланчак тебранарди. Аёл биясини қамчилаб, уни тўхтатмоқчи бўлган скифлар орасига кириб кетди.

Македонияликлар узоқдан оғир араваларни кўриб тўхташди. Отларнинг оёғи синиши ҳеч гап эмас эди. Ҳарбий бошлиқлар қичқириб буйруқ беришди, суворийлар фавқуллода тезлик ва моҳирлик билан қайрилиб, қайтадан сафга тизилишди ва тартиб сақлаган ҳолда ҳаракат қилиб, орқага қайтишди.

Кичик итлар тўдаси оғир қобон устига бостириб бораётгандек, скифлар кетаётган македон суворийлари орқасидан айланиб қувларди.

Македонияликлар келган йўлларида аста-секин орқага қайтиб, ярадорларни олиб, жароҳатланган скифларни ўлдириб чекина бошладилар.

Скифлар янги зарбага тайёрланиб, орқадан сиқиб келди. Ҳозир Гелоннинг гуруҳи македонияликларга ташланиб, солларни ишдан чиқаради. Кейин қўл жангида Икки шохлининг Осиё устидан ҳукронлигига чек қўйиш мумкин.

Бироқ Гелоннинг жангчилари йўқ эди.

Македонияликлар кечувга хотиржам яқинлашди ва яна саф тартиб, бостириб келаётган скифларнинг сиқувини қайтаришди, мадад кучлари — камончи ва сопқончилар гуруҳи илон изи бўлиб яқинлашар, уларнинг орқасидан мис дубулғаларини ярақлатиб, бронза қалқонларни пана қилиб, қўл жангига шай пиёдалар қатори югуриб келмоқда эди.

Яванлар шошилинич ичида ўз қирғоқларига ўтиб кетдилар. У томонда манжанақлар яна гумбураб, ўқ ва тош отишга киришди. Охириги сол тошлоқ қирғоқдан силжиб сузиб кетгунча дўлдек ёғиб турган қиррали тошлар скифларни дарёга яқинлаштирмади...

## МАРОҚАНДА

Мароқанд йўлидаги тепаликлар орасида иккита қоп ортилган кулранг эшак имиллаб борарди. Унинг ортидан йиртиқ-ямоқ кийимда, бошига қизил лахтак мато ўраб олган Спитамен келмоқда эди. У эшакни калтак билан туртиб, бир текис қадам ташлар, шамолнинг гувуллашига ўхшаш ҳеч тугамайдиган қўшиғини ҳиргойи қиларди.

У Мароқанднинг кўҳна, сарғиш деворларига, шинаклар орасидаги ёриқлардан ўсиб чиққан буталарга қарар, шамол эпкини қўланса мурда ҳидини олиб келганда, қовоғини уйиб, тескари буриларди. Ҳар доим қоровул турадиган, ўпка-жигар, қориндан тайёрланган сомса, майиз, ширин қаламчалар сотиладиган очиқ эшик энди бўмбўш эди. Гилдираклар чуқур қилиб ўйиб ташлаган йўлни ҳар хил латта-путгалар босиб кетган, бир гилдиракли арава ёнбошига ағдарилиб ётарди.

Эшак қулоқларини диккайтириб, аравани айланиб ўтди ва шишиб кетган оқ от мурдасидан чўчиб, қадамини тезлатди. Бир томонда ғалати алфозда бир неча одам чўзилиб ётар; уларнинг ёнида итлар айланишарди. Йўловчи тош отди, улар эринчоқлик билан нарироқ бориб, тилларини осилтириб қараб туришди.

Дарвозадан кейин хунармандларнинг атрофи ўрик дарахти билан ўралган уйчалари бошланарди. Бу ерда илгари икки табақали эшиклар ёнида кечгача мисгарлар ўтириб, болғачалари билан тоғоралар, кўзалар, бронза ўроқлар ясар эдилар. Энди биронта уста кўринмасди. Эшиклар ланг очиқ, остонада ола-була кўрпача ётар, ҳамма ёққа хас-хашақлар ва синган идишлар сочилганди.

Эшак пахса девор ёнидаги тор сўқмоқдан пилдираб кетди.

Ғалати сукунат ва одамларнинг йўқлиги илгари ҳамиша ранг-баранг кийинган оломон қайнаб ётадиган бу тор кўчага мотамсаро тус берган.

Нимадир Спитаменнинг ёноғига қаттиқ урилди, ёғоч ўқ сапчиб, ерга тушди. У эшакни тўхтатиб, очиқ дарвозадан ичкари кирди. “Бу нима экан? Огоҳлантиришми ё пистирмами?” У эшакни боғлаб, тўртбурчак ҳовузли ҳовлига кирди. Спитамен қачондир бу ерда бўлган, уй эгаси — чит бўёвчини танир эди. Ҳозир ҳам ҳовлидаги кўкариб кетган арқонларда қорамтир лахтаклар осилиб турарди.

Уста қаерда экан?

Болалари кўп эди, ҳар доим кексаю ёш аёллар матоларни чайишдан бўшамасди — улар қаерда? Уй деворидаги тешик ўйиб олинган кўзга ўхшаб хўмрайиб турар, унга йиртиқ гилам думалоқлаб тиқиб кўйилганди.

Яна бир ёғоч ўқ ёнидан учиб ўтди. Спитамен кекса чинорнинг қуюқ барглари орасида ўтирган жингалак соч болани кўрди. У дарахт шохларига тиралиб туриб қўлбола камонда мўлжал олмоқда эди. Боланинг ёвуз кўзлари ялтирарди.

Спитамен кўллари билан юзини тўсиб яқинроқ борди.

— Яқинлашма, ўлдираман! — қичқирди бола.

— Шошилмай тур, мен отангни ўртоғиман. Нон ейсанми? — Спитамен унга қоқ нон узатди.

Бола нонни чангаллаб олиб, очқўзлик билан гажиб, гўлдирай бошлади ва бирдан йиғлаб юборди. Бола ёноқларидан оқаётган томчиларни кир муштумчалари билан артди.

— Сенга нима бўлди, болажон, нега йиғлаяпсан?

— Бу ерда қолишдан қўрқаман. Мени ҳам бирга олиб кет.

— Отангни олдига олиб борайми?

— Йўқ. Отам қудуқда, онам ҳовузда ётибди. Мен ҳар куни савол бераман, улар жавоб қайтаришмайди. Уларни ёвуз яванлар у ёққа ташлашди.

— Бўпти, пастга туш. Сени ўзим билан олиб кетаман. Эшагим бор, унга миндириб қўяман.

Бола яланг оёқлари билан дарахт танасига чаққон тармашиб, ерга тушди.

— Орқамдан қолмай юр. Ҳозирча яванлар узоқда.

Улар девор бўйлаб юриб, эшак қолган дарвозага чиқишди.

Мис дубулғасига от думи осилган учта яван эшак олдида қопни пайпаслашарди.

— Йирик арпа экан, керак бўлади.

— Нега бировларнинг уйида дайдиб юрибсан? Талаш учун келдингми? — қичқирди бошқа яван найзасини кўтариб.

— Тўхта, ўлдиришга шошила. У менга керак бўлади. Эй жоҳил, шароб борми?.. Ичгим келяпти!.. — македониялик косага ишора қилиб, лабларини ялаб кўрсатди.

— Ҳозир топиб бераман.

— Юнонча гапирасанми? Сен қимматбаҳо хизматкор бўласан!

— Мен карвон билан Антиохияга борганман ва ўша ерда илоҳий эллин тилида гапиришни ўрганганман.

Жангчи дубулғасини қаншарига сурди, жингалак соқол босган юзи яшнаб кетди.

— Дўстлар! — қичқирди у. — Менга омад кулди. Ўзимга антиқа кул топдим. Унга таёқ билан тил ўргатиш шарт эмас.

Қолган икки яван эшакни ҳайдашди.

– Биз эса икки қоп арпага эга бўлдик. Очликдан силласи қуриган отларимизни тўйдирамыз. Бу сенинг илоҳий тилингдан муҳимроқ.

– Сен, эпчил одамга ўхшайсан, отимга арпа, менга шароб топиб бера оласан. Қани, бу ёққа кел-чи!

Македониялик ёғоч йўниб, ундан тўртбурчак тахтача ясади, ўртасини тешиди ва тешикдан қизил ип ўтказди. Тахтачага “Берда” деб исмини ёзиб қўйди. Кейин Спитаменнинг қулоғидан маҳкам ушлаб тортди ва пичоғининг учи билан тешиб, ип ўтказиб, боғлаб қўйди:

– Энди хотиржам юравер, ҳеч ким сенга тегмайди. Темирчи Берданинг қулиман, деб айтсанг бўлди.

Спитамен хотиржам турарди, Берда қулоғини кесганида ҳам юзи қилт этгани йўқ.

– Сен шароб ичмоқчи эдинг. Бу ерда омбор бор. Уй эгаси меҳмондўст эди, мени кўп марта сийлаган. Унинг омборидан бир кўза кўҳна шароб топилса керак, – деди у.

– Юр, ишинг яхши бошланиши учун ичаман.

Спитамен ҳовлини кесиб ўтиб, тўпланиб ётган хазонларни суриб ташлади-да, кичкина тўртбурчак эшикни очди. Чуқурликда ейилиб кетган зина қўринди.

У хотиржам омборга тушди.

– Бор экан! – чуқурдан унинг овози эшитилди. – Одам бўйи келадиган катта хумлар бор экан; бошқа идишга қуйиш керак, бир ўзим эпломмайман.

– Ҳозир бораман, – деди Берда ва найзасини дарахтга суяб қўйиб, қўлини қилич сопига қўйганича, омборга тушди.

Бола дарахтни пана қилиб, яван ва янги дўсти қайтишини кутиб турди. Спитаменнинг ёлғиз ўзи чиқди. У оғир нафас олар, қўлида кичкина бўш кўза бор эди.

– Яван қани? – сўради бола.

– Унга шароб ёқиб қолди, ичиб ётибди. Энди ўша ерда ухлайди, – деди Спитамен ва эшикни ёпиб, устига хазон сепиб қўйди. – Агар овқат ейишни хоҳласанг, тезроқ юр.

Иккаласи тор кўча бўйлаб кетишди. Спитаменнинг қонга ботган қулоғида тахтача осилиб турарди. Рўпараларидан жангчилар чиқиб қолишди.

– Шароб борми? – сўради улар кўзага ёпишиб.

– Берда учун қидирияман, – жавоб берди Спитамен ва шаҳар ичига йўл олди.

Одатда ҳамиша одам тўла бўладиган, бутун шаҳарни иккига ажратиб турадиган асосий кўча бўм-бўш эди. Онда-сонда деворга қапишиб кетаётган ёлғиз йўловчи учраб қоларди. Бир неча дўконча очиқ бўлиб, уларнинг олдида македонияликлар уймалашарди. Улар катта-конт тугунлар олиб келишган, эпчил савдогарлар<sup>1</sup> гулдор кийимлар, жун чакмонлар, узун чойшабларни ағдар-тўнтар қилиб, вазминлик билан синчиклаб кўриб, бир томонга тахлашарди.

Савдогарлар талаб олган буюмларга кумуш ва бронза тангаларда ҳақ тўлашарди.

– Хоҳлайсанми, бир дарик бераман?

– Бешта кийим учун бир дарик? Ахир битта кийим тўрт дарик туради-ку! – қичқиришарди жангчилар.

<sup>1</sup> Македониялик жангчилар орқасидан кўплаб савдогарлар эргашиб, ўлжа тушган буюмларни сотиб олар, қайта сотиш учун бошқа шаҳарларга жўнатишарди.

– Хоҳламасанг – қайтариб ол. Кийимлар ошиб-тошиб кетди, бошқа сотиб ололмайман. Бунинг устига кийимларингда қон доғлари бор. Уларни кимга сотаман?

Шаҳар ўртасида, қалъа эшиги ёнидаги тош ўриндиқда соқчилар ошиқ ўйнаб ўтиришарди. Спитамен шаҳардаги македон аскарлари унча кўп эмаслигини – нари борса икки-уч юзта пиёда ва отлиқлардан ошмаслигини сизди. Македон кўшинлари шарққа силжиб, сўғдларнинг бошқа шаҳарларини талаш учун кетган эдилар.

Қалъадан ўтгач, йўл эски деворни ярим айлана шаклида ўраб олган чуқур жар бўйлаб борарди. Кейин шаҳарнинг аҳоли зич яшайдиган қисми бошланар, бу томонларда боғлар деярли йўқ, уйчаларнинг текис томлари бир-бирига туташиб, зинага ўхшаб қолганди. Уйларнинг ярми македонияликларнинг Мароқандга хужуми пайтида вайрон бўлган, айрим жойларда кўмирга айланган култепалар ҳамон тутаб ётарди. Ақлдан озган қариялар ва озиб-тўзиб кетган болалар вайроналар орасида дайдиб, егулик излаб, ахлат уюмларини титар, ярми куйган латта-путталарни тортиб чиқарарди.

Спитамен эндиликда кимсасиз қолган савдогарлар маҳалласидан ўтиб, файласуф дўсти Цен Цзи яшаган тор кўчага кирди. Уй бўш, товар тўла омборлар ўрнида қора устунлар қийшайиб ётарди. Кекса ҳинд хизматкор омбор ичидан кўрқув билан мўралади ва Спитаменни таниб, югуриб чиқиб, кўкрагига бошини қўйди.

– Сенга ҳам ташвиш тушибди-ку, – деди қария ҳиқиллаб, овчининг қулоғига осилган тахтачани кўрсатиб.

– Бу ҳали ҳолва, – бепарво жавоб берди Спитамен. – Донишманд устозинг қани?

– Билмайман, – жавоб берди хизматкор. – Талончилар кўчамизга келишганда устоз сандалини боғлаб, ҳассасини олиб, шаҳардан чиқиб кетди. Қайтиб келмади, тирикми-ўликми хабарим йўқ.

Спитамен ёниб кетган бино тафтидан дарахтлар қовжираб қолган боққа кирди. Ҳовуздаги қизил балиқларнинг бир қисми сув юзида қорни осмондан бўлиб ётарди. Шийпонча бузиб ташланган, фақат Будданинг тош ҳайкалчасигина аввалгидек истеҳзоли кулимсираб, қийшайиб турарди.

Спитаменнинг этагидан ушлаб эргашиб келаётган бола йўлкада сочилиб ётган Цен Цзи ёзган пергамент қоғозларни териб олди. Спитамен уларни эҳтиётлаб тахлаб, қўйнига яширди. Девордаги туйнук орқали овчи ва бола ташландиқ боққа ўтиб, у ердан кумтепаликларга олиб борувчи йўлга чиқишди.

У ерда Спитаменни бир гуруҳ чавандозлар кутиб олишди. Уларнинг эгниларидаги кийимлар йиртилиб кетган, бироқ ҳаммаларида ўткир найзалар, камон ва ойболталар бор эди.

– Яванлар ҳозир шаҳарга канага ўхшаб тарқалиб кетган, уларни тириклай қўлга олиш қийин эмас. Биз бош майдонга етиб боришимиз ва яванлар қалъага кирадиган йўлни қирқиб қўйишимиз керак. Асосий қисмлар қаерда?

– Олтин оқувчи дарё қамишзориди, тепалик орқасида.

– Уларни чақиринглар, яванлар ҳеч нарсадан хавф олаётгани йўқ.

– Спитамен, қулоғингга янги сирға тақиб олибсанми? – кулишди чавандозлар.

– Бу менга яван тилини билганим учун берилган мукофот, – Спитамен баланд бўйли жийрон отга минди, қилич осилган камарни тақди ва қўлига найза олди. – Кидрей, мана бу болани эгарингга мингаштириб ол. Ундан яхши жангчи чиқади.

Спитаменнинг дўстлари тепалар орасидан турнақатор тизилиб чиқди ва девор тешигидан ўтиб, шаҳарга от қўйиб кетди.

## ЖАНГДАН КЕЙИН

Будакен кўзини очди. Ҳаммаёқ қоронғи. Нимадир устидан босиб тушган, оёғи чидаб бўлмас даражада оғрир эди. У оёқларини қимирлата олмади. Қўллари бор-йўқлигини сезмади. Фақат оёғи устида узола тушиб каттакон тана ётганини кўрди. Тепасида осмон қорайиб турибди. Юлдузлар жимирлаб товланади.

Будакен хиёл кўтарилиб, жон-жаҳди билан атрофга қарайди, сўнг бошини яна тошга қўяди.

Энди нигоҳи тоғларга туташган текисликни илғай бошлади. Оқиш туман тўдаси ердан кўтарилиб сузиб юрибди. Ой булутлар тўридан чиқиб, кесилган каллага ўхшаб думалаб, қорамтир осмонда тентирайди.

Оёқлари устида кимнинг танаси ётибди? От сағриси экан, бир оёғи букилиб, осмонга кўтарилиб қолибди. Отнинг оёғи қимирлаб, тебрана бошлади, бугун танаси силкинди.

Будакен хириллаб ингради. Ғўлдираган, шитирлаган овоз келди, тирноқ билан ниманидир қовлашмоқда.

Одамлар қани? Улар қаерга кетишди? Минг-минглаган саклар ва скиф ўқлари ўтмайдиған совутлар кийган димоғдор яванлар қаерда қолди?

Будакен атрофга аланглади. Туманлар текисликдан кўтарилиб, ҳавода сузиб юрибди. Қора соялар тебранмоқда. Улар турнақатор бўлиб шовқинсиз, бири иккинчисининг ортидан узун тумшукларини ерга эгиб кетишмоқда. Булар — бўрилар. Саклар юришга чиққанда улар тўда-тўда бўлиб, изма-из эргашиб юришади.

Бўрилар ҳозиргина шу ерда эмасмиди? Қўллари нега бунча кучсиз? Ҳайвонлар Будакеннинг юзларини ғажиб ташлаши мумкин: энди билагида бўрини бўғиб ўлдирадиган қувват йўқ...

Будакен бор кучини йиғиб, инграб, бошини кўтарди. У ёнида ётган тошларни кўрди. Йўқ, улар тошлар эмас. Кимдир унга қадалиб тикилиб турибди. Нега юзлари бу қадар қора? Кўзлари чақчайиб кетган. Йирик тишлари иржайган. Қора бўйнида оқ чиганоқ маржонлар осилган. Ким у? Нега у бақрайиб тикилади-ю, гапирмайди? Македон шохини Будакен чўқморидан асраб қолиш учун ёнбошдан ташланган қора жангчини эслади. У энди туғишган биродаридек ёнма-ён ётибди. Кўзларида ҳайрат қотиб қолган. У Чинвад кўприги тагидан оқадиган боқийлик ва осудалик ҳадыя этувчи олтига ирмоқ устига эгилиб турган мажнунтолларни кўраётган бўлса керак.

Жангда ҳалок бўлган баҳодирлар булутлар устидаги кўрғонларда ўтириб, бўза тўла косалар билан ўз юришларини эслайдиган, абадий роҳат-фароғат диёрига олиб борадиган Чинвад кўпригига Будакеннинг ўзи қачон етиб боради? Уни орқага, чодирларга қараб нима тортяпти? Олдида ўғли Сколотнинг кулиб турган қувноқ чехраси намоён бўлди. У шивирлаб: “Мен Икки шохлининг дўстиман. Қизил кўйлак кийиб, яванларнинг узугини тақиб юраман. Осиё шохини озод сакларни занжирга солишига ёрдам бераман”, — деб гапирар эди...

Будакеннинг кўкрагидан ғазаб тўла хирқироқ овоз отилиб чиқди: у томоғидаги қонни ҳис қилди. Осмон, ой ва оёғи қаттиқ чайқалиб, ағдарилди ва яна кўз олдини тубсиз қоронғилик қоплади...

Куёш ёрқин нур сочмоқда, кўз-қовоқларини кўтариш бунчалар қийин. Киприклари ёниб турган қип-қизил осмонга тираб қўйилган йўғон ходаларга ўхшайди. Будакен зўрлаб бир кўзини хиёл очади.

Кўкрагига аллақандай қуш қўниб олган. У жуда улкан, осмоннинг ярмига тенг келади, қора патлари ёрқин нурда кўкимтир товланяпти. У бир томонга узун тумшугини буриб, думалоқ кўзи билан атрофни кузата бошлади.

Бу — қарға. У эҳтиёткорлик билан Будакеннинг юзига панжасини қўйди ва яна тумшугини буриб, ўткир нигоҳи билан синчиклаб қаради.

Будакен афтини буруштирди... Юзида қанотларнинг енгил елпинишини ҳис қилди. Қуш сакраб, бошқа томонга, отнинг қорни устига йиғилиб олган қарғалар галаси ёнига учиб ўтди. Кўрқиб қағиллаган қушлар ҳавога кўтарилиб, гир айлана бошлади: отнинг мурдаси устига бўйни туксиз улкан бургут келиб қўнган эди.

У қудратли қанотларини йиғиб, эгик тумшукли бошини буриб, атрофга гердайиб кўз ташлади.

“Қорни тўқ, шунинг учун чўқимаяпти, — Будакен хаёлидан ўтказди ва яна мудраб кетди. Энди унга барибир... Чинвад кўприги мўъжизакор. У узун биллур иплардан қурилган, четларига оқ чиғаноқлар осиб қўйилган. Биллур иплар мовий бўшлиқ қаърига чўзилиб кетган. Шамол марварид мунчоқларни тебратади... Улар шундай огир жангчи — Будакенни кўтара олармикин?”

...Бу ёққа саклар келишса, Будакенни отнинг тагидан тортиб олиб, қутқариб қолишади. Македонияликларнинг қадами етса, ўлдиришлари аниқ. Агар дайди даҳлар келса, уни қамиш буров билан бўғиб саранжомлашади, кейин кийимлари, маржон қадалган этигини ечиб, олтин узангини кесиб олишади. Жангдан кейин даҳлар ҳалок бўлган жангчиларни ана шундай “тозалаб” кетишади.

Қадамлар ва паст товушлар. Улар нима олиб келишаркин: ўлимми ё нажот? Барибир. Фақат инсон овозини эшитса, афт-ангорини кўрса, бас. Будакен энди кўзларини очолмайди. Ит чивинлар талаган қовоқлари бир кун ичида шишиб кетди. Қадам товушлари яқинлашмоқда. Оёқлар тошларга енгил урилди. Кимнингдир қўли юзларига тегди, йиринг боғлаб, юмилиб қолган кўзларини очишга уринди...

— Ота, тирикмисан? Кел, кафтим билан оғзингни беркитай, овозимни эшитмасингдан олдин жонинг чиқиб кетмасин. Бу мен — Сколотман, асирликдан қочиб келдим. Сени топиш учун бутун водийни тинтиб чиқдим, буталар остидан ахтардим. Ота, жасур кўзларингни оч... Ўғлинг Сколот ёнингда...

Будакеннинг томоғидан бўғиқ инграш отилиб чиқди.

— У тирик. Сак жангчиларининг жони тошдан бўлади. — Шивирлади қарияларга хос овоз. — Ҳозир хирилладими, демак, кейин гапирари. Аввал отни олиб ташлайлик. Кейин жилгага кўтариб борамиз.

Совуқ сув Будакеннинг шишиб кетган юзига қуйилиб, кўзларини ювади ва у огир қовоқларини кўтаради.

Олдида озғин, сочлари тўзғиб кетган Сколот. Кийимлари бир аҳволда. Юзлари ва яланғоч қўллари кир, шилиниб кетган.

Ёнида дўнг пешонали, озғин қария, сочлари оппоқ ва узун. Устида даҳларнинг тери кийими ва бургут тирноғидан қилинган тумор.

— Бу қария — даҳ. У сени даволайди. У доно, жанговар яраларни қандай тузатишни билади.

— Сколот! Тўғрисини айт: жонажон қабилангни сотдингми?

— Ота, улар барча йўллар, булоқлар, ҳарбий кучларимиз ҳақида гапириб беришимни талаб қилишди. Улар менга ҳамма хонлар усти-

дан сак хони бўласан деб ваъда беришди. Бироқ мен уларга тирноқча гап айтганим йўқ. Фақат жонажон чўлларимга қочиш фурсатини кутдим. Тун сукунатида Яксарт ортида айғирларимизнинг кишнашини эшитиб, тепаликларда хатар алангалари ёнаётганини кўрганмдан кейин дарёга ташландим. Мен ундан сузиб ўтдим, яванлар отган учта ўқ етказган жароҳат ҳамон елкамда йиринглаб турибди...

– Яванлар қаерда?

– Ҳаммаси дарёдан қайтиб ўтди. Ҳозир қиличлардан олган жароҳатларни даволамоқдалар.

– Гелон-чи?

– Гелон хиёнат қилди. Ўз гуруҳини дарага олиб бориб, ўзи Икки шохли томонига қочиб ўтди.

– Тохар ити! У икки шохлини тириклай қўлга олиши мумкин эди, энди унинг оёғини ялаб ўтирибди. Қора тўриғим қани?

– Қора тўриқ Чинвад кўпригига чопиб кетди, бу ерда, оёқларинг устида мурдаси ётибди.

Будакен жим бўлиб қолди. Унинг кўзлари яна юмилди. Сколот хавтирланиб хира кўк пашшаларни ҳайдади.

Ниҳоят Будакеннинг лаблари аста шивирлади:

– Ўғлим, мен энди Чинвад кўпригидан хотиржам ўта оламан...

### “БУНДАН НАРИГА БОРМАЙМИЗ!”

Дарё ортидаги скифлар билан жанг бўлиб ўтган кундан буён базилевснинг олдига ҳеч кимни қўйишмади. Чодирга кираверишга оғир гилам осиб қўйилган, унинг олдида дубулғасини жанговар ҳолатда юзига тушириб, ўнг кифтига найзасини тираб олган македониялик соқчилар қотиб туришибди.

Соқчилар бир неча марта алмашди, лекин улар базилевсни кўришгани йўқ.

Сайёр девонхона бошлиғи Эвменнинг базилевсга туташ чодирга македонияликлар ва таниқли этэрлар, оддий жангчилар юборган вакиллар келиб-кетишди – ҳамма базилевс билан учрашувни талаб қилди.

– Базилевс шифокор ва бош қоҳин, фолчилардан бошқа ҳеч кимни қабул қилмайди.

– У яраланганми ё касалми?

– Қорни оғрияпти, – қуруққина жавоб берарди Эвмен.

Базилевснинг ўта қайсарлигини яхши билган жангчилар бақирчақир, оҳ-воҳ билан тўлган чодирларига қуруқ қайтишарди. Аввалгиларга нисбатан бу жангда ярадор бўлганлар кўп эди. Скиф ўқларидан етган жароҳат яллиғланиб шишиб кетар, кўзлари чақчайган жангчилар аллақандай сўзларни қичқириб, безгак ичида ёнардилар.

Табиблар ярадорларни кўздан кечириб, йирингларни сиқиб чиқарар, шифобахш малҳамлар сувар, дардга чалинганларга шифо берувчи худо Асклепядан мадад сўраб пичирлашар, лекин кўплаб ярадорлар азоб-уқубат билан ўлмоқда эди.

Ҳаммасидан ҳам скифларнинг учи илмоқли найзалари ва суякларни мажақлаб юборадиган чўқморларидан олинган зарбалар даҳшатли эди. Табиблар ёрилиб кетган чуқур яраларни тикканига қарамай, жароҳат умрбод майиб қилиб қўярди. Энди улар уруш ҳақида бошқа ўйламас, Сўғдиёнаннинг қаеридан ер тегиши-ю, қанча қулга эга бўлишдан бошқа нарсани эшитишни ҳам хоҳламас эдилар.

Бутун қароргоҳ бор овоз билан Осиёга юришни тугатиш вақти келгани, сўғдларнинг ери ўз ватанлари – тошлоқ Македония ёки



Юнонистонга нисбатан ўта ҳосилдорлиги ҳақида гапирар, жангчиларнинг хизматларини тақдирлаб, ҳадя тариқасида олтиндек бугдой, қип-қизил олмалар ҳамда саломатликларини тиклаш учун пиёз билан саримсоқ бериш вақти келганини айтишарди. Майибларнинг кўнгли узун шоҳли ҳўкизлар, келишган отлар, ўн олти кокилли қора кўз сўғд қизларини тусаб қолганди.

— Бир томони ёмон,— нолишарди жангчилар,— сўғд деҳқонлари минилмаган отга ўхшайди — ҳали жуда асов; ерларини беришни истамайди, унга ёпишиб олишади, худоларнинг ўзи бизни — македонияликлар ва юнонларни Осиё халқларига ҳўжайин қилиб юборганини унутиб, бизга ҳўмрайиб қарашади.

— Македонияликларнинг қишлоқларга ёлғиз чиқиши хавфли,— дейишарди бошқалари,— улар дом-дараксиз йўқолмоқда. Айтишларича, бу — ҳайвонга ҳам, қушга ҳам, чаёнга ҳам айлана оладиган кўлга тушмас Спитамен бошчилигидаги қароқчи тўданинг иши эмиш.

— Бундан нарига юришнинг ҳожати йўқ, тўхташ вақти келди!— қароргоҳдаги умумий фикр ана шундай эди.— Скифларнинг ерига яна сукулишдан фойда йўқ. У ерда бизга қанақа наф тегиши мумкин. Қудуқларининг суви шўр, саримсоқ ўсмайди, ҳўкизлари айиққа ўхшаган паҳмоқ, уни миниб юришади, отларни эса сигирга ўхшатиб соғишади. Йўқ, энди тўхташ, забт этилган ерларни жангчиларга бўлиб бериш вақти келди.

Жангдан икки кун ўтгач, Эвменнинг чодирига македониялик олий ҳарбий бошлиқлар келишди. Чорпахил, бўйнилари йўғон, жағлари туртиб чиққан, яғриндор македонияликлар қўтосга ўхшаб оғир қадам ташлашарди. Чодирга киргач, муштларини тугиб, Эвменни ўраб олишди.

Чодир ёнбошига думалоқ чарм қутилар тахлаб қўйилган, уларнинг ҳар бирига биттадан ҳарф ёпиштирилган эди. Қутиларда македониялик назоратчиларнинг форс ноиблари ҳақида ёзган ҳисоботлари сақланарди. Шу ерда форс салтанатининг асосий йўлларига ташланган македон бўлинмалари бошлиқларининг хатлари, Сурия, Финикия, Миср ҳокимларининг ахборотлари ва ниҳоят, Апаксимен, Каллисфен, Марсий, Харес сингари нотиқлар Искандарнинг ҳар бир қадами, ҳар бир сўзи авлодларга етиб борсин, деб тилёғламалик қилиб ёзган барча хотиралар сақланарди.

Соқоли қирилмаган, ҳорғин юзларини ажинлар тилган Эвмен қоплон териси тўшалган ўринга чўзилган, тўртта мирза—қул эса олдида, гиламда ўтириб, оғзида чиққан сўзларни пергаментга ёзмоқда эди.

— “Бадавийлар енгилмас жангчиларимизнинг нигоҳи, қичқириқлари, кучли зарбаларига чидай олмадилар. Улар жон-жаҳдлари билан қоча бошладилар. Ҳазабга минган жангчилар уларни ярим тунгача таъқиб этдилар. Ҳамма бадавийлар македонияликларга ҳеч нарса қарши туролмаслигини кўрдилар...” Мана шу тарзда ҳикоя қилишим Базилевсга ёқади.

— Эвмен, Базилевс ҳозир нима қилаяпти?

— Қуролларини тозалаяпти. Агар Базилевс қуролларни ўзи тозалай бошласа, қаҳр-ғазаби кўзиб, кимга сочишни билмай турган бўлади.

— Ҳазабни кўзиса кўзийверсин. Биз у билан гаплашиб олишимиз керак.

Эвмен осилиб турган бронза қалқонни урди. Чодирга базилевснинг синалган жангчи — тансоқчиларидан бири югуриб кирди. Кейин у қизил чодирга сирганиб кирди ва тез қайтиб чиқиб, Осиё шоҳи чорлаётганини айтди.

Македонияликлар чакмонлари тахини тузатиб, томоқ қириб, бирин-кетин форс гиламини босиб ўтишди.

Базилевс йиғма курсида мовий нимча кийиб ўтирарди. Қўли тирсагига мой ва лойга беланганди. Олдида қуролсиз форс — озғин, серпай, бўйни ингичка чол тиз чўкиб турарди. У оппоқ сочларини тасмача билан орқасига боғлаб олганди.

Базилевс чодирга кирганларнинг ҳар бирига қаҳрли назар ташлади. Македонча айтилган: “Кўп йиллар яшагайсан!” хитобига чизиб қўйилгандек чиройли лаблари хиёл очилиб, юнонча: “Хайретэ!” — деб жавоб қайтарди.

Македонияликлар чап ёнбошларига ёстиқ қўйиб, гиламга ярим айлана бўлиб ўтирдилар.

— Яраланганлар кўпми? — сўради Искандар.

— Ўқ билан жароҳатланмаганлар кам — скифлар бехато отишаркан. Деярли ҳамма отларимиз шикастланган.

— Буниси ёмон. Мен учун ҳозир ўнта жангчидан битта от муҳимроқ. Қўлга олинган скиф отлари яроқлими?

— Улардан фойда йўқ. Итга ўхшаб тишлашади, бир жойда туриб, эчкидек ирғишлайди, чавандозларни улоқтириб юбормоқда.

Ошкора хушомадгўйлиги учун ҳаммага мазах бўладиган Перитакен бу гал ҳам тилёғламалик қилди:

— О, Амоннинг шукуҳли ўғли! Кўркам кўзларингдан кўриб турибманки, скифлар олашақшақ тўдасидек қочиб кетадиган фаройиб тадбир ўйлаб топгансан.

Искандар индамади, латгани майдаланган ғишт кукунига ботириб, қиличини артди:

— Сен нима дейсан, Никанор? Скифларни янчиб ташлаш учун нима қилиш керак?

Ўрта ёшли, кенг елкали македониялик думалоқ, қайсар бошини эгди:

— Юз йил эслаб юришлари учун бошлаб уриш керак.

Искандар бир силкинди:

— Мен ҳам шундай ўйлайман. Юришни давом эттириш керак. Скифиянинг қоқ марказига ёриб кириб, уларнинг юраги бўлган Чоч қалъасини ер билан яксон қилиш керак.

Базилевснинг жиззаки феъл-атворидан хабардор бошқа македонияликлар жим туришди. Уларнинг чақчайган бақакўзларидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди.

— Нега индамайсизлар? Птоломей, ҳозироқ юришда давом этиш керак эмасми?

— Мана, ҳаракат қилиб кўрдик, лекин натижа чиқмади. Биз улар билан уруша олмаймиз.

— Нима учун?

— Ҳаммамиз кўникиб қолган ғалабага эришдикми? — сўради қора мағизлиги учун Қора лақабини олган Клит. — Скифлар билан жанг қилиш — тўнғиз билан бургутнинг олишувидек гап. Биз скифларни ортидан қувамиз, улар эса қушга ўхшаб учиб кетади-да, шу заҳоти бурилиб, бошқа томондан ҳужум қилади. Тўхтатиш зарур, ёки...

— Тўхта, Клит! — гапини бўлди Эвмен. У ўз фикрини камдан-кам билдирар, бундан кўра базилевснинг буйруқларини бажаришни афзал кўрарди; шу боис, ҳамма девонхона бошлиғи нима дер экан деб диққат билан қулоқ солди. — Менга айт-чи, Базилевс, нимани хоҳлайсан? Мен шубҳа қилмайманки, сен скифларни янчиб ташлаб, уларнинг Чоч қалъасини, Роксонаки ва бошқа шаҳарларини эгаллаб

оласан. Бироқ сен сувсиз чўлнинг ҳоқими бўлишни, Македония жангчилари бия соғишга ўрганишини хоҳлайсанми? Перитакена билан Никанор бундай шарафли ишни бажаришга тайёр туришибди. Ёки сен форс шоҳлари филлар, товуслар, олтин, олмос, рангли тошлар, Цейлон марвариди, ғаройиб матолар, ширинликлар, Шарқнинг бошқа бойликларини олиб турган Ҳиндистондек бой-бадавлат, серҳосил мамлакатга ҳукмдор бўлишни хоҳламайсанми? Скифларнинг қуритилган пишлоғи билан бия сутидан кўра мен айтган нарсалар яхшироқ эмасми?

– Бироқ олдимизда скифлар турганда Ҳиндистон ҳақида гапириб бўладими? – жаҳл билан жавоб берди Никанор. – Агар биз ҳозир Ҳиндистонга бурилсак, скифлар биздан кўрқиб қочиб кетди деб ўйлаб орқамиздан боради.

Эвмен елкасини қисди:

– Нима учун улар биз билан эмас, бизнинг орқамиздан боради?

Искандар гишт билан қиртишлашдан тўхтади ва ажабланиб Эвменга қаради:

– Скифлар музокарага кўнади деб ўйлайсанми?

– Оддий скифлар урушишни хоҳлайди, лекин уларга хонлар бошчилик қилади. Сенга отанг, шоҳ Филиппнинг доно насиҳатини эслатаман. У: “Хужум билан олиб бўлмайдиган қалъа деворларидан олтин ортилган эшак енгилгина сакраб ўтади”, – демасмиди?

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – хитоб қилди Искандар сакраб туриб. – Биз скиф суворийларини авраб, ўзимизга оғдириб олишимиз керак. Ана улар ҳақиқий жангчилар! Гевестион, олтинни аяма. Хонлардан бошла, ҳамма ҳоқимлар олтин тангалар жаранглашини яхши кўради.

Чодирга соқчи кириб, ёпқични кўтарди ва форс кийимидаги чангга ботган чопарни олдинга ўтказди.

Чопар қоғоз ўрамини тепага кўтариб, уни гиламга ташлагандек ҳаракат қилди, бу хабар ўта муҳимлигига ишора эди, кейин уни базилевсга узатди. Шундан сўнг у чайқалиб, ҳушсиз йиқилди.

Ҳамма жим бўлиб, Искандар мумли муҳрни қандай кўчиргани ва қовоғини уйиб, юнонча ёзув қаторларини ўқиб тугатишини кутиб турди.

– Чопарни бу ердан олиб чиқинглар. Унга ҳадя берилсин! – Базилевс қўл силтади. Жангчилар чопарни кўтариб кетишди. Ҳозир учта хабар келди. Спитамен бошчилигида кўзғолон кўтарган сўғдлар Мароқанд қалъасини қуршовга олган. Отларга пичан излаб, қишлоқларга чиққан олтмиш кишидан иборат македонияликлар гуруҳи ўлдирилган. Ва ниҳоят, Спитамен бошчилигидаги қароқчилар Навтакада Эқбатандан келаётган карвонимни талаб кетган. Бирданига уч жойда пайдо бўладиган Спитамен ким ўзи? Бу одам – худоми ё учта одамми? Таржимон!

Эвмен ёпқични кўтариб, “Якир!” деб қичқирди. Озгин, рангпар юзлари нурсиз, жингалак сочларини мис ҳалқа билан боғлаб олган ёшгина суриялик остонада тиз чўкди.

Македонияликлар бир-бирларига қараб, думалоқ каллаларини чайқатишди. Базилевс оёғи остида гиламда ўтирган кекса қуролсоз форснинг оёғи билан туртди:

– Эй, бобо! Спитамен кимлигини биласанми?

Қариянинг пешонасига саноқсиз ажинлар йиғилди, у Спитамен кимлигини дабдурустдан эслай олмади.

– Спитамен – қуёшдек нур сочувчи, ҳеч кимдан қўрқмайдиган ботир.

– Спитаменлар нечта – биттами ё кўпми?

Қария қўлларини қорни устида қовуштириб, узр сўраган оҳангда гапирди:

– Менга шафқат қил, жаҳлинг чиқмасин, буни билмайман.

– Форс ҳокимлари қаерда? Улар нима қилишяпти? Қачонгача ҳеч қандай фойда бермай шоҳона ҳаёт кечиришади? Уларни бу ёққа, ҳузуримга олиб келинг.

Буйруқ зудлик билан бажарилди, чунки у имиллаган кишини қилич сопи билан сийлаши маълум.

Уйқудан юзлари шишган, бетартиб кийинган олтита форс ҳокими кириб келди.

Искандар кўзини қисиб, юзлари осилиб кетган, семиз Датафернга қаттиқ тикилди, у совуқ нигоҳдан ранги ўчиб, оғирлигини бир оёғидан иккинчисига солиб, тислана бошлади.

– Спитаменни биласанми? – Датаферн бошқа ҳокимларга аланглади.

– Спитамени ким бўлди? У ҳақида эшитганмисизлар? – сўради у шивирлаб.

– Қайси Спитамен деҳқонларни кўзғолонга ундаб, улар билан бирга жангчиларимга ҳужум қилишяпти? Сизлар ҳеч қачон ҳеч нарсани билмайсизлар! Бунақа ёрдамчилар менга керакми?

– О буюк зот, о марҳаматли! – Ҳокимлар бирдан тилга кирди. – Буюр, сенга нима керак? Ҳаммасини бажарамиз.

– Спитамен – катта йўлда дайдиб юрадиган қароқчи бўлса керак, – деди собиқ ноиб Фарнух. – Енгилмас македониялик жангчиларингдан бер, етти кундан кейин уни боғлаб, оёғинг остига келтириб ташлаймиз.

– Қаранглар, етти кундан кейин ё тирик Спитаменнинг ўзи ёки калласи шу ерда бўлсин, акс ҳолда ўзларинг бошларингдан жудо бўласизлар.

Шу кунийёқ минглаб македониялик суворийлар Мароқанд йўналиши бўйлаб ҳаракатланишди. Кўшин бошлиғи Менедемнинг ёнида Фарнух борарди; у Спитаменнинг найрангларини биламан деб ишонтирди ва уни зудлик билан тириклай қўлга олишга ваъда берди.

## СПИТАМЕННИ ОВЛАШ

Фарнух ваъда берганидек, етти кунда Спитаменни тутиш насиб қилмади. Менедемнинг минглаб македониялик суворийлари Мароқанд деворлари ёнига етиб келганда Спитамен жангчилари бу ерда йўқ эди. Қалъа дарвозасидан озиб-тўзиб кетган, оёқларида аранг турган жангчилар чиқиб келди. Улар ҳамма отларни еб битиришган, энди каламуш ва чигирткаларга навбат етган эди.

Менедем ўз минглиги билан Осиё шоҳини тан олмаган жасур Спитамен кўзғолончилари кетган шимолга елиб кетди. Бироқ бутун гуруҳдан орқага бир нечта суворий аранг қайтиб келди.

– Кўшин қириб ташланди, бир қисми Олтин дарёнинг ботқоқ қирғоқларига ботиб ўлди, – деди суворийлар. – Спитаменга скиф жангчилари ёрдам берди. Чидамли отларимизнинг чопқирлиги туфайлигина омон қолдик.

– Фарнух қаерда?

– Фарнухни скифлар оёғидан от думига боғлаб, чўлга судраб кетишди.

Спитаменнинг отлиқлари шаҳарга қайтиб келиб, ҳамма йўллар ва чорраҳаларни эгаллаб олганда македонияликлар яна Мароқанд қалъасига беркиндилар.

Искандар ўз исмини улуғловчи Искандария шаҳри қурилаётган Ванкатда турар эди. У скиф хонлари билан “дўстлик иттифоқи” тузиш мақсадида музокаралар олиб борди ва айғоқчилар орқали шарққа элтувчи йўлларни ўрганди. Сотқин тохар хони Гелон бу ишларда унга воситачи эди.

Спитаменни жазолаш учун юборилган Фарнух гуруҳининг ҳалокати Искандарни қаҳр-газабга келтирди. Шарққа келгусида қилинадиган юриш тайёргарлиги тўхтатилди. Базилевс зудлик билан қўшинларнинг энг жанговар қисми билан Мароқандга, Спитамен македон гарнизонини қамал қилиб турган жойга йўл олди. Қолган аскарлар ҳам Мароқандга бориш учун йўлга чиқди.

Катта-катта ҳадялар олган скиф хонлари садоқат белгиси сифатида Искандар билан найзаларини алмашдилар ва янги Искандария шаҳрига таҳдид қилмасликка, Яксарт дарёсидан ўтмасликка ваъда бердилар.

Искандар отлиқлари билан ғойиб бўлган Спитамен изидан қувиб кетди ва Фарнух гуруҳи ҳалок бўлган жойга етиб, ўлдирилган жангчилар мурдасини дафн қилдирди. У чўл текисликлари бўйлаб таъқибни давом эттирди, лекин Спитаменнинг изи бутунлай йўқолган эди.

Унга кулранг туя етаклаб юрган ёлғиз ёш скиф дуч келди, холос.

— Бу ёқларда ҳеч қанақа отлиқларни кўрганим йўқ, — тушунтирди кўчманчи. — Шу ердан одамларни ташналик ва жазирамада ҳалок қиладиган чўл бошланади.

— Бу чўлда дайдиб юришга нима мажбур қилди? — сўради Базилевс. — Сен Олтин оқадиган дарё бўйларигаги ҳосилдор ерларда яшасанг бўлмайдами?

— Бу ёқда ернинг эгаси йўқ, у ёқда эса ҳамма ерни ҳокимлар бўлиб олишган.

— Сенинг исминг нима, озод ваҳший?

— Исмиим Чапақай-Шеппе, чўпон қўйларни ўнг томонга ҳайдаса, мен чап томонга ҳайдашни яхши кўраман.

Туя етаклаган кўчманчи бир текис қадам ташлаб, чавандозларнинг ялтироқ совутларига эътибор бермай, кета бошлади.

— Бу ваҳшийнинг юзида биронта ифода йўқ, — деди Перитакена.

— У фақат гапириши билан туядан фарқ қилади, — деди Искандар. — Аммо мен қандай бўлмасин Спитаменни тутиб, қозикқа ўтқа заман. У анави бия соғувчига ўхшаган содда бўлмаса керак.

Базилевс ўз аскарлари билан Мароқандга қайтиб, олов ичида қолган илон ҳолига тушди. Ҳамма ерда — Сўғдиёнада ҳам, Бақтрияда ҳам кўзғолон алангаси ловуллаб ёнар эди.

Ўрмон ва тоғларга қочиб кетган деҳқонлар озиқ-овқат ундириш учун келаётган македонияликларга ҳужум қилишарди.

Искандар кўзғолон кўтарган қишлоқлардаги аҳолини шафқатсиз жазолади. У Эрондан ёш македонияликлар ва ёлланган юнонлардан тузилган янги аскарларни чақирди.

Ниҳоят, у энг кескин чоралар билан мамлакатни тинчлантиришга аҳд қилди. У Сўғдиёнани ҳудудларга ажратди. Белгиланган кунда ўша ерларга юборилган гуруҳлар ёши катта аҳолини битта қолдирмай қиличдан ўтказиши керак эди.

Искандар махсус қисм билан Курешата ва бошқа вайрон қилинган шаҳарлар аҳолиси яширинган тоғларга чиқди. У ердан жангчилар бой ўлжалар билан қайтди, базилевснинг ўзи форс маликаси Рокшанакни олиб келиб, унга уйланишини эълон қилди.

– Менинг никоҳим Осиё билан Европани бирлаштиради, – деди базилевс ўз яқинларига. – Уларнинг маликаси шоҳлар шоҳига хотин бўлгач, Сўғд ҳокимлари мени ажнабий деб ҳисобламайдиган бўлишади. Аҳоли билан ҳисоблашиб ўтиришга ҳожат йўқ – ярми ер тагида жим ётибди, қолган ярми учун тўй кунини жангчилар беллашувига ўхшаган қувноқ кўнгилочар тadbирлар ўтказаман.

Спитаменнинг муваффақиятли ҳужумлари ҳамон давом этмоқда эди. Искандар яна форс ҳокимларини чорлади.

– Аҳмоқ Фарнух ваъда қилган етти кун эмас, етти ой ўтди. Бироқ ҳали ҳам Спитаменни қўлга тушириб, менга олиб кела олмадиларинг. Мен сизларга одамлар орасидаги энг айёр кимсани қўшиб қўяман. У зулмат ва ёвуз руҳлардан бино бўлган қўлга тушмас Спитаменни излаб топиб, ушлашга ёрдам беради.

Мулозим кўча-қўйда дайдиб башоратгўйлик қилувчи, беморларга дорилар бериб, ўзини тентакка солиб, яқинда дунё ҳалокатга учрайди деб гапириб юрувчи кекса атраванни олиб кирди.

Озиб қоқ суяк бўлиб қолган, баланд бўйли, бадани кирдан қорайиб кетган, сочи белигача буралиб тушган, жулдур жун кийимлар кийган бу исқирт одам катта-катта ёниқ кўзлари билан тик қарар, қорамтир юзида узун, сарғиш туя тишлари бўртиб турарди. У ўзини худо йўлига бағишлагани учун оёғидаги тирноқларини туғилганидан буюн олмаган эди. У ҳокимлар ёнига яқинлашганда эгри-бугри ўсган бу тирноқлар ерга урилиб шақиллади.

– Спитаменни ушлаш керакми? Яхши, мен буни удалайман. Мен ҳамма нарсани қила оламан, – деди атраван оғзи қулоғига етгудек бўлиб. – Бироқ уни тутган заҳоти гулханда ёқиш керак, бўлмаса кўршапалакка айланиб, пир этиб учиб кетади.

\* \* \*

Мароқанддан жанубдаги тоғларда, серғалва шаршара ўйиб кетган жарлик тепасидаги пастқам дарада гулханлар ёнади. Жулдур кийинган, қилич ва найза ушлаган бир тўда одам гулхан атрофига қўр тўккан. Бир қанчаси форслар ва македонлар совутини кийиб олган. Яқин жойда тоғ ёнбағрида тушовланган отлар ўтлаб юради.

Катта бронза қозон лангиллаб турган чўғ устига қўйилган. Ёвғон шўрва вақиллаб қайнайди, қозоннинг бир томонидан қорамтир кўпик оловга тўкилиб жизиллайди.

– Дўстмисан ё душман, тўхта! – деб овоз берди буталар орасига беркинган соқчи.

– Биз ёрдам ва ҳимоя излаб юрибмиз, – деган жавоб эшитилди.

– Ҳой Суварак, текшириб кўр-чи, ёнимизга ким келаётган экан.

Ўрта ёшли деҳқон найзасини кўтариб, буталар ёнига ўтди. У ердан говур-гувур овозлар эшитилди. Суварак қайтди: у билан икки киши бирга келди: битта узун сочи пахмайган атраванларнинг ифлос жулдур кийимидаги гадо, иккинчиси форсга ўхшайди. Юзлари осилиб кетган, елкаси кенг, қилич осилган чарм камари қимматбаҳо қизил кийимини маҳкам сиқиб турарди.

– Эй зирагчалар, – деди Суварак, – бу одамлар Спитаменни кўрамиз дейишяпти. Унга муҳим янгилик етказмоқчи эканлар. – У қийиқ

кўзларини айёрона қисди.— Гапларини эшитамизми ё қоядан улоқ-тириб юбора қолайликми?

— Майли, гапирсин! Шоқолларга ташлаш керак!— деган дағал овозлар эшитилди.

Биринчи бўлиб атраван тилга кирди:

— О, ватаннинг жасур ҳимоячилари! Бутун самовот, улуг худо Аҳурамазда ва бутун дунё сизларга кўз тиккан, жасоратингизга ҳамма қойил қолмоқда. Мана ҳоким Датаферн — у Бесснинг ўнг кўли бўлган. У Икки шохлини еримизга киритмоқчи эмас эди. Бироқ Икки шохлига ҳамма ёвуз руҳлар мадад берди ва у юртимизни қонга ботирди.

— Ҳоким Датаферннинг ўзи гапирсин. Нега унинг ўрнига сен дийдиё қилипсан?

Датаферн тилёғламалик билан мулойим гапирди:

— Лаънати яванларга қарши бирга курашиш учун сизларни кўпдан буён қидиравдим. Лекин ҳеч ким кўлга тушмас йўлбошчиларингиз Спитамен қаердалигини айтиб беролмади. Ниҳоят, тоғдаги гулханларни кўриб, тўғри бу ёққа келавердим.

— Тўғрисини айт, биздан нима истайсан?

— Сизлар билан бирга бўлиб, сизларга ёрдам бермоқчиман. Бошлигингиз Спитамен қаерда? Шу ердами?

— Сенга у нима учун керак? Биз ҳаммамиз битта одаммиз.

— Тўғрисини айт.

Датаферн ўйлаб туриб жавоб берди:

— Сизлар айтганча бўлақолсин, Балки, менга ишонмассизлар, бироқ ҳозир айтадиган гапларим ҳақиқатан ҳам сизлар билан биргалигимни, ҳамма нарсамни умум ишига бағишлаганимни кўрсатади. Икки шохли биринчи марта Мароқандга кеганида отам аждодаларимиз тўплаган ҳамма бойликни яванлар тортиб олишади, деб кўрққан. У олтин, кумушларини туяга ортиб, ишончли хизматкори билан Оғалиқ олдидаги тоғларга яшириб қайтди: отам ҳақ экан. Ўзларинг биласизлар, яванларнинг сафар халталарига бутун бошли шаҳар ҳам сиғиб кетади. Улар уйимизда нима бўлса, ҳаммасини тортиб олишди. Кекса отам очликдан ўлди, чунки у Оғалиққа етиб боролмади.

— Бироқ семиз қорнинг очликдан қийналмаганингни кўрсатиб турибди-ку!— деди кимдир.

— Тилингни тий, аҳмоқ! — пўписа қилди Датаферн.— Бизнинг наслимиз шунақа тоза. Икки шохли шоҳ ва яванлардан тортган шунча бахтсизлигимга қарамасдан мен семизлигимча қолдим. Бироқ ҳозир хотиржам яшай олмайман. Мен ватанимизни бўғиб турган ёвузларга қарши курашаётган жасур жангчилар билан бирга бўлишни хоҳлайман. Икки шохлига қарши курашишдек улуг ишга бутун борлигимни бағишлаш учун ёнингизга келдим. Ўша ерда, Оғалиқда отамнинг жуда катта бойликлари кўмилган. Унга кўплаб қурол-яроғ, от-анжомлар сотиб олиш мумкин.

— Мард жангчилар уни ўзаро бўлиб олишлари мумкин,— гапга аралашди атраван.

— Бироқ хазинани олиш учун йигитларингиз мен билан бирга бориб, тунда уни қазиб олиши ва учқур отларда қайтиб келиши керак. У ёқда яван тўдалари учраб, ҳамма нарсани тортиб олиши мумкин.

Баҳс бошланди. Баъзилар хазинани бўлиш тарафдори, бошқаси уни умумий ишга сарфлаш зарур деса, учинчиси олдин хазинани олиб келиш керак, нима қилишни кейин ҳал қиламиз дер эди.

Ниҳоят, атраванни ҳоким Датаферн қайтиб келгунча гаровда ушлаб туриш, ўнта отлиқни ҳокимга кўшиб юборишга келишилди.

Датаферн билан чавандозлар тун қўйнида ғойиб бўлишгач, атраван олов ёнига ўтирди. Унинг катта кўзлари гулхан ёғдусини акс эттириб, қизил оловга ўхшаб кўринар эди. Ёнида худди сояга ўхшаб, Спитамен пайдо бўлди. У енгил сакраб, тоғдан, ҳеч ким кутмаган томондан тушиб келди. Ҳар доимгидек, бошига қизил тасма ўралган, кулранг кўйлаги чарм камар билан тортиб боғланган эди. Юмшоқ хом теридан тикилган чориғи товуш чиқармасди.

— Сен ҳам, қора қарға, ёнимизда пайдо бўлдингми? Ўзинг билан бирга қандай бахтсизликни эргаштириб келдинг?

Атраван чўчиб, сапчиб турди, лекин Спитамен қорамтир этагидан тутиб қолди.

— Мени тинч қўй, тегма! Мен авлиё атраванман, умри боқий худо Аҳурамазданинг хизматкориман. Агар менга қўл кўтарсанг, у сени чақмоқ ва момақалди роқ билан ҳалок қилади.

Бироқ Спитамен жун матони маҳкам ушлаб туриб, пичоғини бир уришда кийимдан катта бўлак кесиб олди-да, ёлқинланиб турган чўғ устига ташлади.

— Эй, йигитлар, қаранглар-чи, ҳозир манави латтада нима кўринар экан.

Атраван кийим парчасини олов ичидан тортиб олмоқчи бўлди, лекин ўнлаб қўллар уни тутиб қолди.

Парча тутаб, аланга олди ва тез ёниб кетди, кул ичида форс шоҳи ва ноиблари сурати туширилган бир нечта олтин танга кўринди.

— Бу жирканч қурт ўз оға-иниларини Икки шоҳлига мана шу олтинлар эвазига сотиб келади. У ўғри ва қотилдан кўра хавфлироқ!

Атраван озғин бўлса-да, ниҳоятда кучли эди. У ўзини ушлаб турганларнинг қўлида парча-пурча кийимларини қолдириб, юлқиниб отилиб чиқди.

— Қудратли Аҳурамазда, мени кўршапалакка айлантир!— деб наъра тортди у ва ваҳшийларча сакраб ўзини жарликка отди.

Бир неча лаҳзадан кейин тубсиз жарлик қаъридан думалаб тушаётган тошларнинг сурони эшитилди.

— Шуни ҳам фаҳламадингларми, эй соддалар? — деди Спитамен.— Бу ахир Икки шоҳлининг айғоқчиси-ку? Кийимини оловга ташланлар. Унда қанча ҳашарот бўлса, шунча олтин танга бор. Ҳар бир ямоқ тагида фақат форс тангаси эмас, Икки шоҳлининг сурати туширилган яван пуллари ҳам тикилганини кўрасизлар.

## ФАЛАТИ КАЛЛА

Базилевс қилич, қон ва олов билан Сўғдиёнани тинчлантириб, Мароқандда Бесснинг собиқ саройида дам ола бошлади.

Оқшомлари кечки овқатга энг яқин ёрдамчилари, гуруҳлардаги мартабали бошлиқлар ва таниқли форслар йиғилишар эди.

Ёнидаги юмшоқ ўриндиқда олтин юлдузлар қадалган қимматбаҳо финикия чодрасига ўралган Осиёнинг ёш маликаси Рокшанак ўтирар, базилевс унга Роксана деб ном берган эди. У ҳайрат тўла, кўзларини катта очиб дам базилевсга, дам македониялик бақувват саркардаларга тикилиб боқар эди. Зиёфатда ўтирганлар каттакон Геракл қадаҳини бир кўтаришда сипқориб айлантираётганини кўрганда унинг юзида қўрқув аломатлари зоҳир бўлди.

Искандар унга қўп эътибор кўрсатмади. Базилевс уни бир неча кун эрмак қилди, кейин янги юриш режалари билан банд бўлди.



Искандар ўзининг кўпдан-кўп жасоратлари ҳақида гапира бошлаганда хос кўриқчи кириб, назари тушишини кутиб турди.

– Нима бўлди?

– Ҳоким Датаферн қабул қилишингизни сўраяпти.

– Кирсин. Бир ой йўқ бўлиб кетди. Кўрайлик-чи, нима олиб келдидийкин.

Эшикда семиз Датаферн кўринди. Кўзлари сичқонга ўхшаб атрофга аланлар, оғир нафас оларди.

Искандар шахт билан ўрнидан кўтарилди.

– Датаферн ўгирилиб, залга ёшгина, озгин аёлни итариб киритди. Аёл кўллари қолсиз осилтириб, бир жойда туриб қолди. Бошига оқ шол рўмол ўраган, рўмолнинг қизил гул тикилган учи ерга тегиб турарди. Қизил кўйлаги йиртилган, чангга ботганди. Кўзлари ҳеч нарсани ажратолмай, тўғрига тикилиб қолди.

Искандар одатда форс ҳокимлари кўнглини олиш учун ташкил қиладиган эрмаклардан бирини кутиб, шодон қичқирди:

– Бу қанақа каклик? Қани, яқинроқ олиб кел-чи.

Датаферн аёлни кўлидан етаклаб, ипак гилам устидан юриб, базилевс ёнбошлаб ётган жойга келди. Иккинчи кўлида сўғдлар отга ем берадиган тўрвани кўтариб олган эди.

– О марҳаматли зот! – хитоб қилди Датаферн Искандар қаршисида тиз чўқар экан, икки кўли билан йўл-йўл тўрвани баланд кўтариб. – Сен кўпдан буён кутаётган қовунни олиб келдим.

– Қанақа қовун? Кўрсат!

Датаферн тўрвани ерга қўйди, аввал ундан форс қулоқчинини тортиб олди, кейин икки кўллаб кесилган одам бошини чиқарди. Унинг юзини Искандарга қаратиб, жингалак сочларидан ушлаб турди.

Оғир сукунат чўкди. Ҳамма ўрнидан туриб, ғалати каллани кўриш учун унга яқинлашди.

Бу ёшгина сўғд ё скифнинг боши эди – шарқона чўзинчоқ яноғи шундан дарак берарди. Қовоқлари ярим юмилган, ўйчанлик ифодаси чехрасида мангу муҳрланиб қолганди. У келишган йигит эди. Юқори лабларидаги майин туклар ҳали ёшлигини билдира, гамгин қимтинган оғзи самимий ва ростгўйлигини кўрсатиб турарди.

– Ким бу? – базилевснинг овози бўғиқ янгради.

– Спитамен! – тантана билан хитоб қилди Датаферн.

– Бу калла менга ёқди, – деди Искандар, – афсуски, уни Доронинг қалқони ва камони ёки Бесснинг узуги сингари ҳамиша ёнимда олиб юролмайман... Лисипп!

– Лисипп, Лисипп, – шивирлаган овозлар келди, – базилевс сени чақиряпти.

Катта ёшли юнон – Искандар тасвирини ибодатхонага қўйиш учун бронзадан ясаб берган ҳайкалтарош ўрнидан турди.

– Шу ердаман, Базилевс, эшитаман.

– Бронзадан худди шунга ўхшаган калла ясаб бера оласанми? Бу – рақибларим орасидаги энг жасур киши эди. У бошқаларга ўхшаб мендан қочмади, аксинча, ўзи ҳужум қилди.

– Ясаб бераман, Базилевс, – деди бамайлихотир Лисипп калла ёнига келиб, қотиб қолган қиёфани кўздан кечирар экан. – Бу довьюрак ваҳшийнинг гўзал тимсоли. Бироқ ўлим унинг юз ифодасини ўзгартириб юбормаслиги учун ҳозироқ иш бошлашим керак. – У каллани қулоқчинга эҳтиёткорлик билан ўраб кўтариб, залдан чиқди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> “Ўлаётган қулоқчинли форс” деб номланган мрамор калла ҳозир ҳам Римдаги Терм музейида сақланади.

– Сен кимсан? Исминг нима? – қотиб қолгандек қимирламай турган гамгин аёлга мурожаат қилди базилевс.

– Менинг исмим Томирис, – деди аёл умумий тинчлик ичида, – Сени эса одамлар абадий лаънатга учраган Икки шохли ёвуз деб атайдилар.

Бу гапни эшитган суриялик таржимон жунжикиб кетди...

Базилевс унга қаради:

– У нима деяпти? Таржима қил!

Суриялик аёлнинг сўзларини шивирлаб етказгач, базилевс қўли билан аёлни кўрсатиб, дона-дона қилиб гапирди:

– Мен уни тақдирламоқчи, ипак кийимлар кийдириб, этагига бир талант<sup>1</sup> олтин танга ташламоқчи эдим. Менга тобе бўлган душманларимни ҳамини сахийлик билан тақдирлайман. Аммо кўрсларни шафқатсиз жазолайман. Фақат бугунги шодиёна тўй ҳурмати уни ўлдирмайман. Бу ёвуз она бўрини таёқ билан савалаб ҳайданлар, у кўчаларда дарбадар кезиб юрсин!.. Малика Роксана, – базилевс Рокшанакка мурожаат қилди, – бегуноҳ нигоҳларингни аёл қиёсасидаги мана бу ҳайвонга қаратма! Уйнанлар, қўшиқ айтинглар!

Мушиқачилар чўчиб тушишди, сурнайчилар чилторларга жўр бўлишди. Хизматкор форслар Томирисни қўлидан ушлаб, қўполлик билан ташқарига судрадилар.

\* \* \*

Жангчи Томирисни сарой дарвозасигача чиқариб қўйди. У қоронгида деворни қўллари билан пайпаслаб, гандираклаб юриб кетди.

Зулмат ичидан қоп-қора шарпа чиқиб, йўлини тўсди.

– Томирис, – хириллади мулойим овоз.

– Шеппе, нега бу ерда юрибсан!

– Дўстларим орқангдан изма-из боришди, лекин ёрдам беришолмади. Тезроқ бу ердан кетайлик.

Спитамен Томириснинг қўлидан ушлаб, кўндаланг ариқлардан эҳтиётлаб ўтказиб, тор кўча бўйлаб юрди ва улкан гавдали туя элас кўриниб турган муюлишга чиқди.

– Ниҳоят келдинглар-а, – овоз берди ёш бола. – Ёнимдан яванлар ўтишди, бизни тутиб олади деб роса кўрқдим.

Спитамен Томирисни кўтариб, туянинг момиқ ўрқачлари орасига миндириб қўйди.

– Туя билан бирга тўртга бўлдик, – деди Спитамен ўнқир-чўнқир йўлдан қадам ташлаб борар экан, – энди йўлимизни топиб кетамиз.

Туя пишқириб, йўгон оёқларини тупроққа бир текис босиб кўзгалди.

Яна Томириснинг овози келди:

– Маккор форс ҳокими Икки шохлига кимнинг бошини совға қилди?

– Ўртоқларимиздан бирининг калласини. Эҳтиётсизлик қилган жасур йигитимизни ҳокимлар тутиб олишди. Ҳар доим очқўз ва ёлғончи бўлиб келган бу мунофиқлар унинг калласини меники деб тақдим қилишди. Бироқ ҳалок бўлган бу жасур ўғлон ўрнига халқимиз орасидан янги озодлик курашчилари етишиб чиқади. Энди яванлар ҳам, сотқинлар – сўғд аслзодалари ҳам менга қарши биргаликда ов қиладиган бўлди. Улар бу ердан йўқолмагунча исмимни ҳеч ким бил-

<sup>1</sup> Т а л а н т – қадимги Юнонистон ва Суриядаги йирик пул бирлиги.

майдиган жойларга кетишимга тўғри келади... Қани, Бўз отим, кетдик, ҳали кўп йўл юрамыз..

## ХОТИМА

### ИСКАНДАРНИНГ “ДЎСТ”ЛАРИ ВА “ДУШМАН”ЛАРИ

Искандар билан Роксананинг тўйи Мароқандда бўлиб ўтди. Бу никоҳ орқали “Европа ва Осиё иттифоқи” гоёсини амалга оширмоқчи бўлган Искандар бирин-кетин ўтказилган байрамлар ва зиёфатларда Доро тахтида ўтирадиган бўлди. Форс амалдорлари Доро ҳузида бўлганидек, унинг оёқларини ўпар эдилар.

Роксана Искандардан сўради:

– Нима учун македонияликларинг сенга ергача эгилиб таъзим қилишмайди? Македонияликлар қанча, Осиё халқлари-чи? Ҳамма македонияликларни худо сийлаганми? Фақат ёлғиз сен – Худонинг ўғлисан. Агар улар сенга таъзим қилишмаса, биронтаси тахтингни эгаллаб олади.

Биринчи бўлиб Гестеион, кейин бошқа яқинлари форс таомили ва одати бўйича Искандар олдида тиз чўка бошладилар. Бироқ Искандарнинг тенгқурлари ва дўстлари бўлган бир гуруҳ мулозимлар унга аввалги муносабатини ўзгартирмадилар. Улар орасида Аристотелнинг жияни, нотиқ, файласуф ва тарихчи Каллисфен ҳам бор эди. Искандар уни кўрганда баъзан қовоғини солар, айғоқчилар ивгогарлар унга қарши фитна тайёрланаётганлиги, бу фитнада Каллисфен ҳам қатнашаётгани ҳақида маълумот берса ҳам, газабини босиб юарди.

Бир гал навбатдаги тўкин кечки зиёфатдан кейин унда иштирок этган шоҳнинг яқинлари илоҳий Искандарни пайдар-пай мақтаб, кўкларга кўтара бошладилар. Юнон тилини яхши билмайдиган Роксана суҳбатга деярли аралашмади. Кайфи ошиб қолган Искандар ҳамма мақтовларни роҳатланиб тинглади, ўзи ҳам аввалги ва келгусида бўлажак галабалари, жасоратлари ҳақида мақтаниб гапирди.

Ушшомадгўй Перитакена Искандарнинг эътиборини мақтовларга қўшилмай жим ўтирган Каллисфенга қаратди. Перитакена Каллисфенга Искандар шарафига нутқ сўзлашни таклиф қилди. У Каллисфен гапиришдан бош тортади ва шу йўл билан базилевсга садоқатли эмаслигини сездириб қўяди деб тахмин қилган эди.

Ҳамиша ўзини мағрур ва мустақил тутадиган, дазмолланган гиматий кийиб, Миср атирларидан сепиб, ўзини худди Афинада юргандек тутадиган Каллисфен ўрнидан туриб, сочларини хотиржам тузатди ва нутқ сўзлади.

Бу Искандарнинг ўзи ҳам шубҳа қилмайдиган буюк галабалари ва хизматлари ҳақидаги ёрқин нутқ эди. У шоҳнинг галабалари кундан-кун ортиб бораётгани, Искандар Фарб билан Шарқнинг боғловчиси ва яраштирувчисига айлангани, унганча санокли саёҳларгина ўтган йўллари бутун бир халқ учун очиб бергани, бу юришлар Фарб халқларига Осиёнинг буюк маданият эшикларини очиб бергани; мазкур юришларнинг Осиё ва Европа халқлари тарихига муқаррар таъсири ҳақида гапирди. Каллисфен Искандарнинг давлат арбоби ва ҳарбий бошлиқ сифатидаги қобилиятини, унинг шахсий жасорати ва сахийлик билан ҳаммага мурувват нурларини сочишини таърифлади.

Таржимонлар Каллисфеннинг нутқини Роксанага навбат билан таржима қилиб турдилар. Искандар унинг нутқини аввал лоқайдлик

ва ишончсизлик, кейин сергаклик билан тинглади. Каллисфен нутқини тугатгач, уни ёнига чақириб, тақдирлашни хоҳлаб қолди.

Бироқ Перитакена шарманда бўлганини сездирмасдан Каллисфенга таклиф қилди:

— Агар сен ҳақиқий файласуф ва моҳир сўз устаси бўлсанг, бизга яна шундай маҳорат билан Буюк Искандар юришларидаги камчиликлар ҳақида ҳам гапириб бер...

— Ҳа,— маъқуллади Искандар.— Шундай нутқ сўзла! Мен ҳамма ёқдан фақат мақтов сўzlари эшитаман. Мен “Искандарга қарши” нутқингни донолик намунаси деб биламан, хайрихоҳлик билан тинглайман ва сендан аччиқланмайман...

Шунда Каллисфен мутлақо тескари нутқ сўzлади. У ўз нутқида: Искандарнинг отаси Македония шоҳи Филипп ўглидан юқори бўлгани, кучли армия тузиб, Македония билан Юнонистонни бирлаштиргани, ҳарбий санъатга доир янгича тамойилларни амалга ошириш орқали Искандарнинг Шарққа юришига замин тайёрлагани ва муваффақиятини белгилаб бергани, буюк Осиёни забт этиш ва шонли галабалар Искандарга эмас, ярим дунёни кезиб чиққан жанговар сафдошлари ҳамда юнонлар ва Македония армиясига тааллуқли эканлиги, давлат арбоби сифатида Искандар ҳеч нарса яратмагани, ҳамма ерни фақат вайрон қилгани, Персеполини ёқиб юборгани, Тир ва Сидоннинг қадимий маданиятини супуриб ташлагани, ўнлаб шаҳарлар, забт этилган халқларнинг юксак фан ва маданиятини йўқотгани, у яратмоқчи бўлган “Европа ва Осиё иттифоқи” — ғолиб ва мағлубларнинг, қул ва хўжайинларнинг иттифоқи бўлиб, ғолибнинг инон-ихтиёрига бўйсундирилгани туфайли унутилишга маҳкумлиги, Искандар шафқатсизлиги билан энг ёмон, энг зolim ҳукмдорларга тенглашгани ҳақида гапирди. Юнонларни сўздагина яхши кўриб, ўттиз мингта жасоратли фиръавникни қулликка сотиб юборгани ва Тирнинг ҳимоячилари ўз ватанларини ҳимоя қилганлари учун чормихга тортилгани, эллин маданиятини янада юқори кўтариш ўрнига ўзи эллин бўлмагани учун (шу ерда Искандар сесканиб кетди), юнонларни ўз қўшинларидан ҳайдаб, атрофига забт этилган мамлакатлардаги хушомадгўйлар, форс амалдорларини йиғиб олгани, форсларни давлат лавозимларига тайинлагани ва ниҳоят, форс чолвори билан атлас туфли кийгани, жанговар ўртоқлари худо ўрнида кўриб, оёғини ўпишини талаб қилгани каби ҳолатлар ҳам четда қолмади. Ахир “Иллиада” қаҳрамони, мўътабар Ахиллес ва бошқа юнонлар шундай нарсаларни талаб қилишганмиди? Ахир улар қаҳрамон қиёфаси шундай тубанлашувига йўл кўярмиди?

Ифвогар Перитакена ниятига етди — қутуриб кетган Искандар сакраб турди. Ҳазабдан чап юзи ва елкаси уча бошлади.

— Мана, ниҳоят ҳақиқий қиёфангни билиб олдим. Ичингда нима борлигини очикчасига айтиб бердинг, сен менинг энг ашаддий душманмансан ва қатлга муносибсан...

Каллисфен жавоб берди:

— Файласуф сифатида ҳар қандай қатлни қабул қилишга розиман, бироқ нурафшон Фебнинг ихлосманди ва шогирди сифатида мени осмондан, юлдузлар ва қуёшдан маҳрум қилмаслигингни, мени қоронғи ўрага ташламаслигингни сўрайман. Яхшиси, дарҳол қатл эт.

— Худди шундай бўлади.

Каллисфенни ушлаб, кийимларини тортқилаб йиртишди ва судраб кетишди. У ўзини ниҳоятда олижаноб тутгани учун кетиши дўстлари билан тантанали хайрлашувга айлангандек бўлди.

Бу воқсадан кейин Искандарнинг зиёфатлари зерикарли ўта бошлади. Турли форс вилоятларидан Роксана чақириб келган қўшиқчилар, қизиқчилар ва раққосалар ҳам кўнглини очолмади. Хушомад-гўйлик авжига чиқди. Ҳамма нутқ сўзлаб, Искандарни худонинг ягона ўғли, донишмандларнинг донишманди деб алқарди. Лекин ҳеч ким Каллисфенга ўхшаб Искандар шаънига “ҳа” ва “йўқ” қабилида чуқур маъноли гап айтолмади.

Искандарнинг буйруғига кўра Каллисфенни қафасга солиб, қуёш куйдириб, ёмғир савлаб турадиган яйдоқ жойга қўйиб келдилар.

Искандар авф сўрашини кутди. Баъзи мулозимлар Каллисфенни кечиришни илтимос қилдилар, шунда Искандар:

– Каллисфеннинг ўзи нима дейди? Ўзи шафқат сўраяптими?– деб савол берди.

Унга:

– У битта нарсани – сен қилган юришлар ва ўзи кўрган буюк ҳодисаларни ёзишга етадиган папирус ўрами беришни сўраяпти.

Каллисфеннинг нутқидан ярим йил ўтгач, Искандар Гефестиондан суриштирди:

– Каллисфенга нима бўлди?

– У битлаб кетди, ўлим арафасида турибди.

– Кечирим сўрамаяптими?

– У: “Мен худодан Фебнинг ёруғ нурини ва адолатини сўрашим мумкин, лекин ёвзудан сўрамайман”,– деб жавоб берди...

– Унинг қайсарлиги юқумли. У бошқаларга ёмон ибрат кўрсатмоқда. Ҳамма фитначиларни йўқ қилиш керак. У Базилевс ҳукмига қаршилик кўрсатиш уясига айланган. Уни қатл этинглар!

## КАЛЛИСФЕННИНГ ҚАҲРАМОНОНА ЎЛИМИ

Искандар ёввойи арслон инсонни қандай ўлдиришини кўрсатадиган байрам томошаси тайёрлашни буюрди. Томошага Искандар билан биргаликда Ҳиндистон сафарига бормоқчи бўлган скиф элчилари ҳам таклиф этилди. Янги босқинлар учун имкониятлар очилаётганидан хурсанд бўлган скифлар музокаралар ўтказиб, томошага келишга розилик билдиришди.

Қатл Мароқанднинг собиқ ноиби, қисқа муддат шаҳаншоҳ бўлган Бесс саройида амалга оширилиши керак эди. Каттакон ҳовли илгари Бесснинг хотинлари яшаган бир қаватли бинолар билан ўралган, эшиклар олдида атиргуллар ўсиб ётади. Ҳовли ўртасида олтин балиқчалар сузиб юрадиган тўртбурчак ҳовуз қурилган эди.

Ҳовли атрофидаги бинолар устида Искандарга яқин, таниқли одамлар жой эгаллашди. Бир томонда форслар, бошқа томонда македониялик ҳарбий бошлиқлар; кўп жангчилар ҳам томга чиқиб олишганди.

Қаердандир арслоннинг бўғиқ, дарғазаб бўкириши эшитилди.

Уни чўлдан тутиб, эрмак учун олиб келишганди.

Искандар қоялар тепасидаги қалъага яширинган кўзғолончилар гуруҳини қўлга олмоқчи бўлиб борган жойидан томошани кўриш учун қайтиб келди. Забт этилган қалъа ҳимоячилари ўлдирилди, уйлар талон-тароҳ этилди.

Куллар Искандарнинг баданини ювиб, хушбўй пуштиранг мой суртдилар, сочларини жингалак қилдилар. Бу томоша кечикишига сабаб бўлди.

Карнайлар ва сурнайлар базилевс келганини билдириб, аюҳаннос солди. Ҳамма ўрнидан туриб, баланд овозда “Ту бихас!” (“Сен ғалаба қозонасан!”) деб қичқириб ерга йиқилдилар.

Искандар ҳаворанг туника ва пуштиранг ипак чолворда шаҳдам қадамлар билан кириб, олтин тахтга ўтиргач, ҳовлига олиб кирувчи дарвоза очилди. Одам бўйидан баланд келадиган, хачир қўшилган, четларига ранглар билан безатилган аравага темир қафас қўйилганди. Яланғоч Каллисфен таниб бўлмас қиёфада, гужанак бўлиб ўтирарди, аввал ҳамиша жингалак бўлган сочлари энди чигал бўлиб, ёлга ўхшаб кетганди.

Қафасни очдилар. Каллисфен папирус ўрамани бағрига босиб, ундан чиқди. Ўрамни қизил тасма билан боғлаб, ерга қўйди.

Унга чакмон узатишди. У чаққон ҳаракат билан чакмонни елкасига ташлади, тахларини тузатди, ўнг қўлини бўшатиб, хизматкорлар аравани олиб кетгунча, осойишта кутди.

Хачирлар кетиб, уларнинг қўнғироқчалари эшитилмай қолгач, бошқарувчи форс Каллисфенга шивирлади:

– Базилевсга таъзим қил!

Каллисфен гўё ҳимояланаётгандек қўлларини кўтарди ва тескари ўгирилди.

Қўлларига найза ва қалқон ушлаган икки қатор форс жангчилари дарвоза ёнига саф тортди. Форс бошқарувчи Искандар олдида тиз чўкди, сўнг тиззалаб таъзим қилди ва юнон тилини бузиб хитоб қилди:

– Халқларнинг буюк ҳукмдори ва унинг тенги йўқ умр йўлдоши! Ҳозир ҳурматли меҳмонлар ўз валинеъматларига қарши ёвузлик қилмоқчи бўлган таниқли одамларни нималар кутаётганига гувоҳ бўлади...

Кейин форслар шоша-пиша нари кетишди.

Арслоннинг наъраси кучайди — қиздирилган темир хивич билан уриб, атайлаб жиғига тегишмоқда эдилар. Йигирма тўртта ҳабаш қул ертўлага олиб борувчи қайрағоч эшик ёнида кутиб туришарди. Ҳар бир қулнинг қўлида узун, тиғи ўткир найза бор эди.

– Эшикни очинглар!— қичқирди форс бошқарувчи.

Ертўла эшиги очилди. Қуллар қочиб, девор бурмаларига қапишиб олдилар. Ер остидаги қоронғи йўлакдан баҳайбат арслон сакраб чиқиб келди ва тумонот одамни кўриб, қотиб туриб қолди. Ертўладаги зулматдан кейин кўзларини қуёш нурлари қамаштирган эди. Кенг текисликларга ўрганган арслон нотаниш буюмларга қўрқа-писа назар солди. Ҳовли ўртасида турган ёлғиз одамга дастлаб унча эътибор бермади. Арслон бир-икки сакраб ҳовуз олдида борди ва уни айланиб ўтиб, яна тўхтаб қолди.

Каллисфен улуғвор ҳаракат билан чакмонни улоқтириб юборди ва кўтарила бошлаган қуёшга қараб мурожаат қилди:

– Сенга, инсонларга маърифат нуруни сочувчи улуғвор, нурафшон Фебга — ёруғлик ва адолатни барқарор этувчига, ҳақиқат ва донишмандликни эркин изловчисига энг охириги сўзларимни айтиб қоламан.

Инсон — кўзлари билан ерга эмас, кўкка мурожаат этиш учун яратилган ягона мавжудотдир. У сенга ҳамду санолар қилиш учун ибодатхоналар барпо этди. Мен устозим улуғ Аристотель каби ҳамиша ва ҳар ерда одамларни ҳамма нарсадан кўра озодликни, адолат ва ҳақиқатни севишга чақириб келдим. Энди мен бу ҳаётдан кетаман. Бутун умрим коинот сирларини англаш ва унинг жумбоқларини ечиш билан ўтди.

Озод файласуфни ўзига таъзим қилишга, мажбур қилмоқчи бўлган ва ўз саховати билан бутун оламни нурга тўлдирувчи қудратли Феб билан ёнма-ён туришни хоҳлаб қолган золим нима ҳам қила оларди?

Сенга охирги саломимни юбораётганимдан ва ҳибсга олиниб, қафасга ташланган ҳолда ҳам озод олим, мутафаккир ва шоирга хос кадр-қимматим, гуруримни сақлай олганимдан бахтиёрман.

Менинг фикрларим, ўлмас руҳим қатл қилинган Каллисфендан кейин ҳам яшашда давом этадиган ёзувларимда барҳаёт қолади.

Бугун Буюк Искандарнинг жасоратлари, матонати ва юришлари-га бағишлаган хотираларим ниҳоясига етди. Менинг бу меҳнатимни олов ҳам, темир ҳам, ҳамма нарсени ямлагувчи вақт ҳам, ҳатто Олимпдаги қудратли Зевснинг қаҳр-ғазаби ҳам йўқ қила олмайди. Бугун менинг тақдир варақларимни орқага буриб юборадиган вақт келди, бироқ руҳим ожиз танамга қараганда кучли ва ўлмасдир, у ҳар хил золимларнинг хоҳиш-иродаси, зўравонлиги дахл қила олмайдиган осмон ёритқичларидан ҳам юқорироққа учиб кетади. Шуҳратим абадий қолади. Мана, мен ватаним, дўстларим ва уйимдан жудо бўлдим. Тортиб олиш мумкин бўлган ҳамма нарсам тортиб олинди, аммо истеъдодим ўзимда қолади. Улар менга тасалли беради. Руҳим улар билан бирга яшайди. Шу ерда базилевснинг ҳукмронлиги тугайди. Шафқатсиз қилич ёки ваҳший ҳайвон умримга нуқта қўяди, лекин шон-шуҳратим мангу яшайди...

Каллисфен бошқа гапира олмайди. Файласуфнинг нутқидан ғазабга келган Искандар қаҳр билан томошани бошқараётган форсга қаради. У баланддан туриб қора қулларга қичқирди. Улардан бири шиддат билан найзасини шерга иргитиб, орқа оёғини яралади. Ғазабга минган шер ёлдор калласини силкитиб сакради.

Шер иккинчи сакрашда Каллисфенга ташланди. Баҳайбат шернинг оғир гавдаси файласуфни босиб тушди. Шер даҳшатли жағи билан до-нишманднинг сарғиш бошини мажақлади, тирноқлари юз-кўзини титиб ташлади. У хириллаб, гўшт бўлақларини ямлаб ютишга киришди.

Искандар ўрнидан турди. Қовоғи солиқ, қошлари чимирилган эди. У Гефестионга:

– Кўлёмалар сақлансин. У нималарни ёзгани диққат билан ўрган-нилсин! – деб буюрди.

– Мен ўқиб чиқдим. У сен қилган юришлар ҳақида ёзган.

– Мени қоралаганми?

– Йўқ, Базилевс. У сени улуғлаб кўкларга кўтарган.

Искандар бир лаҳза ўйланиб қолди.

– Кечириш — худоларнинг фазилати. Каллисфеннинг ўлими — менинг рақибларимга муносиб сабоқ бўлади, авлодлар эса Каллисфен ёзган хотираларни сақлаб қолганимни билиши керак. Каллисфен ақли қисқа фитначиларга ўхшамаган ғаройиб одам. У мангулик-ка дахлдор... Кўлёмаларга ўзинг ғамхўрлик қил, уларни кўпайтир.

Форс бошқарувчи келиб, тиз чўкди:

– Улуғ зот! Ҳозир сен анави ҳабашлар шерни қандай ўлдиришини кўрасан!..

Искандар ўқрайиб қаради.

– Ўлдираверишсин. Шер буюк мутафаккирни маҳв этгани учун ўлимга маҳқум.

Форс ҳабашларга буйруқ қилди:

– Тугатинглар!

Ҳабашлар ингичка, узун қалқонларни ҳимоя қилиб, тўрт томондан бостириб келишди. Шер ўкириб, думини силкитиб Каллисфеннинг танасини бурдалашда давом этарди. Ҳабашлар барабар найза улоқтиришди. Ярақлатиб чархланган тиглар ҳайвон танасини тешиб ўтди. Шер сакраб туриб йиқилди, яна сакрашга уринди, бироқ

умуртқаси синган эди. У ўкириб олдинги оёқларида гавдасини судрашга уринди.

Ҳабашлар янада яқинроқ боришди ва иккинчи марта найза санчиб чўл шоҳини ер тишлатишди.

Томоша тугади. Искандар секин чиқиб кетди. Орқасидан қимматбаҳо тақинчоқларини ярақлатиб Роксана эргашди. У жилмаяр, кўзларида галаба нашидаси ёнар эди. Оломон шоҳлар шоҳига ҳурмат кўрсатиб, ерга юзтубан ағанади.

– Ҳа, – деди Гестеион, – Олампаноҳ Зевс ҳар доим газабини тарк этади, момақалди роқ ва чақмоқларини улоқтириб, яна мусаффо осмонга ёғду сочишга имкон беради.

\* \* \*

Минг йиллар ўтди. Осиёнинг бепоён текисликларида кўчманчилар ҳамон пахмоқ учқур отда ёки туяда бир текис йўртиб боради. У олис тепаликлар устида рақс тушаётган кумуш юлдузлар сари йўл олган.

Унинг ёввойи қўшиғида тугалланмаган эртақ, бузилган уйқу, қонга қоришиб кетган кўз ёшлар ва гуллаб-яшнаётган бошлаган Осиёнинг гаройиб орзулари сирли жаранглайди.

Бироқ ҳозир асрий йўлларда нафақат инграб бораётган туялар карвонини учратиш мумкин. Энди янги йўловчилар, улар орасида йигит ва қизлар ҳам кўринади. Уларнинг қалбида билим ва озодликка бўлган жўшқин муҳаббат алангаси ёнади. Йўловчилар юракларидаги бу олов Осиёнинг олис чеккаларини ҳам ёритадиган янги ёғдуларга лиммолим тўлади деган ишонч билан тоғнинг тик қияликларидан айланиб, юксак чўққиларга кўтариладилар.

Йўловчиларнинг боши узра олисдаги пуштиранг шаҳарлар устида титраб турган сароблар билан баҳс боғлаган шамоллар ҳуштак чалиб учеди. Аммо шамол энди бу саробларни тарқатиб юбора олмайди.

Осиёда янги шаҳарлар қад кўтармоқда. Улар қайта туғилган озод халқларнинг янги, маданий ҳаётини барпо этувчи жимжимадор пўлат тўсинлар елкасида самога бўй чўзиб, юксалиб бормоқда.

1941 йил.

*Рус тилидан  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,  
Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА  
таржимаси*





## Пабло НЕРУДА Муштарак кўшиқ

### МАЧУ-ПИКЧУ ЧЎҚҚИСИ

1

... **М**ени гижжакларнинг давраларида  
кўрмоқчи эдилар, мен эса чиқдим  
тошларга кўмилган бир шаҳар билан,  
қаърлар хўрсиниғи ила санчилиб,  
заминга буралиб-буралиб кирган,  
хириллаган боруд<sup>1</sup> барг ёзиб, гуллаб,  
яшнаган бир дунё, ундан-да чуқур  
олтин конларининг дунёси билан.  
Нақ пуштикамарга,  
заминнинг серпушт пуштикамарига  
ўзимнинг нозик,  
ўта қизиқувчан кўлимни тикдим,  
юлдуз ёғдусига чулғонган тигдай.

Мен теран сувларга шўнғидим, чўкдим,  
сиздим олтингугурт жимлигин бузиб  
ва кўрдай пайпаслаб, қайтдим сўнг инсон сўлгин  
баҳорининг ёсуманига.

2

Баҳор. Гуллар айни қовушар фасл.  
Бахтиёр уруғлар ниш урар ҳатто  
тошлар бағридан ҳам топиб бошпана,  
ниш урар олмосда, қум қатламида.

---

<sup>1</sup> Б о р у д – селитра, порох.

*Русчадан  
Сулаймон РАҲМОН  
таржимаси*

Чилининг буюк шоири Пабло НЕРУДА (1904–1973) инсон эрки учун кураш гоёси билан суғорилган шеърияти-ла машхур. “Испания қалбимда”, “Сталинградга муҳаббат кўшиғи” асарлари ва “Муштарак кўшиқ” эпопеясида ана шу руҳ уфуриб туради. «Муштарак кўшиқ» шеърий эпопеяси Нобел мукофоти совриндори, йигирманчи асрнинг Поль Элюар, Нозим Ҳикмат, Луи Арагон, Рафаэль Альберти, Гарсиа Лорка, Ай Цин, Витезслав Незвал, Рубен Дарио, Рауль Гонсалес Туньон сингари улуғ шоирларига сафдош бўлмиш Пабло Неруданинг нафақат ўз ижодида, балки жаҳон шеъриятида истисно бир ҳодиса бўлди. Ўз даврида бу асар Лотин Америкасининг бадий қомуси, қитъанинг шеърий солномаси дея баҳоланди.

Ва лекин одамзод жону жаҳд билан  
олам гулларини топтайди, топтар  
денгизлар қаърида ўсган гулларни  
ва кафтида титраб тургувчи ноёб  
маъдан қазиб олар. Увада, тутун  
куйинди ичида ўлади кўнгли.  
Унга камлик қилар уйқусиз тунлар,  
чақмоқтош учқуни, кўз ёшлар кўли,  
баҳрларга оққан шўртак кўз ёшлар,  
қалбин ҳалок этар пул, зуғум билан,  
ташвиш ботқоғига чўктирар дилин,  
тикан симлар билан қайириб боғлар  
одамзод ўз шўрлик қалбининг кўлин.  
Йўқ-йўқ, бундай эмас, қалбини ким ҳам  
қонли қизғалдоқдай асрар пичоқсиз –  
кенг йўлда, дарада, кўкда, денгизда?  
Одамфурушларнинг хўмрайган моли  
адо бўлди бари бир-бир қирилиб,  
эй, юрак, эй, япроқ – ярадор манглай! –  
шабнамларнинг шаффоф сўзлари сени  
неча минг йилларки, янграб чорлайди  
азалий новдага – баргрэзон кузга!

Неча бор уриндим қиш кўчасида  
ва ё автобусда, тунни тилкалаб  
елган кема узра ё ялпи базм  
чоғларида енгиб ёлғизлик ҳисси  
ўзим танҳо қолган танҳо дамларда,  
кўнғироқ занглари остида айни  
инсоний лаззатнинг айни инида,  
авваллари тошда, чақмоқ, бўсада  
ҳис этганим сирли, абадий тирик  
ҳаёт томирини топгали доим.

Ва лекин мен жулдур жандасин ечган,  
кўрққан авлодларнинг аянчли, ғариб  
дарахтин титратган кузги шамолнинг  
кувраб-қовжираган болакайлари –  
қалбаки олтиндай пуч ва ялтироқ  
юзлар, қиёфалар пўчоқларидан  
ўзга ҳеч вақони топа олмадим.  
Ҳеч нарса йўқ эди таянай десам:  
йўқ эди, сеҳрли булоқ сувидай  
оқгувчи суюқ бир балчиқ кўлимда,  
йўқ эди, тошкўмир ё биллур каби,

---

«Муштарак кўшиқ»нинг бош қаҳрамони – халқ. Аммо шоир сиймоси халқнинг бир аъзоси ва унинг овози сифатида асарнинг турли мамлакатлар, халқлар ва тарихий даврларга бағишланган бобларини ўзаро боғлаб туради.

Шоир дostonнинг «Мачу-Пикчу чўққиси» бобида қадимги америкаликка қарата: «Тур укам, мен билан туғилмоқ учун», дея мурожаат қилади ва нафақат Мачу-Пикчуни курганлар, балки милёнлаб бошқа номаълум меҳнат аҳли оёққа қалқади. Шоир улар билан бирга юз йилликлар оша ўтади: золимлар қамчисидан йиқилади, озодлик курашчилари байроғи остида курашади.

Этиборингизга ана шу бобдан бир парча ҳавола қилинаётир.

тафт олиб, кафтимга тафтин бергувчи  
ишончли бирорта заранг замин ҳам.  
Инсон ким? Хўш, унинг қайси сўзида,  
машиналар ҳамда куй-муסיқалар  
оламининг қайси бурчагида ва  
унинг қай бир темир ишорасида  
яшаб қолар сўнмас, абадий ҳаёт?

## 3

Неча бор чорладинг, эй, ҳоким ўлим!  
Уммон тўлқинида эриган туздай  
кўринмас ҳидларинг таратиб, мени.  
Гоҳ баланд кўтардинг, гоҳи чўктирдинг,  
сен гўё тоғ қори ҳамда муз шамол  
қотишмаси бўлдинг мен учун, ўлим!

Мен эса юрагим бирла санчилдим  
ўткир пўлат тигга, билиб олдим мен  
шамолларнинг танг-тор йўлларини ва  
уқдим тошнинг, ноннинг кемтикларини,  
юлдузли бўшлиққа ўлим олдидан  
қўйилган қадамлар мағзини чақдим,  
бошим айлантирган чигалликларнинг  
маъносига етдим — дунёни билдим, —  
шунда ҳам, эй ўлим, соҳилсиз денгиз,  
босиб келаверма сен тўлқин-тўлқин,  
тунги ойдинликнинг ёруғ қадами  
кечаларнинг ёрқин хулосалари  
мажмуаси, яъни тўплами эрур.  
Ўлимни қўлтиққа яшириб бўлмас,  
хаёлга сигмас у қизил чойшабсиз,  
ё уни тасаввур этиб бўлмайди  
сукут ёғиб турган тонг гиламисиз,  
ё ватаннинг аччиқ кўз ёшларини  
ерга ё фалакка дафн этмай туриб.

Мен сева олмадим елкаларида  
ўз мўъжаз кузини (бу куз беҳисоб)  
япроқларнинг сариқ ўлими, ахир)  
кўтариб юргувчи инсон дарахтин,  
ҳам ердан, ҳам қаърдан ташқаридаги  
сохта ўлимни ҳам, тирилмоқни ҳам;  
аксинча, мен жуда-жуда истадим  
кенг ҳаёт ўзани бўйлаб сузмоқни,  
етмоқни унинг энг қурч мансабига;  
ва бир кун одамлар юз буриб мендан,  
чертмасин деб менинг булоқ қўлларим,  
фаномиз ярасин тирнамасин деб,  
дару даричасин ёпиб олди-ю, —  
мен отдим ўзимни кўча, дарё, сой,  
шаҳар, устахона, хобгоҳ, тоғ сари,

<sup>1</sup> Д о к — кемасозлик устахонаси.

мен юзимнинг тахир, шўр ниқобини  
олиб ўтдим чўлу саҳролар аро  
ва бир кун энг ғариб, ночор кулбада —  
нурсиз, нонсиз, тошсиз ҳамда сукутсиз —  
ийқилиб, ўлдим ўз ажалим билан.

## 4

Йўқ, пўлат қанотли, зил-замбил ўлим,  
нону насибасин шошиб еб қўйган  
ғариб кулбаларнинг гураболарин  
оч-ғовак жисмидан жой олган қотил  
сен эмассан, йўқ-йўқ, бошқа нарсадир:  
узилган торларнинг гулбаргидир бу,  
бу — жангдан ҳайиқиб ҳаприққан юрак,  
манглайга қалқмаган шабнам бу, — хуллас,  
қайта тикланмаган алланимадир:  
ўлим парчасидир, ердан, роҳатдан  
айро қари суяк, ёриқ кўнғироқ.  
Шунда шилиб олдим қонли докани  
ва тикдим қўлимни

қаттол ўлимни

ўлдиргувчи оғриқ ичига, лекин  
очиқ жароҳатдан топмадим асар  
жоннинг нимқоронғи тирқишларига  
ёприлиб кирган муз шамолдан бўлак.

## 5

Шунда заминнинг зил зиналаридан  
ваҳший ўрмон аро юксалиб, сенинг  
ҳузурингга чиқдим, эй, Мачу-Пикчу.  
Тарошланган тошдан ўсган тош шаҳри,  
ер нарсасин ердан яширмаган ул  
қимсаларга сўнгги манзилгоҳ шаҳар.  
Бунда, кўз олдимда, жончақар, совуқ  
шамолда тебраниб турарди тўп-тўп  
одам ва чақмоқнинг тош бешиклари.  
Мачу-Пикчу, эй, сен, тошлар онаси,  
қузғунлар ватани, эй, Мачу-Пикчу.  
Одамзод субҳининг унут қояси.  
Илк қумга кўмилиб қолган илк сўқа.  
Мозий ҳаётининг қароргоҳи бу:  
макка сўталари пишиб бу ерда  
сарик донларини дўл каби тўккан.  
Бунда туяларнинг олтин териси  
кийинтирган ишқни, қабрни,  
доҳийлар, қоҳинлар, қаҳрамонларни.

Бу ерда тунлари инсон оёғи  
лочин панжалари ила ёнма-ён  
моғорага кирган, тонг отгач эса  
қалдироқ топтаган сийрак туманни,  
пайпаслаб, ахтариб заминни, тошни,  
ё зулмат, ё ўлим қўйнида топган...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

## 6

Умумий бир чоҳга дафн этилганлар,  
бир қабр руҳлари, эй, бир гирдобнинг  
болалари, — гўё сизнинг савлатга  
муносиб бир тарзда келди бу ўлим.  
Тарошланган қоя чўққиларидан,  
қизгиш қуббалардан, қалашиб ётган  
осма қувурлардан қулаб тушдингиз  
гўё кузга, гўё тубсиз маҳшарга.

Аза тутмас энди у етим шамол,  
энди у унутган сизларнинг худди  
лойдан ясалгандай оёғингизни,  
унутгандир энди чақмоқ пичоғи  
тилган кўзангизни, улардан сим-сим  
томчилаб турган ул нилий осмонни.  
Зўр-зўр дарахтларни ёмғир ва туман  
емирди, йиқитди ўтинчи бўрон.

Дарахтлар йиқилди ва сершоҳ қўллар  
осмони фалакдан қадим замонлар  
қаърига қулади, чунки дунёдан  
йўқолиб кетдилар ожиз панжалар,  
йўқолди дарахтга ҳаёт бахш этган  
чайир толаларнинг ингичка ипи, —  
улар йўқолдилар — дарахт йиқилди —  
тил, одат дарахти,  
тушди юзтубан  
кўзни қамаштирган нурли сиймолар.

...Аммо қабртошлар ва сўзлар қолди:  
ўлган ажодларнинг қоқ панжалари  
маҳкам сиқиб турган қадаҳ сингари  
кўкка ўрлаб турар бу харсанг шаҳар —  
бу титроқ тошяпроқ, бу қалъадевор,  
бу мангу атиргул, бу уй, бу макон,  
лочинлар қишлоғин баланд қояси.

Қизил лойга ўхшаш бу қўллар ўзи  
лойга дўниб қолди, қалъадеворлар  
ва минораларга тўлиб турган ул  
кўзлар ҳам абадий юмилиб қолди,  
одам йитгандан сўнг, қоришгандан сўнг  
асрларнинг хоки вайронасига, —  
қолди фақат кўкка бўй чўзиб турган  
тарошланган тошнинг аниқ бир тарзи,  
инсон субҳидамин тоғли маскани,  
лиммо-лим сукунат тўла тоғ қадаҳ,  
сонсиз жонлар ўрнин олган жонли тош...

## 7

Тур, укам, мен билан тугилмоқ учун.  
Қўл чўз менга, изтиробларинг

оловланган минтақалардан.  
Сен қайтиб келмассан палахса тошдан. Қайтмассан  
ерости асрларидан.  
Сенинг тошга дўнган овозинг қайтмас.  
Қайтмас ўз ўрнига кўзинг косаси.  
Қалин ер қатламин ёриб боқ менга,  
ҳей, кўшчи, тўқувчи, индамас чўпон,  
ёввойи туяни мингич қилган зот,  
бинолар ўрмонин гишт терувчиси,  
Анд тоғлари тўккан кўзёш мешкопи,  
бармогида чармлар ейилган заргар,  
экинидан доим ташвишда деҳқон,  
ҳамма ёғи лойга беланган кулол,  
қуйинг янги ҳаёт жомига барча  
дафн этилган кўҳна ғамларингизни.  
Кўрсатинг қонингиз, тиртифингизни,  
айтинг: улар сизни жазолаганин  
тошда бебаҳо нур йўқлиги учун,  
бермагани учун тупроқ тош ва дон.  
Кўрсатинг ўзингиз йиқилган тошни,  
сиз чормих қилинган ўшал дарахтни,  
ул қадим чақмоқтош учқуни билан  
кўҳна чироқларни ёқинг, ёритинг  
ярангизга теккан қамчиларни ҳам,  
кўрсатинг тиглари қон болталарни.  
Сўзлайман мен сизнинг оғзингиз билан.  
Ер оша ҳаммангиз чўзингиз менга  
саси ўчган чирик лабларингизни,  
сизга лангар қилиб қоқилгандай мен,  
сўзланг ер тубидан бутун тун бўйи,  
айтинг барчасини — занжирма-занжир,  
ҳалқама-ҳалқаю қадам-бақадам,  
чархланг омон қолган пичоқларни сиз,  
уларни қалбимга, қўлимга қўйинг,  
қўйингиз сариқ нур дарёси каби,  
чириган қоплонлар дарёси каби,  
беринг менга аза тутмоғим учун  
соатлар ва кунлар, йиллар, асрлар,  
буржлар юз йиллиги, абадиятни.

Менга сукут беринг, беринг сув, умид.  
Менга кураш беринг, темир ва вулқон.  
Оҳанрабо каби ёпишинг менга.  
Кириг лабларимга, томирларимга.  
Сўзланг қоним билан, сўзларим билан.



Беки САЙТАҚОВ

**Бола бахши**

Ҳикоя

**ҚАМИШЛИ ҚУДУҚ**

**О**т сувнинг исини олиб пишқирди. Қайчидек қулоқларини дик-қайтирди-да, калласини ўннга ўгириб, жиловини тортқилай бошлади. Йўл чеккасидаги қамишзор орқасидан қудуқ деворларига урила-урила юқори тортилаётган челақнинг овози эшитилди.

Отлик нозикдан келган ўн саккиз яшар кўркам йигит эди. Унинг оёғида оқ пийма, бошида жунлари тоғорадаги сув мисоли тўлқинланиб ётган қора телпак, эғнида ўзига ниҳоятда ярашган пўстин бор эди. У олис сафарга отланган жангчи қуролини елкасига осган қаби доторини елкасига ташлаб олган эди. Йигитни бир кўрган одамнинг уни яна кўргиси келарди. Юқорида айтиб ўтилганидек, йигит ҳушрўй юзли, келишгангина эди. Қирра бурун, лаблари юпқа ҳам ниҳоятда бежирим. Кўркам юзи доим кулимсираб турганга ўхшарди. Юган тутган бармоқлари узун-узун ва чиройли эди. Бу йигитча, ўзининг эндигина ўн саккиз ёшга тўлган бўлишига қарамай, аҳли Хоразм орасида Бола бахши деб ном таратиб улгурган эди. Унинг асл исмини билган одамлар бармоқ билан санарли эди. Бола бахши ўн ёшидан бошлаб Хидир бахшининг этагидан тутди. Қўшиқ ва соз санъати ҳамда суҳбатини

*Туркманчадан  
Машариф САФАРОВ  
таржимаси*

Беки САЙТАҚОВ (1914–1979) Тошовуз вилоятининг Тахта туманидаги Бадиркент қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. У адабиёт майдонидаги илк қадамини шеър ёзиш билан бошлади. Шоир назмий асарларини 1938 йилда “Ёшлик” номли тўпламида эълон қилдиради. У “Мудом тайёр” газетаси муҳаррири, сўнгра Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби, “Совет адабиёти” (ҳозирги “Қорақум”) журнали масъул котиби, марказий газеталарда ишлайди. Шу даврда у илк насрий асарлари – “Кураш”, “Ақжагул” ҳикояларини эълон қилиб, насрда ҳам яхши ижодкор эканини намоён этади.

Унинг “Туғишганлар” асари ёзувчига шухрат келтирди. Ёзувчи сўнгра бу трилогиясини қайта ишлаб “Бадиркент” романи сифатида эълон қилди. Шунингдек, унинг “Бекмурод Дурдиев”, “Биринчи кун”, “Суханнинг уйланиши”, “Қора илон”, “Чувал бахши”, “Бола бахши”, “Такаббур қиз”, “Энг сўнгги кураш” сингари ҳикоя, қисса ва романлари туркман ўқувчилари томонидан илиқ кутиб олинди.

Б.Сайтақов фақат шоир, ёзувчигина эмас, балки у моҳир таржимон сифатида ҳам туркман адабиётида ўз ўрнига эга. Туркман китобхонлари В.Панованинги “Йўловчилар”, О.Гончарнинг “Байроқ кўтарувчилар” романларини, Т.Шевченконинг “Камбағал аёл”, Ю.Петровнинг “Меҳрибон она” дostonларини, Алишер Навоийнинг ўнлаб ғазалларини Б.Сайтақов таржимасида ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар.

ўзидан камарбаста қилган кекса Хидир бахши ҳеч нимага эътибор бермайдиган инсон эди. У қўшиқ, соз ва санъатдан бошқа касб, ўзидан бўлак бахши бор деган фикрни хаёлига ҳам келтирмасди.

Кекса бахши бир куни кенг туркман қумтепалари, саҳролари орасидан чорланган тўйга кетаётиб, от устида шундай фикрга келди: «Улчаб берилган умрнинг кўпи кетиб ози қолди. Мен ҳам бир куни бу дунёдан ўтарман. Лекин мен ўзимдаги қўл етмас ноёб санъатни кимга қолдириб кетишим керак? Уни мен фақат Бола бахшига қолдиришим керак. Бу бола жуда ихлосли ўсмирга ўхшайди. Қўли чаққон, овози ҳам ёқимли. Балки бир неча йиллардан сўнг «Сувора»ни айтганда, эшитганлар унга: «Хидир бахшининг худди ўзи бўлиб айт!» деб хоҳиш этарлар. Бу ҳам менга қўл етмас ҳайкал, ёдгорлик бўлар. У менинг фоний дунёда қолдириб кетган изим бўлар...»

Шу кундан бошлаб, Хидир бахши Бола бахшига бутун эътиборини бера бошлади. Бола бахши ўн бешга чиққанда, кун ботгандан кечанинг ярмигача қўшиқ айтадиган бўлди. Унинг ёнбошида тоғнинг бир бўлаги каби бўлиб, ичидан хиргойи қилиб ўтирган Хидир бахши авваллари унинг дуторини созлашда, қўшиқларнинг айрим байтларини эсга олишга ёрдам берарди. Авжга чиққан жойларда сасини майин қилиб, Бола бахшига жўр бўларди. Бироқ ёш ўғлоннинг ихлосига, укувига, кун-кундан камолотга етиб бораётганига қараб боши осмонга етарди. Хидир бахши вафотидан икки кун олдин Бола бахшини ҳузурига чақирди.

— Ўғлим, менинг куним битганга ўхшайди. Ўғил ўрнида ўғил, қиз ўрнида қизим бор. Лекин барча хунаримни сен олиб қоляпсан. Худойим, пешонанг оқ бўлсин, йўлинг очиқ бўлсин. Омин... Мана... ўғлим, шундай қилиб сенга оқ фотиҳа бердим. Аммо бир топширигим бор. Пулдор, бой кишининг уйида яхши айтиб, камбағал, гарибникида кўнгилсиз ашула айтма. Қайтанга, агар ўнғара олсанг, тескарисини қил. Қолган кам-кўст жойларини гижжакчи тузатади. Унинг одамлар билан доимо кўрс муомалада бўлиб, ҳеч нарсадан кўнгли тўлмайд юрганга эътибор берма. У ўз хунарининг устаси, ўзи ёмон одам эмас.

Ана шу воқеадан кейин бир неча йил ўтди. Устози вафотидан сўнг эл орасида қўшиқ айтишдан Бола бахши тортиниб юрди. Бироқ устозининг хотирасига, руҳларининг шод бўлиши учун қўшиқни мароми ва меъёрига етказиб айтиш керак деган ниятни кўнглига тугди. Ҳеч қаердан ёрдам келмаслигига амин бўлиб, бор кучини белига, қўлига ва овозига берди. Уни олиб ҳам чиқди. Эндиликда унинг товушига, соз чалишига, ўз касбининг устаси эканлигига шак келтирадиган одам қолмади, ҳисоб.

Бахшилар, хусусан, эл севган қўшиқчи бахшилар ўз уйларига меҳмон сингари келиб кетадилар. Уларнинг бутун вақти эл орасида ўтади. Бола бахши бундан тўрт кун бурун узоқдаги қишлоқларнинг бирига олиб кетилган эди. Ҳозир эса у ўша жойдан қайтиб келаётганди.

Отнинг бетоқатланаётганини кўриб, Бола бахши жиловни тортди-да, орқасига ўгирилди.

— Ёшулли, отлар сувсираганга ўхшайди. Кейин, йўлимиз ҳам узоқ. Келинг, отларни суғорайлик-да, ичган сувларини бўйинларига чиқмас қилиб, чоптириб кетайлик.

Орқадан келаётган отлиқ олтмиш ёшдан ошган, рапида юзли, чўққи соқол, новча киши бўлиб, у ҳозир йўрға отнинг устида худди тикка туриб келаётган чавандозга ўхшар эди. У одам гижжакчи эди.

Унинг товуши йўғон ва хириллаб чиқди:



— Майли, ўғлим, ундай бўлса қудуққа юра қол.

Беш-ўн қадам юришгандан кейинг ўнг томондаги қамишзор тугаб, Бола бахши отининг жиловини олдларидаги қудуққа томон бурди. Отнинг юриши тезлашди. Сувлиқни тортқилай бошлади. Бола бахши то қудуқнинг бошига келгунча оти билан овора бўлиб, теварак-атрофига қарамади. От тумшугининг ярмини сувга тўла новага босиши билан отдан тушди. Шундан кейингина қудуқнинг бошига назар ташлади. Унинг кўзлари қамашиб кетди. Кўзига бир нарса ўн бўлиб кўринди. У кўзларини очиб-юмиб, яна ўша томонга диққат билан қаради. Бу сафар Бола бахшининг кўзига қудуқнинг бошида қизил гуллардан ясалган гулдаста кўринди. «Бу нима бўлди экан-а? Қишнинг ўртасида ҳам гулдаста бўлар экан-да!» Сўнг чўнтагидан дастрўмолчасини олиб, юз-кўзларини артди. Шундан сўнг бояги гулдаста узун бўйли, чиройли бир қизга айланди-қолди.

Бола бахшининг оғзи очилиб қолди. Ўн яшарлигидан бошлаб унинг бормаган қишлоғи, кўрмаган одами йўқ эди, деса муболага бўлмас. Аммо у кўриб турган паривашга ҳеч қачон дуч келмаган эди. Кўрган, эшитган гўзалликларнинг бир жойга жамланган нуқтасининг устидан ҳеч маҳал чиқмаган эди. «Офарин, сенга!» деб, Бола бахши кўлини белбоғига тикди. Қиз эса унга қия боқиб, бармоғини тишлади. Унинг таққимига тушиб турган йўғон, узун сочлари боши энгашган томонга тўлқин каби тушиб кетди. Устидаги кўк мовутдан безак бериб тикилган тўни Бола бахшининг кўзига ҳар хил рангда жилваланиб кўринди. Бола бахши бошиданоқ ожизлик қилди. Қизга тикка қараб, кўздан кечира олмади. Лекин бир муддат вақт ўтгач, воқсани бутунлай ўзгартириб юборган бир ҳодиса юз берди. Бахши қизнинг ҳам ер остидан уни кузатаётганини пайқаб қолди. Қизнинг шаҳло кўзларининг тикилишлари бахшининг юрагидан ўқ бўлиб ўтди. Унинг чала ярим ҳаракатланган киприклари, қалин қора қошлари Бола бахшига қараб ҳужум қилгандай туюлди. Асли йигитга далда бўлган нарсалар ҳам шу бўлди. У бор кучини бир жойга жамлаб, қизга бошқатдан қаради. Қиз устини қор босиб ётган майдондаги қудуқ бошида кўкариб турган бир туп атиргулга ўхшарди.

Йигит нима бўлса-да, бир нарса дейиши керак эди. Гап-сўзсиз қудуқ бошида жим туриш ноқулай эди. У новни кўздан кечирар экан:

— Ҳой челагингни берсанг отларни суғорар эдик. Новни бўшатишибди, — деди.

Қиз бир кулимсиради-да, олдидаги тўла челақни йигитга томон суриб:

— Олинг, керагингиз челақ бўлсин... — деди.

Бола бахши челақни қандай қилиб олганини, унинг сувини новга қандай қилиб тўкканини ҳам билмади. Аммо бир дамда новни сувга тўлдирди. Кейин челақни ҳам тўлдириб, қизнинг олдига қўйди.

Қиз кулди:

— Ўзим тўлдираддим. Озорга қўйдим сизни, — деди.

Бу сўзнинг оҳанги йигитнинг энг нозик томирларигача етиб, уни бир хил қўйга солиб қўйди. Ушбу сўзлар пистасимон лабларнинг орасидан меҳрга йўғрилиб чиқди. Агар йигит умри етганча шу сўзларни ўша оҳангда тинглаб ўтказиши керак бўлса, унга рози бўларди. Бироқ барча нарсанинг боши ва охири бўлгани сингари, бу ажойиб дақиқаларнинг ҳам интиҳоси келди. Кунчиқардаги, атрофи баланд дарахтлар билан ўралган уйнинг олдида ташвишли ҳаракат бошланди. Қиз уни кўриб, лабларини бир тишлади-да, челагини кўтариб, ўша уй томон кетди. У оғир қадамлар ташлар экан, бир нарсасини

йўқотгандай орқасига ўгирилиб, яна бир марта Бола бахшига қаради. Бола бахши ҳам ундан кўзини узолмай, узоқ вақт унинг изидан қараб қолди. Сўнгра отига минди. Гижжакчи ҳам ашула ва мусиқанинг пири Ошиқ Ойдин каби унинг изидан тушди.

Бола бахши анча вақтгача ўзига кела олмади. Унинг ақли-хуши, юраги, бутун вужуди челақли қизнинг изига тушиб кетган эди. «Унинг боқишлари! Бу қизнинг ноз-қарашмаси денгиз суви сингари беҳисоб бўлиши керак. Шу нозлар, ўша назарлар кимга насиб қилар экан?! Қайси бахтли инсон шу нозу назарларнинг эгаси бўларкан? Ҳой, пешонаси шўр!» деб йигит манглайига бир шапатилади-да, эгарга қийшиқ ўтириб, орқасига ўтирилди:

— Оқсоқол, бояги қиз кимнинг фарзанди бўлиши мумкин? Мен-ку, танимадим, балки сиз биларсиз?

Гижжакчи гўё биров эшитиб қолмасин дегандай эҳтиётлик билан икки томонига қараб олди ва секингина деди:

— Бояги қиз, ҳов анови дарахтзор билан ўралган уй эгаси Қудратилла бойнинг қизи бўлиши керак. Қудратилла бой дегани шундай бир инсофсиз одамки, қўлидан келса, эл устига тушиб турган худонинг нуруни ҳам туширмасам дейди. Одам ўлдириш, йўқотиш уларга пашша, чивин ўлдириш ва йўқотишдай гап. Ўғиллари талончилик, босқинчилик билан шуғулланишади. Қум ичида қанчадан-қанча карвонларни талашмаган улар. Хуллас, ўғлим, душманинг шулар бўлмасин! Ҳозирги қиз унинг ёлғиз қизи. Отини Турсуной дейдилар. Уни, эшитишимча, яқин орада эрга беришмоқчи. Катта тўй бўлиши кутиляпти. Бахшиси ҳам сен бўласан. Анчадан бери юрт ичида шундай гурунг бор...

Бу хабар Бола бахшини гам ботқоғига ботирди. Унинг чиройли, бежирим пешонаси эгарнинг қошига тегай-тегай деб кетарди. «Мен ҳам, у қиз ҳам бир-биримизни танимаймиз. Лекин қарашларининг маъноси бошқача эди. У ич-ичидан ва меҳр билан менга боқди. Мен бу қарашлардан «Мен сеникиман» деган маънони англадим. Бу назарларнинг бошқача маъноси бўлиши мумкин эмас. Эҳ, унинг билан яна бир марта учрашиб бўлса эди».

Бола бахши яна орқасига қайрилди:

— Ёшулли, қиз ҳаддан ташқари гўзал экан. У ожиза кимга насиб қилар экан-а?! Ёки «қовуннинг ширинини чиябўри ейди» деганларидай бўлармикин?

Гижжакчи ўғлоннинг бу сўзларидан кўп маъно чиқарди. Йигитнинг юрагидаги сирларини қуръон оятларини ўқигандай ўқиди. Бу масалада ўзининг энг меҳрибон одамига ҳеч қандай ёрдам қилолмаслигига кекса гижжакчи жуда ачинди. Бошини оғир чайқаб:

— Бу ширин қовунни ейдиган одам чиябўридан ҳам ифлос, — деди.

Бахши кўксига ханжар урилгандай, тезлик билан бошини суҳбатдошига томон бурди:

— Ким у?

Кекса гижжакчи оғир ўйга толди. «Мен бахшининг жўшиб турган кўнглини ҳозир босиб ташлашим керак. Бўлмаса ундан қарашилмаган ҳар нарсани кутиш мумкин. Қудратилла билан тортишган ўзинг бўлма, эй худойим...»

— Турсунойни олмоқчи бўлган одам Қудратиллабойдан паст одам эмас. У ҳам калла кесишни иш ҳисобламайдиган разил, аблаҳ киши. Ўғлим, худо дегин. Сенга ҳам аталгани бордир. Худонинг пешонангга ёзганидан қутулиб бўлмас. Шукур қил.

Бола бахши гижжакчининг сўзларига яхши-ёмон ҳеч қандай жавоб бермади. «Қиз мени таниган бўлиши керак. Бўлмаса бундай назар билан боқмасди. Нима бўлса бўлди деб, отли-яроғли унинг изидан тушсаммикин? Отимга мингаштириб, Ахалга ёки Эрон-Афғонистон томонларга бош олиб кетсаммикин?! Ашула айтиб оёғимга йиқсам, бор эрк-ҳуқуқини қўлимга олсам, мен ўйлаганларимдан қайтмасдим. Лекин қизнинг юрагидагини билиб бўлмайди. Балки бу қиз мени мазахлаш учун бугун кўнгил торимни чертиб кўргандир? Балки чини билан шундайдир. Яна ким билади? Буларни ёлғиз худодан бошқа биладиган йўқ. У ҳам қўл етмас баланд жойда. Унга арзинг, оху ноланг етиб бориши гумон. Қани, кўрайлик-чи? Охири нима билан тамом бўлар экан?..»

Бола бахши уйларига келганда, беш-олти кундан бери ўзининг келишига қараб ўтирган турли одамларни кўрди. Уларнинг бири Қўпеттоғдан, яна бири Кўҳна Урганчдан, бошқа бирлари Қизилча қалъа, Кўктепа, Ахал, Серахс каби узоқ манзиллардан келган кишилар эди. Улар Бола бахшининг ўз тўйларида ашула, дoston айтишларини истаб келган эдилар. Бола бахшининг эса ўй-фикрлари тўй-томошада эмас эди.

## ҚИЗ ЮРАГИНИНГ БАЁНИ

Узун бўйли, пешонаси кенг, думалоқ оқ юзли Турсуной Бола бахшининг отини қудуққа томон бурганидаёқ таниди. Қиз уни қишлоқларида бўлган тўйларда ашула айтганида бир неча бор кўрган эди. Тенгдош дугоналари билан қоронғи жойда ўтириб, эркак кишиларга кўринмай, Бола бахши айтган ашулаларни тинглаганди. Турсуной уни илк бор кўрган ва ашуласини эшитган вақтдан бошлаб ўз юрагига жойлаган эди. Юрагига кашталаб тиккан у сурат вақт ўтиши билан унниқмай, балки унинг ранглари янада тиниқлашган ва ўткирлашган эди. Унга гўё кун-кундан жон кираётганга ўхшарди.

Турсуной руҳи баланд, шоиртабиат бир қиз эди. У отаси кўзининг оқу қораси эди. Унинг ўзидан катта учта акаси бор эди. Шу туфайли ҳам у катта уйнинг эркатойи эди. Унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Уйда ҳеч ким, ҳеч вақт Турсунойнинг раъйини қайтарган эмас. Қизнинг ўзи ҳам қизлик чегарасидан чиққан эмасди. Шу сабабли ҳам хонадон соҳиблари ундан хотиржам эдилар.

Унинг бошқа қишлоқ қизларидан гўзалликда, сўзамолликда, одамийликда қандай фарқ қилишини киши бир қарашда билиши қийин эди. Бироқ у ўз дугоналарига ҳеч ҳам ўхшамасди. Унинг қилган ишлари, айтган сўзлари, дугоналарига берган маслаҳатлари ҳам ўзига ярашарди ва ҳамиша тўғри бўлиб чиқарди. У шоира ҳам эди. Кўп алла қўшиқларини ўзи ижод қилиб, ўзи ижро этган. Уларни куйлаганда дугоналари сеҳрланиб қоларди. Ашула эшитиш, дoston тинглаш унинг энг яхши кўрган орзуси эди. Бу истак Турсунойда Бола бахшини илк маротаба тинглаган кундан бошлаб яна ҳам авж олганди. Ўша кечаси Турсуной дoston бошлагунга қадар Бола бахшини яхшилаб кузатди. Урта ерда, баланд уюлиб ёнаётган олов бошида ойдан бўлиниб тушгандай ўтирган бу келишган йигит шоирона кўнгилли қизнинг ақл-хушини олганди. Бола бахшининг дутор устида ўйнаган бармоқлари узун ва чиройли эди. Жунлари сув каби тўлқинланиб турган қора телпаги бу йигитни эртақлар олаמידан чиқиб келганга ўхшатарди. Унинг қўшиқ айтиши қизни бутунлай асир қилди. Қиз ҳам ашула эшитарди, ҳам кексаларнинг суҳбатларига қулоқ соларди:

«Хидир бахшидан ҳам ўзибди». «Ҳа-да, шогирд устасидан ўзмаса, хунар йўқолар эмиш дейишар эди, бу рост гап экан»...

Вақт бўлди. Бола бахши одамларга қараб, деди:

— Юртдошларим, қайси дostonни айтай?

— Ўзингга маъқулини айт, бахши!

— Менга фарқи йўқ.

— Унда Гўрўғлининг Хирмон далисини айт!

— Мана сенга Хирмон дали! — деб Бола бахши дoston айтишни бошлади.

Тун ярмидан ўтиб, дoston ўрталарига етганда қизнинг юрагида аввало номаълум, сўнг аниқ бир туйғу пайдо бўлди. Қиз бу ажойиб йигитга, ширали, баланд овозли, тенги бўлмаган Бола бахшига ошиқ бўлди. Энди у янги дунёнинг эшигини очган заифга ўхшарди. Қизнинг оёқ олиши енгиллашди. Ҳар тарафидан баҳайбат қанотлар ўсиб чиққандай бўлди. У шу даражага етдики, ҳатто Бола бахшини Хирмон далидан ҳам қизғана бошлади. Бу туйғунинг қаердан келганига, қандай йўл билан юрагини эгаллаб олганига қизнинг ўзи ҳам тушунолмай қолди. Кейинроқ у бунинг сабабини қидириб, охирига етишни ҳам истамди. Чунки энди бу ўйлар ортиқча эди. Қиз ошиқ эди. Бу туйғуни ўткир бир тиф билан ҳам ажратиш ташлаш мумкин эмасди. Қиз тақдирга тан берди.

Ўша кечадан буён ярим йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу туйғу шу вақтлар ичида баҳор дарёси сингари қиргогига улкан тўлқинлар каби урилди. Бу тўлқинлар борган сари кучайди. Қиз ўтиришга жой тополмай, ўз ёғига ўзи қовурилди. Бола бахши шундан кейин ҳам бу қишлоқда икки марта ашула айтди. Уларнинг иккаласига ҳам Турсуной қатнашди. Хилватроқ жойда ўтириб дугоналари билан ашула, дoston эшитди. Кейинги сафар уларига қайтиб бораётганларида тенгдошлари унга: «Сен жуда маъюс бўлиб қолдингми?» дейишди. Қиз уларга «Ҳеч ҳам», — деб жавоб берди, холос. Аммо ўша вақтда унинг ичини ит тирнар эди. Унинг аҳволи паришон эди. «У ҳамма нарсадан беҳабар, ахир. Менинг аҳволимдан унинг хабари йўқ. Билганида ҳам унинг қўлидан нима келарди? Мен бошқа одамнинг кучоғига кирмайман. Унинг билан аҳволимиз шундай бўлса...» Турсуной шундай деб, калаванинг учуни бутунлай йўқотди. Қиз ўзи тушган ўпқондан чиқадиган илинж изларди. Энг кичик илинжлар ҳам ундан қочарди.

Мана, ҳамма нарсанинг устига-устак бугунги учрашув. Аввало қиз бу учрашувни яхшиликка йўйди. У қудуқнинг бошига келган заҳоти ўзича: «Эҳ, шу пайт Бола бахши отини суғоришга келса эди. Мен унинг сийратини кўриб, дардимни озгина бўлса-да, енгиллатар эдим. Балки озроқ бўлса ҳам сўзлашармидик. Бир ўзи бўлса мен унга ўз кўнглимни очармидим», деб хаёл қилди. Бу учрашувнинг қандай ўтганини муҳтарам ўқувчиларимиз юқорида билиб олишганлар.

Турсуной челагидаги сувларини тўкиб-сочиб, уйга олиб кирди. Уйнинг тўрида икки йилдан буён тўшакдан турмай ётган онаси:

— Тўполонларинг нимаси, қизим? Жин урдими, сени? — деди инқиллаб.

Ичи ёниб, юраги ҳаприққан Турсуной қайнаб-тошган қаҳр-газанини босиб жавоб берди:

— Онажон, кундуз қуни жин бўладими? Қудуқнинг бошига борсанг, йўловчидан кўпи йўқ. Барчаси отини суғориш учун челақ сўрайди. Уларнинг отлари сувга қонгунча совқотиб туришга мажбурсан.

Умрининг кўпи кетиб, ози қолган кекса аёл у дунёни эслаб, қизига дейди:

— Қизим, айб бўлади. Бундай дема. Йўловчига сув бермоқ — савоб.

Турсуной эшикка томон йўналди. Лекин бирдан хурккан жайрон сингари тўхтади.

— Она, менга бошқа ишингиз бўлмаса, янгамнинг ёнига бораман.

— Борақол, қизим.

Турсуной ўртанча акасининг хотини Оққиз билан сирдош дугона эди. Улар ўрталаридаги ҳеч нарсани яширишмас эдилар. Иккаласи ҳам деярли тенгдош эди. Турсуной келганида янгаси кашта тикиб ўтирганди. У дарров ишини бир чеккага қўйди-да, ўрнадан туриб қайинсинглисини қарши олди. Оққиз турмушга чиққандан кейин янада очилиб, гўзаллаша бошлаган ёш келин эди. Турсуной олдинлари келганида янгасининг қадди-қоматига ҳавас билан қараб, уни мақтар эди. Лекин бу сафар унинг кўзига ҳеч нарса кўринмади. У ичкарига кира солиб, шаҳло кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, Оққизни кучоқлаб олди. Оққиз кўрқиб кетди. Қизни бағрига босиб, унинг бошини силади.

— Вой, жоним, нима бўлди сенга! Сени ким хафа қилди?

Турсуной бир муддат гапиришга ҳоли келмади. Чуқур хўрсинар экан, дарди бир оз пасайгандан кейин, шундай деди:

— У қишлоғига ўтиб кетди.

Оққиз икки кўли билан Турсунойнинг яноқларини ушлаб, уни ўзига қаратиб деди:

— Ким ўтиб кетди? Қанақа қишлоққа кетди? Мен ҳеч нарсага тушунолмаймаман.

Турсуной уйқудан тургандай бўлиб, кўзларини катта очди. Ҳовлиқиб кетди. Бирданига қизарган юзи олдинги кўринишга қайтди.

— Вой, янгажон, мен сизга ҳеч нима демадимми?..

Оққизнинг эса нима воқеа бўлганини билгиси келарди.

— Йўқ, жоним, дарров айт. Менинг юрагим ёрилай деяпти. Сенга нима бўлди? Балки менинг ёрдамим керакдир?

Турсуной бармоғини тишлаб, бир неча сония жимгина ерга қараб турди. Барча бўлиб ўтган воқеаларни бошидан охиригача кўз олдига келтирди-да, товусдай товланиб, янгаси билан гилам устига ўтирди. Яна бир муддат жим қолди. Шундан кейин совуққонлик билан ҳаммасини янгасига гапириб берди. Оққизнинг устига совуқ сув куйилгандай бўлди.

— Э, вой! Бахтим қайтди, менинг! Ҳой, шунақаси ҳам бўладими? Ота-онанг, акаларинг бунга асло рози бўлишмайди. Улар билсалар жанжалнинг каттаси кўтарилади. Бунинг тагидан қоннинг иси келяпти, жоним!

Турсуной чиройли муштрларини тош сингари тугиб, газаб билан қошларини кериб, деди:

— Менга уларнинг розилиги ҳам, жанжаллари ҳам керак эмас. Менга Бола бахши керак. Сиз менга қандай ёрдам беришингиз мумкин? Ҳеч бўлмаса менинг фикримни Бола бахшига етказа олишга ваъда бероласизми? Янгажон, менинг сиздан бошқа жонимни ишонган одамим йўқ. Шунга яхшилаб билиб олинг. Ёниб турган юрагимни ўз қўлингиз билан эманг.

Оққиз Турсуной учун шу пайтда қўлидан келса кучини ҳам, жонини ҳам аямас эди. Унинг ишини битириб беролса, қуруқликнинг тамом бўлган еригача ҳатто пиёда боришгача рози эди. Аммо...

— Мен сенинг аҳволингга тушунаман, жоним. Сендай бошига иш тушган қизлар ҳаётда бўлган. Бироқ сен кимнинг, қандай одамнинг

қизи эканлигини унутма. Акаларингнинг кимлигини эсингдан чиқарма. Уни ҳам, сени ҳам улар домларига тортарлар. Қадим замонларда ҳам ошиқ-маъшукларга енгилроқ жазолар берилганлигини биласан. Эсингдами, Тоҳирни сандиққа солиб, дарёга ташлашган. Ҳозир ўзинг кўряпсан, бундай ишларга бош оғритиб ўтиришмайди. Боришади-да, пақ этиб отиб, орқаларига қайта қолишади. Сен ана шуларни эсингдан чиқарма. Ундан ташқари эрта-индин тўйинг бўладиган. Ҳозир сенинг бу кайфиятингни билсалар, сени ҳам, уни ҳам дарҳол йўқотишади. Яхшиси, сен борадиган эрингга турмушга чиққин-да, Бола бахшини кўнглингга тумор қилиб осиб ол. Шундай қилиб юрганлар ҳам оз эмас, дунёда, — деб Оққиз пастки лабларини тишлаб, чеккага қаради. Бир нарсалар ёдига тушиб, унинг бежирим кўзлари ёшга тўлди.

— Янгажон, кўряпман, сизнинг менга кўмагингиз етмайдиганга ўхшайди.

Оққиз кескин жавоб берди:

— Йўқ, азизам, бу фикрингни бошингдан бутунлай чиқар. Пешонангга ёзилганига рози бўл. Мен сенинг танангга тиф тегишини хоҳламайман.

Турсуной умидларининг ярми узилди. Болтасининг тифи тошга тегди. Бошини кўйи солиб, янгасининг ёнидан чиқар экан, ўйлай бошлади. «Айтганларининг ҳаммаси тўғри. Барчаси ойдин. Бошқа йўл топиш керак. Бошқа йўлни излашим лозим. Умидни қўлдан бермаслигим даркор. Мен бошқа йўлни, албатта, топаман.»

Туни билан қизнинг кўзига уйқу келмади. «Эҳ, уни бугун кўрмаган бўлсам, шунчалик ёнмас эдим. Дардим ҳозиргисидан енгилроқ бўларди. Энди мен нима қилишим керак? Қаерга боришим, кимдан ёрдам олишим мумкин? Энг зўр тиргагим янгам эди. У бечора ҳам ўз аҳволини айтди. Унинг деганлари тўғри. Бошқа йўл бўлмаса, ҳозирги йўл билан мақсадимга етишим қийин...»

Ёнбошида ётган семиз онаси атрофни ларзага солиб хуррак отарди. Баъзан дардига чидай олмай инграниб кўярди. Уни кўриб Турсунойнинг жаҳли чиқарди: «Ҳой, шундай аҳволда ҳам хуррак тортиб ухлайдими, киши? Ҳой, шу аҳволда ҳам кўзга уйқу келар экан-а?» Ёш, жўш уриб турган кўнглининг ҳаммани ўз ҳолатида бўлиши керак, деб ўйлаши тушунарли эди.

Қиз кечани уйқусиз ўтказди. Эрта билан турди-да, челагини кўтариб, яна қамишзор этагидаги қудуққа томон кетди. Тунда қор ёғмаган эди. Шу сабабли Бола бахшининг қудуқ атрофидаги юрган излари аниқ, оқ қоғозга чизилган суратдай кўриниб турарди. Қиз олдин у изларни санаб чиқди. Бола бахшининг отга минаётганда ўнг оёғининг учигача босилиб қолган излари ҳам яққол кўриниб турарди. Шаҳлонинг кўзлари ёшга тўлди. Баданлари қандайдир, ёқимли титраб кетди. Шундан сўнг кўрқинчли хўрлик баҳайбат тўқмоқдай залвори билан қизнинг устидан босди. У Бола бахши кетган томонга, унинг қишлоғи тарафга юзини ўгирди. Қизнинг аҳволи шундан кейин яна ҳам оғирлашди. Бирданига челагини қудуқнинг бошига айлантириб уриб, кунботарга қараб қочиб кетгиси келди. Кейин ерга қўнган лочиндай пастга эгилиб, бахшининг босган изларининг бирига тўрт бармоғини теккизиб, бирпас турди, сўнг тўрт бармоғини пешонасига суртди. Бармоқ учларидаги совуқлик уни сал ўзига келтирди. Шу пайт ёнбошидан оёқ товуши эшитилди, қорнинг гарч-гурч босилганини туйди. Бола бахши пайдо бўлдимикин, деган умид билан уйқусизликдан қизарган кўзларини товуш келган томонга тикди.

Устига энгашган ҳолда қўлида челақ ушлаб турган Оққизни кўрди. Турсуной гўё ернинг миллионларча сирларидан бирини очган каби тиниқ ва хотиржам овози билан Оққизга деди:

— Мана, янгажон, унинг босган излари. Ҳа, кеча унинг ўзи шу ерда эди. Бугун унинг фақат изи бор. Бу дардга мен қандай чидай, янгажон, қандай чидай?

Оққизнинг илк бор дами ичига тушди. Ҳовлиққани учун зўрга ўзига келди. Қизнинг қор устидаги ҳолатини кўриб, Оққиз қайинсинглисини ақлидан оздимикин, деб тахмин қилди. Оққизни ниҳоятда кўрқитган ҳолат унинг юқоридаги сўзларни айтгандаги овози эди. Сабаби бу товуш Турсунойнинг ўша ҳолатдаги товушига мутлақо ўхшамасди. Бу товуш Оққизнинг фикрига кўра, оху фигони ва ночор оҳангда бўлиши керак эди. Аксинча, товуш ниҳоятда тиниқ ва ишончли оҳангда жаранглаган эди.

— Жоним, бу қанақа ўтириш? — деб Оққиз унинг билагидан ушлаб, юқори кўтарди.

— Мен унинг босган изларини кузатдим, — деб Турсуной яна назарини кунботарга қаратди. — Янгажон, мен кечаси билан ўйлаб чиқдим. Бу қийин аҳволдан чиқадиган илинж кўзладим. Лекин топган нарсам, олган қалъам йўқ. Аммо мен йўлини топаман. Янгажон, йўлини топмаса бўлмайди...

— Азизам, ўладиган тулки уясига қараб увиллар экан. Ҳозирги ҳаракатларинг ўшанга ўхшайди. Сен бу кетишингда кўнгилсиз бир балонинг устидан чиқадиганга ўхшайсан... Мен сенинг кўлингга тикан киришига ҳам рози эмасман, ахир...

Оққизнинг бу сўзлари қанчалик тўғрилигини билса-да, қизга бу сўзлар маъқул бўлмади.

— Янга, бу ерда тулки, чиябўри деган сўзларнинг нима кераги бор? У сўзлар севги сўзининг мартабасини пастга туширади.

— Жоним, гуноҳимни ўзинг кечир. Мавриди келди, деб айтдим-қўйдим-да. Барибир бу мақсадингдан воз кеч, азизим. Уйни қонга булғама. Узингни хор этмагин.

Турсуной шундан кейин янгасига ҳеч нима демади. Бола бахши босган изларнинг бири ёнига борди, пастга энгашиб, ундан бир чимдим қор олди ва манглайига суртди. Унинг кетган йўналишига қараб чиройли лабларини бироз қимтиб, ичидан бир нарсалар деб шивирлади. Кейин юзини кунботардан олмай:

— Бола бахши, билиб қўй, ўлсам ерникиман, тирик бўлсам фақат сеникиман... — деб, челагини сувга тўлдирди ва уйлари томон жўнади. Оққиз ҳам унинг изига тушди. Иккаласи бир оғиз сўзлашмай, уйга кириб боришди. Шу кундан бошлаб, Турсуной ҳеч ким билан гаплашмай қўйди, ҳатто Оққиз билан ҳам гаплашишни тўхтатди. Қиз ўша дамдан бошлаб қудуқ бошида ичган қасамини бажаришга киришди.

Ўн беш кун вақт ўтди. Бу кунлар Турсуной учун ўт билан оловга қоришиб ўтди. Аммо бу вақт ичида ҳеч қандай воқеа содир бўлмади. Агар кунботарнинг кўз илғайдиган қисми оқ қоғоз, Турсунойнинг назари ўқ бўлган бўлса, унда кўз илғайдиган қисмда бутун жой қолмаган эди.

Ўн олтинчи куни офтоб ўз нурларини соча-соча ботишга яқинлашиб қолганди. Шу пайт кунботардан оқ эшак минган, катта телпакли, ёнбоши сувқовоқли бир қаландар кўринди. Унинг келиши жуда ғалати эди. Йўлнинг икки томонидаги уйларнинг ҳеч бирига қайрилмай тўғри Қудратилла бойникига қараб келарди. Уйнинг олдида чиқиб, ўша томонга тикилиб турган Турсунойнинг юраги шиф этиб

кетди. Бу қаландар гүё қиз тарафга келаётгандай туюлди. Қаландар ҳам келиб, уйнинг олдида эшагини тўхтатди.

— Ё, ҳақ, бало даф! — деб эшагидан ерга тушди. Қизнинг юзига диққат билан тикилди.

## ЙИГИТ ЮРАГИНИНГ БАЁНИ

Қамишзор этагидаги қудуқ бошида Бола бахшининг юрагига санчилган ўқнинг яраси вақт ўтиши билан битиб кетиши керак эди. Аммо бундай бўлмади. Ярагининг дарди ортди, таърифи кенгайди. Бола бахшини ўтдан олиб, сувга ташлади. «Одам нима учун шундай яратилган экан-а? Бир томонга оғилса ёки бир томонга йиқилса, уни дарров ҳал қилса бўлади. Акс ҳолда бу ерда ўзига хос ҳеч нима бўлгани ҳам йўқ. У менга меҳр билан қаради. Мен ҳам шундай қилдим. Бу нарса «Ассалому алайкум, ваалайкум ассалом» дейилгандай, бирпасдан кейин эсдан чиқиб кетиши керак эди. Лекин у қарашлар кўз ўнгимдан ҳануз кетмаяпти?».

Йўрға отнинг устидаги паҳлавон келбатли гижжакчи кўп йиллардан буён бирга ишлашиб юрган ёш дўстининг аҳволини сезиб келарди. Шу қудуқнинг бошига етгунларига қадар Бола бахши бутун йўл давомида ўйнаб-кулиб, ҳазил-ҳузул сўзларини айтиб келаётган эди. Ўзи ҳам куларди, Ошиқ Ойдин пир каби салобатли гижжакчини-да, кулдирарди. Лекин отлар суғорилиб, йўлга тушганларидан бошлаб Бола бахшининг тили тутилди. У қудуқнинг бошидан кўзғалиши билан гижжакчидан ўзининг саволларига жавоб олгач, оғзига мум тишлагандай жим қолди. Кўпни кўрган гижжакчи Бола бахшини бу йўлдан қайтаришни юрагига тугиб, тақдирга тан берганича йўлида давом этиб келарди.

Улар йўл юриб, йўл юрса-да, мўл юриб, қишлоқларига едилар. Бола бахши йўлнинг бўлинган жойида отининг бошини тортди. Гижжакчи ўзи билан тенглашгач, унга деди:

— Бахши оға, уйга борайлик. Нон еб, чой ичиб, сўнг қайтарсиз. Йўлда анча чарчадик ҳам.

Гижжакчи унинг юзига диққат билан тикилди-да:

— Ўғлим, кўп раҳмат. Соғ бўл. Нон-чойни ҳали кўп баҳам кўрамыз. Ўзинг биласан, уйдан кетганимизга икки ҳафтадан ортиқ вақт ўтди. Мен ҳам уйдан хабар олай. Лекин, болам, мендан рухсатсиз қадам босма! — деди.

— Тушундим, ёшулли. Маслаҳатлашамиз...

Ўт-ем еб юрган уйига яқинлашган от баланд овозда кишнади. Бу овозга Бола бахшининг онаси югуриб ташқарига чиқди. Узун бўйли, бошига қизил гулли рўмол ўраган, устида қизғиш кўйлак, истараси иссиқ аёл отнинг жиловидан тутди-да, унинг бош-кўзларини силади.

— Ўғлим, соғ-омон келдингми? Худога шукр, кўринишинг жойида. Йўлда қийналмабсан. Худога минг бора шукр, ўғлим. Лекин шаҳдинг пастроқ кўриняпти. Ёки бирортаси кўнглингда тегдими? Онангдан яширма, болам, нима бўлса айтавер...

Бола бахши отдан енгиллик билан сакраб тушди-да, онасининг юзига тикилиб деди:

— Йўқ, онажон, менинг кўнглимга тегмадилар. Аксинча, менинг кўнглимни кўтардилар. Бироқ... Ўзингиз соғ-омон ўтирибсизми?

— Шукр, болам, худога беҳисоб шукр. Аввало худо, қолаверса, сенинг соянгда онанг хор бўлаётгани йўқ. Ҳа, ризқинг катта. Тўрт



томондан тинмай келиб туришибди. Мен эса сенинг қайтишингни кутаман. Улар эса сени мендан олиб кетишга келишади. Бахшининг қисмати шу экан, болам. Нима бўлса ҳам сўнги хайрли бўлсин.

— Онажон, қайғу қилманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Уйда одам борми?

— Одамдан кўпи йўқ, болам. Меҳмонхонага боравер. Мен отингни қантариб боғлайман. Танаси совигач, ўзинг эгарини оларсан.

Меҳмонхонани тўлдириб ўтирган одамлар Бола бахшини йўқотиб топгандай кутиб олишди. Кекса-ю, ёш уни кичик демасдан барчалари ўринларидан туришди. Соғлиқ-омонлик сўрашиш, ҳол-аҳволни билиш ярим соатга яқин вақтни олди. Шундан кейин овқат тортилди. Узоқ ўтириб суҳбатлашиб, хотиржамлик билан овқат ейишди. Сўнгра келган одамлар навбатма-навбат ўз қақриқларини айта бошладилар. Бу таклифларнинг ҳеч бирини рад этиш мумкин эмас эди. Бола бахши уларнинг барчасини қабул қилди. Бирдан унинг юрагига пичоқ санчилгандай бўлиб, кўз олди қоронғилашиб кетди. Бахши ўзи борадиган бу тўйларга Турсуноининг оёғи етмаслигига қаттиқ ачинди. «Ҳай, зиёни йўқ. Мен бу тўйларни тез ўтказиб қайтаман. Кейин бутунлай унинг изига тушаман».

Меҳмонлар Бола бахшига миннатдорчилик билдириб, бирин-кетин манзилларига жўнашди. Сўнгра бахши уйда ўзига боғлиқ бўлган юмушларни бажара бошлади. Оқшом чойини меҳмонхонада онаси билан бирга ўтириб ичишди.

— Ўғлим, қачон, қаерга борадиган бўлдинг?

— Индинга эрта билан Ахал томонларга кетишим керак. Узоғи билан ўн беш кунлардан кейин қайтиб келаман. Ўзим ҳам жуда чарчаганман.

— Вой, ўғлим, юртнинг дардига яраб турганингга шукур қилгин.

— Унга минг бора шукур, онажон.

Онаси ўғлининг юзига қараб, бир муддат ўтиргач, ботиниб сўради:

— Ўғлим, келганингда шаҳдинг пастроқ эди. Онанинг юраги ҳамма нарсани сезади. Сен йўлда нималарга дуч келдинг, болам?

Бола бахши бироз ерга қараб ўтирди. Нималарнидир эслагандай бўлиб, ўйга толди. Кейин аста бошини кўтарди.

— Айтақол, болам, айтақол. Асл фарзанд онасидан сир тутмайди.

— Айтсам, шундай гап, онажон. Менинг бошимга ишқ савдоси тушганга ўхшайди.

— Тилингдан айланай, ўғлим, — деб онаси рўмолини қўлига олди ва севинч кўз ёшларини артди. — Мени шу кунларга етказган худойимга минг бор шукурлар бўлсин. Даданг бечора бу сўзингни эшитиб билмади. Зарари йўқ, фаришталар аллақачон бу хабарни унга етказгандирлар. Қани, болам, айт-чи, кимни юрагингга тугдинг. Ҳарна оёғи изли-қутли бўлсин...

Бола бахши Турсуной борасида, унинг бошқаларга ўхшамаган гўзаллиги тўғрисида тўлиб-тошиб гапириб берди. Онаси ўғлининг сўзларини юзларини ўзгартмай, қувончли жилмайиб тинглади. Лекин Турсуноининг номи илк бор тилга олинishi билан бу севгининг охири войлигини, ўғлини эса бу ишқ савдосидан қайтаришининг ўзига ниҳоятда оғир тушишига онаизор тушуниб, унга нима десам экан, деб айтадиган сўзини ўйлай бошлади. Бола бахши сўзини тамомлади. Умид билан онасининг юзига боқди.

Ана шундай масалаларда онанинг ўз боласи кўнглини ўқситмасликка ҳаракат қилишини ҳамма билади. Бола бахшининг

онаси ҳам ҳозир боласини ранжитмасликнинг иложини топса, ўзини бахтиёр деб ҳисоблаган бўларди. Аммо у қанчалик қийин бўлмасин, ўз истаганига қарши боришга мажбур бўлди.

— Болам, айтганларингни жоним билан тингладим. Шу вақтгача уйланиш ҳақида рўйхуш бермасдан келдинг. Бугун эса кўнглингни очиб ўтиришинг мени жуда қувонтирди. Аммо менга айтиш қанчалик қийин бўлмасин, сенга бир нарсани айтмасам бўлмайди. Ўғлим, бу ишқ савдоннинг охири бўлмайди.

— Нега, онажон? Нима сабабдан охири бўлмайди?

— Менинг юрак-бағримни поралама, ўғлим. Қудратилла бой одам. Биз бўлсак ғариб ва етиммиз. У қизини бизга бергандан кўра ерга тикишни маъқул билади.

Бола бахшининг хўрлиги келиб, томоғи тўлди. Бирданига бахшини етимликнинг, ғариблик ва тенгсизликнинг аччиқ ҳақиқати чангалига олди. Бироқ озгина ютиниб ўтиргандан сўнг, дадил-дадил гапира бошлади:

— Она, бойлик билан камбағалликдан ташқари, одамийлик, юрак амри деган нарсалар ҳам бор, ахир! Турмуш, ҳаёт деган тушунчаларнинг маъноси фақат кимнинг неча минг қўйи борлиги билан белгиланмаса керак. Товушим ва қўлимга кўз тегмаса, Турсунойни оч-наҳор қўймасман. Эски қўйлак кийдирмайман. Нега шуларни Қудратилла бойга тушунтириб бўлмайди. Керак вақти у мени уйи олдида уч кеча-кундуз ашула айттирди. Нима, энди Турсуной бизга керак бўлганида, наҳотки у бунга қаршилиқ қилса?! Одамлар бир-бирлари билан суянишиб яшашса, қайтанга яхши бўлмайдимиз?

Ўғлининг ҳақиқат билан йўғрилган бу сўзлари онаизорнинг бағридан ўқ бўлиб ўтарди. Чунки ёш юракнинг ҳаёт тўғрисида ўз ишончи, ўз тушунчаси бор эди. Тўғриси, шундай бўлиши ҳам керак эди. Лекин турмуш, ҳаёт бу тушунчаларга осонлик билан йўл бермас. Онаизорни азобга қўйган нарса ҳам шу эди. «Ўғлим ҳали бола. Ҳануз турмушдаги кўп аччиқ-чучукларнинг маъносига тушунавермайди. Унга қарасанг, барча нарса ўз-ўзидан гуллаб кетаверадигандай...»

— Ўғлим, — деб чуқур хўрсиниб гап бошлади она, — Болажоним, сенинг кўнглинг учун мен қишлоқ оқсоқолларини жамлаб, Қудратилла бойнинг ҳузурига юбориб кўраман. Лекин олдиндан айтиб қўйай, бу ишимиздан бирор нарса чиқишига кўзим етмайди. Бой оқсоқолларимизни беҳурмат қилиб, уларни итларига талатиб қувар. Мен уларни кафтимда кўргандай кўриб турибман.

— Онажон, бундай ният билан одам юбориш нимага керак?

— Мен бўладиган гапни айтдим. Нијатимнинг қандайлигини худо билади, сен ҳам биласан.

— Оқсоқолларни қачон юбормоқчисиз?

— Сен ваъда берган жойларингдан қайтиб кел. Мен шунга қадар одамларнинг бошини жамлайман. Улар ҳам осонлик билан рози бўлишмайди. Нима бўлса-да, мен уларни сен келгунга қадар рози қилишга ҳаракат қиламан.

Онасининг ишончсизлиги бахшининг шаҳдини қайтарган бўлса-да, ёшулларнинг бошини бир жойга бириктирмоқчи бўлгани руҳини кўтарди. Олдидаги қоронғи кеча нурга тўлгандай бўлди.

Яна бир кун уйларида бўлишиб, иккинчи кун тонг саҳарда Бола бахши шериги билан эл хизматига отланишди. Кекса гижжакчи билан у кўп қишлоқларда бўлиб, бир қанча катта тўйларни ўтказишди. Минг-минглаб пул тўплаб, кўпдан-кўп «соғ бўл»ларни эшитиб, ўн тўрт кун деганда қишлоқларига қайтиб келишди.

Қишлоқ ёшуллилари номозжума куни тўпланишиб, Қудратилла бойниқига боришга қарор қилишди. Жума кунигача яна уч кун бор эди.

Бола бахши гоҳ уйга кирар, гоҳ ташқарига чиқарди. Утиришга қарори етмасди. Гўё ичини ит талаганга ўшарди. У узоқ қишлоқларда бўлган икки ҳафтасини фақат Турсунойни ўйлаб ўтказган эди. Кекса гижжакчи Бола бахшининг бу галги ашула айтишларини кўриб ҳайрон қолди. У устози Хидир бахшини эмас, балки энг уста ва манаман деган бахшилардан ҳам ашула айтишда ўзган эди. «Бу дардни» номли кўшиқни куйлаганда, «Бунинг даражасига етадиган бахши бўлмас-ов» деб, кекса гижжакчи ҳам бошини чайқаганини билмай қолди.

У севги таъсирида очилган гулдай бўлиб юрар экан, куннинг ботишига яқин уй тўрига ўтиб, олдига бир чойнак чой олди. Чойни ичиб бўлар-бўлмас, шошилиб ташқарига чиқди-да, жануб томондаги каналга томон тез-тез юриб кетди. Кўприкнинг устига чиқиб, яширинча иш қилаётган одамдай тўрт томонига қараб олди. Кейин кичкина қулбанинг олдига борди. Қўлбола супанинг устида турган белқовоқни кўриб, совға олган боладай қувониб кетди. Ичкаридан узун оқ соқолли, катта телпакли, бақувват қаландар чиқди. У Бола бахшини йўқотиб топгандай хурсанд бўлиб қарши олди. Соғ-омонлик сўрашгандаридан сўнг супанинг устига ўтиришди.

Қаландарнинг овози тегирмон товуши сингари йўғон эди.

— Ўғлим, чой қайнатаман. Ҳозир сенга алоҳида хизмат этолмайман. Янганг туғишганлариникига кетган...

— Кўп яшанг, қаландар оға! Ҳозир менга чой ҳам, нон ҳам керак эмас. Менга фақат сизнинг ўзингиз керак эдингиз. Яхши ҳам уйда экансиз. Менинг ҳол-аҳволимни сўранг.

— Ҳол-аҳволингни, албатта, сўраймиз, ўғлим. Шошиладиган жойимиз йўқ. Қалай, борган жойларингдан соғ-омон қайтиб келдингми?

— Худога шукур, қаландар оға. Борган жойларимизда ободончилик экан.

— Шундай бўлгани яхши, болам. Эл-юртда ободончилик бўлса, унга яна нима керак? Лекин ҳозир сени бошқа бир нарса безовта қилаётганга ўхшайди. Жуда безовтасан. Дилингда нима бўлса, айтавер, ўғлим. Эшитай, қўлимдан келса, сенга ёрдам бераман.

Бола бахши бутун диққат-эътиборини бир жойга жамлади.

— Ёшулли, мен сизни худонинг ердаги севган бандаси, азиз авлиёсифат одам ҳисоблаб ёнингизга келдим. Сиз менга ёрдам бермасангиз, бошқа кўмаклашадиган одам йўқ, — деб Бола бахши бошидан ўтказганларини ҳаяжонлана-ҳаяжонлана бир бошидан айтиб берди. Қаландар оғиз очмасдан, унинг сўзларини жимгина тинглади. Бахши сўзини тамомлагандан кейин ҳам бир неча дақиқа ерга қараб ўтирди. Бахшининг юрагида бир гулгула пайдо бўлди. У қаландарнинг кўнглига тегдим, уни хафа қилдим, деб ўйлай бошлади. Шу сабабли ёлворгансимон куйидаги сўзлар билан фикрини яқунлади:

— Қаландар оға, мен балки саробга тушиб, йўқ нарса билан қувлашиб юргандирман. Балки Турсунойнинг ноз-карашмалари, менга боқишлари бўйи етган айрим қизларнинг қилаётган навбатдаги ўйинларидан бири бўлиши мумкин. Мен ана шу номаълум аҳволни билишим керак. Ана шу юмушни кўнглингизга олмасангиз, сиздан бошқа одам бажара олмайди. Менинг айтадиган гап-сўзим ана шу. Қолган иш сизга боғлиқ.

Қаландар ҳар бир сўзни йўғон бўғзидан сиқиб чиқаргандай, хириллаб жавоб берди:

— Бўлади, ўғлим, бўлади. Индинга мен сенга у қизнинг жавобини олиб келаман.

Бола бахши қаландарни бағрига босди. Кейин белқовоқнинг ичига бир ҳовуч кумуш танга ташлади.

### ҚАЛАНДАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Қуёш ботаётган бир пайтда Қудратилла бойнинг уйи олдига келиб, эшакдан тушган қаландарни Турсуной изига эргаштириб, бева-бечоралар учун мўлжалланган меҳмонхонага олиб борди. Сўнгра онасининг ёнига югурди:

— Она, бир қаландар келди. Унга қандай хизмат қилиш керак?

Уйнинг тўрида узоқ хасталиқдан шишиб кетган онаси ётган жойида инграна-инграна бир оздан сўнг жавоб берди:

— Қаландар худонинг азиз одами бўлади. Балки унинг дуо-туморлари менинг дардимни енгиллатар. Унга нон-чой бер. Тунаб қолмоқчи бўлса, жой солиб бер. Ётишдан олдин қуюқ-суёқ овқат беринглар. Уларга маъқул бўлсанг, армонинг қолмайди, болам.

Турсуной чой дамлаб, дастурхон олиб кирганда қаландар ерга қараб, ўйга чўмиб ўтирганди. У қизнинг юзига диққат билан тикилди-да:

— Қизим, уйингизда эркак одам кўринмаяпти. Бой ота бирор жойга кетдиларми? — деб сўради.

Қиз қаландардан кўрқмади, уялмади. У уйда шундай тарбияланган ва ўргатилган эди.

— Отам акаларим билан Хива бозорига қўй олиб кетишди. Улар икки кундан кейин келишади.

— Сен Қудратилла бойнинг кичик қизи Турсуноймисан?

— Шундай, Қаландар оға.

— Ҳозир ташқарида бизнинг сўзимизни эшитиб турган борми?

Қизнинг юраги тез-тез ура бошлади. Унинг бутун вужудида тил билан тасвишлаб бўлмайдиган ғалати ҳолат юзага келди. Бадани титради, бармоқларининг учига тикон санчилгандай бўлди. Қиз қаландарнинг кунботардан тўғри ўзларининг уйларига келишида қандайдир бир ҳайрон қоладиган аломат бор-ов, деб фикр қилган эди. Унинг кўз ўнгида дарров Бола бахши намоён бўлди. Лекин эл ичида юрган бу қаландар билан Бола бахши ўртасида қандай боғлиқлик бўлишига унинг ақли етмасди. Барибир қиз қаландарнинг хавотирланиб туришидан унда қандайдир сир борлигини сизди. Тезлик билан тева-атрофига қаради.

— Йўқ, Қаландар оға. Эшитиб турган одам йўқ. «Сирингни тезроқ айта қолсанг-чи», — деган маънода қаландарнинг юзига умид билан қаради.

Қаландар кўзғалиб қўйди. Нигоҳини тиззасининг пастига қаратди.

— Қизим, унда яхшилаб қулоқ сол. Мен худонинг бир бандасининг юмуши билан сенинг олдинга келдим.

— Ҳа, ҳа, қаландар оға, — деб Турсуной олдинга сурилди. — Айтаверинг, сўзингизни...

— Айтадиган бўлсам, бундай. Бу нарса турмушда бўладиган урф-одат. Шу сабабли менинг айтганларимни уялмасдан, пухта эшит. Қишлоғимизда Бола бахши деган бир йигит бор. Ана шу йигит мени сенинг ёнингга юборди. У сенинг ишқингда ёниб, мажнун бўлиб юрибди. «Бир неча кун олдин Қудратилла бойнинг қамишли қудуғининг бошида бир паризод кўрдим. Шундан бери тинчимни йўқотдим. Кечалари ухлай олмайман, кундуз кунлари одамдай ўтира

олмайман», дейди. «У қиз бутунлай менинг ақлу ҳушимни олди», дейди. У юрагидагиларни яширмай айтди. «У париваш менга кулиб боқди. Ўзининг ноз-карашмалари билан юрагимни поралади», дейди. Мени сенинг олдинга юборишининг сабаби шундан. У сенинг ўша жилмайишларингнинг чин ёки ҳазиллигини билишни истади. Кўнглингнинг кимдалигини билмоқчи. У бечора ишқингда девона бўлиб юрибди.

Агар ўтирган уйларининг шифтида тандирнинг оғзича янги офтоб пайдо бўлса-да, қиз бунчалик қувонмасди. Энг олдин Турсуной қаландар устига ўзини отиб, уни қучоқлагиси, гўштдор бетларидан ўпиб олгиси келди. Кейин катта телпагини олиб, кўрпача устига қўйгиси, оппоқ сочларини нозик бармоқлари билан силагиси келди. Қизнинг тили ҳеч нима демаса-да, унинг кўзлари, қарашлари унинг юрагидагини юзага чиқариб турарди. Аммо унинг қизлик шарм-ҳаёсидан чиқиши асло мумкин эмасди. Бунга Турсунойнинг ақли, фаҳм-фаросати етарди.

Қизнинг овози ишончли ва қатъий чиқди:

— Қаландар оға, уни юрагимга ишонмаслигининг сабаби нима экан?

— Қиз юрагини билиш, айниқса, бир кўрганда билиш жуда-жуда мушкул, болам. Бола бахши шу йўл билан иш кўриб жуда тўғри қиляпти. Сен бундан хафа бўлма.

— Йўқ, Қаландар оға, мен ундан хафа эмасман. Бироқ унинг менинг аҳволимдан беҳабарлиги қийнайди мени. Сиз, у сенинг ишқингда девона бўлиб юрибди, дедингиз. Мен ҳам унинг ҳолатидаман. Энг ёмони дардимни тушунадиган, унга дармону малҳам бўладиган яқиним йўқ. Бахши ёнингизга бориб, ичидагини сизга баён қилган бўлса, менинг бундай одамим йўқ. Жонимни ишонган ёлғиз бир янгам бор. У бечоранинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди. Қани, энди ўйлаб кўринг-чи, кимнинг аҳволи қийин экан?

Қаландар бу қизнинг диловарлигига, ақлли фикр юритишига қойил қолди. У ҳеч маҳал қиз бола билан ўтириб, бу тарзда суҳбат қурмаган эди. Ҳозир унинг учун янги бир дунё очилганди.

— Ундай бўлса, қизим, мен унга Турсунойнинг юраги фақат сенда, унинг юрагида бошқа одам учун бир бармоқча ҳам жой йўқ экан, деб айтаверайинми?

— Шундай десангиз ҳам бўлади. Аммо мен учун у айтганларингиз кам, қаландар оға. Сиз унга Турсуной фақат сенинг номинг ва ҳаёлинг билан яшаяпти. Сенсиз унга бир дам ҳам керак эмас, денг. Тирик бўлсам уники, ўлсам қора ерникиман деб айтди, денг унга.

Турсуной қаландарни бутунлай, лол қолдирди.

— Энди, бу ишларнинг сўнги нима бўлади? Бу тўғрида ҳам қандайдир фикринг бўлса керак? Балки, ўзинг бирор йўлини топгандирсан?

— Қаландар оға, менинг бу ҳақда ўйлашимга вақтим йўқ. Мен фақат унинг тўғрисида ўйлайман. Ўзи нима истаса, қандай йўл топса, шуни қилаверсин. Мен барчасига розиман. Ўл деса ўламан. Арава юбориб, ўлигимни олиб кетаверсин. Яша деса, яшайман. Қочайлик деса, унга ҳам тайёрман. Унинг бирор майлига қарши эмаслигимни етказинг.

Қаландар ичидан «офарин» деб, икки қўлини кўксига қўйди:

— Энди, қизим, мен турай.

— Сиз бугун меҳмон бўлиб қоласиз, — деб Турсуной эътироз билдирди. — Аввало ўзингиз учун ҳам қоронғи кечада йиқилиб,

туртиниб-суртиниб юриш яхши эмас. Кейин шундай хабар билан келганингиз учун ҳам, сизни меҳмон қилмасдан юбормайман.

Қиз шу сўзларни айтгандан кейин елиб-югуриб хизмат қила бошлади. Кетма-кет иссиқ чой олиб келди. Турли ширин таомлар тортди. Хива тупроғида пишган энг сара гуручлардан палов пиширди. Ётишдан олдин қаландарга жундан янги тўқилган тўн совға қилди.

— Қаландар оға, сиз эрта билан йўлга тушасиз. Мендан унга кўп салом айтинг. Кўзим доимо унинг йўлида эканлигини бахшига тушунтиринг. Энди эса менга оқ фотиҳа беринг. Дейдиларки, худонинг энг азиз одами дуоси яратган эгамнинг қулоғига тез етар эмиш.

Қаландардан оқ фотиҳа олиб, қиз хайрлашиб чиқиб кетди.

Уйнинг ичида бир ўзи қолган қаландар ҳали ҳам Турсунойнинг дадил ҳаракатларига, доно сўзларига лол қоларди. У хотин-қизларда бундай хатти-ҳаракатларнинг борлигига асло ишонмасди. Унинг ўйлашича, аёл сотиб олинган буюм сингари уйга олиб келинарни. Кейин у буюрилган юмушларни бажариш билан шуғулланиши керак эди. Аёлнинг ҳам сўзлашишга, ўйлашга уқуви бор, деган фикр қаландарнинг миясига ҳеч ҳам ўрнашмас эди. Шунинг учун ҳам Турсунойнинг қиёфаси кўз олдида жуда баландларга кўтарилди.

Қаландар эрталаб тонг ёришгач, йўлга тушди. Қуёш чиқиб, кун тиккага келганда Бола бахшининг уйи олдида:

— Ё, ҳақ, бало даф! — деган товуш эшитилди. Бу овозни эшитган бахши довдираб, олдидаги егуликларни сочиб, югуриб ташқарига чиқди.

Улар ҳурмат билан саломлашдилар. Қаландар:

— Ўғлим, қани, менинг ёнбошимда юр-чи. Сен билан бўладиган гап-сўзимиз кўп, — деди.

Бола бахши:

— Балки, уйда сўзлашармиз. Онамнинг ишлари кўп. Иккаламиз хотиржам ўтириб сўзлашайлик, — деб илтимос қилди.

Қаландар рози бўлмагандан кейин иккаласи жануб томондаги сой кўприги тарафга юриб, суҳбатлаша бошладилар. Қаландар бўлган воқеаларни бирма-бир сўзлаб берди. Йигитнинг хурсандлигини ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмасди. У ҳозир етти қават осмоннинг тепасида олғир бургут каби қанот қоқарди...

Шу куннинг эртаси Бола бахши эрталабдан ўз тенгқурларини уйига чақирди. Қўй сўйишди. Иссиқ нонлар ёпилди. Қозонларда турли таомлар пиширилди. Пешинга яқин етти-саккизта қишлоқ оқсоқоли виқор билан савлат тўкиб, бахшининг уйига кириб келишди.

Овқат бошидаги суҳбат фақат совчилик тўғрисида бўлди.

— Қудратилла бой қизини бахшидан яхши одамга бермайди. Шунинг учун у бизни ноумид қилолмайди.

— Ҳей, бой оғзига сиққанини айтсин. Бахшининг кучи етмаса, кўплаб кўмаклашармиз. Бойни рози қилсак бўлди-да.

— Бахшининг отаси ҳам юртдан нарсасини аямади. Биз ҳам унинг ўғли учун боримизни аямаймиз.

— Ҳой, одамлар, яхши ният билан борайлик. Балки, ишимиз шундай ҳам битар.

— Иш битиши керак. Савдомиз бароридан келсин. Бола бахши орқали номи тилларга дoston бўлган қишлоғимизнинг бу фарзанди ҳеч бир йигитдан кам эмас.

Маслаҳат узоққа чўзилди. Ёшуллиларнинг барчаси умидни қўлдан бермай, ўз фикрларини айтишди. Бола бахшининг онаси ҳам қўлидан

келган хизматни аямади. Ниҳоят, эрта билан йўлга тушишга қарор қилишиб, ҳаммалари уй-уйларига тарқалишди.

Одамлар кетгандан сўнг Бола бахшининг юраги сиқилиб, безовталана бошлади. У жимгина ўтириб, бўлган гап-сўзларнинг ҳаммасини эшитди. Ёшуллиларнинг фикр-мулоҳазалари унга маъқул бўлди. Бирданига у Қудратилла бой рози бўлар, борган бу кексаларнинг сўзини қайтаролмас деган хулосага ҳам келди. Аммо секин-аста номаълум бир гам унинг юрагини гижимлай бошлади. «Агар бой рози бўлмаса, борган одамларни изига қайтариб юборса, унда нима қилиш керак? Қиз мен нима десам шунга рози экан. Бу яхши нарса. Лекин бу ишни қандай қилиб амалга ошириш керак? Олиб қочиш керакми? Қаерга олиб бориш керак? Мен Қудратилла бойнинг қизини олиб қочиб келдим, десам, ким мени уйига киритади? Ёки ватанни бутунлай тарк этиб, узоқ юртларга кетсаммикин? Унда менинг орқамда қолганларнинг тақдирини қандай бўлади. Онамнинг сочидан судраб, уни эл-юрт ичида масхара қилишмайдими? Яхшиси, мен ёшуллиларнинг олиб келадиган хабарига қарай-чи? Агар улар яхши хабар олиб келмасалар, унда олдин онамни Аҳалга кетаётган карвонга қўшиб юбораман. Кейин Турсунойни олиб, унинг орқасидан бораман...»

Бу, албатта, ёшликнинг ботилона ўй-фикрлари эди. Онани нотаниш ерларга қандай ўбориш керак? Кимникига бор деб жўнатиш керак? Онаси у ерда кунини қандай кўради? Агар олиб қочиш ўнгидан келмаса, сўнги нима бўлади? Ҳам онасидан, ҳам қиздан айрилиб ўтираверадими? Бола бахши ҳозир булар тўғрисида ўйлабмасди. Унинг миясида Турсунойдан бошқа учун жой йўқ эди. Айниқса, қаландарнинг келтирган хабаридан сўнг у нима олиб, нима қўйганини ҳам билмасди.

Бола бахши қош қорайгандан кейин йўлга тушди. Ҳамма уйқуга кетган пайт бойнинг уйи теварагига бориб, ҳовлини узоқроқдан кузата бошлади. Атрофи дарахтзор бўлган катта ҳовли ой ёруғида узоқдан кундузгидай кўриниб турарди. Лекин уй олдида ҳеч ким кўринмасди. Милт этган чироқ нури кўзга илинмасди. Бола бахши анча вақт уй атрофини кузатгач: «Воҳ, шу вақт уни бир кўрсам эди, унинг билан озгина сўзлашиб билсам эди» деб, тарвузи қўлтигидан тушиб, қишлоғига қайтди.

## СОВЧИЛАР

Қудратилла бой ўғиллари билан Хива бозоридан қайтиб келди. Келган кунининг эртаси ҳеч қаерга бормади. Болалари ҳам ўз уйларида бўлишди. Бой пешин пайти бошига учта, оёғига иккита ёстиқ қўйиб, меҳмонхонанинг тўрида чалқанча ётарди. Шу вақт катта ўғли кириб:

— Ота, беш-ўнта отлиқ ёшулли бизникига келаяпти. Уларга нима деб жавоб айтишим керак?— деди.

Бой тирсагига суянди-да:

— Отлими, эшаклими? — деб сўради отаси.

— Барчаси отли.

— Ундай бўлса, келаверсинлар, — деб бой ётган жойидан турди.

«Эй худо, булар кимлар экан-а? Нима учун бундай тўда бўлиб келаяптилар. Ёки даъво-жанжал чиқдимикин?» деб, Қудратилла бой ўйга толди. Совчиликка келишдимикин, деган ўй унинг калласига келмасди. У яна ўйлай бошлади: «Одамларнинг орасидаги уруш-жанжаллар тугамайди. Ҳаммаси бир-бирини ейишга тайёр. Буларнинг бошқа жойга бормай, шу ерга келиб турганларига ҳам шукур...»

Хивада савдоси пишиб, кўнгли шод бўлиб қайтган Қудратилла бой келганларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Дарров дастурхон ёзилди, қайноқ кўк чойлар келтирилди. Бола бахшининг қишлоғидан келганлар бойнинг бу ҳолатини кўриб бемалол ўтиришди. Бой бу кишиларни, бу кишилар ҳам бойни яхши танишарди. Шу сабабли чой бошида барчага маълум бўлган нарсалар тўғрисида, ер-сув, ердан ҳосил олиш, баҳорги экин экишга тайёргарлик ҳақида гаплашишди. Бир вақт овқат олиб келишди. Ширин таомлардан қоринлари тўйгач, қўлларини ювишди, тишлари орасига кирган овқат қолдиқларини тозалашиб ўтирар эканлар, келган ёшуллиларнинг гапга чечанроғи ўртага тушган жимликни бузди:

— Қудратилла бой, кеч кияпти. Сен энди бизларнинг хабаримизни олсанг яхши бўларди.

Бой очиқ чеҳра билан жавоб берди:

— Нимага шошиляпсизлар? Бугун ётиб кетарсизлар. Ҳозир қиш вақти бўлса, ётиб қолган шошилинич ишларингиз бўлмаса.

— Кўп раҳмат, бой оға, — деб бояги сўзга чечан одам жавоб берди. — Қилган хизматингизга рози бўлинг. Биз ҳам эртарақ бола-чақанинг олдига борайлик.

Бой яна деди:

— Мен қуруқ манзират қилаётганим йўқ.

Бу сўзга ҳаммалари бирдай жавоб бердилар:

— Худо ёрлақасин, бой. Қуруқ манзират эмаслигини билиб ўтирибмиз. Кўп соғ бўлинг.

— Унда ўзларингиз хабарларингизни айтаверинглар.

Гапга чечан оқсоқол сўзни узоқлардан бошлаб, анча яхши гапларни айтди. Сўнг у мулоимлик билан асосий масалани баён қила бошлади:

— Бой оға, сўзимизни мухтасар қилиб айтсак, биз сиз билан қариндош бўлиш учун келдик. Ўзингизга маълум, бизнинг Бола бахшимиз ҳунари билан юртга ўзини танитган йигит. Бўй-бастда, обрўда, ўз ишига усталикда, худога шукур, унинг олдига тушадиган одам йўқ. Одоби, икромии ундан яхши. Бизни сизнинг олдингизга юборганда, бой оғага бориб айтинг, эшигида қул бўлиш керак бўлса, мен тайёрман. Унинг обрўсини доимо юртга ёйиш керак бўлса, унга ҳам тайёрман. Қалин масаласида бўлса, кўнглидагини айтсин. Бир қадам орқага чекинсам, отамнинг ўғли эмасман, дейди. Ўзингиз биласиз, унинг отаси ҳам юрт ичида таниқлик, обрўли инсон эди. Хуллас, у фақирнинг умри қисқа экан, ёлғиз ўғлининг шу даражага етганини кўриб билмади... Ана, бой оға, бизнинг бор бўлган юмушимиз шундан иборат. Сўзимизни тинглаганингиз, иззат-ҳурмат қилганингиз учун мингдан-миг миннатдоримиз.

Бой ерга қараганича, овоз чиқармай жимгина ўтирарди. Уй ичига сув сепилгандай бўлди.

Бу маҳал Турсуной орқа тарафдаги уйлар ўртасида сурувидан адашган кийикдай бўлиб, аниқ бир жойда ўтиролмади, иш қилгандай куйманиб юрарди. У кунботар томондан келган ёшуллиларнинг нима мақсадда келганликларини дарров фаҳмлади. Унинг бутун вужуди кулоққа айланиб, одамлар ўтирган меҳмонхонага қаратилди. Қиз у томондан кулги ёки газабли қичқириқ товуши эшитилармикин деган хавотирда эди. Лекин у кутган нарсаларнинг бирортаси бўлмаслиги қизни ҳайрон қолдирди. Айниқса, газабли қичқириқларнинг эшитилмаслиги унинг юрагида умид учқунларини уйғотди. Хивадан савдоси пишиб, кўнгилдагидек бўлиб келган отасининг бирдан рози бўлиши ҳам мумкин, деган ўй уни озгина хотиржам қилди. «Рози



бўлишса жуда яхши, бўлишмаса энди мен орқага қайтмайман. Бўладиган иш бўлиши керак!» деб қудуқ бошида қилган қасамини эслади. Бу орада икки томонга қатнаб, меҳмонларга хизмат қилиб юрган энг кичик акаси қизнинг ёнига келиб тўхтади.

— Нима қилиб юрибсан?

— Кўрмаяпсизми, идиш-товоқларни ювяпман.

— Уларни нима қиласан?

— Ит ҳурса, оғзига қопқоқ қиламан.

Турсуной билан кичик акаси ўртасидаги гап-сўз доимо ана шундай меҳрли ҳазил-ҳузул билан, бир-бирига тескари жавоб беришлар билан ўтарди.

Акаси афтини бужмайтириб, тиржайди:

— Ановиларнинг нима учун келганини биласанми?

Акасининг бундай тиржайиши қизнинг аъзойи-баданини титратиб юборди. У Бола бахши одамларига бериладиган жавобнинг қандай бўлишини фаҳмлади. Шундай бўлса-да, мардлик билан ўзини тутиб, жавоб берди:

— Менинг келган-кетган билан ишим йўқ!

Акаси ўша ҳолатини ўзгартмай, беписанд гапирди:

— Бола бахши деган бир шўртумшуқ бу қари-қартанларни йиғиб, уялмасдан отамнинг ҳузурига юборибди. Биласанми, нимага? Қудачиликка... Ҳа, ҳа, ҳа...

Турсуной кичик акаси билан бир-бирига меҳрли ака-сингиллигини юқорироқда эслатгандик. Ҳозир, шу пайтда, қиз манман, бошқаларни назар-писанд қилмайдиган олчоқ акасининг бўйнига оғирроқ бир нарса билан уришдан ўзини зўрга тийди. У тишларини қаттиқ қисиб, товушини ҳам чиқармади. Иш қилаётган киши бўлиб турди. Акаси иш билан ўз йўлига кетди. Қиз акасининг орқасидан кўзини олайтириб қаради. «Майли, истаганларингизни қилинг. Йўлингиздан қолманг. Биз ҳам ўз билганимиздан қолмаймиз». Энди унинг қўли ишдан бутунлай совиди. Устини оппоқ қор босиб ётган кенг майдон ҳам ҳозир унинг кўзига тор ҳужра бўлиб кўринди. Катта ола мушуги келиб, «миёв» деди. Қизнинг қўлига суйкалди. Турсунойнинг кўзига ёш тўлди. «Мушуккинам, совқотдингми? Оч қолдингми?» деб, унинг орқасини силади... «Сен қоласан. Тез вақт ичида бир ўзинг якка қоласан. Мени кўришга зор бўласан. Сенинг ҳолингдан ким хабар олади? Ким сени мушукчам деб эркалайди? Мени ҳеч қачон ёдингдан чиқарма. Мени доимо эслаб тургин» деганда, кўзларидан маржон-маржон кўз ёшлар беихтиёр юзидан думалаб туша бошлади.

...Бойнинг ерга қараб ўтириши узоқ давом этди. Уйда ўтирганлар бу жимжитликни бузишга журъат қилолмадилар. Қудратилла бой ниҳоят, чала йўталиб, теварак-атрофга кўз югуртириб чиққач, кескин оҳангда шундай деди:

— Менинг бахши-пахшига узатадиган фарзандим йўқ. Агар бор юмушингиз шу бўлса, унда қандай келган бўлсангиз, шундай қайтаверинглар. Бахшига икки нарсани айтинг: биринчидан, у қариндош бўлмоқчи бўлган одамни ўзи тенги одамлар орасидан қидирсин. Иккинчи айтмоқчи бўлган сўзим, мен келгуси ойнинг ўрталарида набирамнинг соч тўйини ўтказмоқчиман. Ана шу тўйда у уч кун ашула айтиб бериши керак. Келгуси ойда у ҳеч қанақа тўйга бормасин. Юрт кезиб, тўй ўтказиб топадиган даромадини ўзим бераман. Менинг сўзим тамом, вассалом.

Бутун бир катта қишлоқнинг ишини тўғри йўлга солиб юрган ёшулликлар юзларига урилгандай бўлиб, уйдан чиқдилар. Отларига

минишди. Кетиб боришар экан, уларнинг ишлари пишмаганлиги учун манглайлари эгарнинг қошига тегай-тегай деб кетарди. Қишлоққа келганларида улар жонсиз одамга ўхшаб қолгандилар.

Ўшандан беш кун ўтгач, Бола бахши бошқа кунларга нисбатан эртароқ уйғонди. Кечаси бир танишидан олиб келган кўримсиз чўлтоқ отни шошиб-пишиб эгарлади. Уч қават тўн кийиб, унинг устидан эса эскироқ юпқа тўн кийди. Рангини билиб бўлмайдиган эски телпакни бошига қўндирди-да, онасининг ёнига борди.

— Онажон, қалай, бўладими?

— Кам-кўсти йўқ, болам. Эҳтиёт бўлгин.

— Фам чекманг, онажон. Аммо мени сўраб келганларга ишончлироқ баҳона топиб, хафа қилмасдан орқасига қайтаринг.

— Хўп, болам, хўп.

Турсуной билан илк бор учрашган вақтни мўлжаллаб, Бола бахши қамишли қудуқ тараф отини ҳайдади. У бугун Турсуной билан қамишли қудуқнинг бошида учрашишни, ҳеч бўлмаганида у билан бир-икки оғиз сўзлашмоқни юрагига туккан эди. Унинг барча ҳаракатлари, ўзини тутишлари дадил эди.

У айни вақтда қудуқнинг бошига келди. Нова бўш эди. Қудуқнинг челаги ҳам кўринмасди. Бола бахши кўзларини Қудратилла бойнинг ҳовлисидан олмай, қудуқ атрофида айлана бошлади. Бу пайтда товуқларга дон бериб юрган қиз қудуққа томон қаради. Унинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Қиз бу отлиқнинг кун ботардан келишини кўрган заҳоти сувга боришни ният қилганди. У ҳозир сувга бемалол бориши мумкин эди. Чунки уйда отаси ва акалари йўқ эди. Шунинг учун ҳам қиз қўлидаги бир ҳовуч жўхорини товуқлари ўртасига шошиб сепалади-да, челагини олиб, қудуққа томон тез-тез юрди. Йўлнинг ўртасига келганда, у Бола бахшини таниди. Қиз қудуқ бошига келганда, Бола бахши уни шундай сўзлар билан қарши олди:

— Турсуной, париларнинг султони, кўзимнинг қувончи. Ҳозир узоқ туришга вақт йўқ. Сен менинг ўйимда-фикримда, бутун туриш-турмушимдасан. Яхшилаб кулоқ сол. Мен сенсиз яшай олмайман. Сени олиб қочишга ҳам, сен билан қўл ушлашиб ўлишга ҳам розиман.

У қизнинг ўз ёнига қўйган челагини олди-да, сув тортишни бошлади. Бу ҳаракатлари билан ҳеч кимнинг диққатини ўзига тортмай, оташин сўзларини давом эттирди.

— Отанг мени ўзига муносиб кўрмади. Буни биласан. Менга иш буюрибди. Мен бу хизматни астойдил, сен учун жойига етказиб бажараман. Мендан яхшилик қолсин. Энди гап бундай: Онамни Ахалга жўнатаман. Отангнинг тўйи тамом бўлгач, худонинг яхши бир куни, тун яримда бир жойда учрашамиз. Шу жойдан сени отимга мингаштириб, юртдан қочиб кетаман. Агар, Турсуной, жоним, сен шунга рози бўлсанг, менга аниқ сўзингни айт. Мен сенинг шу сўзинг билан нафас олай.

Турсуной Бола бахшининг сўзларини эшитмасди. Эски-туски кийимнинг ичида кулга қўмилган гавҳардай бўлиб турган бу йигит унинг бор эс-хушини олганди. Қиз бир коса шароб ичгандай маст эди. У симобдай титраб туришича, бахшининг хушрўй бармоқларидан, фариштадай чиройли юзидан, келишган қадди-қоматидан кўзини ололмасди. Агар ҳозир ундан отинг ким деб сўралса, Турсуной унга тўғри жавоб беролмасди. У ҳозир гафлат уйқусида ётган паризодга ўхшарди. Бахшининг: «Мен сенинг шу сўзинг билан нафас олай», дейиши уни ҳушига келтирди.

— Бахши, сиз учун ўлимга ҳам, юртдан чиқиб кетишга ҳам розиман. Мен туфайли қўлингиз боғлиқ бўлмасин. Менинг сўзим сўздир, эй йигит! — деди қиз.

— Тилиннга қурбон бўлай, — деб бахши челақни сувга тўлдириб, қизнинг олдига қўйди. Сўнгра унинг кўзларига, олма каби қизариб турган ёноқларига, билакдан йўғон соч ўримларига, қайрилма қошларига шундай меҳр билан тикилдики, қиз бу қарашларга дош беролмай ерга қаради.

Йигит бу фурсатдан фойдаланиб:

— Олдинги сафар чалароқ кўрган эканман. Сенинг еру кўкда тенгинг йўқ экан. Худойим сени менга кўп кўрмасин! — У шу ерга келганда бир тўхтади-да, кейин яна ютина-ютина сўзини давом эттирди. — Энди мен кетай. Бундай ортиқ туриш хавфли.

Қиз севинганидан гангиб қолган бошини зўрға кўтариб, Бола бахшига қаради:

— Яна бир оз туринг... Уйда ҳеч ким йўқ.

— Мен сенинг олдингда итдай ётишга минг марта розиман. Лекин ҳозир мумкин эмас.

Бола бахши армон билан ўқинар экан:

Хитойи бармоқли ул нозик қўлдан,  
Тутсам ўлдирарлар, тутмасам ўлам...—

сатрларини қўшиқ қилиб айтди. Унинг овози аста чиқса ҳам, лекин темирга урилган кумушдай тоза, соф ва тиниқ эди. Бу сатрлар қизнинг бағрини пора-пора қилди. Кўзларига ёш келди. Турсуной кўзларини артиб, яна қарайман дегунича Бола бахши отига миниб, қишлоғи томон кетди.

Турсуной эртасига ўрнидан туролмади. Унинг аъзойи бадани ўт билан оловдай эди. Бир кечада лабларини яра босди. Ҳуши ҳам гўё ўзида эмасга ўхшарди...

## ҲИКОЯНИНГ ОХИРИ

Соч тўйига беш кун қолганда Турсуной ўрнидан турди. У ниҳоятда қаттиқ ҳасталанган эди. Қиз ўзини гўё ерга айлантириб урилгандай ҳис қилар эди. Боши айланар, кўзларининг олди қоронғилашарди. Қулоғида эса Бола бахшининг айтган қўшиқ сатрлари жаранглаб турарди. Ит ҳурса, мушук миёвласа, ҳатто бирортаси баланд овоз билан гапирса-да, Турсунойнинг жаҳли чиқарди. У товушлар қўшиқ оҳанглари эшитишга, ундан ҳузурланишга ҳалақит берарди. Унинг қулоғига бегона товушлар эшитилмаган сайин қизнинг аҳволи яхшиланиб борарди.

Бу учрашув қизда ўзига хос бир таассурот қолдирди. У бу учрашувда йигитни хоҳлаганча кўздан кечирди. Бола бахшининг бўй-бастида зиғирча камчилик топмади. Аксинча, олдинги илк бор кўришганидан ҳам Бола бахши қизга минг марта келишган, меҳрли ва қадрли кўринди. Ундан ташқари қизга ёққан нарса Бола бахшининг очиқ сўзлиги, тиниқ фикрлилиги, Турсунойни ўз тарафига ўтказиб олган одамдай унга ишониб сўзлашлари бўлди Ана шу нарсалар қизнинг кўз ўнгидан ҳеч кетмасди. Шулар сабабли Турсуной доимо хўнграб йиғлашга тайёр турарди. Унинг томоғи ҳамиша йиғи-сигига лим-лим тўла эди.

Қиз ҳам ўз тарафидан тўйга тайёргарликни бошлади. У кундуз кунни одамларнинг кўз олдига бахшининг ашулаларини эшитиш учун дугоналаридан ажралиб олдинга чиқа олмайди. Чунки мингларча кўз қизга тикилиб турса, унинг қўлидан нима ҳам келарди, дейсиз. Кечаси, қоронғи бўлганда бу ишни амалга ошириш мумкин. У ўшанда бахшини қоронғи жойда турганча узоқдан ҳам, яқиндан ҳам тинглаши мумкин. Лекин бунинг учун бахши ўтирадиган жойни аниқ белгилаб олиш керак. Қўйлар турадиган оғилхона жуда ўнғай жойда қурилган эди. Қиз бахшининг ўтирадиган жойини тахмин қилиб, уни оғилхонадан хотиржам кўриб ўтирадиган қилиб бир нечта тешик ясади. Кейин баҳорда ўтирадиган айвоннинг чала сувалган юпқа деворининг бир нечта жойини тешиди. Қизнинг кўнгли хотиржам бўлди. У энди бахшини оғилхонадан ҳам, айвондан ҳам бемалол кўриб, унинг меҳрли қиёфасини кузата олади. Қизга кечқурунги тўйдан бошқа ҳеч нарса керак эмас эди. Турсуной бу юмушларни бажариб бўлгач, нимагадир тугунларни, улардаги қўйлақларини кўздан кечира бошлади. Ёқасига безакдор нақшлар бериб, турли матолардан тикилган хилма-хил қўйлақларини навбат билан кийиб кўрди. Янги ясалган тақинчоқларини бўйнига, дўпписига тақди. Лекин иккита қўйлақдан бошқасини тугунлаб, жойига қўйди. Танлаб олган иккита қўйлагини алоҳида жойлади.

Қиз теварак-атрофида бўлаётган воқеаларга, тўйга тайёргарлик кўраётганларга бефарқ ва ниҳоятда ғамгин эди. У ўзини ожиз сезарди. Қиз гўё бутун дунё билан мангу хайрлашмоқчи бўлган инсонга ўхшарди. Қўли сира ишга бормасди. Аслида ундан иш талаб қилаётган одам ҳам йўқ эди. Қиз нохушлангандан бери Оққиз қўл билан оёққа айланганди. У Турсунойнинг қўлини иссиқ сувдан совуқ сувга урдирмасликка ҳаракат қиларди. Нон ёпиш, кир ювиш, сигир соғиш каби ишларни бойнинг бошқа келинлари бажаришарди. Оққиз баъзан-баъзан қизнинг нозик торларини чертиб кўришга ҳаракат қиларди. Бу билан у қизни сўзлатиб, озгина бўлса-да, дардини енгиллатишга кўмаклашарман деб ўйларди. Лекин қиз муз қотган тошдай Бола бахши ҳақида эмас, балки оддий нарсалар тўғрисида ҳам Оққизнинг ёнида гапирмасди. Оққиз ҳам ҳеч кимга ҳеч нима демаган бўлса-да, Турсунойнинг ўзини тутишидан хавфсирарди. «У ақлдан оздимикин? Кундан-кунга ёмонлашиб бораётганга ўхшайди. Нима қилсам экан-а? Онасига ёки эримга айтсаммикин? Улар нега шу пайтгача индамай юрган эдинг, деб мени азобласалар нима қиламан? Эй худойим-эй, ўзинг шу қизга меҳрибонлик қилгайсан. У бечорани ёмон ишларга бошламагайсан...»

Тўй яқинлашган сайин Турсунойнинг аҳволи оғирлаша бошлади. Баъзи пайтлар баданида битмас-туганмас куч пайдо бўлиб, ўзини қўйишга жой тополмай қолса, баъзан эса танасидаги қувватни кимдир бир нарса билан сугуриб олгандай қўл-оёғини кўтаришга ҳам кучи етмай, сулайиб қоларди. Куч келган пайтлари Бола бахшини отининг сиртига олиб, қизнинг ўзи уни юртдан олиб чиқишга ҳам тайёр бўларди. Кучи қочган пайтлари барча нарсадан умидини узарди. Ёруғ жаҳон унинг кўзига қоронғи маконга ўхшаб кўринарди. Бундай ҳолда узоқ яшаш эса асло мумкин эмасди...

1910 йилнинг 7 январь кунини ҳаво қаттиқ совуқ бўлди. Ҳамма ерни қалин қор босди. Дарахтлар устларидаги қорларни кўтаролмай, эгилиб қолишди. Дарахт шохларидаги қушлар музлаб, кесакдай тизза бўйи келган қорнинг устига думалаб тушарди. Қорамоллар илон кўргандай жунларини диккайтириб, девор ё уйларнинг ёнбошларига ғарам қилиб

қўйилган беда, янтоқ, жўхори гарамларига ёнбошларини тираб туришарди. Одамлар, бола-чақа иложи борича ташқарига чиқмасликка ҳаракат қилар эдилар.

Бироқ бугун тўйнинг биринчи куни эди. Ҳамма оёқ устида туриши, Қудратилла бойнинг хизматини астойдил бажариши керак эди. Шундай ҳам бўлди. Офтоб чиқиши билан тўрт тарафдан отда, эшакда, пиёда одамлар, бола-чақа — барчаси бизга таниш бўлган ҳовли томон кела бошладилар. Улар нон ёпиш, қўй сўйиш, ўчоқ ўрнатиш, бахши қўшиқ айтадиган кенг майдонни тайёрлашга киришдилар. Ҳовли олдидаги майдонга бир неча минг одам сиғарди. Аввал ўша ерни текислаб чиқишди. Кейин супуриб-сидириб қордан тозалашди. Ўртасини мўлжаллаб ер ўчоқ қаздилар. Қиз эса бахшининг ўтирадиган ерини билганидан кейин ўзи ясаган тешиқларни текшириб кўрди. Ихлос билан қилинган иш жойига тушган эди.

Қуёш чиқиб, дарахтлар бўйидан баланд кўтарилгач, яхши безатилган саман отнинг устида олғир лочиндай бўлиб Бола бахши ҳам етиб келди. Фишқачиси ҳам ёнида эди.

Бахши бу фурсатни ҳар дамгидан ҳам зўр зориқиш билан кутган эди. У олдинлари қизнинг қишлоқларига яқин ерларда қўшиқ айтишни истаган бўлса, энди Бола бахши Турсуноининг уйида ашула айтишга келганди. Бироқ бахши Қудратилла бойнинг рад жавобини эсидан чиқармаганди. Бойнинг ёқасидан тутиб, уни ер билан яқсон қилишга ҳам тайёр эди. Аммо бу тўйда бор ҳунарини аямай қўшиқ айтишни дилига тукканди. Бахши бугун узоқ қиш кечаси билан Турсуноининг ёнида ашула айтиши, унинг ҳар бир сўзи эса қизнинг қулоғида жаранглаши керак эди. Бу бахши учун катта бахт эди. Ана шу бахт ҳам унга куч-қувват берарди. Бола бахши келиб, ҳеч нарса бўлмагандай Қудратилла бой билан ихлос-ла саломлашди. Тўй билан бойни қутлади. Бой ҳам гўё ҳеч нима бўлмагандай соғлиқ-омонлик сўради ва уни бахши учун махсус тайёрлаб қўйилган уйга таклиф этди. Олов ёқилиб, дастурхон ёзилди. Дастурлар дарров чой-нон олиб келишди.

Пешинга яқин қутилган меҳмонларнинг барчаси келди. Уй олдидаги майдон одамга лиқ тўлди. Ўртага олов ёқилгандан сўнг у ерга бахшини чақаришди. Бола бахши бургутдай тўрт томонга қараб фишқачисини эргаштириб, унга аталган жойга бориб ўтирди. Қўшиқ айтиш бошланди. Кундузги ашула шунчаки номига айтилган қўшиққа ўхшарди. Уни одамлар тинглашарди, лекин кечқурунги ашула сингари диққат билан эшитишмасди. Йиғилганлар ўзаро суҳбатлашарди, у-бу ишлари тўғрисида ташвиш қилиб юришарди. Бахши эса фақат уни диққат билан кўринмасдан тинглаб ўтирган азиз инсонига етказиш учун ҳар бир сўзига алоҳида маъно юклаб куйлар эди. Бола бахши икки соатча ашула айтгач, паҳлавонлар кураш тушишди, от чоптирилди, меҳмонлар меҳмонхоналарга бўлинди. Кечқурунги ашула кун ботгандан сал кейин бошланди.

Кундуз куни меҳмонхоналарда дам олган меҳмонлар ўзлари тушган уй эгалари билан тўйхонага келиб, олдиндан белгилаб қўйилган ерга жойлашдилар. Кучоқ-кучоқ саксовул кўтариб олган йигитлар ўтинларни ловуллаб турган оловнинг устига ташлашарди. Кичкина чой идишларнинг сони эллиқдан ошди. Улар бирпасда қайнарди. Дамланган чойлар кетма-кет меҳмонларга бериларди. Бахши ҳам қўшиқ айтишни бошлади.

Авалло паст оҳанг соз билан йўғрилиб, одамлар орасига сувнинг кумга сингиши сингари тарқала бошлади. Вақт ўтиши билан дутор

ва гижжакчининг торлари баланд янграб, Бола бахшининг овози яна юксакликларга кўтарилди бошлади. Икки соатча ашула айтилгач, бир басавлат ёшулли ўртага чиқиб, бахшининг олдига катта ой суратли рўмолини ёйиб қўйди.

Бахшига пул ташлаш бошланди:

— Омон ўғли Қорача тўрт червон!

— Қурбон бурун бир бўталоқли туя!

— Аҳмад сариқ бир қўзили қўй!

— Сафар ёғлининг ўғли ўн ботмон буғдой!

— Дурди алаша беш червон! — деб айтилган сўзлар ашула, қўшиқ сатрларининг орасидан эшитилиб турди. Бола бахши жўшиб қўшиқ айтарди, ёшуллининг товуши ҳам узилмасдан давом этиб турди.

Турсуной олдин оғилхонага борди. Ўзи ясаган тешиклардан Бола бахшининг дотор чалаётган нозик, келишган бармоқларини, сувдай тўлқинланиб турган телпагини, қизнинг нигоҳини ўзига тортиб турган чиройли қиёфасини узоқ кузатди. Қиз бахшини кузатар экан, юраги тез-тез урарди. У гоҳ ўтирар, гоҳ ўрнидан туриб кетарди. Кейин у баҳорги айвонга чиқиб, бахшини яқинроқ масофадан эшита бошлади. Теварак-атрофидаги дугоналарининг айримлари қизнинг ҳолатини кўриб, ҳайрон қолишарди. Лекин унинг ўзига ҳеч нарса дейишмасди. Унинг атрофидаги бошқа қизлар эса Бола бахшининг келишган қомати ва чиройли қиёфасига ошиқ бўлишиб, Турсунойни ҳам, бошқа нарсаларни ҳам эсидан чиқаришган эди.

Бахшига совға-салом бераётганларнинг номини айтиб юрган гавдали оқсоқолнинг овози камроқ эшитила бошлади. Кейин бутунлай эшитилмай қолди. Шу вақт бахшига чой тутиб, бошқа хизматларни ҳам бажариб юрган ёшулли одамларга қараб:

— Достонга ўтилса, қандай қарайсизлар? — деди.

— Жуда яхши таклиф!

— Розимиз, достон эштайлик!

— Қайси достонни эшитишни истайсизлар?

— Бахшининг ўзи айтақолсин!

— Мен хизматингиздаман. Қандай достонни хоҳласангиз, ўшани айтаман.

Кўпчилик орасидан:

— Нажаб ўғлон! Нажаб ўғлон!.. — деган товушлар эшитилди.

— Одамлар, тингланг унда Нажаб ўғлонни! — деб Бола бахши достонни бошлади.

Йиғилган халойиқнинг кўзи, қулоғи, бутун вужуди ўртада янги туғилган ой сингари теварагига гўзал қўшиқ, ёқимли оҳанглар орқали «нур» тарқатаётган Бола бахшига қаратилди. Шу атрофда Турсунойнинг ҳам қўшиқ эшитиб ўтирганини ҳис қилган бахшининг куйлашини ҳеч нима билан қиёс қилиб бўлмасди. Мухлисларнинг кўпчилиги доимо тинглаб юрган бахшиларида қандайдир бир кўтарилди пайдо бўлганини сездилар. Сўзлашмай бир-бирларининг юзларига маъноли қараб олдилар. Бахши эса жўшиб куйларди. У қизишиб, баланд оҳангларда қўшиқ айтарди.

Қизнинг тинчлиги бузилди. У уйга кирди-да, тугунларнинг ичига солмай, алоҳида қўйган икки кўйлагини олиб, қўлтиғига қисди. Кейин эса баҳорги айвонга қайтиб келди. Сўнгра келин-қизларнинг орасидан Оққизни топиб, бир чеккага тортди.

— Янгажон, яхши-ёмон гап айтишган бўлсақ, кўнглингизга олманг.

Оққиз илон чаққандай сакраб тушди:

— Бу нима деганинг, жоним?

— Эҳ, юрагим қисиб боряпти. Янгамни бир кўрай дедим-да.

Оққиз бу жавобга ишонмади:

— Тўғрисини гапир, жоним. Мени алдама.

Турсуной гамгин жилмайди:

— Мен сизни алдамайман, янгажон. Сизни яхши кўраман. Менинг айтганларимга ишонаверинг. Майли, энди сиз ишларингиз билан бўлаверинг. Мен бироз бахшини тинглайман,

Оққиз гамгин оҳангда деди:

— Жоним, шу бахши бошинга етмаса бўлди, сенинг!

— Етмайди, янгажон. У яхши одам...

Қиз яна айвонга келди. Бирпас бахшининг куйлашига кулоқ солиб турди. Бирдан унинг вужуди енгиллашди. Фикрлари ойдинлашди. Руҳи кўтарилди.

Худди шу пайт Бола бахши ҳам дostonнинг ўртасидан ўтди. У гижжакчига имо қилди-да, уни қўшиққа жўр этиб, «Бу дардни» деган қўшиқни айтишга киришди. Йигилганларни ёқимли, аммо ғалати бир кайфият чулғаб олди. Лекин ҳеч кимдан садо чиқмасди. Ҳеч ким гап нимадалигига тушунмасди.

Бахши бошиданок қиёслаб бўлмайдиган баланд, ширали овоз билан шу сатрларни мухлисларига бахш эта бошлади:

Сайр айладим, кездим ишқинг тоғидан,  
Не балодир, ким чекар, бас, бу дардни?  
Ишқ тоғин оссалар кўкнинг бўйнидан,  
Кўк титрайди, кўтаролмас бу дардни.

Турсуной бир-икки қадам олдинга сурилди. Дугоналарини қўллари билан бир четга суриб, яна уч-тўрт қадам олдинга юрди.

Бола бахши қўшиқнинг иккинчи тўртлигига ўтди:

Ишқ асар этмаса ёнмас чироқлар,  
Ишққа тушса, бўри инграр, қуш йиглар.  
Эгилар ҳайбатли, қувватли тоғлар,  
Тошлар эрир, чека билмас бу дардни.

Одамлар нима бўлса-да, бирор ҳодисанинг юз беришидан хавотир қилгандай сергак торта бошладилар. Чунки бахшининг бу хилдаги қўшиқ айтиши кутилмаган бир ҳолат эди. Бола бахши бошқариб бўлмайдиган асов отнинг устида ўтиргандек ўз ихтиёрини қўлдан чиқазган эди. «Ҳеч бўлмаса, дostonнинг орасида ўз севгимни яна бир бор англатай» деган мақсад билан у юрт ичида асрлар давомида урф бўлиб келаётган чегарадан чиқди. Унинг мақсади ушбу қўшиқни айтиб, ўз хаёлида Турсуной билан гаплашгиси, сўнгра дostonни давом эттирмоқчи эди.

Бахши шу чоққача кўрилмаган кўтаринкилик билан:

Кимдир ишқнинг юкин тортган мардона! —

деб, қўшиқнинг учинчи бандини бошлаганда, баҳорги айвон тарафдан:

— Мен шу ишқнинг юкин тортган мардона! — деган аёл кишининг тиниқ овози эшитилди. Бу товуш қулоқларига етган кенг майдондаги одамларнинг елкаларига игна санчилгандай, жимирлаб кетди. Шу пайт баҳорги айвон томондан қизил олов сингари бир қиз ўртага чиқди. У ҳеч кимга ва ҳеч тарафга қарамасдан тўғри Бола бахшининг ёнига келди:

— Мен шу ишқнинг юкин тортган мардона! — деб, қизил гулдай ял-ял яшнаб ўзини бахшининг бағрига ташлади. Қишилар дув этиб ўринларидан туришиб, бахши томонга сурилдилар. Ўша оннинг ўзида:

— Қўлларингдан нима келди, ҳаромзодалар! — деган қичқириқ халойиқнинг тепасида янгради.

Бу товуш Қудратилла бойнинг ўғилларига қарата нафрат билан барала айтилган ҳақоратомуз сас эди. Кетма-кет уч марта ўқ овози эшитилди. Ўқлар Бола бахшининг олдидаги чойнак-пиёлани, қўлидаги дуторини гижжакчининг гижжагини тилка-пора қилди. Одамлар бойнинг ўғилларини тутиб, қўлларидан милтиқларини олдилар. Кунботар томондан эшитилган милтиқ овози икки одамни ярадор қилди. Уни ҳам дарҳол тутишди. Кишилар бахши билан қиз ҳалок бўлган бўлса керак деб, афсус қилишиб, бир-бирларини туртишиб, олдинга интилишди. Бироқ Бола бахши билан Турсуной бир-бирининг қўлларини тутишиб, халойиқ олдида байроқ каби бўй-бастада тикка туришарди.



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аجدодларимизнинг маънавий жасоратини улуглаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан гурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».





Гао СИНЬЦЗЯН

## Адабиётнинг яшаш ҳуқуқи

**Б**у минбарга мени тақдир етаклаб келдими ё бошқа нарсами, билмайман. Бироқ бунга ёрдам берган омадли онлар ҳақида гапириш учун “тақдир”дан бошқа сўзни билмайман. Худонинг бор-йўқлиги масаласини қўя турайлик. Жавоби менга қоронгу бўлган бу саволни, қачон бўлмасин, менга беришса, гарчи ўзимни фахрий ҳисобласам-да, чексиз ҳурмат ҳисси кўкракларимдан тошиб чиқади.

Одам ҳеч қачон Худонинг ўрнига ўтмайди, илоҳий мавжудотга ҳам айланолмайди. Ўта қудратли инсон бошқарадиган дунё муқаррар тартибсизликка учрайди, жуда оғир бахтсизликлар рўй беради. Нишче вафот этгандан кейинги юз йил давомида одамлар келтириб чиқарган ҳалокатлар инсоният тарихининг энг қора саҳифалари бўлиб қолди. Бироқ ўзига ўзи маҳлиё бўлган бу файласуфнинг ақлга тўғри келмайдиган фикрларини, халқнинг доҳийси, давлат раҳбари, миллат етакчиси, деб улуғландиган ўта қудратли турфа шахслар ҳеч ўйламасдан қилган шафқатсизликлари билан тенглаштириб бўлмайди.

Сиёсат ва тарих ҳақида беҳуда фикрлар айтиб, бу адабий анжуманнинг эътиборини суниестемол қилмоқчи эмасман. Шунчаки, бир ёзувчи ва шахс сифатида имкониятдан фойдаланиб қолмоқчиман, холос.

Ёзувчи – жуда ўзига хос, нозик табиатли одам ... ўта таъсирчан одамлар эса, кўпинча, бошқаларга қараганда ожизроқ бўлишади. Агар ёзувчи халқнинг жарчиси бўлмаса, адолат тимсоли сифатида чиқмаса, демак, унинг овози ожиз. Дарҳақиқат, алоҳида битта одамнинг овози бошқаларга қараганда ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади. Айни, шу фикрни бу ерда айтишни мақсад қилиб қўйдим: адабиёт – битта одамнинг овози ва доим шундай бўлиб келган. Ватан мадҳияларига, миллат байроқлари, қандайдир сиёсий партия ёки маълум ижтимоий синф ёки гуруҳ овозига айланиб қолган адабиёт ўзининг ҳақиқий руҳини йўқотади. Ҳатто у ҳамма воситалар ёрдамида тантаналар билан дунёга

Хитойлик ёзувчи, драматург, таржимон, мунаққид Гао СИНЬЦЗЯН 1940 йилнинг 4 январиди Шанхай яқинидаги шаҳарчада туғилган. Отаси – банк ходими, онаси – актриса. 1962 йили Пекин чет тиллар институтининг француз бўлимини тугатган. Бадиий ижодни анча эрта бошлаган, лекин Маданий инқилоб даврида қўлёзмаларини ёқиб ташлашга мажбур бўлган. Бу даврда кўпчилик зиёлилар қатори қайта тарбиялаш учун меҳнат лагерларига сургун қилинган. 1979 йилгача китоб нашр қилдириш, ўз шаҳридан рухсатсиз чиқиб кетиш ҳуқуқларидан маҳрум қилинган. Дэн Сяопин ҳокимият тепасига келгач, пьесалари саҳнага қўйилди. Шу вақтларда уни “хитойлик Солженицин” деб атаб бошлашди. Бироқ у Хитой ГУЛАГлари даҳшатларини ёзмади, чекка бир қишлоқдаги кичкина одамнинг оғир ҳаётини тасвирлади.

1981 йили “Замонавий проза санъати ҳақида мулоҳазалар” китоби чиқди. 1982 йили Пекин театрида “Хатар даракчиси” пьесаси саҳналаштирилди. “Автобус бекати” пьесаси эса тўғридан-тўғри мафкуравий зарарли деб эълон қилинди.

Хитой ҳокимияти Гао Синьцзянга тўла эркинлик бериб қўймади, 80-йилларнинг ўрталарида яна таъқибга учради, асарларини, жумладан, энг йириги – “Руҳлар тоғи”ни таъқиқлаб, ўзини сиёсий қатагон домига тортди.

Таъқиблардан қочиб тоғу тошда жон сақлаб юрди, ўн ой давомида Янцзи дарёсининг соҳиллари бўйлаб бошидан охиригача кезиб чиқди.

1987 йилда расмий Пекин Гао Синьцзянни қувғин қилди, икки йилдан кейин бўлган Тяньаньмэнь майдонидаги қирғинга муносабати туфайли уни Хитой фуқаролигидан маҳрум қилди.

Адиб Парижда қўним топди, кейинчалик Франция фуқаролигига ўтди, эркин ижод қила бошлади. Асарларининг чўққиси “Мўъжизакор тоғлар” деб аталган йирик романи ҳисобланади. 2000 йилда хитойлик адиблардан биринчи бўлиб Нобел мукофотига сазовор деб топилди.

тарқалганда ҳам яшаб қолиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва ҳокимият ёки айрим маънафатлар қўлидаги қурол даражасигача пастлашиб кетади.

Ўз ниҳоясига етган асрда адабиёт мана шундай бахтсизликка йўлиқди. XX асрдаги сиёсат ва ҳокимиятнинг тамгаси адабиётга шундай азоблар бердики, ўтмишда бунақаси ҳеч бўлмаган. Бу асрда ёзувчилар дуч келган таъқиблар ва қувғинлар ҳам даҳшатли эди.

Агар адабиёт — адабиёт бўлиб қолиш ҳуқуқини сақлаб қолмоқчи ва сиёсий қуролга айланишдан қутулмоқчи бўлса, у яна айрим одамнинг овози бўлиши керак, чунки у аввало бир одамнинг ҳислари ва ташвишларидан дунёга келади. Адабиёт сиёсатдан буткул узилиши керак, демоқчи эмасман. Бундай тасаввур, адабиёт сиёсий бўлиши керак, деган таъкид сингари бадиий асарларда “анъаналар” ҳақида, ёзувчи қандайдир сиёсий қарашларни ифодалайдими, йўқми, деган музокараларни бошлаб берди. Бу мунозара ўтган аср адабиётида оғир излар қолдирди. Мунозара билан боғлиқ анъаналар ва ангиланиш ёки консерватизм билан инқилоб ўртасидаги зиддиятлар, адабиёт, илгор кайфиятли ва реакцион сиёсатлардан биттасини танлаш ҳақидаги муҳокамалар майдонига айланиб қолишига қўмак берди. Айнан шу дақиқада мафкура биринчи марта адабиётга аралашди. Мафкура ҳокимият билан бирлашиб, сезиларли таъсир ўтказа бошлагач, бу, адабиётда ҳам, алоҳида ёзувчи ижодида ҳам ҳалокатли даражада акс этди.

XX аср хитой адабиёти мана шунақа бирёқлама, ожиз бўлиб қолишига ва ниҳоят, назаримда, ўсал ҳолга келишига сиёсатга буткул боғланиб қолиш сабаб бўлди: инқилоб адабиёти ва инқилобий мафкура, умуман, адабиётни ҳам, алоҳида ёзувчини ҳам кундага олиб келди. Инқилоб номи билан Хитойнинг анъанавий маданиятига ҳужумлар китобларни тақиқлашга, уларни оммавий тарзда ёқишларга айланиб кетди. Бу юз йилликда қатл қилинган, қамоқларга ташланган ёзувчилар шунчалик кўпки, санаб чиқишга имкон йўқ. Хитойнинг бутун тарихи давомида, императорлар ҳукм сурган даврларда ҳам ҳукмдорлар бунақа таъқиблар, чекловларни жорий қилмаган эди. Бундай аҳвол хитой адабиёти учун чексиз қийинчиликлар туғдирди. Ёзувчининг яратувчилик фаолиятга берилиш эркинлиги буткул чеклаб қўйилди.

Эркин фикр юритишни истаган ёзувчи ё сукут сақлашга, ёки узоқларга чекинишга мажбур эди. Ўз фикрларини қоғозга туширишни истаган ёзувчини сукут сақлашга мажбур этиш, ўз жонига ўзи қасд этиш билан баробар. Бу даражага бормаслик учун ва яна, тақиқланганлар рўйхатига тушмаслик учун, ёзувчи, агар овозимни бошқалар эшитсин, деса, узоқларга чекинишга мажбур эди. Шарқ ёки Фарб тарихга назар солсак, доим шундай бўлиб келганини кўрамиз. Бунга мисоллар кўп: Хитойнинг қадимий шоири Цюй Юань, Данте, Жойс, Томас Манн, Солженицин ва 1989 йили Тяньаньминь майдонида бўлган қирғиндан кейин чекка-чекка жойларга қочиб кетган хитойлик қатор зиёлилар. Ўз овозини оғишмай ҳимоя қиладиган ҳар бир шоир ва ёзувчининг тақдири шундай бўлди.

Мао Цзедун мутлақ диктатура сиёсатини ўтказган ўн йиллар давомида ташқи дунёдан муҳофазаланиб туришни-да иложи бўлмади. Феодализм даврида тоғли ўлкалардаги ўзгача фикрлайдиган талабаларга бошпана берган монастырлар ва бутхоналар ер билан яқсон қилинди, ёзувчилик фаолияти билан пинҳона шугулланганлар эса, ҳаётини хатарга қўйди. Мустақил тарзда фикр юритиш қобилиятини сақлаб қолишни истаган одам фақат ўз-ўзи билан гаплашиши ва шунда ҳам мутлақ сир сақлаши керак эди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни хоҳлардим: ёзиш имкониятимни йўқотганимда адабиёт қанчалик зарур нарса эканлигини ҳис қилдим. Айнан, адабиёт, одам ўз онгини сақлаб қолишига имкон берад экан.

Одам ўзи билан ўзи гаплашишини адабиётнинг чашмаси деса бўлади. Бошқалар билан тил ёрдамида мулоқот қилиш эса иккинчи даражали аҳамиятга эга. Одамнинг фикрлари ва тажрибаси тилида мужассам бўлгандагина, уларни ёзади, ана шулар адабиётга айланади. Шу иш содир бўлаётганда ёзувчи ёзаётганининг фойдаси ёки у қачондир матбуот юзини кўриши ҳақида заррача ҳам ўйламайди. У ёзишга берилиб кетишига сабаб, айтаётган гаплари унга катта қувонч, қониқиш ва овуниш келтираётганидир. Ўзимнинг энг катта романим

“Мўъжизакор тоғлар”ни олдинги асарларим, уларни шахсий назоратимдан ўтказганимга қарамай, таъқибга учраганимдан кейин ёза бошладим.

Бу романни ўзим учун, эълон этилишига умид қилмаган ҳолда, ёлғизлик ҳиссини енгиш учун ёзгандим.

Ўтмишимга назар ташлаб, ёзувчилик ишларимни мулоҳаза қилиб, шуни таъкидлагим келадими, ёзишдан энг асосий мақсад — ўзини намоён қилиш имконияти экан. Асар босилиб чиқадими ва у ўқувчиларда қандай таассурот уйғотади, буларга фақат келажак жавоб бера олади.

Адабиёт, ёзувчи ўз-ўзини хурсанд қилиш эҳтиёжидан туғилади, деб ҳисоблайман. Асарни ўқувчилар қандай қабул қилиши кейин маълум бўлади, ёзувчининг ўзи бу жараёнга таъсир ўтказа олмайди. Жаҳон адабиётидаги кўплаб ўлмас асарлар, муаллифлари ҳаётлик чоғида босилмаган. Бу ёзувчилар ижод жараёнида ўз кадр-қимматларини англаб етмаганларида ёзишни давом эттирган бўла олармидилар? Хитой адабиёти тарихидан ўрин олган йирик романлар — “Ғарбга йўл”, “Дарё қўлтиғи”, “Олтин вазадаги олхўри гули ёки Цзин, Пин, Мэй”, “Қизил болохонадаги туш” ни тўрт санъаткор ёзган, уларнинг тақдири Шекспирники сингари жумбоқ. Сақланиб қолган бирдан-бир ҳужжат — Найан Шининг (у “Дарё қўлтиғи” нинг муаллифи деб тахмин қилинади) автобиографик эссеси. У айтганидек, ўзидан-ўзи мамнун бўлиш учунгина ёзмаганида, қандай қилиб бутун умрини шундай катта, лекин ҳеч қанақа даромад келтирмаган асарни ёзишга сарфлаган бўларди? Шу гап замонавий романнинг даракчиси Кафкага, XX асрнинг забардаст шоирларидан бири Фернандо Песоага ҳам тегишли эмасми? Улар тилга мурожаат этганларида, буткул дунёни ўзгартиришни олдиларига мақсад қилиб қўймаган эдилар. Шунга қарамай, улар ўз фикрларини сўзлар билан кийинтирдилар, лекин битта одам қанчалик ожиз эканлигини яхши билардилар. Тилнинг сеҳрли кучи мана шунақа буюк.

Ҳайрон қоларли даражада нозик, сермаъно ва туткич бермайдиган тил — одамзод тамаддунининг ёрқин намояндаси, кристалланишидир. У ҳамма ёққа кириб боради, одамнинг онгини, ҳиссиётларини тешиб ўтиб, дунёни англаш имконини беради. Ёзув ҳам худди шунақа мўъжизаки, у ҳар бир шахс бошқа даврлар ва маданиятларнинг одамлари билан мулоқот қилишига имкон беради. Айнан ёзув, кўришиб турган ўткинчи ҳодисалар билан ўқишни ва адабиётнинг вақтга бўйсунмайдиган қадриятларини боғлаб турувчи бўгин ҳисобланади.

Ўз мамлакатининг маданиятини бўрттириб кўрсатувчи замонавий ёзувчиларга бирмунча шубҳа билан қарайман. Она тилим ва келиб чиқишимга қараганда ўзим ҳам тил билан боғлиқ хитойча маданий муҳит тамғаси остиданман ва шу муҳит менинг онгини, фикрларим ва уларни ифода этиш тарзимни муайян ҳолда шакллантирган. Бироқ ёзувчининг ижодий жараёни тил бир гапни айтиб бўлиб, ҳали тўла ифодаламаган бошқа гапларини тасвирлашга киришаётган пайтдан бошланади. Тил ёрдамида ижод қиладиган одам, миллатини кўрсатиб турадиган ёрлиқни ўзига ўзи ёпиштириб олишига ҳожат йўқ.

Адабиёт миллий чегараларни билмайди, таржима эса тиллар орасидаги тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Адабиёт у ёки бу ижтимоий тузумга хос анъаналарнинг муайян муҳит ва давр одамлари ўртасидаги муносабатларнинг чегараларидан чиқиб кета олсагина, одамнинг табиати, ушбу асарда тасвирланганидек, бутун одамзод учун умумий бўлиб кўринади. Замонавий ёзувчига ўзиникидан бошқа кўп маданиятлар таъсир ўтказгани ҳам шунга боғлиқ. Агар ёзувчи сайёҳлар учун рисоалар ёзишдан ташқари, ўз мамлакатининг маданиятини зўр бериб таъкидлайверса, ўқувчининг кўнглига шубҳа солади.

Алоҳида шахснинг мавжудлиги, қандай бўлмасин, интеллектуал йўналишларга боғлиқ бўлмагани каби, адабиёт ҳам мафкуралар, чегаралар ва миллий тафаккур сарҳадларидан ташқарида туради. Одам яшаётган шароит борлиқ ҳақидаги узундан-узоқ мулоҳаза ва сафсаталардан кўпроқ маълумотларни ўзида мужассам этади. Адабиёт — инсон ҳаётининг оғир шароитларини ҳар тамонлама ва узлуксиз кузатиш ва тасвирлашдан иборат. Адабиётни чеклаш учун бўладиган ҳар қандай уринишлар сиёсий, ижтимоий, ахлоқий ёки анъаналар билан боғлиқ омиллардан келиб чиқади ва ҳаммаси адабиётни ўз қолипларига тушириш, уни фақат безак сифатида хизмат қилдириш учун босим

ўтказади. Бироқ адабиёт ҳокимият учун безак ҳам эмас, дунёвий нозик дид белгиси ҳам эмас. Унинг гўзаллик билан боғлиқ ўз мезони бор. Бадиий асарни баҳолашдаги ягона мезон, бу — инсоннинг ҳиссиётларига тўла таянадиган эстетик баҳодир. Бу баҳо турли одамларда турлича бўлади, чунки ҳиссиётлар доимо индивидуал. Шунга қарамасдан, субъектив эстетик баҳолар ичида умумий мезонларни кўриш мумкин.

Одамнинг, муттасил ўқиш натижасида ривожланиб борадиган танқидий фикрлаш қобилияти асардаги шоирона сифатларни, гўзаллик, юксак гоёлар, кулгили эпизодлар, фожиавий воқеалар, таҳайюл, юмор ва кинояни тушуниб етишига ёрдам беради.

Поэзияни ҳис қилиш ёзувчининг ҳиссиётга берилувчанлигидангина бошланмайди. У ўзига чексиз маҳлиё бўлиши — болаларча бир касаллик бўлиб, бошловчи ёзувчи ундан осон қутулмайди. Бундан ташқари, ёзувчининг орғиқча сезгирилиги кўп соҳаларда акс этиб туради. Юқорироқ доираларда сезгирик узокдан туриб, эҳтиросга берилмай кузатиш билан тенглашолмайди. Айнан шу — катта масофадан туриб кузатишда поэзияни ҳис қилиш яшириниб ётади. Агар кузатувчининг нигоҳи асар қаҳрамонлари ва муаллифи тепасидан учиб ўтатуриб, ёзувчини ҳам кўра олса, бундай нигоҳ ёзувчининг учинчи кўзи, бегараз нигоҳи бўлади. Шунинг ҳисобига, ҳатто ҳалокатлар ва разолатга кетган ҳар қандай кишилар самимият билан тасвирланиши мумкин. Шундай қилиб, ёзувчи азоб-уқубатларни, ярамас, жирканч воқеаларни тасвирлай туриб, ҳамдардлик, меҳр ва ҳаётга чексиз садоқат ҳисларини уйғотиши мумкин.

Одамнинг ҳисларига илдириб олиб кирган эстетик баҳо, гарчи адабиётдаги мода, санъатдаги каби вақт ўтиши билан ўзгариб туришига қарамай, эскирмайди, чоғи. Шундай бўлса ҳам, ҳар бир онда адабиётга ва модага берилган баҳоларнинг фарқи шу бўладики, модага берилган баҳо фақат янгиликка эътибор қаратади. Мана, шу тамойил бозорнинг муттасил ўзгариб туриши негизда ётади. Китоб бозори ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ ёзувчи ўзининг эстетик мезонларини сакраб-сакраб югураётган бозорга мосласа, бу, адабиёт ўз жонига ўзи қасд қилиши билан баробар бўлур эди. Назаримда, бугунги истеъмолчилик жамиятида адабиёт учун муносиб иш — совуққонлик билан кутиш позициясини эгаллашдан иборат.

Ун йил бурун, етти йиллик меҳнатдан сўнг “Рухлар тоғи” романимни тугатгач, мен қисқагина эссе ёзиб, ўзимга хуш келган адабиёт ҳақида фикр юритгандим.

Адабиётнинг сиёсат билан ҳеч қанақа иши йўқ ва фақат ёзувчининг шахсий иши ҳисобланади. У ўз фикрларини далиллаш эҳтиёжини қондириши яъни ёзиши учун кузатиш, бошдан кечирганларни эслаш, бир неча бадиий тўқима, турли ҳиссиётлар, муайян бир кайфиятни ифодалаш кифоя қилади.

Ёзувчи ўз-ўзи билан гаплашаётганда ёки ёзаётганда бошқалар, хоҳласалар унга қулоқ тутишлари, хоҳласалар асарини ўқишлари мумкин. Ёзувчи ўз халқининг оташин курашчиси сифатида чиқмайди, у таъзимларга муҳтож эмас. У жиноятчи ҳам эмас, халқ душмани ҳам эмас. Гоҳи ўз асарлари туфайли бир балога йўлиқса, бошқа бировларнинг истаги билан бўлади. Ҳукмдорлар халқнинг эътиборини чалғитиш мақсадида қандайдир душманларни излаб қолишса, ёзувчиларга ёпишиб олишади. Ўзини йўқотиб қўйган баъзи ёзувчилар бунақа қурбон бўлишни ўзлари учун юксак ифтихор санашади.

Аслида, ёзувчи ва ўқувчи бир-бири билан учрашиб, мулоқот қилиши шарт эмас, бу ишни асар орқали, руҳий даражада бажариш кифоя. Бироқ, бадиий ижод каби фаолият муқаррар бир талабни илгари суради: ёзувчи ва ўқувчи ихтиёрий равишда учрашишлари керак. Шунинг учун ҳам адабиётнинг омма олдида ҳеч қанақа мажбурияти йўқ.

Ўзининг ибтидоий руҳига кирган адабиётни “совуқ-объектив” деб атасак, бунга ҳеч нима монелик қилмайди. Унинг яшаш ҳуқуқи шундан иборатки, одамзотни “моддий эҳтиёжларни қондириш” деган мақсад сарҳадларидан четда ётган соф руҳий машғулот билан таъминлайди. Бундай адабиётни яратиш, албатта, кеча ё бугун бошланган эмас. Бироқ у ўтмишда сиёсий ҳокимиятдан ва қадимдан ўрнашиб қолган дунёқарашларнинг босимидан сақланиши лозим бўлган, шу кунларда эса истеъмолчи жамиятнинг тижорий меъёрлари билан

курашишига тўғри келаяпти. Бундай адабиёт яшаб қолиш учун ёлғизликка сабот-матонат билан бардош бериши керак.

Ўзини шундай адабиётга бағишлаган ёзувчи тирикчилик қилиши қийин, шунинг учун нонини бошқа йўлар билан топишига тўғри келади. Бундай ёзувчиликни дабада, соф руҳий эҳтиёжларни қондиришнинг бир йўли, деб қабул қилиш керак. Ушбу совуқ-объектив адабиёт нашр қилиниши учун ёзувчи дўстларининг мададига суянишига тўғри келади. Бу ўринда Цао Суэцин (“Қизил болохонадаги туш” романи муаллифи) ва Кафка мисол бўла оладилар. Уларнинг асарлари ўзлари ҳаётлик чоғларида босилмади, натижада адабий оқимларни бошлаб беролмадилар ва ёзувчи сифатида юлдуз ҳисобланмадилар. Улар жамиятдан овлоқ жойларда ёки унинг қайсидир пастқамликларида яшадилар ва ишладилар. Мукофотларга умид қилмасдан, эътирофларни изламасдан, ўзларига қувонч бахш этадиган маънавий фаолият билан зўр бериб шуғулландилар.

Совуқ-объектив адабиёт — яшаб қолиш учун беркиниб юрадиган, жамият уни бўғиб ташлашига имкон бермай, маънан бутун қолишга интиладиган адабиёт. Агар қайсидир миллат бундай нафи йўқ адабиётга керакли жой бериш лозим, деб ҳисобламаса, бу нафақат ёзувчи учун зарба, балки ўша миллатнинг ўзига ҳам фожиа бўлиб тушади.

Ҳаётимда омадим юришиб қолгани ва Швеция Академияси мени бу юксак мукофот билан тақдирлагани бутун дунёдаги кўплаб дўстларим асарларимни беғараз ва сабот билан, аввало, тақриз қилганларига, сўнг таржима қилиб нашр этганларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу дўстларимнинг рўйхати жуда катта, мен уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида миннатдорчилик билдиrolмайман.

Мен, шунингдек, мени кучоқ очиб қабул қилган Францияга миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Адабиёт ва санъат гуллаб-яшнаган бу мамлакатда ижод қилишим учун эркинлик берилди, у ерда менинг ўқувчиларим ва тингловчиларим бор. Мен шуғулланаётган фаолият жуда ҳам ёлғизланиб юришни талаб қилишига қарамай, ўзимни ёлғиз сезмайман, шуниси ҳам яна бир омадим.

Мен яна шуни айтишни истардимки, ҳаёт ҳамма вақт ҳам байрам эмас. Дунёдаги ҳамма мамлакат ҳам Швецияга ўхшаб, 180 йилдан буён тинчлик гаштини сурмаяпти. Ўтган асрда дунё бошига тушган даҳшатли фалокатлар энди бошланган аср организмда иммунитет ҳосил қилмади. Хотирани биологик ирсият сингари мерос қилиб бўлмас экан. Инсоният ақли мажудот бўлгани билан, ўзини ўтмишдан сабоқ олишга мажбур қилолмас экан; ақли етишмайди шекилли. Ақл, аксинча оқибатларга олиб келаяпти: одамзоднинг мавжудлигига хавф соладиган даҳшатли портлашларга олиб бориши ҳам мумкин.

Шубҳасиз, инсоният ҳамма вақт тараққиёт йўлидан боради. Тарих — тамаддун тарихи демоқчиман — ҳар доим илгарилаб юрмаган. Ўрта асрлар Европасидаги тургунлик, бизнинг даврларда Осиё минтақасининг ривожланишида орқага кетиш; бу бетартиб ривожланиш чўққиси — XX асрдаги икки карра жаҳон урушлари бўлиб, ўлдириш техникаси жуда тақомиллашиб кетди. Инсоният тамаддуни фан ва техниканинг ютуқларига қараб ривожланмайди.

Тарихни тушунтиришга ҳаракат қиладиган илмий усуллар ҳам, уни алдамчи диалектика ёрдамида таҳлил қилишга уринишлар ҳам одамнинг хатти-ҳаракатини тушунтириб беролмайди. Юз йилдан ортиқ давом этган утопияларга кўр-кўрона қизиқиш сўнган, кетма-кет инқилоблар кўтарган чанг-тўзонлар босилган бир пайтда, яшаб қолиш бахтига сазовор бўлганлар аламларни дилдан туйиши учун фурсат етмадимкин?

Салбий нарсани инкор этиш ижобий натижа беравермайди, инқилобий гоёларни эса ҳамма вақт ҳам ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди. Янги жамият ҳақидаги утопиялар эски дунёни таг-туғи билан бузиб ташлаш фаразига қурилган. Инқилобий-ижтимоий назарияни адабиётга қўллаш шуни англададики, азалдан ижод учун яралган жаннатий боғ урушлар майдонига айлантирилади ва катта авлод вакиллари юзтубан йиқитиб, анъанавий маданият оёқ ости қилинади. Ҳамма нарсани йўқдан, яъни бошқатдан бошлаш керак, нима янгилик бўлса, ўшанга таъзим қилиш керак. Адабиётнинг тарихий ривожи жамиятга душман ҳодисаларнинг узлуксиз кетма-кетлиги, деб эълон қилинади.

Ёзувчи ҳудодлик даъво қилолмайди, шунингдек, калондимоғ қилиб ўзини Исо Масихга тенг одам сифатида кўрсатолмайди. Акс ҳолда, у нафақат ақлдан озган, балки бутун дунёси саробга айланган бўларди, ўзини эса аросатда кўрарди. Агар дўзах — қолган ҳамма нарса бўлса, шундоғам ўша ерда ҳозир бўлиши керак эмасми? Чунки ўзининг “мен”идан ажраб бўлди. Бундан ташқари у келажакнинг меҳробида қурбон бўлса, бошқалар ҳам бу қисматни у билан баҳам кўришга мажбур бўларди.

Биз XX аср натижаларини хулосалай туриб, жудаям шошмаслигимиз керак. Агар биз навбатдаги ғоявий шаклларнинг вайроналарида қадалиб қолсак, демак, ўтмишнинг тарихий ривожига ҳеч нимага арзимабди. Бундай ҳолда келажакнинг одамлари тартибларни тиклаши лозим бўлади.

Ёзувчи, шунингдек, пайгамбар ҳам эмас. У шу қунларда яшайди, ёлгонлардан тозарайди, амалга ошмайдиган орзулардан воз кечади, ҳозирги онларда нималар бўлаётгани ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилади ва айни пайтда, ўз-ўзига танқидий кўз билан қарайди. Ҳар қандай қийинчилик, ҳар қандай зулм кўпинча ташқи вазиятлардан келиб чиқади; улар алоҳида шахснинг ожизлиги ва мувозанатлашмагани сабабли янада кучайиб, бошқаларга ёмон таъсир этади.

Одамзоднинг хатти-ҳаракатлари тушунарсиз бўлганда, алоҳида одам эса ўзини-ўзи англаши қийин бўлганда, адабиёт ўз-ўзини мушоҳада қилиш натижаси бўла олади. Бу жараёнда онгнинг биттаю битта нури одамнинг “мен” — ини ёритиб ўтиши мумкин.

Адабиётнинг мақсади — ижтимоий тўнтариш қилиш эмас, бу дунё ҳақиқатларини таниб, очиб беришдан иборат. Бу ҳақиқатлар одамларга жудаям аён бўлавермайди, улар ҳақида жуда кам биладилар ёки маълум нарса деб юрганлари аслида нотўғри чиқиб қолади. Ҳақиқат, шубҳасиз, адабиётнинг энг тағзамин сифатидир.

Мана, XXI аср ҳам бошланди. Мен уни янги ёки эски деёлмайман. Адабий инқилоб ва инқилобий адабиёт чок-чокидан сўкилиб кетган мафкура кўйига тушиш вақти етди. Турли жамоаларни юз йилдан ортиқ чулғаб олган иллюзия ва утопиялар шамолда тўзиб кетди. Ҳар қандай интеллектуал оқимларнинг кишанларидан қутулган адабиёт одамзод ҳаётининг ёлгонларини, асрлар ўтса ҳам кўп ўзгармаган ёлгонларини, доимо адабиётнинг мавзуси бўлиб қоладиган ёлгонларини тасвирлашга қайтиши керак эди.

Биз яшаётган даврда келажак ҳақида башоратлар ва ваъдалар йўқ, ўйлайманки, шундай бўлиши керак. Ёзувчи зиммасида пайгамбарлик ва қозилик вазифаси йўқ. Ўтган асрда келажак ҳақида айтилган башоратларнинг аксари ёлгон бўлиб чиқди. Келажакка нисбатан ортиқча таассубга берилмасдан тараққиётни кузатганимиз маъқулроқ. Ёзувчи гувоҳ сифатида чиқиб, ҳақиқатни иложи борича аниқ тасвирлаши керак.

Адабиёт — ҳақиқатнинг оддий баёнидан иборат демоқчи эмасман, асло. Воқеликни баён этишда гувоҳларнинг кўрсатмалари кўп нарса бермаслигини тушуниб етишимиз керак; воқеалар, хатти-ҳаракатлар ортида турган далиллар кўпинча сирлигича қолиб кетади. Бироқ, адабиёт ҳақиқатга аралашса, ҳеч бир нарса ҳақида сукут қилмай, одамнинг дилида яширинган нарсани очиб ташлаши, воқеага сабаб бўлган омилларни изчиллик билан кузатиши керак.

Ёзувчи инсон ҳаёти ҳақиқатларини, ўзидан ҳеч нарса кўшиб-чатмай очиб ташлаганида адабиёт мана шундай кучга эга бўлади.

Ёзувчининг, ҳақиқатни аниқ ажрата олиш хусусияти унинг асарлари сифатини белгилайди. Бу хусусиятни сўз ўйини ёки қандайдир устумон ижодий усуллар билан алмаштириб бўлмайди. Ҳақиқат аслида бир нарса эканлиги ҳақида кўп фикрлар бор, шунингдек, унга яқинлашиш усуллари ҳам бисёр. Бир қарашдаёқ, ёзувчи ҳаётнинг сохта манзарасини чизаяптими ёки ҳеч нарсани тушириб қолдирмай ҳақиқатни тасвирляптими, билиб олиш мумкин. Семантик назариялар ёрдамида ҳақиқат нима, тамойиллари ва доғмалари яратувчилик адабиётига ҳеч қанақа алоқаси йўқ мафкура билан боғлиқ адабий танқидчилик нима қилаяпти, деган масалаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Ёзувчи асари орқали ҳақиқатга етадими, йўқми, деган савол нафақат унинг ижодий усулига тегишли, балки ўз ижодига муносабати билан ҳам боғлиқ. Агар у ёзган нарса — ҳақиқат бўлса, демак, у ҳалол ният билан ёзди. Бу

ҳолда ҳақиқат — адабий қадриятларни аниқлаш бўлибгина қолмай, ахлоқий мазмун ҳам касб этади.

Ёзувчи ўз зиммасига ўқувчилар ахлоқини мустақамлаш вазифасини олмайди, унинг мақсади — Будда айтганидек, чексиз коинотдаги мавжудотларнинг битмас-туганмас тўдалари ҳақидаги ҳақиқатни сўзлаб бериш ва айни вақтда, ҳеч нарсани яширмасдан, инсон қалбида яширин бўлган ҳақиқатни очиқ-ойдин кўрсатишдан иборат. Ҳақиқат ва адабиётнинг ўзаро муносабатлари ёзувчи учун ўзини маънавий жиҳатдан намоён этиш, олий эътиборга лойиқ адабий ахлоқдир.

Ижодга жиддий қарайдиган ёзувчи қўлига қалам олганда, ҳатто адабий таҳайюли инсон ҳаётининг ҳақиқий манзарасини бериш лозимлигидан бошланади. Мана шу омил жаҳон адабиётининг кўп асарларига ҳаётий куч берган. Шунинг учун ҳам қадим юнон трагедиялари ва Шекспир асарлари ҳеч қачон эскирмайди.

Адабиёт воқеликдан нусха олибгина қолмай, унинг ташқи қобигини ёриб ўтиб, энг чуқур жойларига етиб боради, ёлғонларни фош қилиб, кундалик икир-чикирлардан балан кўтарилади, кенг нигоҳ билан қараб, воқеалар занжирини очиб кўрсатади.

Таҳайюл ҳам адабиётда ўз ифодасини топади. “Рухнинг парвози”, деган сўз бекор эмас.

Ҳақиқий ҳиссиёт ва тасаввурлар билан боғланмаган, ҳаётий тажрибага асосланмаган таҳайюлнинг ранги заъфарон, кучи йўқ бўлади. Ёзувчининг ўзи ишонмайдиган асар, албатта, ўқувчига таъсир қилолмайди.

Адабий асарда кундалик ҳаёт тажрибаларидан бошқа нарсалар ҳам ёритилади, ёзувчи ўз тажрибалари билан чекланиб қолмайди. У тил воситасида адабиёт илгари ёзган, ўзи кўрган ва эшитган нарсаларни ўз тажрибасига айлантириб олади. Бу ҳам тилнинг яна бир мўъжизавий кучидир.

Тилнинг дуо ва афсунлардаги каби яна бир кучи бор; бу куч одамнинг юрагини гупиллатиб, жисми-жонини титроққа сола олади. Тил санъати ҳам айнан мана шунда; ҳикоя қилувчи ўз кечинмаларини бошқаларга юқтира билиши керак. Тил — фақат тимсоллар, маъно тизимлари ва грамматик тузилмагина эмас. Тил орқасида турган ҳикоячини ҳисобга олмаганда матнни талқин қилиш ақллар ўйинига айлланиб қолади.

Тил — нафақат тасаввурлар ва ғояларни ташувчи восита, у ҳиссиётлар ва интуицияга ҳам мурожаат этади. Шунинг учун ҳам тимсоллар ва маълумотлар йиғиндиси ҳикоячининг тили ўрнига ўтолмайди. Талаффуз этилган сўзлар ортида гапирётган одамнинг интилишлари, ёзишга ундаган сабаблар, гапириш оҳанглари, кайфиятлари ётади; уларни семантика ва риторика ёрдамида тўлалигича тасвираб бўлмайди. Матн тили ўзининг тўлиқ ифодасини тирик ҳикоячи орқалигина топади. Матнни нафақат ўйлаётганимизда ишлайдиган аъзоларимиз, балки қулоқларимиз билан ҳам қабул қиламиз. Тил одам учун фикрларни узатиш учунгина эмас, эшитиш ва ўз-ўзини билиш учун ҳам керак.

Шу ерда мен Декартнинг: “Мен фикрларимни ифода қилаяпманми, демак, тирикман: деган гапини бошқача тушунтирмақчиман. Ёзувчининг “мен”и — ҳикоя қилаётган ёки асардаги бошқа бир персонаж. У эркак ҳам, аёл ҳам бўлиши мумкин. Ҳикоячи биринчи, иккинчи ё учинчи шахс тилида гапиради, фикрлари ва ҳиссиётларини ифодалайди, шу тариқа уч хил композиция шаклланиши мумкин.

Менинг романларим қаҳрамонлари олмош сифатида кўринади. “Мен”, “сен”, “у” каби олмошлар ёрдамида бош қаҳрамонни кузатаман ва тасвирайман. Яъни битта шахсни турли олмошлар билан кўрсатаман; тасаввурда ҳосил бўладиган бегоналашиш бошқа персонажларга кенгроқ психологик майдон очиб беради. Олмошларни бундай алмаштириш усулимдан драмаларимда ҳам фойдаланганман.

Роман ва драмаларни ҳар доим ёзишган ва бундан кейин ҳам ёзишади. Адабиёт ва санъатдаги бирорта жанр тугаб бўлди, деган гаплар кулгили.

Инсоният тамаддуни билан бир вақтда юзага келган тил ҳаётнинг ўзи каби ажойиб, ифода кучи эса — туганмас. Ёзувчининг вазифаси — тилнинг яшириниб ётган қувватини кашф қилиш ва ривожлаштиришдан иборат. Ёзувчи — худо эмас, у дунёни — қанчалик хароб ва номукамал бўлмасин, йўқ қилиб юборолмайди. Шунингдек, янги, мукамал дунё қуришга ҳам кучи етмайди; биз яшаб турган дунё ғалати ва тушуниб бўлмайдиган эканиёқ буни изоҳлашга

етиб ортади. Бироқ ёзувчи оз ё кўп даражада теша тегмаган гап айтиши ёки ўзидан олдин ўтган ёзувчиларнинг фикрларига ниманидир қўшиши ёки салафлари нуқта қўйган жойдан бошлаб кетиши мумкин.

Адабиётдан қўпоровчилик мақсадларида фойдаланиш мумкин, деган гаплар “адабий инқилоб” деган гоёни қўллаб-қувватлайдиганларнинг пуч валақлашидан бошқа нарса эмас. Адабиёт ўлимни билмайди, ёзувчини эса йўқотиб бўлмайди. Ҳар бир ёзувчининг асарлари китоб жовонларида илгаридан тайин жойга эга. Ёзувчининг асарлари қанча муддат ўз ўқувчиларига эга бўлса, ёзувчининг ҳаёти шунча. Агар қайсидир ёзувчининг биттаю битта асарини битта ўқувчи одамзод тўплаган улкан кутубхонадан топиб ўқиса, бу, ёзувчи учун катта шодлик.

Бироқ, адабиёт ҳам, ёзувчи ҳам ўқувчининг фикрига кўра, ҳозирги замонда рўй бераётган воқелик ва айнан шунинг учун ҳам қимматга эга. Келажак учун эсаётган ёзувчи ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдайди, самарали натижа кетидан қувлайди. Адабий асар яшаб турганлар учун ёзилади ва уларнинг замонини тасдиқлайди. Айнан мана шу мангу “ҳозирги замон”, алоҳида олинган одам ҳаётини тасдиқлаш, адабиётга яшаб қолиш ҳуқуқини беради (агар шуни исботлаш зарур бўлса?)

Ёзувчи қалам ҳақини ўйламасдан ёзганида ёки кимга, нимага эсаётганини ҳаёлига келтирмай, завқ учун қоғоз қораласа, ёзганлари мутлақо заруриятга айланади. Мана шундай пайтда адабиёт юзага келади. Ёки, ҳеч нимага ярамайдиган нарса чиқиши мумкин, бу ҳам унинг табиатида бор. Бадиий ижоднинг касб ҳисобланиши, замонавий жамиятдаги меҳнат тақсимотининг ачинарли натижасидир. Ёзувчи унинг аччиқ меваларини тановул қилади.

Бу энг аввало бизнинг замонга, бозор иқтисодиёти шунчалик ҳукмрон бўлиб кетиб, ҳатто китоб ҳам товарга айланган замонга тааллуқли.

Бундай чексиз-чегарасиз ва бошқариб бўлмайдиган бозорда муайян ёзувчи ҳақида гапириш бир ёқда турсин, ҳатто ўтмишдаги адабий оқимлар ва уюшмаларни эслашга ҳам ўрин йўқ. Агар ёзувчи бозорнинг зугумларига бўйсуннишдан ўзини олиб қочар экан, мода деган ҳодисанинг талабларига мос маданий маҳсулот тайёрлашдек тубанликка тушишни истамас экан, демак, тирикчиликнинг бошқа йўллари қидириши керак.

Адабиётнинг бестселлерларга ва “Унта энг оммабоп китоб” туркумидаги рўйхатларга ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Шундай бўлгач, телевидение ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари эътиборни ёзувчиларга эмас, рекламага қаратадилар. Ёзиш эркинлиги адибга шундоққина бериб қўйилмайди, у сотиб олинмайди ҳам. У адабнинг ички эҳтиёжларидан келиб чиқади. Эркинликнинг нархи мана шунақа!

Будда — менинг юрагимда, дегандан кўра, юрагимда эркинлик яшайди, деган маъқулроқ. Бу эркинликни қандай ишлатишинг ўзингга боғлиқ. Агар уни бир нарсага алмаштирмоқчи бўлсанг, у қуш каби учади-кетилади. Эркинликнинг табиати шунақа.

Ёзувчи мукофотни ўйламасдан ёзишда давом этар экан, бу — унинг шахсий қадриятидан далил. Жамиятга хитоб қилиб чиқиш ҳам шундан иборат. Бироқ, бундай хитоб — пухта ўйланмаган амал. Ёзувчи ўзини қаҳрамон ёки курашчи қилиб кўрсатишига ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Қаҳрамонлар ва курашчилар жангга кирар эканлар, буни олижанобликдан ёки жангда шон-шараф қозониш учун қиладилар. Буларнинг бари адабиётдан ташқарида туради. Ёзувчи жамиятга тил воситасида даъват қилади, тил эса асарлари қаҳрамонлари ва улар тушган вазиятлар билан боғлиқ бўлиши лозим, акс ҳолда, ёзган асари адабиётга зиён-заҳмат етказиб қўйиши мумкин. Адабиёт — қаҳр алангаси эмас, битта ёзувчининг қаҳр-ғазаби эса айблов ҳукмига айланиб кетмаслиги керак. Ёзувчининг ҳислари асарига сингир кетсагина, асар ҳаётини чиқади ва вақт синовларидан омон чиқади. Шунинг учун ёзувчи эмас, асарнинг ўзи жамиятга даъват билан чиқади, дейиш тўғрироқ бўларди. Долзарблигини доимо сақлаб қолган асарлар ёзувчи ва у яшаган ижтимоий муҳитнинг бақувват акс-садоси бўлиб янграйди. Асар кўзгаган эҳтирослар тинганда, унинг қаҳрамонлари тин олганда, асар ҳамон ўқувчиларни жалб қилар экан, мана шундагина ёзувчининг жонли овози эшитилади.



Шуларга қарамай, бундай даъватлар жамиятда бирон нарсани ўзгартириб қўёлмайди; уларнинг аҳамияти шундаки, кимдир ўзининг ижтимоий муҳити ўрнатиб қўйган меъёрлар чегарасидан чиқиб кетиши мумкин. Айнан шу тариқа ёзувчи ўзининг инсонлик бурчини бажарганидан гурурланиши мумкин. Башар тамаддунининг ривож қандайдир тушунарсиз қонунлар ва ўзининг иродасига боғлиқ кўр-кўрона оқимлар туфайли кечса ва кимдир кўпчиликниқидан бошқачароқ фикр билдирилмаса, булар, албатта қувонадиган ҳол эмас. Бу масалада адабиёт тарихга қўшимча бўлиб хизмат қилади. Тарих одамларга ўзининг қонунларини тикиштириб, уларга ҳеч қандай имкон қолдирмаса, одам ўзининг овозини бошқаларга эшиттириш учун курашиши лозим. Одамзоднинг қўлида фақат тарих эмас, адабиёт ҳам бор. Шунинг учун ҳам алоҳида бир одам, у қанчалик кучсиз бўлмасин, ўзига ишонч ҳосил қилиши учун таянчи бор.

Академиянинг муҳтарам аъзолари! Сизлар адабиёт соҳасидаги Нобел мукофотини сиёсий қувғинларга учраган, одамзодни жароҳатлаган азоб-уқубатлардан ҳоли бўлмаган ва шунда ҳам бўйин эгмаган адабиётга бераётганингиз учун миннатдорлигимни билдираман. Бу юксак мукофотни бозорнинг ҳийла-найрангларидан узоқ бўлган, шунга қарамай, ўқишга арзийдиган оддийгина ёзувчилик учун бераётганингиз учун раҳмат. Айни пайтда, мендек бир ожиз одам бутун дунёнинг эътибори қаратилган минбарга чиқиб, оммавий ахборот воситаларида кўп ҳам эшитилавермайдиган ожизгина овозини кўтаришига имкон бергани учун Швеция Академиясига ташаккурларим бўлсин.

Уйлайманки, бу, Нобел мукофотининг мақсадларига мос келади. Менга шундай имкон берганинглар учун ҳаммангизга ташаккур!

*Рус тилидан  
Қудрат ДЎСТМУҲАММАД  
таржимаси*

## Павлик ҳаётда бўлганми?

### ЎЛДИРИЛГАН БОЛА ҲЕЧ ҚАЧОН ПИОНЕР БЎЛМАГАНДИ

**Х**ақиқий Павлик Морозов отасидан шаъни булганган онасининг ўчини олмоқчи эди.

Шўролар даврида 19 майни барча мактаб ўқувчилари Пионер куни сифатида нишонлардилар. Октябрят бўлганларга қизил бўйинбоғни кўрса-тишиб, ўша даврнинг энг машҳур қаҳрамони Павлик Морозов тарихини сўзлаб беришарди. Ҳолбуки, бу “қаҳрамон”нинг аслида ким бўлганлигини ҳикоя қилиб берувчиларнинг ўзлари ҳам мутлақо билмас эди.

— Уйлайманки, бу борада муфассал тарихни ҳеч ким ҳеч қачон билмаса ҳам керак, — дейди Екатеринбургдаги “Мемориал” жамиятининг раиси Анна Пастухова. — Бу боланинг асл фотосувратлари сифати ёмонлигидан жуда хиралашиб кетган. Унинг юз қиёфаси ва ташқи кўринишини кейин тиклашган.

#### У ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Афсонага кўра, СССРда Павлик Морозов қаҳрамон-пионер, Герасимовка қишлоғидаги пионер гуруҳининг раиси саналган. У коммунизм ғоясига ўта содиқлиги туфайли кулоқ отасининг устидан арз қилиб, уни сотган. 1932 йили шу сабабли укаси билан биргаликда ўзининг туғишганлари — бобоси Сергей ва амакиси Данила томонидан бувиси иштирокида шафқатсизларча ўлдирилган. Бунга “фармойиш берган” Павликнинг тоғаси Арсений Куликанов бўлган ва баённомада қайд этилишича, бу қотиллик учун у Даниелга 30 рубл берган. Суддан кейин асосий айбланувчилар отилган. Бироқ Павлик Морозов ишининг ҳозирги кун тадқиқотчилари

буларнинг ҳаммаси сохталаштирилганлигини қайд этишадди: аслида Павлик Морозов ҳеч қачон пионер бўлмаган, отасини эса онасининг ўчини олиш учун сотган, энг муҳим гап — у ОГПУнинг икки ходими томонидан ўлдирилган.

Аниғи шуки, Павел ҳеч қачон пионер бўлмаган, чунки ўша пайтда у ерда пионер бўлинмалари мавжуд эмас эди. Павликнинг чақимчилигига доир гаплар эса ҳозирги талқин даражасида бўлмаган. Ўша даврда Морозовлар оиласида кескин зиддият юзага келган эди — ота бошқа аёл изидан кетганди. Павел онасининг шаънини ҳимоя қилиб, унинг ўчини олиш учун отаси устидан бир неча бор хат ёзди.

Морозовлар ишини ўрганган ёзувчи Юрий Дружников талқинига кўра, Павликнинг қотиллари ОГПУ муҳим ишлар бўлими вакилининг ёрдамчиси Карташов ва унинг айғоқчиси Иван Потучиклар бўлган.

— Менинг норасмий талқинимга кўра, қотиллик одамларни колхозларга киришлари учун даъват қилиш ва қишлоқда коллективлаштириш жараёнини оммалаштириш мақсадида НКВД идоралари томонидан режалаштирилган ва амалга оширилган, — дейди ишонч билан Пастухова. — Бу талқинни кўплар маъқуллашмоқда. Чунки Павликнинг ўлимига қадар Герасимовкада одамлар колхозга киришни унча хуш-лашмаган, шу боисдан уларда кўрқув туйғусини уйғотиш зарур эди. У пайтда бундай чоралар сира иккиланмай қўлланган.

Павликнинг қариндошларини терроризм моддаси бўйича суд қилганлар, зеро, улар оддий боланинг эмас, пионернинг жонига қасд қилган

эдилар-да. Ҳар қалай, барибир бу ишда бир-бирига қовушмайдиган ўринлар кўп. Масалан, 91 ёшдаги бобо иккита болани қандай қилиб қувиб етган? Эки яна бир қизиқ жиҳат: болакайларни тайгада уч кун қидиришади, ҳолбуки у ерда йиртқичлар ҳар қадамда учради. Бироқ кутилмаганда уларнинг жасадларини қишлоқ теварагидан топишади. Демак, уларни ахтаришаётган пайтда бу жасадларни кимдир у ерга ташлаб кетган экан-да? Агар улар уч кун давомида ўрмонда қолишган бўлса, уларни оч йиртқичлар тилка-пора қилиб ташлаган бўларди. Уларни дафн этиш ҳам галати ҳолатда амалга оширилган, аввал бир ерга кўмишган, кейин қавлаб олишиб, яна қайта кўмишган, қабрни эса семонлаб ташлашган. Павликни ҳам, Федяни ҳам битта қабрга қўйишиб, устига ёдгорлик ўрнатишган.

## ҲОЯ УЧУН ЎЛИМ

Павлик ва Федянинг ўлимидан кейин Арсений Кулукановнинг қариндошлари, хусусан, унинг қизи Матрёна, энг катта душманга айландилар. Павликнинг онаси Татьянани қаҳрамон қилиб кўтардилар.

Матрёна укаси билан Тавде ботқоқликларидан ялангоёқ ўтиб, Герасимовкадан чиқиб кетди ва ортига қайтмади. Қотилнинг қизини ҳамма ерда нафрат билан қарши олишди. Менга у бошига қандоқ кулфатлар тушганини гапириб берган эди: 24 соатлаб меҳнат қилишга мажбур бўлган экан. Бироқ Тавдеда унинг кимлигини ҳамма яхши биларди. Павликнинг онаси Татьяна Морозова билан улар вақти-вақти билан кўришиб турардилар. Татьяна Тавдега йўли тушганда Матрёнаникига кўнарди. Татьяна “эл кўзида” мажлислар тўрида ўтирар ва минбардан ўз ўғлини ўлдирилиш тарихини ёдлагандек гапириб берарди. Кундалик ҳаётида эса бу афсонага мутлақо ишонмасди, чунки унинг ўғлини қариндошлари ўлдирмаганди. Бироқ, не тонгки, Татьянага бу афсона соясида яшаш қулайроқ эди: у давлат томонидан уй олганди, нафақаси мамлакат миқёсида эди. Герасимовка қишлоғи ҳам бунинг ҳисобига ёмон яшамасди: унга катта

йўл тушади, мактаб қурилади. Қайта қуриш даврида ўз отасини оқлашга фақат Матрёна Шатрова бел боғлаб киришди. Бироқ бу борадаги зарур ҳужжатларни Олий суд кўриб чиқмади ҳам.

XX асрнинг 30-йилларида қаҳрамон-пионернинг номи бутун мамлакат бўйлаб тимсол сифатида янгради — ҳамма ерда Павлик Морозовнинг ахлоқи намуна қилиб кўрсатилди: “Ўз ёрқин келажагинингни қураман десанг, Павликдан ибрат олиб яша”.

Нима учун Павлик тарихи Шўролар Иттифоқининг энг катта афсоналаридан бирига айланди? Чунки бу болакай беғуноҳ қурбон, гоёси туфайли жабрга дучор бўлганди. Ўша пайтда айнан шунақа қаҳрамон керак эди. Юрий Дружинников, бундай оташин шижоатдан, яъни халқнинг бу болакайга қўйган меҳр-муҳаббатидан Сталиннинг ўзи ҳам чўчиб қолганди, дея таъкидлайди. Бир пайтлар Павликка ҳатто Қизил майдонда ҳайкал ўрнатишмоқчи бўлишган. Бироқ бу Сталинга ортиқча туюлган: худо барибир битта бўлиши керак — худо унинг ўзи эди.

Совет ҳокимиятининг тикланиши даврида пионер-қаҳрамонлар ҳақида кўплаб афсоналар яратилганди. Инчунун, Горький Ёзувчилар анжуманида: “Шаҳид пионерлар сони кўрайиб кетди”, — дейишгача борганди. Қўшни районда Коля Мяготин исмли бир болакай ҳам бор эди, у буғдой ўғирлиги ҳақида хабар етказганлиги учун ўлдирилади. Уни ҳам садоқати учун жабр чеккан пионер сифатида қаҳрамонга айлантиришмоқчи бўлишди. Унинг ўлими воқеасида қатнашувчилар ҳам Павликниқидан деярли фарқ қилмас-ди. Коля Мяготин ёдгорлигига дастлаб “Қаҳрамон пионер” деган тахтачани осадилар. Лекин кейин уни олиб қўйишга тўғри келади. Аниқланишича, Коля ўша пайтда пионер ёшидан анча катта ёшда бўлган экан. Ва уни мутлақо бошқа нарса учун — колхоз даласидан кунгабоқар ўғирлагани учун ўлдирибган, яъни қўриқчи отиб ташлаган экан.

Совет замонида Соломеин деган ёзувчи бўлган. У ҳузурига 12 ёшли пионер қиз келиб, унга шундай савол берганлигини ҳикоя қилади: “Нима

учун Данилкани, чоллар – Морозов ва Кулукановларни отишган?” Соломеин бу саволдан ажабланиб, сўрайди: “Нима, уларга раҳминг келяптими?»: Қизалоқ шундай жавоб беради: “Сира ҳам! Мен аввал уларни кичкина пичоқча билан майда бўлақларга бўлган бўлардим. Аввал бурнини, қулоғини ва лабларини кесардим, кейин ҳаммасини ёниб турган ўтга ташлаб куйдирардим”. Бу воқеадан кейин Соломеин Горькийга хат ёзиб Павлик Морозов ўлими тарихи синфий душманларга нисбатан

нафрат уйғотади, лекин бу нафрат керагидан ортиқ қаҳр-ғазабга лиммо-лимдир, дейди. Салтанатнинг кўғирчоғига айланиб бўлган Горький бу гаплари учун ёзувчини қаттиқ жеркийди.

Шўролар даври аллақачон тарихга эврилди, бироқ Павлик Морозовни бугун ҳам баъзан-баъзан эсга оладилар. Мамлакатда ҳали ҳам Павлик Морозов ва Коля Мяготин номидаги кўчалар бор. Павлик ҳақидаги афсона ҳали ҳам яшамокда ва кўплар бунга ҳали ҳам ишонадилар.

*“Аргументы и факты” ҳафтаномагининг 20-сонидан олинди.*

*Валентина ОБЕРЕМКО*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш; ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».



## Ўзбек шеърятининг озорий оҳанги

**Х**алил Ризо Улутурк бутун туркий оламда ўзбек адабиёти ва маданияти билан энг яқин алоқада бўлган ижодкор эди. У 1969 йилдан Ўзбекистон билан боғланиб, бу ўлка ҳақида кундаликлар ёзди. Оташқалб шоирнинг “Боку – Тошкент ҳаво йўли”, “Ўзбеклар”, “Айрилиш қийин”, “Самарқандим”, “Тошкент киши”, “Мактублар – қўл-қанотим” шеърлари муаллифнинг “Қардошлик” китобидан ўрин олди.

Халил Ризонинг кўп қиррали ижоди унинг ўзбек шоирлари ижодидан озарбайжончага қилган шеърий таржималарида ўз аксини топди. Ўзбек адабиёти намоеңдалари Сақкокий, Навоий, Машраб, Ҳамза, Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Ҳалима Худойбердиева, Гулчехра Жўраева, Раззоқ Абдурашид, Жамол Камол, Абдулла Шер, Тоҳир Қаҳҳор, Файзи Шоҳисмоил, Тилак Жўра ва бошқаларнинг ижодий намуналаридан Халил Ризо қилган таржималар озарбайжон шеърят мухлислари томонидан севиб ўқилмоқда.

Халил Ризо “Ўзбек шеърятини антологияси”, “Шайхзода дафтари”, “Тошкентнома”, “Туркистон девони” тўпламларини тайёрлади, лекин уларни китоб ҳолида чоп эттиришга улгурмади. Бу шеърий баёзлар қўлёзма ҳолида шоирнинг архивида, умр йўлдоши Фарангиз хонимда сақланмоқда. Ижодкорнинг ўзбек шоирлари ижодидан аввал қилган таржималари унинг “Қардошлик гулчамбари” ва “Дунё дарчаси” китобларида босилиб чиққан эди.

Шоирнинг қарийб барча туркий халқлар шеърятидан танланган таржималари унинг “Турон гулдастаси” китобига киритилган. Бу китоб икки марта: шоирнинг ҳаётлигида ва вафотидан сўнг нашр қилинди. Ўзбек – озарбайжон адабий алоқалари масаллари ушбу сатрлар муаллифининг “Миллий идеал курашчиси” номли монографиясида кенг таҳлил қилинган.

Бугунги кунда буюк Алишер Навоийнинг Фузулий, Зокир, Нотавон, Фатмахоним, Видодий, Саид Азим Ширвоний, Собир сингари озарбайжон шоирлари ижодига таъсири катта бўлганини дадил айтиш мумкин. Бу таъсир Халил Ризо ижодида шаклан ҳам, гоё ва дунёқараш сифатида ҳам ўз аксини топган. Навоийнинг Озарбайжон адабиётига таъсири бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Албатта, икки шоир ижодидаги бадий шакл, радиф, қофия, аруз вазнидаги ўхшашликлар мавжудлигини таъкидлаш жуда муҳим. Шу нуқтаи назардан Халил Ризо шеърятини (ғазал ва бошқалар)да Навоий нафасини ҳис этиш мумкин. Навоий–Фузулий асарларининг оҳангдошлиги уларнинг шаклий муштараклиги Халил Ризо ижодида ҳам анъана ва образлилик кўринишида ўз ифодасини топганини кўрамиз. Халил Ризонинг Алишер Навоий ижодидан қилган таржималари (жумладан, “Лолазор эрмаски, оҳимдан жаҳонга тушти ўт”, “Тун оқшом келди-ю, келмас менинг шами шабистоним”, “Навбаҳор айёми бўлмиш мен диёру ёрсиз”, “Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт” мисралари билан бошланувчи ғазаллари фикримиз далилидир. Халил Ризонинг ғазалларида ҳам радиф, қофия ва образ (тасвир, ифода) нуқтаи назаридан Навоий билан ҳамоҳанг нуқталар кўп учрайди.

Халил Ризо Чўлпон шеърятини севиб ўқиган, таржима қилган. Машҳур шоирнинг “Адабиёт надир” мақоласидан таъсирланиб, “Шеърят надир” деган мақола ёзиб, бу саволга ўз ҳиссиётлари ва заковати билан жавоб берган.

Чўлпон миллий шуур шоири, миллий озодлик байроқдори эди. Халил Ризо унинг шеърларини озарбайжончага ўгира туриб, уларни ўзига сингдирганди, ундан маънавий озуқа, куч-қувват олганди.

Фафур Фуломнинг “Сен егим эмассан” шеъри қофиясиз ёзилган. Х.Ризо ҳам мазкур шеърни таржимада қофиясиз тақдим этган. У Ф.Фуломнинг “Турксиб йўлларида” шеърини озарбайжончага ўгирганда унинг оҳанги, шаклий тузилишига, образлилигига алоҳида эътибор берган. Умуман олганда ўтган асрнинг 30–40 йилларида сарбаст шеърнинг вазни, табиийлиги кучли бўлган, узун ва қисқа мисраларда туроқ, оҳанг эътибори билан жўшқин жаранглаган иборалардан кенг фойдаланган Халил Ризо “Турксиб йўлларида” шеърининг залворли мазмунини қайта ярата олган.

Нафис лирика, фалсафий фикрлар шоири Ойбекнинг “Ўзбекистон” муҳаммасининг а-б-б-а тарзида ўзига хос қофия тузилиши бор. Бу шакл, айтиш мумкинки, озарбайжон шеърятига кам ишлатилади. Халил Ризо “Ўзбекистон” шеърини озарбайжончага ўгираркан, асарнинг қофия тизимини сақлаб қолган, айна чоғда ўз шеърларида шу услубдан фойдаланган.

Ойбекнинг:

Тўлқинланган Ўзбекистон – қайнар бир ҳаёт!  
Тебратади мамлакатни бахтнинг ўз қўли.  
Очилгандир тарихларнинг энг улуг йўли,  
Хазинасин очиб берган қири, тоғ, чўли.  
Бутун шарқда ёзажак у шафақдан қанот,

сатрлари озорий лисонда мафтункор жаранглайди.

Ўзбек шоири Мирмуҳсиннинг “Шалола” шеъри билан Халил Ризонинг “Шалола” шеърида руҳий яқинлик мавжуд.

Мирмуҳсин:

Ўнгингда, сўлингда лола тизими,  
Бардоши чидамай лол сукунатга,  
Қоялар бошидан отиб ўзини,  
Шалола йўл излар абадиятга.

Халил Ризо:

Шалола тоғларнинг мард фарзандидир,  
Бутун агроф кенг қиру адир!  
Чақмоқнинг, булутнинг, тўфон, денгизнинг  
Жасорати – юракнинг истеъдодидир.

Жуманиёз Жабборовнинг Озарбайжон–Ўзбекистон кунлари муносабати билан ёзилган “Боку сафари” шеъри бор. Халил Ризо ҳам бунга уйғун бир тарзда “Боку–Тошкент само йўли” шеърини ёзган. Фикр, мафкура, шакл яқинлиги диққатни жалб этади. Бундай уйғунлик Халил Ризонинг қуйидаги сатрларида ҳам акс этиб турибди:

Аэродром бўйича гулларнинг ол букуми<sup>1</sup>  
Қаршилар она Тошкент, жуфт қанотли Бокуни!  
Менга гуллар тутмагин, яша гул тутган қўллар,  
Саёҳатчи эмасман, иш йўлидир бу йўллар.

Эркин Воҳидов Есенинни ўзбекчага таржима қилган. У Навоийни, мумтоз ўзбек шеърятини мукамал билади. Шеърлари мусиқий, оҳангдор. Э.Воҳидов газалларида Фузулий руҳи бор. Сўздан, ташбеҳдан фойдаланиш маҳорати, фалсафий фикрлаш тарзи, маъно ифодаси Эркин Воҳидовда жуда кучли. Халил Ризонинг шеърый табиатида Эркин Воҳидовнинг ҳам нафаси бор.

Халил Ризога Абдулла Ориповнинг нафаси янада кўпроқ теккани сезилиб туради. Халил Ризо замонавий ўзбек шеърятига янгилик, ватандошлик туйғуларининг жўшқинлигини ҳис эта билган. Бу ҳис-туйғу Мақсуд Шайхзода,

<sup>1</sup> Б у к у м и – гулдастаси.

Миртемир, Хусниддин Шарипов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Хайриддин Салоҳ шеърлари билан боғлиқдир. Бу шоирлар ижодида мадҳиягўйлик, риторика ўрнига самимият, инсонийлик, халқ орзулари тараннуми яққол кўринади.

Абдулла Ориповнинг “Озарбайжон” шеъри билан Халил Ризонинг “Озарбайжон” шеърида руҳий яқинлик акс этиб туради. Романтик тараннум ва тасвир, оҳанг яқинлиги, фикр теранлиги уйғунлашиб кетади.

Абдулла Орипов икки ўлка орасидаги дўстликни шундай тасвирлайди.

Эъозлаб турибди кўтариб бошга,  
Бу кун озор эли Ўзбекистонни.  
Сўйласин минг йиллик мўсафид тарих,  
Бу дўстлик билганми шубҳа, гумонни?  
...Низомий болидан ҳалво пишурмиш  
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.  
Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек  
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.  
Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,  
Озар ҳам аярми Ғафурдан жонни.

Халил Ризонинг “Ўзбеклар” шеърида:

Етар, Абдуллажон, басдир бир қадах,  
Порлаган кўёшдир пиёламдаги.  
Навоий айтган-ку, ич томчи-томчи,  
Нўш этайлик қулсин пиёла таги.

Абдулла Орипов билан Халил Ризода тўртликлар ҳам ҳамоҳонг.

А.Орипов:

Оҳ, ўтган бу кунлар қайтмагай зинҳор,  
Ўчган муҳаббатнинг ёнмоғи душвор.  
Нигоҳинг қадама қароғимга сен,  
Унда тўкилмаган кўз ёшларим бор.

Х.Ризо:

Ажралайлик, дейсан, балодир бу ишқ,  
Бизни не балога соладир бу ишқ.  
Ажратиб бўларми, ўзинг тий сўздан,  
Гавҳарни денгиздан, зиёни кўздан?!

Ижодий алоқалар, айниқса, таржимонлик фаолияти Халил Ризонинг мақсадларига, интилишларига аниқлик бахш этди, унинг ижод ва ҳаёт йўлини белгилаб олишига ёрдам берди, шахс сифатида қатъиятини, шеърлари шакллари такомилаштиришни кучайтирди. Халил Ризо таржима қилган муаллифлар ўзига хос тафаккурга эга, йирик мутафаккир ижодкор бўлиш билан бир қаторда шеърятда, насрда, драматургияда, таржимада, адабий алоқалар ва публицистикада салмоқли сўз соҳиби бўлганлари тасодиф эмас. Бу борада Халил Ризо ижодкор шахс сифатида Мақсуд Шайхзода, Эркин Воҳидовлар билан бир сафда туради.

Шубҳасиз, Халил Ризонинг ўзбек шеърятидан қилган таржималари у ёки бу тарзда унинг ўз шеърятига таъсир кўрсатди. Биз бу ўринда шу таъсирнинг озарбайжон шоири асарларининг шакл ва мазмунида қандай намоён бўлганини кўрсатишга уриндик.

*Ализода АСКАРЛИ,  
Озарбайжон Миллий Фанлар  
Академияси Низомий номидаги Адабиёт  
институтининг етакчи илмий ходими,  
филология фанлари номзоди*

*Яратилганининг 700 йиллигига*

Бурҳониддин РАБҒУЗИЙ

## Қисаси Рабғузий

ҲАЗРАТ ЮСУФ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

**Х**азрат Яқуб алайҳиссаломнинг ўн ики ўғлонлари бор эди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло буларнинг орасида Юсуф алайҳиссаломни хўброқ ва мумтозроқ қилди. Буларнинг қиссаларини «**аҳсанул-қисас**» демакнинг бойиси улким, аввал қисса аввалдин охиригача бир сура, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом воқеалари, икинчи жамъи қиссаларнинг тангсукроғи турур. Учунчи — ўзга қисса ҳар сурада бир оят ёки ики оят келур. Тўртинчи сабаб ўзга қиссаларда ётлардин еткан жафолар айтилур. Аммо бу қисса ота, ўғил, оға-иниға қилган жафолар турур. Бешинчи бу қиссада уч ҳолат бордур. Аввал Худойи таолонинг фармонини биткармаклик. Икинчи халойиқ бирла яхши муомила қилмоқлик. Учунчи — ҳар бир вақтда илкни очиқ тутмаклик. Тўртинчи — ямонлиқ қилганларга яхшилиқ қилмоқлик. Бешинчи — бу қиссанинг аввали туш, ўртаси туш, охири туш эрди. Олтунчи — бу қиссанинг аввалидин охиригача ишқ-муҳаббат бирла тамом қилган. Еттинчи — Он Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам айдиларки, ҳар кимарса бир қаттиғ балоға гирифтор бўлса, сураи Юсуфни етти мартаба ўқусун, жамъи мушқуллари осон бўлуб муродлари ҳосил бўлур! — дебдурлар. Ва яна уломолар бу қиссани «**Аҳсанул-қисас**» демакнинг боиси ул ким Ҳазрат Расул Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига насиҳат қилиб айдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни бисёр таъриф-тавсиф қилдилар. Саҳобалар айдиларким: — Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг воқеаларини бизга баён қилиб берсунлар!? Шул замон Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом бу сурани келтурдилар. Яна бир боиси улким, илгари Инжил, Забур, Таврот китобларида бу сура нозил бўлган эрди. Жухуд тарсолар бизларнинг китобларимизда бу қисм воқеа бор деб ўзларича фаҳр қилур эрди. Андин кейин «Фурқон»да келтурди. «Сиз пайғамбар бўлсангиз, бизга бу сурани кўргузунг. Бу воқедин бўлак воқеа бўлмасун?» — деди. Ул замон бу сура нозил бўлди. Яна бир боиси улким, Расул саллаллоҳу алайҳи ва салламни Ваъз айтсалар, тўла халқ йиғилур эрди. Кофирлар рашк қилиб ҳама халқни бир ерга йиғдилар. «Биз ҳам бир қисса топиб ўқийли», деб бир «Шоҳнома» ўқидилар. Ул замон Ҳазрат Расул саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир сура нозил бўлди. Элға баён қилдилар, андин кофирларнинг маърақасиға киши

Давоми. Боши ўтган сонларда.



йигилмади. Яна боиси улким, «Таврот»хонларнинг олимлари Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи ва салламдин мўъжиза тилади. Айдиларки: – Бизнинг китобимизда Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг воқеалари бор. Агар сиз пайғамбари барҳақ бўлсангиз, ул воқеани «Фурқон»да кўргузинг?– деди. Ул замон бу сура нозил бўлди. Яна бир боиси улким, Ҳазрат Расул саллоллоҳ алайҳи ва салламнинг имомзодаларини кучоқлариға олиб, меҳрибонлиқ қилиб ўлтуруб эдилар, Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: – Ё Расуллоллоҳ! Худойи таоло салом ёрлақади, фаришталар дуруд иборди. Дўстум Муҳаммад фарзандлариға муҳаббат қилур, аммо куни бўлурки, бирин заҳар бериб халок қилур. Яна бирини тиғи бедариг бирла халок қилур! – дедилар. Бу сўзларни эшитиб бисёр паришон бўлдилар. Ҳазрат Али карамоллоҳу ваҳҳаҳу ва Биби Фотима (розиаллоҳу анҳу) тўла паришон бўлдилар. Анинг таскини хоотири учун бу Сура нозил бўлди, дебдурлар. **Ҳикоятда келтирубдурларким,** Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломнинг тўрт хотунлари, ўн ики ўғлонлари бор эди: Рубил (Рапил), Лови, Шамъун, Яҳудо, Корвон, Бағшар, Шахо, Ризё, Бун, Қозур, Итбар, Юсуф, Ибн Ямин – буларнинг орасида Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Юсуф алайҳиссаломға ўн нимарса каромат қилди. Аввал – хусн жамол, икинчи – хатна қилиг, учунчи – хатони кечурмаклик, тўртинчи-тушға таъбир айтмаклик, бешинчи – оқибат-андишалик, олтунчи-пайғомбарлик, еттинчи – подшоҳлик, саккизинчи – ибодатлик, тўққизинчи хушхўйлик, ўнинчи – покдомонлик.

**Нақл қилибдурларким,** дунёда беш нимарсани тўққиз ҳисса қилиб бир кишиға насиб қилди. Аввал – шарму ҳаёни ўн ҳисса қилиб, тўққиз ҳиссасини берди. Бир ҳиссасини жамъи хотунларға берибдур. Икинчи-овозни ўн ҳисса қилиб тўққуз ҳиссасини Довуд алайҳиссаломға, бир ҳиссасини тамоми оламдаги халққа берибдур. Тўртинчи хушхўйлиқни ўн ҳисса қилиб тўққиз ҳиссасини Расул саллоллоҳу алайҳи ва салламға, бир ҳиссасини тамоми халойиққа берибдур. Бешинчи – хусн жамолни ўн ҳисса қилиб тўққиз ҳиссасини Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломға, бир ҳиссасини тамоми рўйи оламдаги халойиқларға берди. **Нақл қилибдурларким,** Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломни уйларида Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бир дарахт ато қилди. Ҳеч шоҳи ҳам – бутоғи ҳам йўқ. Ҳар бора ўғул фарзанд вужудға келганда бир шох пайдо бўлур эди. Ул шох бу ўғул бирла тенг катта бўлур эрди. Ул шохни кесиб анға асо қилур эрдилар. **Вақтиқи,** Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом вужудға келганида бир шох пайдо бўлуб, тенг катта бўлди. Кесиб асо қилиб бердилар, қаён борсалар таяниб борур эрдилар. Ул вақтда оғалари бирла меҳрибон эрдилар. **АЛҚИССА** етти ёшға кирганда бир туш кўрдилар. Сахроға бориб ҳар қайсилари таёқини ерга қадаб, санчиб кўйдилар. Узгасининг асоси кўкармади, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг асолари кўклади. Ҳама шохлари таёқларға сояси тушуб беҳад-беҳисоб мевалар пайдо бўлди. Иргатиб тўйдилар. Кўп халқға ҳам мева бердилар. Уйғониб атолариға айтдилар. – Эй ўғлум, бу тушунгизни ҳаргиз кишиға айтманг! – дедилар. Бир кун атоларининг кучоқларида ётур эдилар, кўрқуб сесканиб уйғондилар. Оталари: – Сизға нима бўлди? – дедилар. – Тушимда бир улуг иморат! Анда кириб бир тахтнинг узасида ўлтурубдурман. Бошимда тожи мурасса, кўлимда ангуштарин. Тўла халқ олдимда хизматда турурлар! Ул аснода осмонларнинг эшиги очуқ, ҳама халқ мунаввар, равшанлик бўлди. Ўн бир юлдуз келиб манга сажда қилди, деб тушларини баён қилдилар. – Бу тушни ҳеч кишиға айтманг! – дедилар. Яна бир кун туш кўрсалар, ўн бўри келиб буларға ҳарба қилди. Қочиб бир чуқурға кириб қутулдилар. Бу ҳама кўрган

тушларини оталарига айдилар. Аммо оғалари ҳам англади. Роҳиланинг ўғли отамизга яхши кўринай деб, ёлгон тушни айтур, деб душман бўлдилар. Аммо ҳеч илож қилолмас эрдилар. Бир кун маслаҳат қилиб айдиларким: — Юсуфни ўзидин қандек туш кўрдунг деб сўрали, деб чорлаб сўрадилар. Ҳеч жавоб бермадилар. Отамиз мунга меҳрибонроқ, ҳар нима бўлса, шунга берур. Бизга асло илтифот қилмас. Кеча-кундуз молини биз боқиб, бўри, тўнғизни биз кўруб, хизматни биз қилурмиз. Ҳаловатни бул кўруб юрур деб, рашк этиб, тўла сўзлашур эдилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломни ўн ики ўғилларининг ҳар қайсиларини бир хосиятлари бор эди. Бирининг унини ҳар нимарса эшитса беҳуш бўлур эди. Бири тирандоз эди. Бирининг аччиғи келганда баданидаги туки эғнини тешуб турар эди. Бири шамширзан эди. Бири куштигир<sup>2</sup> эди. Бири даладаги илбўсунларни қавлаб тутар эди. Аммо буларни орасида Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом андоғ хушрўй эрдиларким кундуз офтобга рўбарў бўлсалар ғалаба берур эрдилар.

АЛҚИССА, Шайтон бир қари марди калон суратида бўлуб, буларнинг маслаҳатларига кўшулди. Буларга чандон турлук маслаҳат кўрсатуб айдики: — Юсуфни бир йироқ ерга оборинлар, ўлтурунлар, — деди. — Йироққа қандоқ қилиб иборурмиз? Ўлтурсак Худойи таоло биздин безор бўлур, отамиз озор бўлурлар. Ҳаргиз ўзидин йироқ қилмас, — деди. Шайтон айдики: — Ҳоло киш совукда бу маслаҳат ўхшамас. Бир мунча маҳал сабр қилинлар, ёз бўлсун, ёй чечак очулсун, булбуллар сайрасун, қўйларинг кўзласун, теваларинг бўталасун, ул вақтгача Юсуфни ҳар қайсиларинг ўзларингга ром қилинлар. Ул вақт саҳрога ўйнағали борурмиз деб, чиқинлар. Ул ҳам борурман дер. Эргашуб турар. Атонгиз ҳам кўшиб берадурлар. Андин ани ишини қилмоқ осондур, — деди. Ушбу маслаҳатга рози бўлдилар. **Вақтиқи**, ёз бўлди ҳама оғалари топишиб атолари қошига кирдилар. — Эй ато, бу кун саҳрога бориб бир томошо қилсақ — Юсуфни бизга кўшуб берсалар кўнгли андак фараҳ топиб шодмон бўлғай. Қўйларнинг кўзисини, эчкиларни улоқини, теваларнинг бўтасини ўйнаб кўнгли очилур, деди. Юз минг макр-ҳийла бирла атоларига айтиб олдилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом айдилар: — Эй фарзандларим, Юсуфга бепарволик қилманлар, оч қўюб сусатиб юрманлар. Менинг кўнглумни хушлуқи Юсуфдур, дедилар. Анингсиз мани тириклик қилмоқим баса мушкулдур, дедилар. Ўғлонлари айдилар: — Бизга таҳқиқламоқ лозим эмас, бизни фарзанд ишимиз турур. Кўлимиздин келишича ишратлар қилиб бу йўлдин-бу йўлга, бу элдин бу элга олиб ўйнатурмиз дедилар. Сиздин хўброқ меҳрибондурмиз Қовлуху таоло: **қолу я абаана ма лака ла та-манна аъла Юсуфа ва ана лаху ланасихун** (Дедилар: “Эй, отамиз! Нечен Сиз Юсуфни бизга ишонмайсиз? Ахир, биз унга жуда хайрихоҳмиз-ку!” 12:11). Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом айдиларки: — Эй ўғлонларим, Юсуфдин ҳаргиз кўнглум тинмайдур. Мабода сизлар ўйунга бўлуб Юсуфдин беҳабар бўлсанлар, бўри олиб кетса кейин пушаймон фойда бермас деб, буларга кўшуб бермадилар. Ваҳшат қилмоқни боиси ул эрдиким, Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломнинг бир кун тушларида Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кўюнларида ётур эрдилар. Ўн бўри пайдо бўлуб Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни кўюнларидин тортиб олиб бир ғорга олиб кириб кетди. Яна бир бўри пайдо бўлуб аларни қавлаб эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ерга кириб ғойиб бўлдилар. Бу тушни боисидин тўла ваҳшатлари бор эди. Ул сабабдин кўнғуб бергали унамаб эдилар.

**Охир ул-амр**, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кириб оталарига йиглаб: Ман оғаларим бирла бориб қўйларни кўзисини, теваларнинг бўтасини кўруб, ўйнаб келурман деб?! — деб турдилар. Ноилож бўлуб кўшуб

бердилар. Йиғлаб айдиларки: – Эй жигаргўшаларим, Юсуфни Худой таолога топширдим! Икинчи – ўзларингдин йироқ қўйманглар, бўрига олдирманглар! – деб рухсат берибди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни гесуларини тараб, яхши эгинлар кийдуруб, қўшуб бердилар. Рупул бўйнига кўтариб олди. Андин Яҳудо кўтариб, то шаҳарнинг қораси битгунча кўтариб юрдилар. Андин ерға ташлаб айдиларким: – Эй Роҳиланинг ўгли, ёлғон тушларни кўриб, отангга айтиб, яхши кўринур эдинг! Яна бизнинг бўйнимизга минурмусан, деб пиёда олдиларига солиб қавладилар. Йўл қумлик, тиконлик эди. Ҳаво иссиғ, бисёр ташна бўлдилар. Бечоравор яланаёғ югуруб чарчадилар. Қайси оғаларига сизиниб келсалар, ул урар эди. У ён пиёдалиқ тиконнинг дарди, бу ён ташналиқ дарди. Йиғлаб оталарини шафеъ келтуруб турдилар. Сув тиласа кож берур эди, нон тиласалар мушт берур эди. **Бу аснода** Рупил келиб оёқлардин судраб тикондин-тиконга, тошдин-тошқа судраб юрди. Муборак баданлари ҳамаси яра бўлди. Кўзлари тупроғ бўлди. Ул аснода бир жонивор пайдо бўлуб айдики: – Эй авлоди Яқуб, отангизни насиҳатларини фаромуш қилдинглар! Худойи таолодин кўрқмадинглар! – деди. Анга ҳам қулоқ солмадилар. Бир тепага олиб чиқиб ўлтургали қасд қилдилар. Шамъун пичоқ чиқариб бўғизларига сургунча, ер титраб овоз келдики: – Эй авлоди Яқуб, Юсуфга озор берманглар! Оташи Дўзахга гирифтор бўлурсизлар деб! Ул сўзга ҳам қулоқ солмадилар. Андин юруб бир ерға олиб боруб азоблаб пичоқ сургали қасд қилди. Бир шер пайдо бўлуб: – Эй авлоди Яқуб, на учун Юсуфга жафо қилурсизлар?! Худодин кўрқинглар, оталарингдин уялинглар! Оталаринг Юсуфнинг фироқида забун бўлур! – деди. Анга ҳам қулоқ солмадилар. ғазаб бирла ўлтурмакка мойил бўлдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Яҳудо бирла Рупилнинг оёғига бошларини чалиб йиғлаб айдиларким: – Эй оғаларим, сизлар улуғроғ, манга раҳм қилинглар, ҳам бечора отамга раҳм қилинглар! Бу кун мани сизлар ўлумдин қутқаринглар! – деб зор-зор йиғладилар. Ул ҳолда тош бўлса ҳам сув бўлур эди. Аммо аларнинг раҳми келмади. Рупил айди: – Эй Юсуф, ёлғон кўрган тушунг бугун эсингга тушсун! – деб бир кож урди. Кўзларига қизиллик тиқилди. Аммо Яҳудонинг раҳми келиб сўзламади. Андин Шамъунга ёлбордилар. Ул ҳам аччиқлаб бир мушт урди. Йиқилиб-қўпуб Яҳудонинг оёғига йиқилдилар. Йиғлаб айдиларки: – Эй қариндошим, отам мани сизга топшуруб эдилар. Айдилар: – Эй Юсуф, ман санга марҳамат қилсам мани ҳам ўлтурурлар. Сабр қилгил, Худойи таоло осон қилур, деб ажратиб олмади. Андин ҳам ноумид бўлиб кулдилар. Оғалари айди: – Эй Юсуф, жонинг тумшугингга келди, нимага куларсан?! – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: – Бир кун сизлар мани ёнимда эдинглар, ман отамнинг кучоқларида эдим. Кўнглимга келдики, мабодо манга бир иш бўлса ёки бир киши тегса, оғаларим пора-пора қилур! Кимдур манга душман бўлғай! – деб эрдим. Ул сўзим мана хатосига, Худойи таоло сизларни манга душман қилди. Ҳеч қайсиларингиз раҳм қилмайсиз! – дедилар. Яҳудонинг раҳми келиб айдики: – Эй Юсуф, ман сани ўлдиргали қўймай, мабодо отамга қўшулсанг, мани расво қилмағил? – деди. Шамъун бирла Рупилга айдики: – Муни кўзига қараб туруб қандоғ қилиб ўлтурурмиз?! Қиёматда нечук жавоб берурмиз? Пайгамбарзодани ўлдирмак гуноҳи кабирдура, деди. Булар айдики: – Сан бизнинг маслаҳатимиздин чиқиб, отамизга қадрлиқ бўлай дерсан?! Сани сўзингга ҳаргиз кирмасмиз, – деди. Шамъун айдики: – Ўлтурмасак, қўл-оёғини боғлаб Сом ибн Нухнинг бир қудуғи бор, анга ташлалаи. Шул замон қўл

оёғини боғлаб, ул қудуқға олиб келдилар. Яҳудонинг раҳми келиб беҳуш бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом онҳама йиғлаб ёлбордилар. Ҳеч қайсисини раҳми келмади. Аммо бу бечоранинг аҳволига мургони ҳавойи дарё ҳама нолаға келди. Ялонғоч қилали деб турғонда: «Кўнглагимни қўйунглар, тирик бўлсам, авротимга пўш бўлса, ўлук бўлсам, кафан бўлса, — деб йиғладилар. Буларға бовар бўлмади. Ялонғочлаб қўл-оёғларини боғлаб белларидин аргамчи билан боғлаб, қудуққа ташладилар. Ўртасиға етганда аргамчини кесиб юбордилар. Гоҳо бошлари, гоҳо оёқлари тегиб тушуб борур эрдилар. Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин Ҳазрат Жабройил алайҳиссаломга фармон бўлдики: — Дарҳол бориб Юсуфни тутғил деб?! Сидратул мунтахийдин келиб тутуб олдилар. Қудуқнинг тубида бир катта қурт аждар бўлуб эди. Қурт бошини кўтариб эди, Юсуф алайҳиссалом кўрқдилар. Бу қуртқа фармон бўлдики, «бошингни ҳаргиз кўтармагил!» Юсуф мани сиддиқим деб! Ҳама қуртлар бошини тубан солди. Андин ул тошнинг тепасида бир тахт қўйди. Нидо келдики: — Эй Юсуф, сабр қилғил! Нажот берурман! Мисрға подшоҳ, отангга саломат еткурурман деб! Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом бу исми аъзамни ўқиғил нажот топарсан! — дедилар. Исми аъзам бу турур: **Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим! я Сонеъу кулли маснуъ ва я Кашифу кулли қурбатин я Мужибу куллу даъватин я Жабиру кулли кибрия-у, Сирун кулли аъсирин, я Соҳибу куллу ғарибин я Мунису кулли ваҳидин я Шаҳида кулли нажва я Ҳазиру кулли бала-и ла илаҳа илла анга субҳонака асъалука ан тажъалани фаражан ва маҳражан ва ан такзифа хуббака фи қалби ҳатта ла яқуна ли ҳаммун ва зикрун ғайрука ва ан таҳфазани ва тарҳамани бираҳматика ё арҳамар- роҳимин**(Эй бор Худоё!Эй ҳар бир қайғуни кеткизувчи! Ва эй дуъоларни эшитувчи! Ва эй бор мавжудодни устаси! Ва эй ҳар бир синиқни тузатувчи! Ва эй ғарибларнинг ҳамнишини! Ва эй ёлғизларнинг муниси! Ва эй ҳар бир сирри суҳбатнинг гувоҳи! Ва эй банданинг бошига тушган балолардан хабардор! Ва эй сендан ўзга бирорта маъбуд бўлмаган поко парвардигор! Сен бу ташвишдан чиқиш жойини менга осон ва енгил қилишингни сўрайман, ва менинг қалбимга ўз муҳаббатингни солиб қўйишингни сўрайманки менда сендан бошқа зикр ва қайғу бўлмасин, ва мени ўз ҳифзинга олишингни сўрайман, ва эй меҳрибонларнинг меҳрибонроғи, менга раҳминг келишини сўрайман.) Ҳар ким зиндонға ва ё ҳар қисм балога гирифтор бўлса, бу исми аъзамни ўқуса ғамдин нажот топар, жамъи мушкуллари осон бўлур.

АЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни оғалари қудуққа солиб ёнди. Бир улоқнинг қониға кўнглакларини бўядилар. Отамизға бўри еди дермиз! — дедилар. Яҳудо айттики: — Отам қошиға боринглар! Ман букун қўнуб, Юсуфни пойлаб ётай! Киши қорасини олиб қочмасун! Отам сўрасалар, бўрини қавлаб кетти денглар, деб мунда қолди. Ўзгалари келиб айдиларким: — Яҳудо Юсуфға меҳрибон эди. Ҳийла бирла қудуқдин олиб отамизға беруб, бизни шарманда қилур. Яҳудони олиб ёндилар. Ул кун кеч бўлди. АЛҚИССА Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломға Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом нурдин табағларда Биҳишт таомларидин келтуруб бердилар. Қўл-оёғи ешилиб, бу таомлари еб сероб бўлдилар. Қудуқнинг ичини гулзорлиқ қилди. Бу қудуқ суйи аччиқ эди, тотлиғ бўлди. Аммо Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни бу қудуқға тушмакиннинг боиси ул эрдикки, Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг қавмларидин бир зоҳид бор эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломға бўладургон воқеани китобда кўруб эди. Муножот қилдиким: — Илоҳо, узун умр берсанг, шул Юсуф алайҳиссаломни бир кўрсам деб! Дуоси мустажоб бўлуб, ул вақтдин бери бу чоҳда

мақом топиб ибодат қилур эди. Худойи таоло ҳар куни бир анор ато қилур эди. Шунӣ гизо қилиб умр ўтқарар эди. Ул зоҳид туруб Юсуф алайҳиссаломни қучоқлаб, бир оху сард тортиб: – Эй Юсуф, бу ишни оғаларингдин кўрмагил, сани Худойи таоло келтирган, аларни сабаб қилибдур, деб. Жон баҳақ таслим қилди. Эй дарвиш, ул кимарса махлуқнинг ҳолиға мунтазир эрди, кўрди. Иншооллоҳу таоло мўъминлар дийдори Илоҳийға мушарраф бўлғусидур.

АЛҚИССА, Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин хитоб келдики: – Эй Юсуф, паришон бўлмагил! Сани ишинг кундин-кунга яхши бўлур! Оқибат муродингға етарсан, куни бўлурки оғаларинг қилган ишидин шарманда бўлуб, пушаймону надоматлар қилур! Бу ваъдани эшитиб хушнуд бўлдилар. Иншооллоҳ бу қоронғи кеча ёруғлуққа мубалдал бўлғусидур! – деб умид тугуб, Худойи таолоға сизиниб турур эдилар. Шайтон алайҳи лаъна аждаҳо суратида бўлуб, оёқлари тарафидин бош чиқариб турди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кўрқуб, андоғ йиғладиларким, жамъи фаришталар кўшулуб йиғладилар. Хотифдин овоз келдики: – Юсуф манинг сиддиқим турур. – Анинг ҳолидин огоҳдурман! – деб Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом Худойи таолонинг фармони бирла келиб Шайтонни қанотлари бирла урдилар. Шайтон қочиб кетти. Айдилар: – Эй Юсуф сабр қилинг! Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: – Сабр қилмоқидин ўзга чорам йўқ, лекин ялонғоч қандоқ қилурман? – дедилар. Ул замон Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом Беҳиштдин Хулла маҳозир тайёр қилиб, келтириб бердилар. Шукр қилиб, ибодатга машғул бўлдилар.

**Вақтиқи,** оғалари қудуқ бошини оталари қошлариға келдилар, Ҳазрат Якуб алайҳиссалом Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни соғунуб ўлтуруб эрдилар. Яҳудо қонға бўялган кўнглақини бошиға ёйиб, кўлини кўксига уруб, ҳар қайсилари бўлак ҳийлалар била йиғлашиб яқосини йиртиб, бошиға туфроқлар сочиб келурлар! Ҳазрат Якуб алайҳиссалом бу нечук гавго деб! – туруб эдилар. Якуб алайҳиссалом хушларидин кетиб, яна хушлариға келиб, ул ҳолда ўғлонлари гавғони зиёда қилиб айдиқим: – Биз, ўқ отқали машғул бўлибмиз, Юсуф ўйнағали нари бориб экан, бўри олиб қочибдур! – дедилар. Ҳазрат Якуб алайҳиссалом бетоқат бўлуб, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни кўнглақларини ислаб эдилар, асло ислари ўхшамас! Кўнглақ ҳам йиртилмабдур. Айдиларким: – Эй ўғлонларим, яхши раҳмлиқ бўри экан, кўнглақини йиртмай, ештуруб қўйиб ебдур! Кўнглақини кейин қонға бўябсизлар! – деб. Конъоннинг қошида бир баланд тоғ бор эди. Анға чиқиб қичқирдиларким: – Эй бўрилар, сизларға Худойи таолони ёрлиғи, ҳамаларинг йиғилиб келинлар! Мани ўғлумни ебсизлар!? – дедилар. Шул замон Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг фармони бирла атрофдаги бўрилар йиғилиб келди. – Манинг ўғлумни қайсиларинг единлар? – дедилар. Забони гўйиё бирла: – «Ё Исроиллоҳу, биз сизнинг қўйларингизга дахл қилмайдурмиз, ўғлунгизни еғали ҳаддимиз борму!? Бизга пайғамбарларнинг, авлиёларнинг гўшти ҳаромдур! – дедилар. Ўғлонлариға айдилар: – Сизларнинг бу сўзларинг ёлғондур! Иншооллоҳ умидим борки, ростини анларман! – дедилар. Ўғлонлари шошиб, ўғри олиб қочиб эрди!» – дедилар. Ҳазрат Якуб алайҳиссалом на яхши ўғри экан, кўнглақини ештуруб, олиб кетибдур. Ўғрини қастии молдадур! Кишини ҳам ўғриларму?! Эмди Худойи таолодин тиларманки: – Шояд манга тирик кўрсатгай! Ўғлумни бўри ҳам емабдур, ўғри ҳам олмабдур. Эмди сабр қилмоқдин ўзга чора йўқтур! – дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни ўти-фироқи зиёда бўлди. Канъоннинг атрофидаги биёбонларда етти кеча-кундуз йиғлаб юрдилар. Айтур эдилар:

## БАЙТ

Эй кўзумнинг нури, Юсуфим,  
 Эй белимнинг қуввати, Юсуфим!  
 Эй кўзумнинг гавҳари, Юсуфим,  
 Эй бағримни пораси, Юсуфим!  
 Кўнглумни ороми, Юсуфим,  
 Қайсигина дарёга солдилар, Юсуфим!?  
 Қайсигина қудуқга солдилар, Юсуфим!?  
 Қайси қилич бирла чоптилар, Юсуфим!?  
 Қайси биёбонда ётарсан, Юсуфим!?  
 Кошки санинг бирла боргай эдим, Юсуфим!?  
 Ҳар на бўлганингни кўргай эдим, Юсуфим!?  
 Оҳ, Юсуфим, оҳ Юсуфим!? –

деб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб буларнинг ҳол-аҳволлариға мурғони ҳаво, моҳиёни дарё йиғладилар. Гоҳи ҳушларидин кетиб, гоҳ ҳушлариға келиб, бир луқма таом ё бир қатра сув тотмадилар. Ул ҳолда фаришталар муножот қилдиларки: – Илоҳо мундоғ бетоқатлик бўлурму, деб эдилар. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом айдиларким: – Эй Яқуб, сабр қилғил, ўғлунгга қўшулурсан?! Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом сўрадиларким: – Эй биродарим, Жабройил, ўғлумдин хабаринг борму?! – дедилар. Ҳеч жавоб бермадилар. Аммо ўғлонлари юз минг пушаймонун надоматлар қилдилар. Шармандалиқдин ҳаргиз оталарининг юзлариға боқа олмас эдилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом тўла бетоқат бўлуб, ўғлонлариға интиқом тиладилар. Ўғлонлари айдиларким: – Бўри еди деганларға бавор қилмас, ўғри олди деб эрдук агар ёлғон бўлса, биз биёбонларни истаб ушул бўрини топиб келали?! – деб чикдилар. Ҳамалари бир бўрини тутуб, тишларини ушатуб, оғзини қонатуб, олиб келдилар. Ул замон Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом сўрадиларким: – Эй тангрининг жонивори, мани ўғлумни сани, еди дейдур! Ман санга дуо қилай тилинг гўйиё бўлсун, манга жавоб бергил?! – деб дуо қилдилар. Бўрининг тили гўйиё бўлиб айдики: – Бизга пайғамбарзодаларнинг ва авлиёларнинг гўшти ҳаром турур, аларнинг даладағи молиға дохл қилмасмиз! Сизнинг фарзандингизни егали ҳаддимиз борму!? Тухмат қилурлар. Ман бир мусофир бўри эдим. Бу ерни кўрмаб эдим. Мисрнинг мавзеида эрдук, манинг, биродарим бор эди. Бирла юрур эдук. Ул биродаримға бисёр меҳрибон эдим, подшоҳ шикорга чиқиб, тутуб кетиб эрди. Шунинг ҳасратида топиб кўрарманму деб келиб эдим. Булар тутуб тишларимни ушатиб, мунда олиб келди, – деди. Ҳоло хабарини англамадим. Кўчаларда боғлаб олиб юрур эмиш! – деди. Ўғлонлари бу бўрини сўзини англаб, хижил бўлиб юрдилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом айдиларким: – Ушбу бўри қариндошиға ушбу ҳолға қолибдур! Ман жигаргўша фарзандим учун нечук тоқат қилурман деб! Айдиларким: – Шул бўри еди демадингларму!? Хижолатға қолиб, сўзлаёлмай тек турдилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом ул бўриға айдиларки, булар санга туҳмат қилиб, тишларингни синдуруб олиб келубдур! Ман санга шафоат қилиб қариндошингни топиб берайму!? – дедилар. – Эй пайғамбари барҳақ андоқ қилсангиз, ман ҳам Худойи таолоға муножот қилай, фарзандингизни саломат кўргузгай! Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом шул замон подшоҳ қошиға бориб ул бўрининг қариндошини тилаб олиб бердилар. Бўри ҳам дуо қилди. – Илоҳо, ман ожиз банданинг дуосини ижобат қилиб, бу пайғамбарнинг фарзандини кўргузгайсан!? – деб иниси бирлан шодмон бўлиб кетти. **Нақл қилибдурларким**, Беҳиштға беш ҳайвонот кирар; бири ушбу бўри,

бири асҳоби-Каҳфнинг итлари, бири Солиҳ пайгамбарнинг тевалари, Исо пайгамбарнинг эшаклари, бири Ҳазрат Али розияллоҳу анхунинг Дулдуллари. АЛҚИССА, Яқуб алайҳиссаломнинг ўғлонлари маслаҳат қилдилар, қудуқ бошига борали. Юсуф ўлган бўлса ҳўб, бўлмаса, эмди ўлдирали! – деб сўзлаштилар. Аммо Яҳудо бу кунгача уч мартаба қудуқ бошига боруб, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бирла ҳол-аҳвол сўрашиб, таом беруб келиб эди. АЛҚИССА, булар ҳамалари қудуқ бошига келдилар. Яҳудо оға-иниларига айтдики: – Юсуфни қудуқдин олиб онт-шарт бериб, отамизга олиб борали. Бизнинг сўзимизни айтиб, ўғри олиб кетиб эди, десун! Ул бечора отамизни нолаю зори паст бўлсун! Биз ҳам хижолатдин чиқали! – деди. Биродарларига маъқул бўлмади. Охир шул гуноҳларининг боисидин ҳеч бирлари пайгамбар бўлмади, дебдурлар.

**Ҳикоят қилибдурларким,** Молик ибн Зубайр (Зуаир) деган бир савдогар бор эди. Бир кеча туш кўрдики: офтоб осмондин тушуб, кўйнига кирди. Орқасидин бир оқ булут келиб дурри жавоҳир ёғдирди. Ани териб олиб, сандуққа солиб уйғонди. Муъаббирлардин-таъбирчилардин тушини таъбирини сўради. Таъбирчилар айдики: – Эй Молик, Зубайр Канъон тарафидин қўлингга бир қул тушар, асли насаби қул эмас! Ул қулнинг сабабидин андоғ зардор бўлурсанки, ҳалди ҳисоби бўлмас! Молик хушҳол бўлиб, таъбирчиларга бирмунча мол нисор қилиб, андин жабдуғ қилиб бир неча қарвон бирла Шомга равона бўлди. Канъоннинг мамлакатига етиб неча кун анда турди. Лекин бу боиснинг ҳеч асари бўлмади. Утуб Шомга борди. Анда савдо қилиб, ёниб Конъонга келди. Аммо Молик туш табирига қул умидида неча кун турди. Ул аснода Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қудуқда эдилар. **Қазоро** қарвон халқи бир кеча юруб, йўлдин адошуб бу қудуқ бор биёбонда тонг отти. Савдогарлар кўрдиким, йўлдин адашибдурлар. Мунда тушали деб тушдилар. Қулларини сув топқали буюрди. Охир бу қудуқни топиб соғу солдилар, сув тортиб олди. Яна солиб эрди. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом: – Эй Юсуф, ўзунгни соғуга олгил деб! Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом соғуга кирдилар. Бу қул онҳама торттилар кучи етмади. Келиб Моликка айтиб эди, ўзи яна бир қул бирла келиб тортиб олди. **Вақтики,** бир моҳи осмоний офтобрўй ранжайи офтоб бир йигит соғуда ўлтурубдур. Молик кўруб айдики: – Ул кўрган тушумни букун топтим! Эмди қарвон халқи мандин сўйуб олурмукун!? – деб ваҳшат бирла қўшга олиб келди. Аҳли қофила бу ўғулни қайдин олдунг? – деди. – Бир дўстум сотқали амонат берди! – деди. Бу ўғул ҳаргиз – қул эмас турур! – дедилар. Ул ҳолда Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг оғалари етиб келдилар. Кўрдиларки, қарвон халқи тортиб олибдур. Булар айдики: – Бу бизнинг қулимиз қочиб эди, – дедилар. Яҳудо келиб, сан буларнинг қули эмасмусан? – дедилар. – Оре, ман ушбу болаларни қули! – дедилар. Молик бу қулни сотурмусизлар? – дедилар. – Сотурмиз! – дедилар. Булар айдиларким: – Бу қулнинг уч айби бор! Агар сиз ушбу айбни кўтаруб олсангиз, саҳл нимага берурмиз! – дедилар. Бир айби – ўғри, бир айби – сийғоқ, бир айби – қочқоқ! – дедилар. Молик айди: – Ҳар қанча айби бўлса ҳам олай, аммо баҳосига бергали йилқи, қоротвор тева бор! – деди. – Бизга мундоғ нима лозим эмас, нақдина лозим, – дедилар. Молик «ўн минг, йигирма минг нақдина бўлур, биз савдо қилиб келдук! – Мунча нақдина топилмас» – деб тараддуд қилиб турур эди. Айдики: – Сизлар савдогар халқи сафар узасинда бўлсанглар ҳам ўн-йигирма тилло чокарингларда ҳам бордур!? – дедилар. Биз мундин зериккан. Агар йироқга олиб борсангизлар саҳл нимага берурмиз. Саҳл баҳо бериб,

ризо қилиб олиб борсангиз бўлур, — дедилар. — Қанча берай? — деди. Бир қўлида ўн саккиз пучак (ярмоқ) бор эди. Олиб яна ярмоқ топиб берай? — деб эди. — Шу л етар!» — дедилар.

**САВОЛ:** — Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг мундоғ жамоллари бирла ўн саккиз пучак ярмоққа сотилмоғининг боиси нима?

**ЖАВОБ:** — Улким, бир куни қўллариға ойина олиб, ҳусн жамолларини кўруб айдиларким: — Агар ман қул бўлсам, мани сотар бўлсалар ҳеч ким пул-мол чиқариб ололмас! — деб ўзларига таманно қилиб эдилар. Ул сабабдин ўн саккиз пучак ярмоққа сотилди! — дебдурлар. **АЛҚИССА**, оғалари Молик бирла байъат қилиб айдиларким: — Аввал муниг оёғига кишан солинг, икинчи қаттиг лангар чўққиға миндурунг, учунчи йироқға олиб бориб сотинг! — дедилар. Молик айдики: — Манга хат беринглар, кейин пушаймон бўлмағайсизлар! — деди. Шамъун хати иқбол биттиким: — Бизки авлоди Яқуб алайҳиссаломдурмиз! Юсуф отлиғ қулимизни тўққиз оға-ини ҳозир туриб ўн саккиз пучак ярмоққа ризо бўлуб соттуқ! Молик ҳам уч айбини кўторуб олди деб, хат қилиб, муҳр босиб бердилар. **АЛҚИССА**, Молик Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг оёғларига кишан, қўлларига занжир солиб қўйди. Ағолари ёниб кетар бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Моликка айтдилар: — Рухсат берсангиз, оғаларим бирла хўшлашиб, ёнсам: — дедилар. Унқуд (Аниқуд) деган бир қулни қўшуб, гул-занжирни судраб оғалари қошиға келдилар. Оғалари кўрдики: хушрўй, ойдек юзларига тупроқ ўлтуруб, наргис кўзларига, жаноқиға туфроқ тўлубдур! Оғалари бу ҳолда кўруб раҳми келди. Юсуфға қилган ишларига пушаймон бўлдуқ. Отамизнинг юзларига боқолмасмиз! Эмди фойдаси йўқ деб, хижиллиққа қолиб, Юсуф алайҳиссаломнинг юзиға боқолмадилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Эй қариндошларим, бу ишни манга қилдинглар, ҳеч ким қариндошиға қилмас! Отамдин мани жудо қилдинглар, отам мани учун тўла паришон бўлмасунлар! Худойи таолонинг тақдириға сабр қилсунлар! — деб ҳар қайсиси бирла бўлак-бўлак хўшлашиб, Яҳудоға етканда бўйинини кучоқлаб айдиларким: — Эй қариндошим, сиз ҳамадин меҳрибон эдингиз, отамга фарзандлиқ хизматини еткуринг! Иним ибн Яминга, ҳамширам Зебоға туқғанлиқ меҳрини узмағайсизлар?! Сизларнинг жафоларинг ётникидин зиёда эрди. Фарибилик ерга борсам нечук қилурман?! Кичиклигимга раҳм қилиб, ул ёт кишиларнинг илкидин қутқаруб олсанглар, отам ҳам хушвақт бўлурлар! — деб нолаю зор бирла айдилар. Оғалари эмди фойдаси йўқ, деб қабул қилмадилар. Охир оёқларида гул-занжирни судраб, йиғлай-йиғлай Молик қошиға келдилар. Карвон кўчуб равон бўлди. Молик, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни Афлоҳ деган қулга топшуруб эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни оналарининг қабри бу йўлда эди, анга етиб эрдилар бетоқат бўлуб, ўзаларини тевадин ташлаб, юзларини оналарининг қабриға қўйуб, айдиларки: — Эй она, сиздин айрилиб, энди отамдин ҳам айрилдим, қул бўлуб сотилдим! Қўл-бўйнимда занжир, хароб бўлдим! Эй меҳрибон она?! Кошки сиз тирик бўлғай эдингиз?! Ман ўлғай эрдим, бу фалаки гаддорининг жафоларини баён қилур эрдилар. Афлаҳ нари бориб боқса, тевадинг устида йўқ! Хўжасига келиб айдики: — Ул қул қочибдур!? Ҳамалари излаб келсалар, бир қабр тубиға йиғлаб ўлтурубдур. Ул золим бўйинларига бир силли уруб эди, юзлари тубан тупроқға йиқилдилар. Кўзларига қизиллиқ тиқилди. Кўнгуллари дарднок бўлди. — Илоҳо, Худое, худовондо, мани фарёдимга еткил! — дедилар. Хитоб келдики: — Эй фаришталар, сиддиқимнинг озмоиши кўрасиға солиб, гудоз қилиб,



соф қилурман деб! Ул замон бир қора булут келиб, оламини қоронғулик босиб, тўла ёмғир ёғди. Ҳеч ким кўзини очолмади. Корвонлар йўлдин адашиб юролмади. Бир ерга тушиб назр-ниёз атадилар. Булар ҳама жонлардин умид уздилар. Молик айди: — Бу қофиладин бир беадаблик бўлдимукин?! — деб ҳама ёмон ишларимизга тавба қилали, шояд бу балодин халос топқаймиз! — деди. Афлоҳ Юсуф алайҳиссаломни урганини хўжасига айди. Молик шул замон Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни оёғларига йиқилди. Афлоҳнинг гуноҳини афу қилдилар. Кўнгуллари андек хуш бўлди. Ул замон ҳаво турулуб, ёмғир тўхтади. Олам равшанлик бўлди. Карвон халқи хушвақт бўлдилар. Бу кароматни кўруб, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг бўйинларидаги гул-занжирни олиб, яхши сарупойлари кийдируб ва яхши теваға миндируб айдиларки: — Эй ўғлим, сан ҳама карвондин илгари юргил! — деб эъзоз-икромлар қилди. Аммо бу ҳолда ҳаво иссиғ эрди. Худойи таоло бир парча булутға амр қилдики: — Сан Юсуфнинг бошида соя қилиб юргил! — деб. Ул булут соя қилиб юрур эрди. Карвон хабардор бўлуб Моликка айдиларким: — Бу ўғул қурб манзиллиқ бандаси экан. Молик сўради: — Сан қочқали, қилибмудинг?! Айдиларким: — Ул гўристонда онамининг қабрлари бор эди, анинг бирла видоёлашиб мадади истионат тилағали бориб эдим! — дедилар.

АЛҚИССА, Мисрға ики кунлик йўл қолганда бир булоқ бор эди. Анда тушуб Молик, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни сувға тушуруб йўлнинг гарду губорини ювуб, подшоҳона сарупойлар кийдируб, гисуларини тараб олғали. Ул булоқға гусул қилгунча бир аждар келиб турди. Андин ғойиб бўлди. Аммо ул аждар эмас эрди. Ҳақ субҳонаху ва таоло Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг баданларини киши кўрмасун деб, бир фариштани аждар суратида қилиб иборди. АЛҚИССА, сувдин чиқиб эдилар, Молик бу воқеани кўруб атлас тўн, тожи мурасса бошларига, муламма ёқут белларига боғлаб, зебу зийнатлар бериб эди. Ҳусн-жамоллари минг ҳисса бўлди. Халқнинг кўзи хира, ақллари тийра бўлди. Кўчуб шаҳар тарафига равона бўлдилар. Миср халқига овоза тушдики, Молик Канъондин бир моҳиёни осмоний олиб келибдур. Ҳар ким юзига боқса кўзи хира, ақли тийра бўлар эмиш! — деб. Мисрнинг улугиё кичиклари томошоға чикди. Ҳама халқнинг кўзи Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломда эрди. Аммо бир парча оқ булут Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг бошларида соя қилиб келур эрди. Ҳама халқ харидор бўлуб олтун, кумуш, марварид, маржон, атлас-товар турфа йилқи, қора калла, тева молларини беруб олғай эрдук, дер эрдилар.

АЛҚИССА, уйға олиб кириб парданинг ичида ўлтурғузуб эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ўтургон уйнинг тепасига олтун қубба чиқарди. Бир назаргоҳ мунаққаш айвонлар қилиб, подшоҳона бисотлар солиб, олтун курси қўйуб, зар бугот сўзона солиб ўлтурғузди. Бир кенгрў майдон қилиб, тўрт тарафиқа тоқ боғлади. Ҳама халқ анда Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни тамоша қилғали келур эди. Мисрнинг подшоҳи Райён Моликнинг вазири Азизи Мисрий эди. Ани буюрди: — Бориб Моликни олиб келгин! Кулини кўруб боҳосини қилиб, сўзлашиб келгил! — деди. Азизи Мисрий келиб, Юсуф алайҳиссаломни кўруб, юз минг жони-дили бирла ошифта шайдо бўлди. Сўзлагунча тоқати қолмади. Райён Маликнинг сўзини Моликка айтди. Молик эртаси Ҳазрат Юсуфни подшоҳона саруполар кийдируб тожи мурасса, гавҳарлари бирла товус мастдек ораста-пираста қилиб бозорга олиб чиқди. Зулчаҳойи кирмони солуб, тепасида олтун курси қўйуб, ўлтурғузди. Ҳусну латофатлари тақи ҳам зиёда бўлди. Ҳар ким бажонидил харидор бўлур эди. Ики мунодий келиб қичқирдиким: —

Айюханнос! Бу қисм латофатлик нимарсадурким, одам фарзандида мундоқ хушрӯй бўлмасмукун!? Баҳосига етиб олур киши борму? – деб. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: – Эй мунодийгарлар, андоғ деманглар! Етим-ғариб, уруғ-туққони йўқ, ота-онасидин айрилиб асир бўлган қулни олур киши борму?! – денглар, дедилар. Мунодийгарлар биз ростини айтурмиз! – дедилар. – Агар ростини айтсанглар, Юсуф Сиддикуллоҳ ибни Яқуб ибни Исроиллуллоҳ ибни Ҳазрат Исҳоқ ибн Иброҳим Халилуллоҳ турурман! Худойи таолодин ўзга кишини қули эмасман, дегил! – дедилар. Молик бу сўзни эшитиб хушидин кетти, оёғларига йиқилиб айтдики: – Эй Юсуф, шул кунни бул сўзни англамадингиз, сизни қул деб, олмас эдим. Миср халқига қулим деб шуҳрат солмас эдим. Ҳама халққа шуҳрат бўлди. На илож қилурман? – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: – Эй Молик, анда ман қул эмас десам оғаларим ўлтурур эди! – дедилар. **Ҳикоят қилибдурларким**, ул кунни Райён Малик Юсуф алайҳиссаломни эшитиб, кириб одам фарзандида мундоғ соҳибжамол нимарса йўқдур! – деб таърифлар била айтди. Баҳосини сўзлагил деб эди, Моликдин баҳосини сўради. Тонгласи бозорда сўзлашай деб эди. Тонгласи зебу зийнатлар тортиб подшоҳ қошига олиб борди. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом айдиларки: – Эй Юсуф, гам емагил, бу кун қул бўлуб сотилсанг, охир подшоҳликка еткуруб, Миср халқини ҳамасини сенга қул қилиб берурман! Ман олай деган харидорлар тонгла манга бир илтифот қилиб, мани олурмукун?! – деб интизор бўлур, дедилар.

АЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни подшоҳ кўруб бисёр завқлар қилди. Зулайҳо ҳам шул маракада бор эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни кўруб беҳуш бўлиб йиқилди. **Ҳикоят қилибдурларким**, Зулайҳо Яман подшоҳини қизи эрди. Етти ёшида Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни тушуда кўруб, ушбу ҳусни жамоли, ушбу сарупойлару тожлари бирла кўруб, жон дил бирла ошиқ бўлуб ошифтаю шайдо бўлди. Ул вақтда андоқ бўлдиким, чидайолмай эгинларини йиртиб, баданини тишлаб олур эдилар. Муни мундоғ бўлғонидин ота-онаси ҳайрон бўлуб ҳукомоларни йиғиб боқтурди. Асло оғирлиқи зоҳир бўлмади. Кундан-кунга забун бўлди. Бир йилдин кейин яна туш кўрдиким, «Эй йигит, сизни истасам қайдин топарман?!» Айдиларким: – Мисрда Азизи Мисрий сотиб олур! Шунда топарсан деб ғойиб бўлди. Уйғониб девоналик оғоз қилиб, зор-зор чун абри навбахор йиғлади. Отаси сўрадиким: – Эй фарзанд, санга нечук воқеа бўлди? Илгарги кўрган, кейинги кўрган тушини баён қилди. Бу сўзни отасига айтиб эрди, отаси айдиким: – Андоқ бўлса мунинг иложи Азизи Мисрға берали, андин бўлак илож йўқ деб! Азизи Мисрға киши иборди. “Манинг бир қизим бор, тўла подшоҳлар чиқар, қизим сандин бўлакни хоҳламайдур! Сан бир жавоб бергил” деб нома биттилар. Азизи Мисрий ул номани кўруб, бисёр хушвақт бўлуб ончаким подшоҳлик расми билан ҳар нимарсаки, лозим эди ани қилиб олиб келиб тахтга ўлтурғузуб, ўзи ёнида чиқиб ўлтуруб эди. Зулайҳо бир канизакдин сўрадики: – Бу нечук киши деб?! – Азизи Мисрий деган ушбу! – деди. Зулайҳо бир “оҳ” тортиб беҳуш бўлиб йиқилди. Неча фурсатдин кейин ҳушига келиб айдиким: – Мундоғ зоеъ бўлурманму? Канизак айдиким: – Тушунгизда кўрган йигитни топмоқчи эсангиз, анга сабр қилмагингиз лозим! – деди. – Иложи йўқ, сабр қилали! Иншооллоҳ муродимга еткумдур! – деб ўзига таскини хотир берди. Аммо Азизи Мисрий ҳазор дили бирла Зулайҳога ошиқи шайдо бўлди. Аммо Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Зулайҳо бирла ҳам бистар бўлмоқни насиб қилмади. Ҳар кун Зулайҳонинг суратида бир

жинни Азизи Мисрийға насиб қилар эди. Зулайҳо Юсуф алайҳиссалом бирла қовушқунча бикр эрди. ҚАЗОРО УЛ КУНИ Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни подшоҳ қошиға олиб келдилар. Миср мамлакати ҳама ақобиру ашроф, эркак-хотунлари йиғилиб эрди. Кўруб ҳайрон қолдилар. Бу одам фарзанди эмас, фаришта наслидин дер эдилар. Аммо Зулайҳо билдиким, тушида кўрган йигит шул! Шул замон ҳушидин кетти. Канизаклари: яна нима воқеа бўлди? — деди. — Тушумда кўрган йигит шулдур, алҳамдулиллоҳ! Бу кун муродимға еттим! — деди. Зулайҳо келиб Азизи Мисрийға айтдиким: — Ул қулни сиз олинг!? Ул айди: — Бизда баҳосига етгунча молу амволимиз йўқ! — деди. Зулайҳо айди: — Меники, сизники бўлуб борини берали! Қолганига Яманга киши иборай! Беҳад мол-амвол келтирай! — деди. **Вақгики**, Зулайҳо Юсуф алайҳиссаломни кўрди, минг жону-дили бирла ошиғу-шайдо бўлди. Ошиқу беқарор бўлиб гоҳ ҳушидин кетиб, гоҳ ҳушиға келиб шул байтни ўқуди:

### БАЙТ

Юзунгни кўрмасам, эй гул мани бир дам қарорим йўқ,  
 Бўлуб рози ўлумға, бу жаҳон ичра турорим йўқ!  
 Аввал ҳажрингда йиғлаб эрдим, эмди васл шавқида,  
 Бўлуб ҳуснунгға ман шайдо, менинг бир дам қарорим йўқ!

АЛҚИССА, Зулайҳо бир кўрмак била ҳижоб, ниқоб, шарму ҳаёни ташлаб, ўзи подшоҳ қошиға бориб, илтимос қилдиким: — Рухсат берсангиз, шул қулни биз олсак деб. Подшоҳ рухсат берди. Зулайҳо хушвақт бўлуб, уйга келди. Азизи Мисрий бирла уйидаги молни сарҳисоб берди. Аммо Молик Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни пайғамбарзода эканларини англаб, ман мундоғ оруғ зотлик кимарсани қулум деб, қиёматда нечук жавоб берурман, деб Канъонга ёндуруб олиб келур бўлди. Подшоҳи Миср англаб қўймади. Иложи йўқ, келиб Юсуф алайҳиссаломнинг аёғларига йиқилиб бисёр узрлар айтиб, менинг зардорлиқдин камлигим йўқ. Аммо умрум бир ерга етибдур, бефарзанддурман. Дуо қилсангиз Худойи таоло фарзанд ато қилса. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом дуони билмас эрдилар. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб бу дуони таълим бердилар. **Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим! Аллоҳумма я ман юъиззу ва юзилу ва я ман яза-у ва ярфаъу ва я ман юъти ва ямнаъу ва я ман ҳува аъла кулли шайин қодирун урзуқ аш-шайха авладан зукурон.** (Эй Ул зотки бировни азиз қилади ва бировни хор қилади, ва Ул зотки бировни мартабасини паст қилади ва бировни мартабасини баланд қилади, ва Ул зотки бировга беради ва бировни маҳрум қилади. Ва эй Ул зотки У ҳар бир нарсага қодирдур, мана бу мўйсафидга ўғил, фарзанд ато қилгил.) Яъни ўғул қиз бўлмагонларини таҳорат қилиб бу калимотни битиб, сувға ювиб ё қирқ ўқуб суруб ичса, Худой таоло фарзанди солиҳ насиб қилгай. Бу дуони маъниси будурким Азизи Мисрларни хор қилгучи, хорларни азиз қилгучи, пастларни баланд қилгучи бу бандаға фарзанд қаромат қилгил, деб. Дуо қилдилар. Дуолари мустажоб бўлди. Йигирма тўрт ўғулнинг отаси бўлди.

**САВОЛ:** — Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом мунча қурб манзилат бирла мунча меҳнат машаққатга қолдилар.

**ЖАВОБ:** — Улким пайғамбар ва авлиё халқиға мушкул иш келса, дуо қилсалар осон бўлур, аммо ўзлариға ҳар қисм бало келса сабр қилиб ризо берурлар. Ҳаргиз ўзлариға амонлиқ тиламаслар. **КАЪБУЛ-АХБОР ҲИКОЯ** қилибдурларким, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг баҳолари юз тева олтун, юз тева тилло, кумуш, юз ботмон кофур, юз дона гавҳар, юз дона дурру ягона, тўрт юз ботмон наъди тўрт юз тева

арпа, тўрт юз тева биринч, тўрт юз тева тариқ шунча баҳога муқаррар бўлди. Мундин тўла баҳони қилғон ҳеч кимда топилмас эди. Ул ерда бир тева ошлиқ минг танга эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни ҳар тор мўйлари минг танга бўлди. Мисрнинг ҳама зардор таваннолари, дуру жавоҳир, бунча маржон, олтун, кумуш ошлиқларини ҳисоблаб чиқара олмади. Ёниб кетар эдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кўнгулларига айдиларким: – Аввал сотилмоқда ўн саккиз пучак ярмага сотилиб эдим, ҳоло бу қисм қиммат баҳо бўлдум. Иншооллоҳ мундин ҳам иззатлиқ бўлурман! – дер эдилар. Аммо Азизи Мисрий хазиналарининг эшигини очти. Калитдорларга буюрди: – Тарозу тузунглар, ҳама теванинг юки тенг бўлсун! – деди. Тарозу тузуб тортиб асло рост келмас дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом «**ла илаҳа иллаллоҳ Иброҳимун Халиллуллоҳи**» деб битиб солдилар. Ҳар қанча солсалар кам зиёда келмас эди. Азизи Миср ҳам хушвақт бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни тўбичоқ отқа миндуруб уйга олиб борди.

АЛҚИССА, Азизи Мисрий тамом молини берди. Хазиначилар хазинада ҳеч нимарса қолмади! – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни бошлаб, кириб боқса хазинадаги молдин ҳеч нима кам бўлмабур! Хуш ҳол хуррам бўлуб, бир тугмамнинг барокатидин ҳеч нимарсам кам бўлмабур деб! Эй Зулайҳо, бу ўғулни яхши парвариш қилгил! Мунга ўзимиз ейдурган маҳозирдин бергил! Яхши сарупойлар кийдируб, ҳаргиз кўнглини огритмагил! – деди. Бу сўздин Зулайҳо шодмон бўлуб, андоғ меҳрибонлиқ қилур эди. Гесуларини тараб, ювунтирди. Емакларига қандолат берур эди Аммо Зулайҳонинг юзига ҳаргиз боқмас эдилар. Зулайҳонинг ишқ-муҳаббати кундин-кунга зиёда бўлур эди. Етмиш гулом қулға бир гўши мурасапўш олдиларида хизматда турар эди, нечанд хушомадлар қилсалар, ҳаргиз хуш келмас эди.

**Ҳикоят қилибдурларким**, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳамиша андишада эрдиларким: -Ман мунда мунча ҳолдадурман, аммо отам на ҳолда, нечук меҳнатда эканлар! – деб гам ер эдилар. –Илоҳо, манинг аҳволимдин отамга огоҳлиқ берсанг, –деб дуо қилдилар. Дуолари мустажоб бўлди. Бир аърабни Канъондин Мисрға роғиб қилди: **Қазоро**, чиқиб Мисрға келди. Теваси Азизи Миср тарафга олиб юрди. Ҳарчанд жидду жаҳд қилди. Теванинг нўхтасини торти, кучи етмади. Олиб келиб Ҳазрат Юсуф қошлариға ётти. Бу аъробий кўруб ҳайрон қолди. Ҳазрат Юсуф бу аъробийни: – Қайдан келурсан?! – дедилар. – Канъондин келурман! – деди. – Ҳазрат Яқуб пайгамбар алайҳиссаломни билурмисан?! – дедилар. – Ул киши бизнинг пайгамбаримиз турурлар! – деди. – На ҳоли бор? – дедилар. – Ҳоли ёмон, хароб, Юсуф отлиғ бир ўғли бор эди. Огалари сайргоҳга олиб чиқиб бўрига олдирубдур! Шунинг дардиға йўлнинг узасига бир уй қилиб, ўлтурубдур! – деди. – Йиглай-йиглай ўтган кишилардин ўғлини сўрайдур! – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом «Оҳ бечара отам!» деб беҳуш бўлиб йиқилдилар. Яна ҳушлариға келиб зор-зор йиглаб айдиларки: – Эй аъробий Канъонга борсанг, Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломға Юсуф отлиғ ўғлунгузни кўрдум! Махлуқларнинг олдида бандавор қўл боғлаб турур, сизға салом ва паём еткурди. Мани гоҳи бегоҳи ёд қилсунлар дегайсан! Узлари сарри воқеаларини айтиб ибордилар. Дарҳол Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом ҳозир бўлуб: – Эй Юсуф, бу сир-савдони ҳаргиз ошкор қилмағайсиз! – дедилар. Аъробийға дуо қилдилар. Аъробий тевасини ҳайдади, кўпқали унамади. Забони гўйиё бирла айдиким: **-ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадун абдуҳу ва росулуҳу!** – Эй аъробий, сан Мисрдин нари ўтуб борур эдинг, мунда зўр бирла олиб келдим. Пайгамбарзодадин

дуо олиб, ики жаҳон давлатига мушарраф бўлдунг! Яна мундин Якуб алайҳиссаломга дуойи паём еткуруб дуо олурсан! Менинг бир умидим бор. Дуо қилсалар теваларнинг саодатманди бўлурман! Елмоя бўлди. То қиёматгача иззат-ҳурматлик бўлғусудур. Елмоя тева анинг авлодларидин бўлур! Канъону Мисрнинг оралиғи қирқ кунлик йўл эди, тўрт кунда етиб келди. Ҳазрат Якуб алайҳиссалом қошлариға келиб айдиким: — Эй пайғамбари Худо! Сизға Юсуф отлиғ ўғлунгиз саломи паём еткурди! Ман Мисрга бориб эдим. Манинг тевамга дуо қилдилар. Қирқ кунлик йўлни тўрт кунда босиб келдим. Ҳазрат Якуб алайҳиссалом хушларидин кетиб, яна хушлариға келиб: — Қайда кўрдинг? — дедилар. Бу аъробий боштин-аёғ ҳикоя қилди. Уруғ-туғқанлари ҳамма эшитти. Дўстлари шод, душманлари гамгин бўлди. Ҳазрат Якуб алайҳиссалом ул аъробийнинг юзи-кўзини суйиб, хушҳол бўлиб қолдилар. Аъробий айдики: — Эй пайғамбари Худо! Манинг ўттиз қизим бор! Асло ўғлим йўқ! Манга бир дуо қилсангиз? Худойи таоло ўғул фарзанд каромат қилса! — деди. Дуо қилдилар, ўттуз ўғул берди. Бу воқеани Якуб алайҳиссалом ўғуллариға айдиларки: — Юсуфни бўри еди демарингларму?! Ҳоло Мисрда саломат эмиш, — дедилар. Ўғлонлари айдилар: — Ёлғончи аъробий ҳар нима бўлса сизга хушомад учун қилиб дуо олибдур.

АЛҚИССА, Юсуф алайҳиссалом балоғатга етдилар. Ҳақ субҳонаху ва таоло илми ҳикмат ва илми таъбирини каромат қилди. Қовлуху таоло: **фаламма балаго ашадлаҳу атайнаҳу ҳикман ва илман ва казалика најзил-муҳсинин.** (Вояга етгач, унга ҳукм (ҳакамлик) ва илм ато этдик. Чиройли иш қилувчиларни шу тарзда мукофотлаймиз.12:22)

АЛҚИССА, Азизи Миср Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни олди. Зулайҳо ақди никоҳида эрди. Қовлуху таоло: **ва қолаллазиштароҳу мин Мисро ли-имроатиҳи акрими масваҳу аъса ан янфаъна ав наттаҳизаҳу валадан** (Мисрда уни сотиб олган киши (шаҳар ҳоқими Қитфир) хотини (Зулайҳо)га: “Унга яхши жой бер, зора бизга фойдаси тегса ёки ўғил қилиб олсак”, деди. 12:21) Азизи Миср айдиким: — Биз Юсуфни тўла пул бериб олдук! Мунингдин бизга бисёр манфаат етар. Муни яхши икромлар била боқғил! Қул ўрнида кўрмагил, ўз фарзандимиздек пеш қилинлар! Қайси таомимиз анга мувофиқ, ани бермак керак! Ҳаргиз хизматга буюрмангиз!? — деди. Зулайҳонинг мақсуди ҳам шул эди. Эмди муродимга етдим! — деб бисёр шодмон бўлди. Ҳар бора Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом «Қуръон» ўқур бўлсалар, ҳар ким унларини эшитса, волаю ҳайрон бўлур эди. Зулайҳо айдиким: — Эй Юсуф, сани унинг мани жони дилимни ўртайдур! Манга арабий тилни ўргатсанг! Сани ўқиганингни билгай эрдим! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларки: — Қулнинг қулиқ ҳалдида кўйгил! Узини қуллуқ ишича бўлгани хўбдур! — дедилар. Ҳар бора ўзи чорлаб, гисуларини тараб, подшоҳона сарупойлар кийдируб, таомни бирла еб, иззат қилур эрди. Бир куни айдиларки: — Эй Юсуф, неча йилдирки, санинг кўйингда на ямон душворлиқ ҳолдадурман! Асло билурмусан?! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларки: — Сизнинг кўнглингиздагини ман нечук билай! — дедилар. Зулайҳо айдики: — Манинг кўнглумда муҳаббатингдин бўлак нима йўқ! Етти ёшимда тушумга кириб эдинг, шундин бери куюб қул бўлибдурман!? Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларки: — Манга муҳаббат қилғунча, Азизи Мисрийга муҳаббат қилғил! — дедилар. Шул ҳожатингни ул раво қилур! — дедилар. Зулайҳо айдики: — Эй Юсуф, ман сани Азизи Мисрийдин юз ҳисса ортуқ кўрурман ва яна тириклигимнинг боиси сандурсан!? Тириклигим санинг жамолинг бирла турур! — деб бисёр нолаю зорлар била сўз айтти. Андин Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом

ўзларини тортиб қочиб юрдилар. Аммо Юсуф алайҳиссаломга уч юз олтмиш рангда эгинлар тайёр қилиб қўйди. Ҳар куни эрта билан бўлак, туш вақтида бўлак, охшом бисёр бўлак эгин кийдурур эди. Бир куни бўстонга чорлаб айдиким: — Эй Юсуф, ушбу қисм бўстон гули гулзорлигини санинг учун ораста қилдирдум. Нима бўлур бирор дафа кириб малолат қилиб ўлтурсанг! — деди. — Манга боғу бўстон керак эмас! — дедилар. Зулайҳо айди: — Ман сани на миқдор зару зеварлар, дуру жавоҳир, пул, мол, ошлиқимни беруб сотуб олмоғимни боиси ул эрдик, бирор кун санинг висолинг билан дарднок кўнглумни хуш қилурман! — деб эрдим. — Санинг дарду фироқингда кўзум гирён, бағрим бирён бўлди. Кошки кунда бирор вақт орзум қонгунча кўрсам! Яхши экансан, сан мани зархарид қулум бўлурсан?! Манга на учун гардантоблиғ қилурсан? — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом: — Ман қачон санинг қулунг бўлурман?! Ман Аллоҳи таолонинг қули турурман! — дедилар. Зулайҳо: — Ман сани на миқдор молға олғон! Ҳар нима қилсам қилурман!? Эй Юсуф, юракимға қўлунгни қўйғил! Бу ҳароратимни билгил, манинг кўнглумни хуш қилғил? — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Эй Зулайҳо, мандин мундоғ таъмани қилмағил!? Мандин андоғ ишни йироғ билгил!? Худойи таолонинг газабидин кўрқарман! Азизи Мисрнинг ҳаққини сақларман! — дедилар. Зулайҳо айдиким: — Эй Юсуф, агар бу ишга Худодин кўрқсанг, хазинадаги молни бериб заҳар берайин! Бир кунда ҳалок бўлғил! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Эй Зулайҳо, кўруб-билиб қилган гуноҳини Худойи таоло кечирмас! — дедилар. Зулайҳо айди: — Эй Юсуф, сан мани сўзумни қабул қилмасанг, боғға ишлагали иборурман! Анда тўла меҳнат-машаққатлар тортарсан! Санга нозу неъмат бериб, иззат ҳурмат қилсам, анинг қадрини билмадинг?! — деб аччиғлаб. Азизи Мисрий бир боғ иморат қилдуруб, анда жамъи қуларни ишлатур эрди. Ул боғқа ишлагали иборди. Ул боғнинг ичида турлук-турлук мевалар, ранго-ранг гуллар, ариқларда сувлар оқиб турар эрди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бориб, эгинларини ешиб, кетмон олиб, ишга муқаййид бўлдилар. Боғбонлар келиб «ҳайф шундоғ йигитни кетмонга солибдур!» деб қўлларидин кетмонни олди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Мани ишга буюрди. Ҳар ким буюрган ишни қилгани хўб! — дедилар. Боғбонлар айди: — Сиз тамоша қилиб туринг! Ишни биз қилали! — дедилар. Шул куни бир киши ўн кишини ишини қилди. Ҳама кишилар айдиларким: — Ушбу ўғул барокатидин шунча иш бўлди. Аммо Зулайҳо уйда қолиб ҳаргиз тоқат қилолмади. Орқасидин боғқа бормоқдин ўзга чора топмади. Бир неча қизлар бирла боғ томидин тешиб қараб эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом номоз ўқиб турубдурлар! Кўзига янада хўброқ кўрунуб, чидаёлмай, ўзи боғқа кириб айдиким: — Эй Юсуф, иззат-ҳурматни билмадинг, яна ҳам мундин зиёда меҳнату машаққат, уқубатга қолурсан?! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Сан ҳар нечук иш буюрсанг қилурман! Аммо беҳуда сўзларни айтқанингдин, мундоқ ишларға шодмондурман! — деб ҳаргиз сўзига илтифот қилмадилар. Охири Зулайҳони бир оқсочи бор эди, зор-зор йиғлаб арзини оқсочға айди. Оқсочи ҳам кўп нисихатлар қилди, ҳеч таъсир қилмади. Зулайҳо Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг иштиёқларида ўлгудек бўлди.

### БАЙТ-НАЗМ

Ишқ дардини улашган ёру ҳамдам манда йўқ,  
Арзу ҳолимни айтсам, ҳеч маҳрам манда йўқ!  
Оҳ уриб қон йиғласам, оламға аён бўлгудек,  
Гар таҳаммул бирла бўлсам, сабру тоқат манда йўқ!

Ишқ дарди бир бало экан, мани қилди-қу забун,  
 Ман ўлар ҳолатга еттим, ҳеч дармон манда йўқ!  
 Ҳеч ижобат бўлмади қилгон муножотим манинг,  
 Хун дил бирла, қилиб олган таҳорат манда йўқ!  
 Ман табиблардин бу дардимнинг давосин сўрдимо,  
 Ул табиб айтур: – Бу дарднинг давоси манда йўқ!  
 Эй, Зулайҳо асли дардингни давоси йўқ экан,  
 Дард учун дармон тилайдур, бандани дармони йўқ! –

деб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб айдики: – Эй ано, бу ишни қилур иш эмас дерсан, манинг жонимга дард устига дард қўйсан?! Ишқнинг чаёни мани чақибдур! Анинг дардини жоним билур, яна ўзга ҳеч ким билмас!?! Агар қўлингдин келса, манга ёрлиқ қил! Бир иложини қилиб берсанг экан, деб зор-зор йиғлади. Зулайҳога энагасининг раҳми келиб айдики: – Ҳеч ўзунгни маълум қилдингму? Зулайҳо айдики: – Ман қилмаган иш қолмади. Манинг сўзимга асло илтифот қилмайдур! Ва домимга илинмайдур! Ҳаргиз юзумга боқмай, сўзумга қулоқ солмайдур! – деди. Энаси айдики: – Андоғ бўлса манга бир неча мол бергил? Ани санга андоғ ром қилайки, сандин бир соат айрилмоқга тоқат қилмасун?! Кеча-қундуз санинг хаёлингда бўлсун! – деди. Зулайҳо айдики: – Андоғ қилсанг, ҳар қанча пул-молни дариф қилмасман деб! Минг мисқол олтун, минг мисқол кумуш, минг мисқол кофур берди. Бу момо онҳама молини харж қилиб бир иморат бунёд қилди. Анга қирқ хужра қилдурди. Бир-бирининг ичида ичкариги уйнинг соладурғон бисотлариға Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг Зулайҳони суратларини торттирди. Бирининг қўли бирининг бўйнида. Гоҳо қучоқлашиб, гоҳо суйишиб турур эрди. Бу уйнинг томларига ҳам ушбу қисм суратлар қилдурди. Бир кун Зулайҳо кимхоб кийимларини кийиб, ўзига зебу зийнат бериб, товуси мастдек ясаниб ул қилган иморатга боруб Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Зулайҳони кўрсалар ҳаддин фузуну ададин берун ясанибдур! Зулайҳо туруб салом қилди. Юзларини уён туттилар. Томға боқиб суратини кўрурдилар. Ерға боқсалар ҳам суратлари кўрунди. Ҳар тарафға боқсалар бу суратларни кўрур эдилар. Ночор Зулайҳога боқмасга чора топмадилар. Зулайҳо айдики: – Эй Юсуф, хуш малоҳатлик юзунг бордур. Ҳар қанча малоҳатлик бўлса, охир гўрда сасир! – дедилар. – Эй Юсуф, хўш яхши сочларинг бордур, ҳар қанча яхши бўлса ҳам охир гўрда тўқулуб, туфроқға қўшилур! – дедилар. – Эй Юсуф, хуш яхши кўзларинг бордур? – деди. – Ҳар қанча яхши бўлса ҳам, охир гўрда сасиб кетар дедилар. Яна айдики: – Эй Юсуф, санинг учун бу иморатни қурдурдум. Ман ҳам сенинг турурман! – деди. Айдилар: – Манинг саройларим Канъонда қолди. Манга мундоғ ерларда ўлтирмоқ раво эрмас! – дедилар. Яна айди: – Эй Юсуф, қўлунгни кўксумга қўйгил, жоним ором олсун?! – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Дўзах ўтидин кўрқарман! Яна айди: – Эй Юсуф, юзумга бирор боқғил? Айдилар: – Охир умримда гўрнинг азобидин кўрқарман! Яна айди: – Эй Юсуф, манингдек чиройликға бирор боқиб кўнгул берсанг? – деди. Айдилар: – Ҳоло азиз жонимдин беҳроқ билурман! – Айдилар: – Ман ҳамадин Аллоҳи таолони хўброқ ва меҳрибонроқ кўрарман! Яна айдики: – Санингсиз бир фасл қарорим йўқ! Айдилар: – Отам мани ҳама кишидин беҳроқ ва хўброқ билур эдилар. Ул сабабдин оғаларим қудуқға солди. Сан мундоғ дерсан. Яна бир балоға қолурман! – дедилар. Зулайҳо айдиларки: – Эй Юсуф, мани бирла баробар бўл, боқиб турғил! – Айдилар: – Ужмоғдин маҳрум қолурман! – Агар уболидин кўрқсанг, Аллоҳи таоло розилиги учун

чандон мол тасаддуқ қилай? – деди. – Ҳама оламни моли санинг бирла бўлсун! – Садақа берсанг, бу гуноҳнинг тадоруки бўлмас! – дедилар. – Бу қисм сўзунгга ҳаргиз кўнгул бермасман, – дедилар. Яна айдики: – Эй Юсуф, санинг динингга кирсам ўтармусан? – деди. – Сан Азизи Мисрнинг ҳаққи турурсан! – дедилар. Яна айди: – Эй Юсуф, юзумга бирор боқсанг! Бу зебу зийнатларимни санинг учун қилиб эдим! – деди. – Сани кўрмакка Азизи Миср мустаҳиқ, анга кўргузгил! – дедилар. Охир Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом йиғладилар. Айдики: – Эй Юсуф, сани йиғламоғингга ҳаргиз ризолиқим йўқдур! – деди. Йиғламай тўхтадилар. Мани сўзумни қабул қилди деб шодмон бўлди. Бошларидин айланиб келиб пойжомаларини боғига қўл солди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Ҳақ субҳонаҳу ва таолога муножот қилиб айдиларки: – Илоҳо Шайтоннинг шарридин ва бу фоҳишалардин ўз паноҳингда сақлагил?! – деб паноҳ тилаб айдиларки: – Эй Зулайҳо, Худодин кўрқгил, ман пайғамбарзодадурман! Мани расво қилиб, олуца қилмагил!? – дедилар. Зулайҳо айдилар: – Эй Юсуф, юрагимни куйдурдинг! Жонимни кабоб қилдинг! Яна ҳам мани сабр қилгил! – дерсан. Агар манинг ҳожатимни бу кун раво қилмасанг, кўксимни андоғ талайки, гулсаваннинг бариғидек бир бўйи ором олай! – дедилар. – Эй Зулайҳо, санинг бу ишинг Шайтоний турур, сабр қилгил! – дедилар. Яна айди: – Эй Юсуф, чиройимга бирор боқгил, ҳолимга раҳм қилиб муродимни бергил! – деб йиғлаб ёлборди. Ҳар тарафга боқсалар суратларини кўрдилар. Беихтиёр раҳмлари келди. Юзларига боқсалар андоғ хушрўй нимарсадурки, мазлумалар орасида мундоғ нимарса йўқ эрди. Юзиға боқиб эдилар, андек майлон бўлдилар. Зулайҳонинг мақсади қўшмоқда эди. Зулайҳонинг мақсадлари ҳаромда, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг мақсадлари ҳалолда эди. Аммо Шайтон алайҳи лаъна бирла Зулайҳо бир бўлиб вас-вас қилиб, йўлдин чиқармоқга жидду-жаҳд қилди. Шайтон айлайҳи лаъна айдики: – Эй Юсуф, шундоғ раъно муяссар бўлса, мунча ҳоли тил бирла мунгайиб турур. Худойи таолонинг бир оти Раҳмонур-Раҳим турур, тавба қилса, ўтгувчидур деб, вас-вас қилди. **Охирул-амр** майллари келди. Чиройларини очиб, яна узорларини тутуб, бандиға қўл солиб эди, Зулайҳо андоғ хуш ҳол бўлдики, умри ичида бундоғ хуш ҳол бўлгон эмас эрди. Дарҳол пойижомасини ечди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг пойижомаларини бандини етти карра қилиб эдилар. Охир Шайтон вас-вас қилиб, пойижомани бандани ешмакка муқаййид бўлдилар. Ул аснода Худойи таолодин бу нидони эшиттилар: Қовлуҳу таоло: **ваттақу явман туржаъуна фиҳи илаллоҳи** ((Барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан (қиёматдан) кўрқингиз!2:281) Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ёлғуз эдилар. Зулайҳо Шайтон бирла икиси бир бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг нафслари жўш қилиб, оқи-қизил кўринмагудек бўлдилар. Қовлуҳу таоло: **ва ла тақробуз-зина иннаҳу кана фаҳишатун ва са-а сабилян** (Зинога яқинлашманглар! Чунки у бузуқлик ва ёмон йўлдир.17:32). Учунчи каррани эшгунча бу нидони эшиттилар. Қовлуҳу таоло: **аз-занияту ваз-зани фажлиду ва кулла ваҳидин минҳума миата жаллатин.** (Зинокор аёл ва зинокор эркакнинг ҳар бирига юз дарра уринглар. 24:2) Тўртинчи каррани эшгунча бу нидони эшиттилар. «Эй Юсуф зино қилсанг, отингни пайғамбарлик дафтаридин юлурман» Бешинчи карра эшгунча бу нидони эшиттилар. «Эй Юсуф парвардигоринг ҳозир турур» Олгунчи каррани эшгунча бу нидони эшиттилар ) «Эй Юсуф ўзунгни сақлагил, агар зино қилсанг ўзунгни маъсиятга солгонлардин бўлурсан». Еттинчи каррани эшгунча бу



нидони эшиттилар. Қовлуҳу таоло: **аз-зани ла янкиҳу илла заниятан ав мушрикатан** (Зинокор эркак фақат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. 24:3) деб. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ёлғуз эдилар Зулайҳони Шайтон бирла икиси бир бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни нафслари жўш қилиб оқ қизил кўрунмагудек бўлди. Азалий но машруъ ишга қадам қўйғудек бўлдилар. **Ул аснода** Зулайҳо туруб Бутни ёпиб келиб кўрпада ётиб эрди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом: – Нимани ёптинг? – дедилар. – Анда топинадурған Бутим бор, андин уятурман! – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кўнгулларида айдиларким: – Ул бир зарра олгун, кумушдин қилған Бутдин шарм тутар. Ман Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин нечук шарм тутмай деб! Андоғ вақтда шундоғ ишдин ёндилар, ўринларидин туруб эдилар. **Яна бир ривоятда** Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом ҳозир бўлдилар. Аммо ул киши Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом эмас эдилар. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломнинг суратларида бўлуб кўрундилар. Худойи таолодин фармон бўлуб дарҳол бориб сиддиқимни Зулайҳо Шайтон бир бўлуб, йўлдин чиқарур, гуноҳидин ёндирғил!? – деди. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломни суратида бўлуб келиб турдилар. Кўзлари оталарига тушуб шаҳват ҳаваси паст бўлди. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом: –Эй ўғлум, сан кимни зино қилгайсан? Булар кимни ишидур!? Зино қилсанг пайғамбарлар қаторидин чиқарсан! Қиёматда азобу укубатга гирифтор бўлурсан! – дедилар. **Яна бир ривоятда** Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом орқаларида уч бўлак хат кўрсаттилар. Зинонинг укубатларининг баёни эрди. Ул сабабдин ҳам ёндилар дебдурлар.

АЛҚИССА, Зулайҳонинг кўнгли хуш бўлуб, эмди муродим ҳосил бўлди деб севунуб турғон вақтида Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бароқ ташлаб қочдилар. Зулайҳонинг хуши ҳаракати, жони танидин чиқди. Вой нима бўлди деб, туриб кучоқлаб олғали ялонғоч турди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қочдилар. Зулайҳо қавлади. Ҳар икиси кўнглаксиз ва пойижомасиз қавлашиб борур эрди. Ҳар эшикнинг тагинда, эшикнинг қулфи очилиб берди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қочиб борур эдилар, арқаларидин етиб келиб, кўнглакларига қўл солди. Нафис кўнглаки йиртилиб берди. Зулайҳо ерга йиқилиб ўрта тиши синди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қутулуб чикдилар. Зулайҳо туруб тишидин хабари йўқ қавариб, сарғайиб кўнглак ва пойижомасиз яланғбош оғзи бурунлари қон қавлаб келур эди. Азизи Миср ташқарида қўп халқ бирла ўлтуруб эди. Бу воқени кўруб ҳайрон қолди. Ҳаргиз сўзлагудек тоқати қолмади. Зулайҳо айдик: – Эй Азизи Миср, санинг ҳисобсиз тўла жавоҳирларни бериб олган қулунгни ишини кўргил! Ман истиғлаб, уйга кириб яланғоч ухлаб эдим, менинг хабарим йўқ! Мени бедор қилиб, номаҳрам беодабона қўл сўнди. Қабул қилмасам, оғзимга уриб, ики тишимни ушатти. Қавлаб қошинга олиб чиқдим. Ханжар бирла урай деб эдим, қочди. Эмди мунинг жазосига зиндонга солгайсан, ё бир қаттиғ укубат қилгайсан! – деди. Азизи Миср айдик: – Эй Юсуф, ман сани шундоғ қилсун деб ушбу умид бирла Молик Зоирдин жамъи Мисрнинг баҳосини бериб олиб, ўғлум демадимму?! Санинг манга қиладурған ишинг ушбуму?! – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бисёр хижил бўлуб айдиларким: – Мундоғ ишларни ман қилған эмас! Зулайҳо манга тухмат қилур!? – дедилар. Зулайҳо чидолмай онт ичди. Азизи Миср қулига буюрдиким: –Юсуфни чоҳармих қилиб, чандон укубатлар қилгил! – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: – Эй Азизи Миср, мани укубатга буюрмагил, кейин пушаймон қилурсан, фойда бермас! – деди. Бу ишнинг ростини англаб, андин кейин

гуноҳқорни укубатға буюргил! Поқдурман, ҳар қисм гуноҳ қилса, Зулайҳо қилгондур! Ман қочтим, ул қавлади!-дедилар. Азизи Миср айди: — Ўзунгни поклигинга гувоҳ борму?! Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: — Талҳам деган чўрининг боласи бор эди бешиқда. Андин сўрагил! — дедилар. Азизи Миср айди: — Олти ойлиқ бола сўзларму?! — Худойи таолонинг инояти бирла сўзлар! — дедилар. Ул бешиқдаги болани олиб келиб сўради. Бола айдики: — Эй Азизи Миср, Юсуфнинг кўнглакининг орқасидин чок бўлса, гуноҳ Зулайҳода, олдидин чок бўлса гуноҳ Юсуфдадур! — деди. Кўрдиларким, кўнглак орқадин йиртилибдур. Азизи Миср айдики: — Ҳар ваҳж бўлса, гуноҳ Юсуфда эмас! Андоғ ишлар хотунларнинг макридур! — Эй Зулайҳо, сан ўз гуноҳингни Юсуфга туҳмат қилибсан! Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом воқеани боштин-оёғ баён қилиб эдилар, Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом ҳозир бўлиб айдиларким: — Эй Юсуф, парҳез қилгил, Зулайҳонинг сирини ошқоро қилмагил! — дедилар. Азизи Миср айдики: — Эй Юсуф, бу ишни кўнглунда сақлагил! Ман ҳам кўнглумда сақлай! — деди. Зулайҳо айдики: — Эй бешарму беҳаё бу ишни қилиб юрибсан! Манинг номусум қолмади! Эмди сан гуноҳқорлардин бўлдунг. Ман санга азобу укубатлар қилурман! — деб чиқиб кетти. Яна Зулайҳо айди: — Эй Юсуф, бу ишни манга сан қилдин! Мани элнинг таънасига қўйдунг! Мандин қочмасанг, ман мундоғ расво бўлмас эрдим! Ман санга андоғ азоблар қилайки, асло чидаб бўлмагай! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларки: — Эй Зулайҳо, сан неча маҳалдур ушбу ишга муққайид бўлуб юрур эдинг. Мани ҳам хижолатга қўйдунг! Ўзинг ҳам шарманда бўлдунг! — дедилар. Зулайҳо айди: — Эй Юсуф, ул заҳарни манга тоттурдинг, ман ҳам санга ичирмай қўймасман! — деди. Аммо Зулайҳо кундан-кунга забун бўлди. Кечалари уйқуси йўқ, кундузи ороми йўқ! Борган сари саргайибдур. Иштиёқи зиёда бўлди. **Аммо бу воқеани ҳикоя қилибдурларким** Мисрда беш-олти хотун Зулайҳога маломат қилур эди. Бу мазлумаларнинг маломат қилгонини эшитиб, ўзини пора қилиб, бир мажлис оғоз қилди. Зулайҳо айдики: — Эй Юсуф, бир неча хотунлар маломат қилур эмиш! Бир кун шу хотунларни меҳмон қилсам! Бир вақтда қичқурурман, офтоба чилоччин олиб келсанг? — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қабул қилдилар. Зулайҳо хотунларни чорлагали киши иборди. Бу хотунлар келиб обу таомдин сўнг ўлтуриб эдилар! Ҳар қайси хотунларнинг олдида тахтада бир пичоқ бирла пиёз келтириб қўйди. Бу пиёзни тўғранглар! — деди. Андин кейин Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни чақирди. Обтоба чилоччинни кўтаруб келдилар. Зулайҳо айди: — Эй Юсуф, ниқобингни олгил!? Ниқобларини олдилар. Бу мазлумалар ҳамаси хушидин кетиб, пиёз тўғрарман деб, ҳамаси қўлларини тўғраб, дастурхон эгинлари ҳамма қонга бўялди. Зулайҳо буларнинг бу ишларига кулуб, масхара тутуб ўлтурди. Бу хотунлар Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг жамоли ё камолларига ҳайрон бўлуб, илкларини кесганларидин хабарлари йўқ, яна хушларига келиб, хижолатдин бош кўтара олмади. Айдилар-ким: — Бу одам фарзанди эмас! Худойи таоло ўзининг жамолининг кўргузгали мун иборгандур! — дедилар. Зулайҳо айди: — Мани анинг учун маломат қилиб экансизлар! Маломат ўқиға нишона қилғулик бор эканму?! — деди. Мазлумалар айдилар: — Эй Зулайҳо, то бу вақтгача тоқат қилиб юрубсан, яна киши тоқат қилолмас! — эди, деб Зулайҳога яна таҳсин-офаринлар қилдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларки: — Эй мазлумалар, хушларингга келиб, ўзларингдин хабардор бўлунглар! — дедилар. Бу мазлумалар боқсалар, ҳамма эгинлари

дастурхону бисотлари қон бўлубдур! Хижолатдин бошларини кўтара олмай, қуйи солиб, сўзлагувчи имконлари қолмади. Бу мазлумалар Зулайҳога узрлар айтиб, ҳолини сўради. Зулайҳо ҳам ўзи қилгон ишларига иқрор бўлдилар. Қовлуҳу таоло: **«Ва лақод ровадтуҳу аън нафсиҳи фастаъсома** ((Зулайҳо) деди: “Мени у тўғрида маломат қилганларинг шу (йигит)дир”. Ҳақиқатан, ундан нафси (жинсий яқинлиги)ни талаб қилганимда, у сақланди.12:32) Маъниси ул бўлурки, ўз нафсимга онҳама тарғиб қилдим, қабул қилмади. Агар қабул қилмасанг турлук-турлук азоблар бирла қийнарман! – дедим. – Менинг Худойим санинг шармингдин сақлар! – дедилар. Зулайҳо айдики: – Эмди зиндонга соладурман! – деди. Бу мазлумалар айдики: – Зиндонга солишни бизга қўйгил, биз ани зиндоннинг машаққатларидин кўркутуб, санга қойил бўлсун, дедилар. Бу мазлумалар айдиларким: – Нечук Зулайҳонинг сўзини қабул қилмадинг?! Сани на миқдор мол бериб олган! Ўлтурса, ўлтурур, ҳар на қилса қилур! – дедилар. Аммо ҳар қайси мазлума андин яхши чиройлик «мани қабул қилурмукин дер эрди». Шу аснода Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом муножот қилдиларким: – Илоҳо, Худовондо, илгари Зулайҳо ёлғуз эди, Шайтон бирла бир бўлуб, сани даргоҳингда осий, шарманда қилаёзди. Эмди олтиси қушулуб, саккиз бўлуб, манинг ҳолим не кечар?! – дедилар. Ул замон бу хотунлар маслаҳат қилдиларким, Зулайҳо эмди бу қулни бизга кўрсатмас ва бизга қўшмас, зиндонга солғали далолат қилали. Шунда кўрармиз! – деб Зулайҳога айдики: – Агар сўзунгузни қабул қилмаса, зиндонга солдирғил!? Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом муножот қилдиларким: – Илоҳо, Худовондо, Зулайҳо муҳаббатидин, зиндоннинг муҳаббати яхшироқ деб! Қовлуҳу таоло: **Қола раббис-сижну аҳаббу илаййа мимма ядъунани илайҳи** ((Юсуф) деди: “Эй, Раббим! Менга таклиф этишаётган нарсадан кўра зиндон маъқулроқдир.”12:33) яъни – Эй бори Худоё, зиндонни дўст тутарманки, хотунлар ўзига фирифта қилганидин!? – дедилар. Аммо бу сўзлари Ҳақ субҳонаҳу ва таолога нописанд келди, дебдурлар. Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурларким: – Раҳмат биродарим Юсуфга, ман бўлсам зиндонга унамай, айтур эдимки: – Худоё, бу хотунларнинг макридин сақлағил!? – дер эдим. Азизи Миср ҳам Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг бегуноҳ эканларини англаб бу макрни Зулайҳодин экан! Эмди Зулайҳога жазо тортирай деса, ўзунунг номусидин ҳеч нима демас эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни зиндонга солдурди. Халқ ҳам беодаблик шунда экан десун! – деб, зиндонга солурни қасд қилди. Зулайҳо: – Эмди муродимни ҳосил қилурмусан ё зиндонга борурмусан! – деди. Юсуф: – Кўнглунгдин бу фосид хаёлни чиқарғил! Ман андоғ қилмасман! – дедилар. Шул замон Азизи Миср қошига кириб айттиким: – Халойиқнинг маломатидин халос бўлғали Юсуфни зиндонга солдурғил!? – деди. Азизи Миср буюрди: – Кийган сарупойларини олиб, эски ифлос чакмон кийдуруб, қўлларига занжир, оёғларига гул солуб зиндонга кириб, бир гўшада ики ракат намози шукрона ўқидилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло зиндонда ики туп дарахт ато қилди. Биридин ейдурган мева, биридин ичадурган шарбат пайдо бўлур эди. Зиндондаги халқ ҳам шодмон бўлдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни дўсту меҳрибон тутар эдилар. Эъзоз-икромлар қилиб қўл боғлаб турур эдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кундуз рўза, зикри тасбеҳ бирла, кечани тоат-ибодат бирла ўткарур эдилар. Бу қўли кесик хотунлар зиндонга турлук-турлук маҳозирлар олиб келур эди. Маҳозирни тановул қилиб зиндондагиларга берур эдилар. Зиндондагилар айтур эдилар: – Сизни, бизга Худойи таоло еткурди.

Биз сизни жондин азиз, ортиқроқ билурмиз! – дер эдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айтурларким: – Отам жондин азиз дер эдилар! – кудуқға тушдим, Зулайҳо жондин азиз дер эди зиндонга тушдим. Энди сизлар, жондин азиз! – дерсизлар. Нечук меҳнатга қолур эканман, дер эдилар. Аммо V Зулайҳо Юсуф алайҳиссаломни зиндонга солғанига юз минг пушаймон-надоматлар қилди, фойда бермади. Ҳаргиз ором тополмас эрди. Кўзидин ёш қуримай, кечани уйқусиз, кундузни ош емай ва сув ичмай ўтқарурди. Гулдек чеҳраси заъфарондек саргайиб, бир соат ўлтиролма, дарди оташ иштиёқи жигарини кабоб, ҳолини хароб қилди. Асло тоқат қилолма, мардонавор либос кийиб, бир неча канизаклар бирла зиндон бошига келди. Зиндонбон Азизи Миср келди деб, олдиға чиқиб айдиким: – Юсуфни қўл-оёғидин занжирини нимага олдинг?! – деди. – Андоғ қилмадук! Ўз олдимизга андоғ қилмасмиз! – деди. – Қани буён олиб чиқғил кўрай! – деди. гул-занжири бирла олиб чиқди. Баногоҳ кўруб наъра тортиб, юрак-бағрини бўшатгай! Элни маломатидин кўрқуб, сабр қилиб, ёниб уйига келиб, чандон пушаймонлар қилиб бошини тошга уруб андоғ йиғладики, канизаклариға зиндонбонни чорлатиб айдиким: – Ҳар куни Юсуфни ўн таёқ урғил, чидай олмай қичқирсун! – деди. Зиндонбон ҳар куни ўн таёқ урар эди. Қичқирганда унларини эшитиб андек таскин-хотир қилур эди. Канизаклари айдиким: – Бу нечук зулумдур!? Бегуноҳ ўғулни мундоғ жафо қилмақнинг боиси нима!? Зулайҳо айдиким: – Нечук қилай ўзини кўра олмайдурман, унини эшитай деб, шундоғ қилдим! – деди. Яна зиндонбонни қичқириб айдиким: – Урмағил! Кунда бир мартаба қичқирсун! – деди.

АЛҚИССА, бу ҳол бирла олти ой зиндонда ёттилар. Бир куни муножот қилдиларким: – Илоҳо, эмди ҳоло имконим қолмади. Халослик бергай эрсанг? – дедилар. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: – Шайтон ишини қилмадинг, Худойи таолони фаромуш қилмадинг, сани сабр сиддиқлардин атади деб, башорат бердилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Отам саломат бормулар?! – дедилар. – Саломат бор, – дедилар. Худойи таоло саломат кўрушмакни буюрди. Сабрдин бўлак илож йўқ, сан ҳам сабр қилғил! Охир ҳама Миср халқи санга чокар бўлур! Ул оғаларинг санга зулум қилиб эдилар, пушайман, надоматлар қилғайлар! Санға туш таъбирини ўргаттали келдим деб! Оғизлариға бир нима солдилар. Ул замон туш таъбири аён бўлди.

*Давоми бор*

*Эски ўзбек тилидан  
нашрга тайёрловчи  
Олимжон ЖўРАЕВ*

## «Аҳли фазл ва беназир эл...»

(«Хорижда бобуришнослик» тўпламини ўқиб...)

**М**ашхур тарихчи ва адиб Плутарх “Қиёсий ҳаётномалар”ида бир юнон, бир римлик машхур саркардаларни таққослаб ёзади. У македониялик Искандарга римлик Юлий Цезарни, буюк нотик, ватанпарвар юнон Демосфенга римлик нотик Цицеронни қиёслайди. Замонамиз тарихчиларидан Ҳожи Сайфидин Жалил “Бобур ва Юлий Цезарь” китобида бу икки саркарданинг ҳаёти ва қахрамонликларини қиёслаб, яхши маънода Плутархга эргашади.

Тўгри, бу икки буюк саркарданинг ҳаёти ва жасурлигида муайян ўхшашликлар бор. Лекин бу зотларнинг яшган даврлари орасида бир минг беш юз йил фарқ бўлганидек, табиати, сийратида ҳам жуда катта фарқлар бор. Шундай фарқлардан бири: Юлий Цезарь Римда биринчи ҳукмдор бўлиб, кўпчилик қудратли шахсларга, сенатга ўз ҳукмини ўтказиш учун жасоратлар кўрсатган ва диктаторлиги сабабли халқ нафратига учраган. Заҳиридин Муҳаммад Бобурда эса ҳукмдорликка интилишнинг асосий сабаби — темурийлар салтанатининг парчаланиб, таназулга учрашига йўл қўймаслик, бир-бирига қарши курашаётган темурий шаҳзодалар ва шоҳларни аҳилликка чақириб, мамлакатни соҳибқирон бобоси давридаги каби қудратли салтанатга айлантириш орзуси эди.

Шу сабабли “Бобурнома”нинг кўпгина фаслларида темурийлар салтанатига шайбонийлар тарафидан келатган ҳалокатни хавф-хатарга қарши бирлашмай, Султон Ҳусайн ва Бадиуззамон, Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд, Султон Бойсунгур (Иккинчи) каби ўзаро ёвлашаётган темурийлар кескин танқид қилинади. “Бобурнома”да баъзи темурийларнинг аввалги даврда қилган яхши ишлари мақталади. “Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажиб замоне эди, аҳли фазл

ва беназир элдин Хуросон, батахсис, Ҳирий шаҳри мамлу (тўлиқ) эди”. “Бобурнома” Шарқ Уйғониш даври ҳақида энг мукамал билимлар берувчи нодир хазина эканлигини Ўрта Осиё тарихчилари ва Фарбнинг атоқли ула молари ҳам яхши биладилар, бу асар муаллифини Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонда тарқоқ феодалларнинг ўзаро низоларига чек қўйиб, буюк салтанат тузганлигини, буюк маданиятта асос солганлигини қадрлайдилар.

“MUMTOZ SO’Z” нашриёти “Хорижда бобуришнослик” сарлавҳаси билан чет эллик атоқли олимлар ва арбоблар — Ж.Неру, У.Эрскин, Ф.Бернье, Р.Годен, З.Мансурий, Т.Сейхан кабиларнинг тадқиқотларидан намуналарни тўплаб, нашр этди. (Тўпламни нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев. Масъул муҳаррир — филология фанлари доктори Саидбек Ҳасан. Такризчилар — филология фанлари доктори Ансориддин Иброҳимов, фан номзоди Ғофуржон Сотимов).

“Хорижда бобуришнослик” муқаддимаси муаллифи бундай ёзади: “Заҳиридин Муҳаммад Бобур — ҳам улуг миллатпарвар адиб, ҳам буюк салтанат асосчиси, ҳам оламий тафаккур соҳиби бўлган аллома, ҳам аҳли суна жамоасига юксак мартабалар келтирган ғозий, ҳам шавкатли баҳодир, шу билан бирга ўз оиласини жаҳоннинг йирик шоҳона сулолалардан бирига айлантира олган меҳрибон ота сифатида қадрланади. Жаҳоннинг энг улуг олим ва адибларнинг эътирофи, давлат арбобларининг эҳтиромига сабаб бўлган жиҳатларни хорижлик олимлар ўз асарларида инсоф билан (ва ҳайрат билан) тилга олганлар... Ҳозирга келиб, Афғонистон, Бангладеш, Кашмир, Шимолий Эрон, Покистон, Ҳиндистон деб номланган

давлатларни бирлаштириб, одил сиёсат ва саҳий қалам билан бошқарган “тож кийган дарвеш” ҳақида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида юзлаб тадқиқотлар юзага келган”. Тўпламга хорижий муаллифлардан Ж. Нерунинг “Дунё тарихига назар” асаридан Бобур ҳаётига доир қисми (таржимон Илҳом Султонов), Уильям Эрскиннинг “Ҳиндистонда Бобуршоҳ ҳукмронлиги даври (инглизчадан Гофуржон Сотимов таржимаси), Ф.Берненинг “Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи” (Амир Файзулло ва Файзи Шохисмоил таржимаси), С.М.Беркнинг “Ақбар — бобурийларнинг энг буюғи” (инглиз тилидан Гофуржон Сотимов таржимаси), Маргарет Годеннинг “Гулбадан” (инглиз тилидан Х.Сўфиева таржимаси), Л.П.Шарманинг “Бобурийлар салтанати” (инглиз тилидан Гофуржон Сотимов таржимаси), Аннамария Шимелнинг “Бобуршоҳ ва оилавий истеъдод ҳақида” (инглиз тилидан Н.Отажонов ва Д.Ҳошимова таржимаси), Уильям Эрскин ва Забиҳуллоҳ Мансурийнинг “Эрон ва Бобур” (форс тилидан Ҳамидулла Болтабоев таржимаси), Каромат Алихоннинг “Лаҳур манзаралари” (форс тилидан Ҳ.Болтабоев таржимаси), Танжу Ўрол Сейҳаннинг “Бобуршоҳ ва унинг “Мубаййин” асари” (туркчадан Ҳ.Болтабоев ва Ш.Хайитов таржимаси) асарлари киритилган.

Ҳамидулла Болтабоев юқорида зикр этилган кириш сўзидан хорижлик бобуршуносларнинг бу асарларига ихчам тавсиф ва шарҳ беради. У сўзбошида хорижда Бобур шахси ва салтанатига доир таржима ва тадқиқотларнинг бошида олим, давлат ва жамоат арбоби Уильям Эрскин туришини айтади. “Умрининг асосий онгли қисмини Ҳиндистонда” ўтказган бу олим “Бобурнома”нинг таржимони ва тадқиқотчисидир. Унинг “Темурийлар сулоласидан бўлмиш Бобур ва Ҳумоюн ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон тарихи” асарида бирламчи манба сифатида Бобур асарларига таяниши, Бобуршоҳ шахсига буюк ҳурмат ҳамда беназир истеъдоди олдида таъзимда туриб ёзиши алоҳида эътиборга лойиқдир”

Бобуршоҳнинг Ҳиндистонни олиш учун бешинчи ва охириги юриши энг кучли душман — Ҳиндистон шоҳи,

асли афгон Иброҳим Лўдийга қарши уруш эди. У.Эрскин бу уруш тафсилотларини, Бобурнинг ҳарбий заковатини муфассал тасвирлайди. Ўн икки минг лашкари билан Бобуршоҳ юз минг қўшини ва мингта фили бўлган Иброҳим Лўдийга қарши оғир жангда голиб чиқади. У.Эрскин бу улуг галабадан Бобур заррача мақтанмай, бу менга парвардигорнинг меҳр-шафқатидан деб билгани, ўта камтаринлигини таъкидлайди.

У.Эрскин шоҳ Бобурнинг адиблик, ёзувчилик истеъдодига ҳам қойил қолади. “У ўз замондошлари ва ҳамюртларини шундай усталик билан таърифлайдики, уларнинг кўринишлари, хатти-ҳаракатлари, одатлари ва қилиқлари ойнада кўрингандек акс этиб туради” (56-бет).

Нашрга тайёрловчи ҳар бир хорижлик олимнинг асарини бериш олдида ўша муаллиф ва унинг ижоди ҳақида ихчам, аниқ маълумотлар беради. Жумладан, у Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Ж.Нерунинг “Дунё тарихига назар” китоби ҳақида ёзади: “Уч жилдан иборат бу сиёсий тарих (1930–1933 йилларда қамоқда ёзилган) бадиий асардай жонли, ёрқин саҳифаларга бойлиги учун осон ўқилади, айрим сиймоларнинг тимсоли худди тирик кишилардай...”

Жавоҳарлаъл Неру асаридан камроқ парча берилса-да, ҳар ҳолда Бобуршоҳ ва Акбаршоҳ ҳақида яхши тасаввур беради. Ж.Неру асаридан шу нарса англашиладики, Бобур ва Ҳумоюн даврида Европанинг йирик давлатлари Голландия, Англия, Испания, Португалия Шарқ мамлакатларига босқинчилик, экспансия ҳаракатини кучайтирган. Булар Ҳиндистонни, ҳатто Япония ва Хитойни эгаллашни ҳам режалаштирган. Лекин Акбаршоҳ Ҳиндистонни қудратли давлатга айлантириши оврўпаликларга тўсқинлик қилган. Дарвоқе, ўша даврда Туркиянинг машҳур адмиралли Сейди Али Райис “Миръот ул-мамолик” (“Мамлакатлар кўзгуси”) асарида Ҳумоюн шоҳга турк султони тўққиз кема билан португалияликларга қарши жанг қилиш учун ёрдам юборганлигини ёзади. Сейди Али Райис Ҳиндистонга келиш олдида Колумбдан аввал Американи кашф этган сайёҳ Васко да-Гаманинг флотидан хизмат қилган. Асарда ёзилишича, Сейди Али Райиснинг кемалари

Ҳинд уммонида бўронда фалокатга учраган, ўзи икки кема билан Ҳумоюн ҳузурига етиб келиб, хизматни адо этган.

“Хорижда бобуршунослик” китобидаги нодир асарлардан бири француз сайёҳ олими Франсуа Бернье (1920—1688)нинг “Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи” китобидан берилган боблардир. Ҳ.Болтабоев изоҳ беришича, Ф.Бернье Ҳиндистонда 12 йил давомида бобурийлардан Аврангзеб саройида табиб бўлиб хизмат қилган. Бундан ҳулоса қилиш мумкинки, ўша вақтда Португалия босқинчиларига қарши Аврангзеб Франция билан дўстона алоқа ўрнатган. Франция ўша вақтда Африкада ҳам Португалия билан рақобат қилар эди. Англия ва Испания бири-бири билан урушар эдилар.

Франсуа Бернье тиббиёт мутахассиси бўлишидан ташқари сиёсатчи, олим эканлиги ҳам сезилади. Ҳ.Болтабоев тавсифлашича, асарда бобурий ҳукмдорларининг тарихий юришларидан кўра, унинг феъл-атвори, саъй-ҳаракатлари ва руҳий ҳолатлари тасвирига кўпроқ эътибор берилган. Амир Файзулло ва Файзи Шоҳисмоил асарни гўзал, раvon тилда таржима қилганлар. Фақат баъзи исмлар Ф.Бернье-нинг ўзи томонидан бузиб ёки ўзгартириб берилган. Масалан, француз олими айтган Саукенда, Банк, Жессомсенг каби ражпут шаҳзодаларининг ҳақиқий исmlарини аниқлаш учун таржимон эмас, тадқиқотчи бўлишга тўғри келади.

Тўпламдаги энг қизиқарли асарлардан бири А.П.Шарманинг “Бобурийлар салтанати” асаридир. Муаллиф Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асаридан фойдалангани учун воқеаларни аниқ ва тўғри тасвирлайди. Л.П.Шарма асарининг “Бобурийлар давридаги тараққиёт ва маданият” фаслида Акбаршоҳ даврида тарихнавислик, бадиий ва фалсафий адабиёт, таржимачилик гуллаб-яшнагани айтилади.

Л.П.Шарма Европа олимларига эргашиб, бобурийлар давлатини ҳамма жойда мўғуллар давлати деб айтади. Бу атама тарихий ҳақиқатга тўғри келмаслигини сўзбоши муаллифи ҳам таъкидлаб ўтган. Лекин муаллифнинг бобурийлар даврида ёзилган жуда кўп адабий ва тарихий асарларини ҳозирги ўзбек тарихчилари ва филологларига нисбатан кенгроқ билиши таҳ-

синга лойиқдир. Ҳ.Болтабоев ҳинд олимининг яна бир муҳим фикрига эътиборимизни қаратади. “Асрлар давомида ражпутлар, туркийлар ва афгонлар навбатма-навбат Ҳиндистонда кучли салтанат ўрнатишга уриниб кўрдилар. Лекин уларнинг ҳеч бири бу ишни уддалай олмади. Бобур эса бу ўлкада ўзининг тадбиркор (яъни, ақлли, маҳоратли — М.М.) ҳукмдорлар сулоласини яратди ва улкан салтанатни ўрната олди. Шу билан у Ҳиндистонга, temuрийларга хос (адолатли) давлат бошқарувини олиб кирди ва унга мустаҳкам асос солди... Ҳинд тарихчиси Р.Трупатхий ёзишича, “бобурийлар салтанатининг тантанаси унинг ўз сиёсатида диний эътиқод эркинлигини амалга оширгани ва маданий ҳаётга катта ҳисса қўшганлиги туфайлидир. Бу сиёсатни эса Бобуршоҳ бошлаб берган эди”.

Бизнингча ҳам шундай. Беш аср аввал султон Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд бундай мусолаҳа йўлини тутган бўлсалар эди, уларнинг сулоласи тез барҳам топмай, temuрийлар ва бобурийлар давригача етиб келган бўлур эдилар. Маҳмуд Ғазнавий ҳиндларни мажбурлаб мусулмон қилиш мақсадида Ҳиндистонга 17 марта газот урушлари қилди. Лекин, инсоф билан айтганда, Ҳиндистон халқидан миллионлаб аҳоли бобурийлар даврида мусулмон бўлдилар.

“Хорижда бобуршунослик” тўпламдаги энг қимматли асарлардан бири — олмон тасаввуфшунос ва санъатшунос олимаси Аннамария Шиммелнинг “Бобуршоҳ ва оилавий истеъдод ҳақида” асаридир. А.Шиммел бу тадқиқотида Ҳасан Хожа Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб” (бу нодир асарни истеъдодли шарқшунос Исмоил Бекжон ўзбекчага тўлиқ таржима қилиб, изоҳлар билан нашр этган), Фаҳр ибн Амир Ҳиравий (Суйима Ғаниева Фаҳри Ҳиротий дейди) қаламига мансуб “Султон ва шаҳзодалар ашъори ҳақида” ва “Равза” асарига суяниб, Бобур ва авлодларининг шоирлик истеъдоди маданий, маънавий, наслий мерос эканлиги ҳақида ёзади.

А.Шиммел асарида Бобурнинг газаллари девон тартибида китобат бўлганми, йўқми, деган масалага катта эътибор берилади. Олима бу ҳақда бири-бирига зид икки хил фикр билдиради: 1. Бобуршоҳ девон тузмаган, бун-

га вақти етмаган. 2. Бобуршоҳ девонининг бир нусхаси Самарқандга, ўзбек Пўлат султонга юборилган. Ҳ.Болтабоев фикрича, ўзбек академиги Азизхон Қаюмов, рус олимаси И.В.Стеблева, афғонистонлик ўзбек шоираси ва олима Шафиқа Ёрқин айрим манбашунослик тадқиқотлари қилишига кўра, Бобуршоҳ газал ва рубоийлардан девон тузишга вақти етмаган. Бизнингча ҳам шундай.

Америкалик олим С.Беркнинг “Акбар — бобурийларнинг энг буюги” асарида Ҳиндистонда ва Покистонда яшган вақтларида тўплаган бой манбалардан фойдаланган.

Покистонлик тадқиқотчи Каромат Алихон “Лахўр манзаралари” асарида (форсийдан Ҳамидулло Болтабоев таржимаси) Берунийнинг “Ҳиндистон” асарига асосланиб, Маҳмуд Фазнавий бошлиқ мусулмонлар Лахўрга 1021 йилда келгани, бу шаҳар 165 йил давомида газнавийлар қўлида, Ҳиндистон ўлкасининг пойтахти бўлиб тургани ҳақида бадиий лавҳаларни ёритади. Асарда бобурийлар Лахўрда барпо этган гўзал боғлар ва ажойиб бинолар, масжидлар ҳақида сўз боради.

Буюк Британиялик журналист, ёзувчи, олима Маргарет Румер Годеннинг “Гулбадан” асари “Бобуршоҳ даври”, “Бобуршоҳ”, “Ҳумоюн ҳукмронлиги даври”, “Акбар ҳукмронлиги даври” деб номланган тўрт қисмдан иборат бадиий-тарихий асардир. Маргарет Румер “Хитой жумбоғи”, “Хоним ва ҳукмдор”, “Қора нарғис”, “Дарё”,

“Шиванинг кабутари”, “Қора тулпор” асарлари муаллифидир. “Гулбадан” асари Х.Сўфиева таржимасида анча равшон, нафис ва жонли чиққан. Аслиятнинг бадиий нафислиги таржиманда ҳам кўринади.

Уильям Эрскин ва Забиҳуллоҳ Мансурий биргаликда ёзган “Эрон ва Бобур” асарида биз кутмаган анча янгиликлар борки, уларни билиб қўйган фойдали, лекин ишонил қийин. Чунки Эрон олими Бобур барча жанларда фақат шоҳ Исмоил Сафавий ёрдами билангина ғалаба қозонди, деган бирёқлама, кибрили гоёни биринчи ўрнига қўяди. Яна у У.Эрскин ёзган тарихни ўзича ўзгартириб, яна қўшиб, бу энди форс тилидаги ҳақиқий “Бобурнома” бўлади деб, даъво қилади.

“Хорижда бобуршунослик” тўпламида Истанбулдаги Меъмор Синон университети мударриси Танжу Ўрол Сейҳаннинг “Бобур Мирзонинг “Мубаййин” асари” тадқиқотидан парчалар ҳам босилган. Унда Бобурнинг фикр илмида ҳам етуқлиги, Бобур замонидаги маданий ҳаёт яхши ёритилган.

Яхлит олганда эса, “Хорижда бобуршунослик” тўплами Жаҳон олимлари ва ёзувчиларининг буюк ватандошимиз, жасур саркарда ва даҳо шоир, тарихчи ва жуғрофиюн, серқирра олим, мутафаккир Бобуршоҳ ҳаёти ва ижодига қизиқиши жуда юксак эқанлигини кўрсатади. Мазкур тўплам Ўзбекистон бобуршунослигида ҳам, жамиятимиз маданий ҳаётида ҳам катта воқеадир.

*Маҳкам МАҲМУДОВ,  
филология фанлари номзоди*



Ог Мандино

## Яхши яшаш сири

ИККИНЧИ ҚИСМ

### ЯХШИ ЯШАШ ҚОИДАЛАРИ

**Э**ҳтимол, айнан бизга аталган сўзлар бордир ва агар биз уларни эшитиб, англай олганимизда, улар бизга саҳар ва баҳордан фойдалироқ таъсир қилиб, атрофимиздаги нарсаларга бошқача кўз билан қарашга мажбур этган бўлармиди.

Кўпчилик одамларнинг ҳаётидаги янги давр улар у ёки бу китобни ўқиганларидан кейин бошланган. Эҳтимол, бизга барча мўъжизаларнинг сирини тушунтириб, қаршимизда янгиларини кашф қиладиган китоб бордир. Балки ҳозир бизга сўз билан ифодалаб бўлмайдигандек туюлувчи нарсаларни кимдир аллақачон ифода қилгандир.

Бизни ташвишлантирган, ҳаяжон ва ўйга солган саволлар биздан олдин ўтган барча донишмандларни ҳам ўйлантирган ва уларнинг ҳар бири бу саволларга баҳоли қудрат жавоб топган, ўз ҳаёт тажрибаси ва ўз сўзлари билан ифода этган.

Торо.

«Уолден, ёхуд ўрмондаги турмуш».

### БИРИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун...*

Тангрининг сизга кўрсатган барча марҳаматларини санаб чиқинг. Ҳаётингиз ва ундаги барча нарсалар нечоғли қадрли эканлигини тушуниб етганингиз заҳоти юзингизга табассум қайтади, осмонда булутлар тарқаб, қуёш чарақлайди, оламни мусиқа садоси тутади. Сиз олдинга, Тангри сизга ато этган ҳаётга... ва ўз кучингизга умид-ишонч билан қадам қўясиз.

Мен қайғу ва азоб-уқубатлар орқали тагига етишга муваффақ бўлган ҳаётнинг энг муҳим ва эскирмас сирларидан бири шундан иборат: токи сиз ўзингиз эга бўлган устунликни тўғри баҳоламас экансиз, зерикарли ва мақсадсиз турмуш исканжасидан қутулмай-сиз, ёки ишдан ҳайдалмаслик ва юқори мартабага кўтарилишга уриниб тинимсиз айланаётган олмахон гилдирагидан сакрашга қурбингиз етмайди, ёки сизни муваффақиятсизликка йўлиқтириб, ўз кучингизга ишончингизни йўқотишингизга сабаб бўлувчи моддий инқироздан қутула олмайсиз.

Охири. Боши ўтган сонда.

Устунлик!? Сиз қуляпсизми? Маъюс қулги. Менга бир нима демоқчимисиз? Ёзув столимнинг тортмаси тўланмаган чекларга тўла, дейсизми? Эҳтимол, тўнғич ўғлингиз коллежга ўқишга кирмоқчидир-у, сиз унга пул бера олмаслигингизни айтишга ўзингизда куч топмаётгандирсиз. Балки сиз машинангиз учун кредит тўловини икки ойга кечиктириб юборгандирсиз, ишингиз ҳам аввалгидек ишончли туюлмаётган кўйгандир. «Қанақа устунлик?» деб ўйлаётгандирсиз. Мен билан қолинг, Тангрининг сизга кўрсатган марҳаматларидан баъзиларини ҳозирнинг ўзида, қаршимда ўзингизга ачиниб ўтирган пайтингизда санашга ёрдам бераман.

Келинг, асл қадр-қимматингизни тушуниб етишингиз учун турмушингиздаги яхши нарсаларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг нақд қийматини ҳисоблаб чиқайлик. Менимча, яшаш учун кундалик курашга берилиб, уларни бутунлай унутган бўлсангиз керак.

Бизнинг буюк мамлакатимизда яшаш имкониятининг ўзи қанча туради?

Дадилроқ, мен сизга бу имкониятингизга нархи ёзилган ёрликни тиркаб қўйишни маслаҳат бераман. Сиз қаерда яшашни афзал кўрган бўлардингиз?

Агар сиз бугун эрталаб меҳнат биржасида навбатда турган бўлсангиз, ҳозир ишлаётган фирма ёки компаниянгиздаги иш жойи қанча турган бўларди?

Агар дунёдага одамларнинг 95 фоизи фақат сизнинг ўрнингизда бўлиш учун умрларининг ўн йили ёки ундан ҳам кўпрогини беришга бажонидил тайёр эканлигини инобатга оладиган бўлсак, хизматдаги мартабангиз ва касбий маълумотингиз қанча туради?

Эркингиз қанча туради?

Сиз севадиган ва сизни севадиган одамлар-чи?

Уларнинг муҳаббатини сиз қанчага баҳолайсиз? Кўзларингизни-чи? Кўзларингизни миллион долларга сотган бўлардингизми?

Қўл-оёқларингизни-чи, уларни қанчага баҳолайсиз? Беш миллион долларгами? Ўн миллионгами?

Сиз инсон қавмининг жуда бой вақилисиз, шундай эмасми? Агар иш очик савдога бориб тақалганида, сиз, эҳтимол, ўзингизда бор нарсаларни Форт-Нокснинг жами олтинига ҳам алмаштирмаган бўлардингиз. Шундай эмасми? Унда нимага тумшуғингизни осилтириб юрибсиз, ўзингизни норасо, бу ҳаётда мағлуб, кераксиз ва хўрланган ҳис қилиясиз? Нима учун?

Бас қилинг! Сиз яхши яшашга лойиқсиз ва уни бугуноқ бошлашингиз мумкин!..

## ХУЛЛАС, БИРИНЧИ ҚОИДА:

*Тангрининг сизга кўрсатган барча марҳаматларини санаб чиқинг. Ҳаётингиз ва ундаги барча нарсалар нечоғли қадрли эканлигини тушуниб етганингиз заҳоти юзингизга табассум қайтади, осмонда булутлар тарқаб, қуёш чарақлайди, оламни мусиқа садоси тутади. Сиз ниҳоят олдинга, Тангри сизга ато этган ҳаётга... мардларча, обрў ва ўз кучингизга умид-ишонч билан қарай бошлайсиз.*

## ИККИНЧИ ҚОИДА:

*Яхши яшаш учун...*

Бугун ва ҳар куни сизга ҳақ тўланганидан кўпроқ иш қилинг. Агар сиздан кутганларидан кўпроқ иш қилиш нечоғли муҳим эканлигини англаб етсангиз, муваффақиятнинг ярим лаззатини туясиз.

Сизнинг ишингизни шу қадар юқори баҳолашсинки, бора-бора сизни энг керакли ходим сифатида тан олишсин. Ишга қўшимча куч сарфлаш ҳуқуқингиздан фойдаланинг ва бунинг эвазига берилган мукофотга қувонинг. Сиз унга лойиқсиз!

Мен сўнгги пайтларда почта маҳсулотлари билан савдо қилувчи аксарият дўконларнинг пештахталаридан тобора кўп ўрин олаётган ҳазил табрикномаларни титкилашни жуда ёқтираман. Балки мен бундай табрикномаларни ўз таниш-билишларимга керагидан ортиқроқ юбораётгандирман. Менга айниқса «Қандай қилиб пул топиш мумкин» деган сўзлар чиройли рамкага олинган акциядорлик сертификати кўринишидаги табрикнома кўпроқ ёқади. Унинг ўртасига тўқ сариқ рангда катта қилиб: «БОРИБ ИШЛА!» деб ёзилган.

Ҳаётда ҳамма нарсанинг ўз баҳоси бор. Агар сиз болалигидан ҳамма нарсага эга бўлган кам сонли кишилар тоифасига мансуб бўлмасангиз, унда сизга зарур буюм ва хизматлар эвазига ҳақ тўлашингизга фақат бир нарса — пешона тери билан топилган пул ёрдам беради.

Сиз бу фикримни маъқуллаб бош иргаяпсиз-у, аммо негадир юз-кўзингизда маъюслик ифодаси зоҳир. Нима, тўлаш лозим бўлган сон-саноксиз чеклар билан олишяпсизми? Хизмат бўйича жуда сушт илгарилаяпсизми, анчадан бери юқори лавозимга кўтарилганингиз йўқми? Янги уйга кўчиб ўтмоқчисиз-у, аммо буни чўнтагингиз кўтармайдими? Алмисокдан қолган машинангиз тўкилиб боряпти-ю, аммо янги-сини сотиб олишга сизда имконият йўқми? Турмушингиз соатма-соат белгилаб чиқилгандай бўлиб туюляптими? Хўш, бу сеҳрланган қобиқдан қандай қутулиб чиқиш мумкин? Бунинг чораси борми?

Чораси бор. Истаган одам билан баҳс бойлашаманки, бу чора, аниқроғи — оддий қоида ҳали ҳеч кимга панд бермаган. Агар сизнинг хизмат мартабангиз ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада муваффақиятга эришишнинг энг буюк сирини Исо алайҳиссалом бундан икки минг йил муқаддам, тоғ чўққисидан туриб айтган эди: агар сизни бир чақирим йўл босишга мажбурласалар, сиз икки чақирим йўл босишингиз зарур. Муваффақият сири мана шу қўшимча чақиримда.

Агар сиз эртадан бошлаб ўз ишингизга талаб этилганидан озгина кўпроқ куч сарфлашга қатъий қарор қилсангиз, турмушингизда мўъжизалар рўй бера бошлайди. Бозорда мева-чева сотасизми ё бўёқ-чимисиз, фаррошмисиз ё компьютерчимиз — ким бўлишингиздан қатъи назар, агар ҳар куни ўзингиз учун белгиланган меъёрдан озгина оширадиган бўлсангиз, тез орада яхши томонга жиддий ўзгаришлар рўй беради.

Ўзни азоб-уқубат ва муваффақиятсизликларга тўла турмушга маҳкум этишнинг энг осон йўли — бу фақат ойлик маош билангина қопланувчи зарур иш минимумини бажаришдир. Тўғри, қўшимча уринишлар сизнинг йўқ жойда мартабага эришиш истагида бўлган ҳамкасбларингизга ёқмаслиги мумкин... аммо бу ҳақда сиз эмас, улар бош қотиришсин. Сиз ўз ҳаётингиз билан яшанг. Сизга муҳтож одамлар борлигини унутманг. Агар сиз ҳар куни талаб этилганидан кўпроқ иш бажарадиган бўлсангиз, тез орада фақат ўз мавқеингизни мустаҳкамлаб қолмай, жуда керакли одамга ҳам айланасиз. Атрофингизда ҳар қадамда янги-янги имкониятларни кўрасиз ва охир-оқибат ўз меҳнатингизнинг баҳосини ўзингиз белгилай оласиз. Бу жуда оддий қоида. Қўшимча бир чақирим йўлни босиб ўтинг! Бу сизга бир центга тушмайди, аммо турмушингизда жиддий ва узил-кесил ўзгаришлар ясайди.

Эндрю Карнегининг фикрича, бутун умри мобайнида ҳеч нарсага эриша олмайдиган икки тоифа одамлар бор. Биринчиси, булар қилиш

керак бўлган ишларни қилмайдиган одамлар, иккинчиси эса, қилиш керак бўлганидан ортиқ ҳеч нарса қилмайдиган одамлардир. Уолтер Крайслердан унинг автомобиль заводи кўпроқ нимага муҳтож эканлиги ҳақида сўрашганида, у: «Менга иш вақти тутаганлиги ҳақидаги гудокни эшитмайдиган ёки вақтни соатга қараб билмайдиган ўнта яхши ишчи керак», деб жавоб берган эди.

Атрофингиздагиларни ҳайратга солинг. Ўзингизнинг ишдаги одатларингизни ўзгартиринг. Қўшимча бир чақирим йўлни босиб ўтинг! Бу муваффақият кетидан қувиб оилангиз ёки соғлигингиздан айрилишингизга тўғри келишини англатмайди. Бу ҳаётдан сизга аталган барча нарсаларни олишнинг ажойиб усули. Бир сўз билан айтганда, худди абадий яшамоқчи бўлгандек ишланг ва худди бугун умрингизнинг охиригизни кунидек яшанг.

### ХУЛЛАС, ИККИНЧИ ҚОИДА:

*Бугун ва ҳар кун сизга ҳақ тўланганидан кўпроқ иш қилинг. Агар сиздан кутганларидан кўпроқ иш қилиш нечоғли муҳим эканлигини англаб етсангиз, муваффақиятнинг ярим лаззатини туюсиз. Сизнинг ишингизни шу қадар юқори баҳолашсинки, бора-бора сизни энг керакли ходим сифатида тан олишсин. Ишга қўшимча куч сарфлаш ҳуқуқингиздан фойдаланинг ва бунинг эвазига берилган мукофотга қувонинг. Сиз унга лойиқсиз!*

### УЧИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Ҳар сафар хатога йўл қўйсангиз ёки муваффақиятсизликка учрасангиз, бу ҳақда узоқ ўйламанг. Одамлар ўз хатоларидан ўрганадилар. Хатога йўл қўйиш қобилиятини қўйилган мақсадга эриша билиш қобилиятидан ажратиб бўлмайди. Ҳеч ким ҳар доим галаба қозонолмайди. Муваффақиятсизликларингиз ривожланишингизнинг зарур шарт ва таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Хато қилдим деб кўп ўксиманг. Агар вақти-вақти билан муваффақиятсизликка учраб турмасангиз, уни енгишга кучингиз борлигини қаердан билардингиз? Ҳаракатни тўхтатманг ва омад сизга албатта кулиб боқади.

Неча асрлардирки, ўтмишнинг энг буюк ҳақиқатларидан бири биз билан яшайди ва ҳар қадамда намоён бўлади, аммо фақат доно одамларгина унинг маслаҳатига қулоқ солади. Агар сиз муваффақият қозонишни истасангиз, муваффақиятсизликларга чидай билишингиз керак. Биз омад ва муваффақиятларимиздан ҳам кўра кўпроқ муваффақиятсизликларимиздан ўрганаемиз. Менга текис жойда ҳеч қачон қоқилмаган, ҳеч қачон ишни бузмаган, ҳеч қачон хато қилмаган одамни кўрсатинг ва мен сизга келажаги тайинсиз одамни кўрсатаман.

Кундалик турмушда хато, қоқилиш ва муваффақиятсизликлар муқаррардир. Бироқ, агар биз чумчуқ пирр этса, юрагимиз ширр этиб яшаб, ҳар бир муваффақиятсизликдан тушкунликка тушадиган бўлсак, ўзимизни армон-пушаймонларга тўла турмушга маҳкум қиламиз. Унутманг, биз энг яхши сабоқни хато ва муваффақиятсизликларимиздан оламиз.

Муваффақиятсизлик! Нима у? Шунчаки бир кичкина сабоқ, яхшилиқ томон ташланган биринчи қадам. Фақат ишламайдиган, олга интилмайдиган одамларгина хато қилмайди.

Марк Твеннинг қайноқ плита устига сакраб, қорнини куйдириб олган мушук ҳақидаги бир ҳикояси бор. Шундан кейин бу мушук қайноқ плитага ҳам, муздайига ҳам ҳеч қачон сакрамайди. Биз шахсий тажрибамизнинг аҳамиятига кўпинча ортиқча баҳо берамиз, салбий таассуротларни хотирамизда узоқ сақлаймиз, бу эса бир сафар қоқилган жойимиздан қайта ўтишимизга халақит беради. Скандинавларда «Викинглари шимол шамоли яратган» деган ажойиб матал бор. Шимол шамоли сиз учун ҳам мўъжизалар яратиши мумкин.

Шуни фақатингки, ҳатто энг омадли одамларнинг ҳаётида ҳам хато ва муваффақиятсизликларга тўла даврлар бўлган.

Ҳар биримиз ўз Ҳаёт китобимизни ёзамиз ва унинг қандай тугаши фақат ўзимизга боғлиқ. Биз яшаб ўтган йилларимизнинг муаллифимиз, хато ва муваффақиятсизликларимиз эса яхши турмуш сари ташланган қадамларимиз, холос. 1974 йили, Хенк Аарон Бейб Рутнинг буюк рекордига яқинлашаётган пайт, мен бир куни эрталаб у ҳимоя қилган «Атланта Брейвс» бейсбол клубига сим қоқдим. Охири менга жамоатчилик билан алоқалар бўлимани улаб беришди ва каминга уларга ўз саволимни бердим:

— Хенк тўпни етти юзу ўн марта аниқ амалга оширган, Рутнинг рекордидан ўзиш учун унга яна бешта шундай ошириш кераклигини биламан. Аммо мени бошқа нарса қизиқтиради: у ўз фаолияти давомида неча марта тўпни майдондан четга чиқариб юборган?

— Четга?— дея ҳайрон бўлиб сўради симнинг нариги томонидаги йигитча.

— Ҳа, неча марта тўпни майдондан четга чиқарган?

— Билмадим, сэр, буни текшириб кўргунимча кутиб туришингизга тўғри келади.

Бир неча дақиқадан сўнг у яна гўшакни қўлига олди:

— Жаноб Мандино, бугунги кунгача Хенк Аарон тўпни етти юзу ўн марта аниқ амалга оширган, ўзингизга маълумки, Бейб Рутнинг миллий рекордидан ўзиш учун унга яна бешта шундай ошириш керак...

— Ҳа, биламан.

— Хў-ўш... биздаги маълумотларга қараганда, у бир минг икки юз олти икки марта тўпни майдондан четга чиқариб юборган.

Мен унга раҳмат айтиб, гўшакни жойига қўйдим ва бир муддат ҳозиргина эшитган рақамим устида фикр юритдим. Келажак учун нақадар ажойиб сабоқ! Гап инсоният тарихидаги энг буюк бейсболчи ҳақида борарди... бироқ, ҳаттоки у, ҳаттоки Хенк Аарон ҳам тўпни аниқ оширганидан кўра қарийб икки баравар кўпроқ майдондан четга чиқариб юборган! Дарҳақиқат, ҳаёт — бу ўйин ва муваффақият қозониш учун унинг қоидаларига амал қилиш керак. Аммо, ҳар сафар қўлингизга бейсбол таёғини олганингизда, тўпни аниқ оширишингиз шарт эмас. Ишонмасангиз, ана, Хенкдан сўранг.

## ХУЛЛАС, УЧИНЧИ ҚОИДА:

*Ҳар сафар хатога йўл қўйсангиз ёки муваффақиятсизликка учрасангиз, бу ҳақда узоқ ўйланг. Одамлар ўз хатоларидан ўрганадилар. Хатога йўл қўйиш қобилиятини қўйилган мақсадга эриша билиш қобилиятидан ажратиб бўлмайди. Ҳеч ким ҳар доим ғалаба қозонолмайди. Муваффақиятсизликларингиз ривожланишингизнинг зарур шarti ва таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Хато қилдим деб кўп ўксиманг. Азар вақти-вақти билан муваффақиятсизликка учраб турмасангиз, уни енгишга кучингиз борлигини қаердан билардингиз? Ҳаракатни тўхтатманг ва омад сизга албатта кулиб боқади.*

## ТЎРТИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун...*

Узоқ ва оғир ишни бажарганингиз учун яқин кишиларингиз даврасида ўзингизни ҳар доим мағрур тутинг. Уларнинг муҳаббатини қадрланг ва асраб-авайланг. Фарзандларингизга қаттиққўл танқидчи эмас, ўрناق олиш учун яхши намуна кераклигини, агар улар олдида ўзингизни доимо яхши томондан намоён қиладиган бўлсангиз, ишингиз янада ривож топишини унутманг. Жумлаи жаҳон сизни омадсиз деб ҳисобласа ҳам, агар сизни севувчи оилангиз бўлса, ҳаётда омадга эришдим, деб ҳисоблашингиз мумкин.

Фарзандларим улғайиб, оилали бўлиб кетишганига қарамай, мендан уларни қандай тарбиялаб вояга етказганимиз ҳақида жуда кўп суриштиришади. Гўё ёзган китобларим туфайли бизда барча соҳада, ҳатто ақли, тиришқоқ ва бахтли эртанги кун эгаларини тарбиялаш борасида ҳам юксак муваффақиятни кафолатловчи қандайдир ўзига хос сирли бир формула пайдо бўлгандек. Мен эътиборсизлиги ва ўз бурчларига лоқайдлиги туфайли кўп йиллар муқаддам ўзининг биринчи оиласидан айрилган «бошқа Оғ Мандино» ҳам бўлганлигини ёдда тутиб, уларга ҳар сафар бир хил жавоб бераман...

Биз фарзандларимиз учун қилишимиз лозим бўлган ишларнинг энг яхшиси — уларга ўрناق олишлари учун яхши намуна бўлишдир. Фарзандларингизни ўз мисолингизда тарбияланг, улар сизга феъл-атворингизни эслаб қолишади ва ҳатто сизга тақлид қилишга уринишади. Агар уларга бир гапни гапириб, кейин амалда бунинг тескарисини қиладиган бўлсангиз, фарзандингиздан айриласиз. Фарзандларимиз учун уларни ўз мисолимизда тарбиялашдан бошқа фақат бир иш қила олишимиз мумкин: хато қилишса, ёрдам қўлини чўзиш учун ҳар доим уларнинг ёнида бўлиш. Унчалик кўп эмас, шундай эмасми?

Столим ёнидаги деворда оқ пергаментга жимжимадор қилиб ёзилган қисқагина шеър рамкада осиглиқ туради. «Номаълум муаллиф» сўзлари тагига мен Мэттнинг чақалоқлик пайтидаги суратини жойлаштирганман. Шеър билан танишгач, уни келгусида яна бир ўқиш учун ушбу саҳифанинг бурчагини буклаб қўйсангиз, ажаб эмас.

### ҲАР БИР БОЛАКАЙНИНГ ОТАСИГА

У сени зийрак кузатиб,  
Ортиндан борар.  
Сўзларингга қулоқ тутиб,  
Овозинг ёдлар.  
У сендан олар ўрناق,  
Орзуси битта:  
Сенинг ўрнингни босиш  
Бўлиб тез катта.  
Ўйлари ҳоқимисан,  
Олдда маёғи.  
Сенга таянар у —  
Кўзинг қароғи.  
Ишонади сўзсиз  
Нима десанг ҳам.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

182

Қиёфанг сақланар  
Унда ҳар дам..

Сени ҳақ ҳисоблар  
Ҳар ерда, ҳар дам.  
Унинг нигоҳида  
Сен— одил ҳакам.  
Неки қилсанг, доим  
Сен унга ўрнак.  
Сенга ўхшаш истар  
Улғайгач, бешак.

Бир неча йил муқаддам, китобларимдан бирини реклама қилиш учун мамлакат бўйлаб узоқ сафарга чиқишимдан олдин, кичик ўғлим Мэтт Аризона штати дорилфунуни ётоқхонасида яшаб, мустақил ҳаёт бошлаш мақсадида жўнаб кетадиган бўлди. Онаси иккимиз дилимиз вайрон ҳолда унга буюмларини йиғиштиришга кўмаклашдик.

Эсимда, Мэтт жўнаб кетгач, мен унинг хонасига кириб, қоронгида дуч келиши тайин кўп сонли тўсиқлардан ошиб ўтишлари учун зарур бўлган ҳамма нарсани берганимизни ўйладим.

Менинг реклама сафарим Лос-Анжелес радиостанцияларидан биридаги ток-шоуда қатнашганимга қадар яхши ўтди. Дастурнинг яна бир меҳмони машҳур ёзувчи аёл эди (номини бу ерда айтиб ўтирмайман). Нимадир бўлди-ю, мунозара оиладаги муносабатларга, айниқса, бизнинг фарзандларимизга бориб тақалди.

Муҳтарама ёзувчи аёл микрофонни жаҳл билан юлиб олиб, ўзининг икки нафар ўспирин ўғлига қарата лаънат тошларини ёғдира кетди. Аёл уларни жиловлай олмаётгани, отаси доим ишда бўлгани туфайли ундан ёрдам йўқлиги, бир кунмас-бир кун болалари «уни жинни қилиб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмас»лиги, улар нуқул овқатга кеч тушишлари, хоналарида ҳамма нарса доим ёйилиб-сочилиб ётиши, магнитолаларини турли станцияларга созлаб, овозини баланд қилиб қўйишлари, бунинг шовқинидан ҳам у «жинни бўлиб қолай дейиши»ни маълум қилди. Номи улуғ ёзувчи аёл ўз фарзандларини кўпчилик олдида лаънатлаётганини кўриб, мен чидаб туролмадим. Ҳар қанча уринмай, бу кўлимдан келмади.

— Биласизми,— деб шартта унинг гапини бўлдим,— бир куни сиз ўғилларингизнинг бўм-бўш ва жимжит хоналари олдидан ўтасиз... ва ўзингиздан: «Улар нега кетиб қолишди?» деб сўрайсиз. Шундай экан, бу эшиттиришдан кейин уйингизга қайтгач, ўғилларингизни маҳкам бағрингизга босиб, уларни жонингиздан ортиқ яхши кўришингизни айтганингиз маъқул эмасмикан?

## ХУЛЛАС, ТЎРТИНЧИ ҚОИДА:

*Узоқ ва оғир ишни бажарганингиз учун яқин кишиларингиз даврасида ўзингизни ҳар доим мағрур тутинг. Уларнинг муҳаббатини қадрланг ва асраб-авайланг. Фарзандларингизга қаттиққўл танқидчи эмас, ўрнак олиш учун яхши намуна кераклигини, агар улар олдида ўзингизни доимо яхши томондан намоён қиладиган бўлсангиз, ишингиз янада ривож топишини унутманг. Жумлаи жаҳон сизни омадсиз деб ҳисобласа ҳам, агар сизни сеувчи оилангиз бўлса, ҳаётда омадга эришдим, деб ҳисоблашингиз мумкин.*

## БЕШИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Ҳар бир кунингизни яхши ният асосига қуринг. Мавжуд ёки хаёлий камчиликларингизни ўйлаб гам чекманг. Сиз — Худонинг бандаси эканлигингиз, ҳар қандай орзунгизни ёлғиз ирода кучингиз билан амалга оширишга қодир эканлигингизни ўзингизга тез-тез эслатиб туринг. Сиз ҳатто қанот чиқариб учишингиз ҳам мумкин, фақат шундай қилишга қодир эканлигингизга ишонсангиз бас. Мағлубиятни хаёлингизнинг кўчасига ҳам келтира кўрманг. Шунда дилингиздаги барча орзуларингиз амалга ошади. Лабингиздан табассум аримасин!

Барча ютуқ ёки мағлубиятларимиз фикрлаш тарзимизнинг, яъни ўз қобилиятимиз, иродамиз ва ички салоҳиятимиз ҳақида қандай ўйласак, шунинг бевосита натижаси эканлигини донолар қадим-қадимлардан бери таъкидлаб келадилар.

«Яхши ният яхши ҳосил, ёмон ният эса ёмон ҳосил беради», деган эди Жеймс Аллен<sup>1</sup>.

Қадимги Рим донишманди Марк Аврелий<sup>2</sup>: «Инсон ҳаёти шундайки, у — яхши ё ёмон, қувончли ё гамгин, голибона ё тушқун ўйлардан қайта яралади», деб айтган эди.

Будда эса бу ҳақда шундай дейди: «Инсон тўлиқ ўз ўй-фикрларининг маҳсулидир. Инсон тафаккурининг чегараси йўқ. Биз нимани ўйласак, шунга айланамиз».

Хуллас, бир сўз билан айтганда, ижобий ўй-фикрлар яратади ва ривожлантиради, салбий ўй-фикрлар эса тўсқинлик қилади ва бузади.

Донишмандларнинг сўзларини ўқир экансиз, ўзингизга ва ўз қобилиятларингизга қўл силтайдиган бўлсангиз, муваффақиятсизликка маҳқум эканлигингизни англаб етасиз. Агар сиз ўз қобилиятларингиз ёки билимларингизни ерга урсангиз, атрофингиздаги олам сизнинг ўзингизга нисбатан бундай муносабатингизга жуда тез мослашади ва натижада сизни муваффақиятсизликларга тўла келажак кутади. Бўлди, етади! Салбий ўй-фикрлар ва қилмишларга барҳам беринг. Гапимга қулоқ солинг: нечоғли қудратли эканлигингизни сиз ўзингиз ҳам билмайсиз! Ҳа, сиз — айна дам қаршимда ўзига ачиниб ўтирган одам... орқа ҳовлимизда яшайдиган ўрдакка ўхшаб кетасиз.

Мэтт ҳали мактабда ўқир эди. Бир куни у уйга қопқоғида юмалоқ тешикчалар очилган пойафзал қутисини кўтариб келди. У қути қопқоғини очгач, биз Бетти билан тўғри тахмин қилганимизни тушундик. Қутида жуда шўх ва сершовқин жажжигина сариқ ўрдакча ўтирарди. Болалар жўжани биология дарсида тухумдан чиқаргач, бир неча ҳафта боқиб, сўнг қуръа ташлашган, унда ўғлим ютиб чиқибди. Шу ўзи етмай турувди, дегандек Бетти иккимиз бир-биримизга қараб олдик.

Кейин норози ота ва унинг севинчи ичига сигмаётган ўғли қурилиш анжомлари дўконига бориб, озроқ тахта сотиб олишди. Мэтт орқа ҳовлида ўрдакка жуда ажойиб уя ясаб, уни оқ рангга бўяди. Уянинг қуббали эшиги тепасига эса қизил ҳарфлар билан «ДИСКО» деб ёзиб қўйди. Диско лақабли ўрдакча! Кейин биз бир тўп сим сотиб

<sup>1</sup> Аллен Жеймс (1864-1912) — руҳшунос, инсоннинг фикрлаш қобилияти бўйича мутахассис, бир қанча илмий ишлари эълон қилинган.

Марк Аврелий Антоний — Рим императори (161 йилдан), файласуф. Одил императорлардан бири, лекин христианларни сиёсий қарашлари учун таъқиб этган.



олдик ва янги оила аъзомиз дайдиб кетиб қолмаслиги учун уйчанинг атрофини сим билан ўраб чиқдик.

Ун икки йилдирки, Диско биз билан яшайди. Табиийки, у ўсиб каттакон чиройли ўрдакка айланди. Мэтт уйланиб, бошқа жойга кўчиб кетганини эътиборга оладиган бўлсак, унинг ўрдагига ҳозир ким қараётганини фаҳмлаган чиқарсиз.

Диско воқеасида биз йўл қўйган хатолардан бири унинг катаги ва сайр қилиши учун майдончани шундоққина хобгоҳимизнинг деразаси тагига қурганимиз бўлди. Кейинги пайтда Диско каллаи саҳарлаб уйғониб, қоронғи тушгунча тинимсиз ғақ-ғақлашни одат қилди. Тагин шунақа баланд овоздаки! Аввал у фақат қўшнингиз мушугини кўргандагина шундай қилгани боис, биз Бетти иккимиз Диско нимадан нотинч деган қарорга келдик. Ё берган овқатимиз ёқмаяпти, ё унинг кичкина ҳовузчасидаги сувни етарли даражада тез-тез янгилаб турмаяпман, ё унинг уйчасига тўшалган похол нам тортган ва уни алмаштириш керак. Тагин ким билсин? Мен ўрдакни тинчатиш учун қилмаган ишим қолмади, аммо у барибир баланд овозда, тинимсиз ғақ-ғақлашни қўймади.

Кўриб турганингиздек, Дисконинг ҳам муаммоси бор. Баҳс бойлашим мумкинки, бу муаммо сизникига ўхшаш. Ҳа, сизникига! Сиз ҳам, Диско ҳам ўз қадрингизни билмайсиз. Диско, агар у ўз турмуш шароитларидан норози бўлса, фақат ғақ-ғақлаб, ўзига ачинишга эмас, ҳадеб ўз турмуш шароитларидан шикоят қилиш ўрнига, уларни ўзгартиришга ҳам қодир эканлигини билмайди.

Агар Диско ўз турмуш шароитларини чиндан ҳам ўзгартирмоқчи бўлса, бунга жиддий жаҳд қилиши керак. Бу жуда осон. Бунинг учун у қанот қоқиб, пастгина тўсиқдан ошиб ўтиши... ва бизни тарк этиши лозим. Минг афсуски, шўрлик Диско ўзининг нечоғли қудратли эканлигини— уча олиши мумкинлигини билмайди... Сиз ҳам

## ХУЛАС, БЕШИНЧИ ҚОИДА:

*Ҳар бир кунингизни яхши ният асосига қурунг. Мавжуд ёки хаёлий камчиликларингизни ўйлаб гам чекманг. Сиз — Худонинг бандаси эканлигингиз, ҳар қандай орзунгизни ёлғиз ирода кучингиз билан амалга оширишга қодир эканлигингизни ўзингизга тез-тез эслатиб турунг. Сиз ҳатто қанот чиқариб учишингиз ҳам мумкин, фақат шундай қилишга қодир эканлигингизга ишонсангиз бас. Мағлубиятни хаёлингизнинг кўчасига ҳам келтира кўрманг. Шунда дилингиздаги барча орзуларингиз амалга ошади. Лабингиздан табассум аримасин!*

## ОЛТИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Сиз ҳақингизда ўзингиз эмас, қилган ишларингиз гапирсин. Йўлингиздаги такаббурлик ва манманлик тузоқларига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Кейинги сафар мақтангингиз келиб қолса, тешиккулча олиб ейишингизни маслаҳат бераман, ундан қоладиган тешик манманлигингизнинг ҳақиқий мезони бўлади.

Бизни ўзимиздан ўтказиб ҳеч ким алдай олмайди. Ривожланишимиз йўлидаги энг хавфли тўсиқлардан бири манманлик, кибр-ҳаво тузоғи ҳисобланади. У муваффақият таъмини илк бор татиб кўрганимиз ҳамон ўз комига тортади. Дарҳақиқат, сиз жуда қаттиқ ишландингиз, олға силжиш учун бор кучингиз ва иқтидорингизни аяма-

дингиз. Бу гапингизга мен тўлиқ кўшиламан, аммо дастлабки бир нечта галабадан кейин қандайдир алоҳида, ҳеч кимда йўқ хислатларга эга бўлсам керак, деган хато ҳаёлга бориш жуда осон. Агар сиз бунга ишона бошласангиз, сизнинг бошқа одамларга нисбатан хулқ-атворингиз кейинги ривожланишингизга салбий таъсир қилиши мумкин. Зеро, сизнинг олға силжишингизга тўсқинлик қилувчи ҳаддан ташқари манманлик ва такаббурликдан кучлироқ тузоқ йўқ.

Биз ҳаммамиз Парвардигорнинг паноҳида яшаймиз. Агар биз ўлимдан кейин ерда ўзимиздан нақадар кичкина бўшлиқ қолишини кўра олганимизда, эгаллаган ўрнимиз ҳақида камроқ ўйлаб, кўпроқ бошқаларга ёрдам беришга уринган бўлардик.

Мен манманлик балосига қарши ичимда тинимсиз кураш олиб бораман. Ҳар икки йилда бир янги китоб ёзиб, сўнг уни радио, телевидение ва матбуот орқали муҳокама қилиш учун мамлакат бўйлаб саёҳатга чиқувчи, ўнлаб учрашувлар ўтказиб, маърузалар қилувчи одамнинг манманлик тузоғига илиниб, оммавий ахборот воситалари ўз шаънига ўқиган ҳамд-саноларни том маънода қабул қилиши жуда осон. Доимий эътибор, эшик тагида мунтазир турувчи лимузинлар ва дастхат сўраб мурожаат қилувчи сон-саноксиз мухлислар ҳақидаку, гапирмайман.

Тангри мени ўша пайтда, шубҳасиз, лойиқ бўлган ўрнимга қўйишга қарор қилган кунни сира ёдимдан чиқармайман. Мен меҳмонхонадаги хонамда пастга, маросимлар залига таклиф қилишларини кутиб ўтирардим. Бу ерда мен йирик миллий конференцияда икки мингга яқин қатнашчи олдида маъруза қилишим керак эди. Ниҳоят, компания чопари — мўйсафид одам келиб эшикни тақиллатгач, мен эгнимга пиджагимни кийиб чиқдим ва унинг ортидан йўлак бўйлаб лифт сари йўналдим.

Фойе гавжум ва сершовқин эди. Бир неча қадам юрганимизни биламан, туйқус кимдир келиб елкамни қоқди. Орқамга ўгирилиб, кўзлари катта ёш бир йигитчани кўрдим.

У кўкрак чўнтагига компания номи ёзилган нишон тақиб олган, қўлида қоғоз пакет тутиб, юзимга савол назари билан термилиб турарди.

— Сиз Ог Мандиномисиз?— деб сўради у шивирлаб. Мен йўлимдан тўхтамай бош ирғадим.

— Сэр, бир дақиқа вақтингизни олсам, майлими?— деди у талотўпдан четда, дераза олдида турган мўъжазгина стол томон юриб.

Мен қовоғи осилган қузатувчимга қарадим. У истар-истамай бош ирғади.

— Сэр,— деди йигитча қўлидаги қоғоз пакетни стол устига қўйиб,— гап шундаки, хотиним сизнинг ашаддий мухлисингиз. У ҳамма китобларингизни битта қолдирмай ўқиб чиққан. У шаҳарчамиздаги мактабда ўқитувчилик қилади, шунинг учун ҳам мен билан бирга конференцияга кела олмади. Ҳозир у қаттиқ қайғураётган бўлса керак: ахир, маърузангизни эшитишни жуда истаган эди-да!

— Афсус, афсус...

— Сэр, шунинг учун мен нимадир қилиб Луизанинг кўнглини олмоқчиман. Атрофдаги ҳамма китоб дўконларини айланиб, қалин муқовада чиққан бешта китобингизни сотиб олдим. Илтимос... хотиним учун шу китобларга дастхат қўйиб беролмайсизми? Мен уларни хотинимга келгуси пайшанба, туғилган кунда совға қилсам дедим.

— Жоним билан,— дедим мен ва пиджагимнинг ички чўнтагидан ручкамни чиқариб, бешала китобга ҳам: «Луизага, муҳаббат билан. Туғилган кунингиз билан табриклаб, Ог Мандино», деб ёзиб бердим.

Сўнг йигитча китобларни олиб, қоғоз пакетга қайта жойлади ва қўлимни миннатдорлик билан шоша-пиша сиқиб, ортга бурилди.

Тилимни тийиб турсам ҳам бўларди, аммо ўша сафар бундай қилмаганимга ҳануз хурсандман. У мендан ўн футча узоқлашган эди, ортидан:

— Бу Луиза учун катта сюрприз бўлса керак?— деб бақирдим.

Йигит ўтирилди ва оғзи қулоғида илжайиб, жавоб берди:

— Бўлмаса-чи, сэр, ахир хотиним мени унга яп-янги «Тойота-королла» совға қилади деб ўйлайди!

## ХУЛЛАС, ОЛТИНЧИ ҚОИДА:

*Сиз ҳақингизда ўзингиз эмас, қилган ишларингиз гапирсин. Йўлингиздаги такаббурлик ва манманлик тузоқларига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Кейинги сафар мақтангиз келиб қолса, тешиккулча олиб ейишингизни маслаҳат бераман, ундан қоладиган тешик манманлигингизнинг ҳақиқий мезони бўлади.*

## ЕТТИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Ҳар бир кун — бу Тангрининг алоҳида инъоми. Гарчи ҳаёт доим ҳам марҳамат кўрсатавермаса-да, ўткинчи муваффақиятсизлик ва умидсизликлар сизнинг ўзингизга бўлган муносабатингиз ва келажак орзуларингизни заҳарлашига йўл қўйманг. Сиз ўзингизга ачиhib яшаб, ҳеч қачон ғалаба қозонолмайсиз, мунгли нолишларингиз эса ҳар қандай омадни сиздан қочиради. Бошқа бундай қилманг. Сиз бахтли тақдирга лойиқсиз.

Ҳаёт марҳаматли эмас ва балки, ҳеч қачон марҳамат кўрсатмас. Ишнинг кўпини сиз қилиб, обрўни бошқа биров топадиган ҳоллар ҳам бўлади. Сиз қўшнингиздан икки барабар кўпроқ кунт билан ишлаб, ундан икки барабар ақллироқ эканлигингизни билишингиз... ва шунга қарамай ундан икки барабар кам пул топишингиз мумкин.

Ҳаёт бизга жуда кўп фирромлик қилади. Хўш, сиз бундай ҳолларда қандай иш тутасиз? Омад сизни четлаб ўтишини била туриб ҳам тиришиб ишлашда давом этасизми ёки сизнинг қийинчилик ва муаммоларингиз ҳамманикидан мушкул эканлигига ишониб, нолаю афғон чекасизми? Эҳ, шўрлик бола!

Йигирма йилча аввал менга яшил сиёҳда бир шеър битилган кичкинагина сариқ табрикнома келди. Уни Жанубий Каролина штатининг Андерсон шаҳридан «Иқтибослар журналы» ношири Уилтон Холл юборган эди. Шундан бери сариқ қоғозга битилган бу яшил мисралар менинг ҳаётимда алоҳида ўрин тутди. Мен бу шеърни фақат учрашувларда тингловчиларга ўқиб бериб қолмай, баъзан кайфиятим бузилган пайтлар ўтириб унга узоқ тикиламан. Ҳар сафар, ишларим кўнглимдагидек бормаётганида ёки аччиғим чиқиб, ҳатто ўзимга жиндай ачина бошлаганимда шу шеърни олиб ўқийман-у, таскин топиб, яна ҳаётга қайтаман. Бир лаҳза тиң олиб, осмонга қарайман-да, миннатдорлик билан пичирлайман: «Ўзингга шукр...»

Курсига қулайроқ жойлашиб ўтиринг. Ҳозир сизга шу шеърнинг асл нусхасини кўрсатаман. Бу чинакам ноёб хазина. Ишончим комилки, у билан танишгач, сиз ҳам, худди мен сингари, келгусида унга тез-тез муурожаат қилиб турасиз, уни ўз дўстларингиз билан ўртоқлашасиз.

### Тангрим, мени кечир...

Бугун автобусда сочлари тилларанг гўзал бир қизни кўрдим. Аввал унга ҳавасим келди — жуда қувноқ ва хушчақчақ эди у. Қиз ўрнидан туриб, қўлтиқтаёқда автобус эшиги сари йўналгач, унинг бир оёқсиз эканлигини кўрдим. Бироқ, олдимдан ўтаётиб, у менга қараб жилмайди.

Тангрим кечир, оҳ-воҳ қилганим учун,  
Оёқ-кўлим бут-ку, мен-ла бу очун!

Мен ширинлик харид қилгани қандолат дўконига кирдим. Пештахта ортида турган йигитча менга ёқиб қолди. Биз у билан гаплашиб қолдик. Афтидан, унга ҳам менинг суҳбатим манзур бўлди. Кетаётганимда, у менга: «Суҳбатингиз учун сизга катта раҳмат. Биласизми, гап шундаки, мен кўрман», деди.

Тангрим кечир оҳ-воҳ қилганим учун,  
Ахир кўзим соғ-ку, мен-ла бу очун!

Кўчада кетаётиб бир болакайга кўзим тушди. У майдончада ўйнаётган бошқа болаларга мовий кўзлари билан маънос термилиб турарди. Унга яқинлашиб: «Нега ўйинга қўшилмаяпсан?», деб сўрадим. Бола менга қаради ва мен унинг кар эканлигини тушундим.

Тангрим кечир, оҳ-воҳ қилганим учун,  
Қулоғим эшитар, мен-ла бу очун!

Икки оёғим бут — истаган жойимга бора оламан; икки кўзим соғ — тонг шафағини кўра оламан; қулоқларим эшитади— қушларнинг сайрашини тинглай оламан...

Тангрим кечир, оҳ-воҳ қилганим учун,  
Тўрт мучам соғ, демак, мен-ла бу очун!

Номаълум муаллиф

### ХУЛЛАС, ЕГТИНЧИ ҚОИДА:

*Ҳар бир кун — бу Тангрининг алоҳида инъоми. Гарчи ҳаёт доим ҳам марҳамат кўрсатавермаса-да, ўтқинчи муваффақиятсизлик ва умидсизликлар сизнинг ўзингизга бўлган муносабатингиз ва келажак орзуларингизни заҳарлашига йўл қўйманг. Сиз ўзингизга ачиниб яшаб, ҳеч қачон ғалаба қозонолмайсиз, мунгли нолишларингиз эса ҳар қандай омадни сиздан қочиради. Бошқа бундай қилманг. Сиз бахтли тақдирга лойиқсиз.*

### САККИЗИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Бошқа ҳеч қачон кун ва тунларингизни иккинчи даражали ва кераксиз нарсаларга тўлдириб юборманг, акс ҳолда ҳаётнинг чинакам чақиригига жавоб беришга вақтингиз қолмайди. Бу ишга ҳам, дам олишга ҳам бирдек тааллуқли. Шунчаки «хўжақўрсин»га ўтказилган кун байрам учун сабаб бўла олмайди. Модомики, сиз доимий кун тартибингизга озгина

ўзгартириш киритиб, кўп нарсага эришишга қодир экансиз, қимматли вақтингизни беҳуда сарфламаңг! Майда-чуйдаларга берилишни, омаддан беркинишни бас қилинг. Ўсиб-ривожланишингиз учун ҳам вақт ва жой қолдириңг! Ҳозироқ! Эртага эмас, шу бугун!

Бундай тоифа одамлар сизга таниш бўлса керак. Эҳтимол, ўзингиз ҳам уларнинг қаторига кирарсиз. Ундай бўлса, менга мурожаат қилганингиздан бағоят хурсандман. Бундай одамлар доим банд бўлади, улар нуқул ўз елкаларига бир дунё иш, учрашув ва топшириқларни юклаб олишади-да, кейин уларнинг ҳаммасини бажаришга уриниб, у ёқдан бу ёққа тинимсиз — кўпинча беҳуда югуриб юришади. Улар муваффақиятдан онгли равишда зўр бериб қочишга уринишади. Ў-ў, улар иш билан банд. Улар бир вақтнинг ўзида мингта майда-чуйда ишлар билан машғул. Шунинг учун ҳам турмушлари ва фаровонликларида катта ўзгаришлар ясаш имконияти туғилганида, улар одатда: «Афсуски, мен ҳозир жуда бандман, бошқа иш билан шуғулланишга вақтим йўқ», деб жавоб беришади.

Жуда таниш жавоб, шундай эмасми? Умид қиламанки, ҳозир сиз фақат эски солинган издан чиқиб кетмасликка зўр бериб, аммо беҳуда уринаётганингиз йўқ. Агар бу сизга қандайдир тасалли бера олса, унда сиз бу оламда асло ёлғиз эмассиз. Муваффақиятсизликка учраш учун ҳам ютуққа эришишдан кам уриниш талаб қилинмайди. Айнан шу боис ҳаётларида жиддий ўзгаришлар рўй бермаётганига ҳайрон бўлиб яшовчи фаол ва ишчан одамлар жуда ҳам кўп.

Агар сиз ўзингизни шу тоифага мансуб деб ҳисобласангиз, унда кўп йиллар олдин кимдир сизнинг «жон мурватингиз»ни бураб қўйган бўлса керак. Ҳа, айнан «жон мурватингиз»ни! Бир пайтлар мен бу атамага бағишлаб бутун бир китоб ҳам ёзмоқчи бўлганман, аммо уни ҳозир биринчи марта муҳокамага ташляпман.

Бир куни мен усти очиладиган жуда қиммат автомобиль сотиб олдим. Сотувчи менга бу қимматбаҳо ҳаракат воситасини ўғирлашга қарши мосламани ишга солмасдан кўчада қолдирмасликни маслаҳат берди. Мабодо, ўғри машина эшигини очиб кириб, уни юргизмоқчи бўлса, сиренанинг қулоқ пардасини йиртувчи чинқирғи уни кўрқитиб юборади. Табиийки, мен рози бўлдим.

Бир куни кечқурун, муҳим учрашувга кечикаётиб, гаражга кирдим ва машинамга ўтириб, калитни бурадим... аммо ўт олмади. Ҳатто номига йўталиб ҳам қўймади. Аккумулятори ўтирдимикан? Йўғ-э. Мен радионинг қулогини бурадим — ўша заҳоти мусиқа овози эшитилди. Сўнг магнитофонга кассета қўйиб, тугмасини босдим — Элла Фитс-жералднинг овози таралди. Йўқ, аккумулятор жойида. Ҳар эҳтимолга қарши ойна тозалагичларни ҳам ишга солиб кўрдим: кўринмас тешиклардан ойнага тизиллаб сув отилиб, тозалагичлар шитоб билан ишлай кетди. Ҳафсалам пир бўлиб ва озроқ жаҳлим ҳам чиқиб, уйга қайтиб кирдим. Машинамга хизмат кўрсатувчи автомобиль дилерига сим қоқдим.

— Биз тойчоғингизга ўғирлашга қарши мослама ўрнатганмиз, тўғрими? — деб сўради у.

— Ҳа, нақд уч юз доллар санаб берганман

— Унда, балки, билмасдан унинг «жон мурвати»га тегиб кетган бўлсангиз керак.

— «Жон мурвати»га?

— Ҳа. Бу энг мураккаб ўғирлашга қарши мосламаларнинг хусусиятларидан бири. Нима, ўрнатишаётганида сизга тушунтиришмаганмиди?

Менинг газабим қайнаб кела бошлади.

— Агар биров машинага «жон мурвати» ўрнатилганини айтганида, аниқ эсимда қолган бўларди. Нима ўзи у, қаерда жойлашган?

— Бу ўғирлашга қарши мосламанинг бир қисми. Машинадан тушиб эшигини беркитганингиздан кейин қаноти тагига ўрнатилган тешикчадаги калитни бурайсиз, тўғрими? Шунда сигнализация ишга тушади ва кимда-ким эшикни очишга ёки ойнани синдиришга урингудек бўлса, ўша заҳоти сирена чалинади.

— Ҳа, шундай.

— «Жон мурвати»— бу қўшимча ҳимоя чораси. У машина саломига, одатда панел ёки гиламча тагига ўрнатилади. Агар сиз уни машинадан тушиш олдида бураб, кейин ташқи сигнализацияни ишга солсангиз, ўзингизни ўғирликдан тўла ҳимояланганман, деб ҳисоблашингиз мумкин. Ҳатто биров машинага кириб, сирена чинқириғи остида уни юргизишга уринса ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди. «Жон мурвати» аккумулятор озиғини юргизиш тизими билан боғловчи электр занжирни узиб қўяди. Автомобилни умуман юргизиб бўлмайди.

Мен гаражга қайтиб келдим. Аммо ҳарчанд уринмай, «жон мурвати»ни топа олмадим. Шунинг учун бир соатлардан кейин автомобиль фирмасининг вакили етиб келди. Табиийки, у ҳайдовчи оёқ қўядиган жойдаги гиламча тагига ўрнатилган жажжи мурватни қийналмай топди. Мурват чиндан ҳам буралган экан. Билмасдан оёғим тегиб кетган бўлса керак. Бироқ мен бошқа жаҳл қила олмадим, ҳатто ўзимга ҳам. Шу воқеа сабаб камина ноёб иборани қўлга киритдим. Ҳар сафар бирор-бир кишини ўз кучини фойдасиз ишга беҳуда сарфлаётганига ишонтирмоқчи бўлсам, шу иборадан фойдаланаман.

Кўриб турибсизки, машинага ўтириб, калитни бураганимдан кейин у бинойидек ишлади. Чироқлар ёнди, радиодан мусиқа янгради, ойна тозалагичлар ҳам ўз ишини бажарди. Мен танийдиган кўпгина одамларга ўхшаб кетадиган жуда ишчан машина. Аммо бир ишни у қила олмади. Ҳар қанча фаоллик кўрсатмасин, машина жойидан бир қарич ҳам қўзғала олмади, чунки мен билмасдан унинг «жон мурвати»ни бураб юборган эдим.

Ҳаммамизнинг ҳам ўз «жон мурвати»миз бор. Балки ёшлигимизда ота-онамиз ёки бошқа кўпни кўрган ҳурматли одамлардан бири жаҳл устида ёки қизишиб, биздан ҳеч қачон тузук одам чиқмаслигини айтиб юборгандир. «Ширқ» ва тайёр! Ўзлари билмаган ва истамаган ҳолда улар «жон мурвати»мизни бураб юбордилар. Шундан бери биз фақат уларнинг башорати ўнгидан келиши учун тиришиб меҳнат қилдик, ўз қилмишларимизнинг сабабларини ҳам англашга уринмадик. Тўғри, биз «банд»миз, бироқ, худди менинг машинамга ўхшаб, негадир жойимиздан жилмаяпмиз. Нақадар ачинарли!

Энгашиб, «жон мурвати»нгизни ўчириб қўйинг. Умрингизни майда-чуйдаларга сарфлашни, арзимас ишларнинг ортига яширинишни бас қилинг. Сиз яхши яшашга қодирсиз.

## ХУЛЛАС, САККИЗИНЧИ ҚОИДА:

*Бошқа ҳеч қачон кун ва тунларингизни иккинчи даражали ва кераксиз нарсаларга тўлдириб юборманг, акс ҳолда ҳаётнинг чинакам чақирриғига жавоб беришга вақтингиз қолмайди. Бу ишга ҳам, дам олишга ҳам бирдек тааллуқли. Шунчаки «хўжақўрсин»га ўтказилган кун байрам учун сабаб бўла олмайди. Модомики, сиз доимий кун тартибингизга озгина ўзгартириш киритиб, кўп нарсага эришишга қодир экансиз, қимматли вақтингизни беҳуда сарфламанг! Майда-чуйдаларга берилишни, омаддан беркинишни бас қилинг. ўсиб-ривожланишингиз учун ҳам вақт ва жой қолдиринг. Ҳозироқ! Эртага эмас, шу бугун!*

## ТЎҒҚИЗИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Бу кунни худди у ҳаётингизнинг сўнгги кунидек яшанг. Шунинг учун унутмангки, «эртага» сўзи фақат нодонлар тақвимида учрайди. Кечани мағлубиятлар ҳақида унутинг ва эртанги кун муаммоларига эътибор берманг. Сизнинг Қиёмат кунингиз келган. Уни йилнинг энг яхши кунига айлантинг. «Агар умримни қайтадан яшаш имкони бўлганда эди...», деган сўзлардан ғамгинроқ сўзлар йўқ дунёда. Эстафета тағини олинг-да, олға югуринг. Бугун сизнинг кунингиз!

Омадсиз одамларнинг кўпчилиги ўзларини худди захирасида минг йил умрлари бордек тутадилар. Нима учун? Шунинг учунки, улар ўз кучларига ишонмайдилар ва масъулиятдан қочишни афзал кўрадилар.

Хўш, улар қобилиятларини синаб кўришдан ўзларини қандай олиб қочадилар? Бунинг йўллари жуда кўп. Кимдир ичкиликка ёки айш-ишратга муккасидан берилади. Кимдир керагидан икки-уч соат ортиқ ухлайди. Тагин кимдир умрини кроссвордлар ечиб, бошқотирма суратларни ҳал қилиб ёки телевизор кўриб ўткази. «Ташвиш чекманг, — дейишади улар. — Ҳамма ишни... эртага қилиш мумкин». Эртага? Мен бу дунёда анча-мунча яшаб кўйдим, умрим давомида минглаб тақвимларни кўрдим, аммо уларнинг бирортасида ҳам «эртага» деган санани учратмадим.

Ҳеч қачон вақтга бундай беписанд муносабатда бўлманг. Сиз ҳаёт билан шартнома тузмагансиз. Агар «кеча» — бу пули тўланган чек бўлса, «эртага» — бу фақат қарз мажбурияти, холос. «Бугун» эса — кўлингиздаги бор нақдина. Агар ундан имкониятингиз даражасида фойдалана олмасангиз, бунга фақат ўзингиз айбдор бўласиз.

Вақт бизнинг эркалимизни кўтармайди.

Токи биз ҳар бир кунга худди бутун умримизга қарагандек муносабатда бўлмас эканмиз, бирортамиз ҳам чинакам катта муваффақиятга эриша олмаймиз.

«Кунига бир марта» сўзларида қандай куч зоҳир эканлигини Аноним пиёнистлар жамияти қутқарган миллионлаб кишилар жуда яхши билишади. «Ҳар бир инсон ўз юкини, у нечоғли оғир бўлмасин, токи қоронғи тушгунча ташиши мумкин. Ҳар бир киши ҳатто энг оғир ишни ҳам бир кун давомида бажариши мумкин. Ҳар бир инсон бошқа одамларга нисбатан токи куёш бир кунлик йўлини босиб ўтгунча бағрикенглик, меҳрибонлик ва муҳаббат билан муносабатда бўлиши мумкин. Ҳаётнинг асл маъноси ана шунда», деб ёзган эди Роберт Луис Стивенсон<sup>1</sup>.

Нечоғлик қийин бўлмасин, сиз бугунги юкни елкангизда ушлаб қолишингиз, ҳар кун биттадан вазифани ҳал қилиб, қўйилган мақсадга секин-аста яқинлашиб боришингиз мумкин.

Мабодо, сиз ўтмишда йўл қўйган хатоларингиздан куйиниб ёки эртага рўй бериши мумкин бўлган даҳшатли ҳодисалар ҳақида ғам чекиб, соатлаб тош қотиб ўтирадиган бўлсангиз, ихтиёрингиздаги биттаю битта нарса — бу бебаҳо кун ҳам бармоқларингиз орасидан сирғалиб ўтиб кетади.

Бугун — сизнинг кунингиз, сиз ўз қобилиятларингизни дунёга кўрсатиб, умумий ишга ҳисса қўшишингиз мумкин бўлган ягона

<sup>1</sup> Стивенсон Роберт Льюис (1850-1894) — шотланд ёзувчиси ва шоири, “Ҳазиналар ороли”, “Баллантре хўжайини”, “Доктор Жекил ва жаноб Хайд” каби машҳур асарлар муаллифи.

кун. Эҳтимол, сиз ҳаётимизни ташкил қилган буюк бирликдаги ўз улушингизнинг аҳамиятини ҳеч қачон англамасиз, аммо сиз барибир ўз ролингизни ўйнашингиз шарт ва чиқиш навбати ҳозир сизники.

Қанчалик банд бўлманг, сиз барибир аввал бир лаҳзани, сўнг — ундан кейинги лаҳзани бошдан кечирасиз. Сиз ҳар қандай мушкул вазиятдан қутулиб чиқа оласиз, фақат бутун эътиборингизни шунга, ҳа, ёлғиз шунга қаратсангиз, бас.

Кунни тугатгач, у билан армонсиз хайрлашинг. Кечаги юкни келгуси тонгга қолдирманг. Сиз қўлингиздан келган бор ишни қилдингиз. Агар сизга хато ёки муваффақиятсизликлар халақит берган бўлса, уларни ёддан чиқаринг.

Бу кунни ва ундан кейинги барча кунларни гўё умрингиз куёш ботиши билан тугайдигандек яшанг. Бошингиз ниҳоят ёстиққа теггач, бу кун қўлингиздан келган бор ишни қилганингизни ўйлаб уйқуга кетинг.

### ХУЛЛАС, ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚОИДА:

*Бу кунни худди у ҳаётингизнинг сўнгги кунидек яшанг. Шунини унутмангки, «эртага» сўзи фақат нодонлар тақвимида учрайди. Кечаги мағлубиятлар ҳақида унутинг ва эртанги кун муаммоларига эътибор берманг. Сизнинг Қиймат кунингиз келган. Уни йилнинг энг яхши кунига айлантинг. «Агар умримни қайтадан яшаш имкони бўлганда эди...», деган сўзлардан ғамгинроқ сўзлар йўқ дунёда. Эстафета таёғини олинг-да, олға югуринг. Бу сизнинг кунингиз!*

### ЎНИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Бугундан бошлаб ҳаммага — дўсту душманга, танишу нотанишга — гўё улар ярим тунда оламдан ўтадигандек муносабатда бўлинг. Учрашувларингиз нечоғли қисқа бўлмасин, одамларга бор меҳрингиз, эътиборингиз ва муҳаббатингизни беринг. Буни чин дилдан, беғараз қилинг. Шунда ҳар кунингиз байрамга айланади.

Ҳар қандай ўйин қоидалари сингари, турмушнинг барча қоидалари ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Битта қоидани бажарсангиз, у сизни кейингисига олиб келади ва ҳоказо. Бироқ, ҳаёт аталмиш ўйинни жиддий ўйнаш кераклигини унутманг.

Ҳар куни гўё у ҳаётингизнинг сўнгги кунидек яшай билиш — бахтли ва муваффақиятли турмушнинг бош тамойилларидан бири. Бироқ, худди шундай кучли ва самарали яна бир қоида борки, уни аввалги қоидадан фарқли ўлароқ, жуда кам одам билади.

Ҳар кунни гўё у ҳаётингиздаги ягона кунидек яшаб, ўзингиз билан учрашадиган барча одамларга — оила аъзоларингиз, қўни-қўшниларингиз, ҳамкасбларингиз, мижозларингиз, кўчадаги йўловчилар ва ҳатто душманларингизга ҳам (агар улар бўлса), худди сиз уларнинг ҳар бири ҳақида қандайдир чуқур ва илоҳий сирни биладигандек муносабатда бўлинг. Мана, бу сир: улар ҳам ерда ўзларининг сўнгги кунларини яшамоқдалар ва ярим тунда жон берадилар!

Қизиқ, агар сиз кун охирида бу одамлар чиндан ҳам абадий кўз юмишларини аниқ билганингизда, уларга қандай муносабатда бўлар эдингиз? Буни ўзингиз яхши биласиз: олдингидан кўпроқ меҳр, эътибор ва муҳаббат билан. Хўш, улар сизнинг бу меҳрибонлигингизга



қандай жавоб беришади? Табиийки, худди шундай меҳр-оқибат, эътибор ва муҳаббат билан. Ҳар куни шундай қилинг. Хўш, агар сиз ҳаётингизни бегараз муҳаббат билан тўлдирсангиз, у қандай ўзгаради? Кўриб турибман, сиз жилмайяпсиз. Демак, жавобни биласиз.

Йигирма йил муқаддам, муаллифларни янги китобларини радио, телевидение ва газеталарда реклама қилиш учун узоқ сафарга жўнаштиганида, улар ўзларини ҳозиргидан кўпроқ ёлғиз ҳис қилишарди. Ҳозир уларни том маънода кўлларида етаклаб шаҳардан шаҳарга олиб юришади, меҳмонхоналарнинг пули олдиндан тўланган хос хоналарига жойлаштиришади. Олдинги пайтларда эса ноширлар авиа-чипталарни почта орқали юбориб, меҳмонхонада битта хонани банд қилиб қўйишар, муаллифни ҳар бир шаҳардаги учрашувлар рўйхати билан таъминлашар эди. Аэропорт ва меҳмонхоналарга ўзимиз боришимиз, жойдан-жойга доим таксида юришимизга тўғри келарди. Агар бир кунда етти-саккизта учрашув белгиланган-у (бу биз учун фавқулодда ҳодиса эмасди), учрашув жойлари Лос-Анжелесга ўхшаган катта ҳудуднинг турли ерларида жойлашган бўлса, керакли жойга вақтида етиб бора билиш уқуви иродамиз, чаққонлигимиз ва уддабуронлигимизнинг ўзига хос синовига айланарди.

Бир неча йил аввал, мамлакат бўйлаб навбатдаги сафарга чиққанимда Нэшвиллда рўй берган воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қора танли ёшгина таксичи йигит мени меҳмонхонадан шаҳар атрофидаги мавзелардан бирига элтиб қўйди. Бу ерда мен WSM-TV студиясининг «Кундузги шоу» сида қатнашимиз керак эди. Йўл олиш бўлгани туфайли, биз гаплашиб қолдик. Ҳайдовчи — унинг исми Рэймонд Брайт эди, мижози телевизорда чиқишини эшитиб, боши осмонга етди.

Учрашувларимнинг бир неча варақдан иборат зич рўйхатида бу дастур студиядан жонли эфирга чиқиши кўрсатилган эди, унинг услуби жаз-оркестр ва бир неча машҳур хонандалар иштирокидаги «Тунги шоу»ни эсга соларди. Биз манзилга етиб келгач, таксичи йигит:

— Бу Нэшвиллдаги энг зўр телестудия — деб хитоб қилди.

Афтидан, одамларга меҳр-оқибат кўрсатиш ҳақидаги қоида онгимга чуқур ўрнашиб қолган эди, чунки бу ҳақда кечаги учрашувимда батафсил гапириб бергандим. Нима бўлганда ҳам, Рэйга йўлқира ҳақини бераётиб, туйқус:

— Сиз телевизион шоу қандай суратга олинишини кўрганмисиз?— деб сўрадим.

— Йўқ, сэр.

— Хў-ўш... агар бир ярим соат бўш вақтингиз бўлса-ю, машинангиз туриб қолгани ҳақини тўласам, мен билан кириб, камера олдида ўзимни қандай алфозда кўрсатишимни кўришни хоҳламайсизми?

— Гапингиз чинми?

— Бўлмаса-чи. Шоу туганидан кейин мени Коксберридаги китоб дўконига элтиб қўясиз, у ерда мен соат бир яримда ўқувчиларга китобларимга дастхат ёзиб беришим керак.

Таксичи ҳисоблагичга сариқ байроқчани илиб (бу унинг машина тўхтаб қолгани учун ҳақ олиш нияти йўқлигини англатарди), машинадан тушди. Телестудияда мен янги танишимни шоу бошловчиси Тедди Барт ва продюсер Элейн Геник билан таништирдим. Улар бизни кенг ва чароғон студияга бошлаб киришди. Бу ерда оркестр аллақачон асбобларни созлай бошлаган эди. Рэйни биринчи қатордаги нуфузли меҳмонларга мўлжалланган жойлардан бирига ўтқизишди. Мен Тедди ва Элейн билан бўлажак суҳбат мавзусини муҳокама қилганимча, Рэй машшоқлар асбобларини созлаб, ўз чиқишларини машқ қилишлари, камера ва микрофонларнинг эса ҳар томонга айланишини ҳайрат билан кузатиб ўтирди.

Шоу тугаганидан сўнг биз тез китоб дўконига етиб бордик. Кейин мен Рэйга қорним очганини айтдим. У мени «шаҳарнинг ўз қисми»-даги қаҳвахонага олиб борди. Камина қаҳвахонадаги ягона оқтанли мижоз эдим. Шунга қарамай, мени бу ерда жуда ширин гамбургерлар билан сийлашди. Тамадди қилиб бўлганимиздан кейин ҳаменимни чиқариш учун чўнтагимга қўл солдим, бироқ кимнингдир кучли қўли мени тўхтатди. Овқатнинг ҳақини Рэй тўлади, эътирозимни у ҳатто эшитишни ҳам истамади. Сўнг мени тагин иккита жойга олиб борди. Бу ерда мен радиода чиқишим керак эди. Рэй қайтиб чиққунимча мени ташқарида кутиб турди. Кейин биз меҳмонхонага келдик. Бу ердан нарсаларимни олиб, рўйхатдан ўчиб чиққанимдан сўнг, ниҳоят, Рэй мени аэропортга элтиб қўйди.

Иўлда мен таксининг орқа ўриндиғида ўтириб, мудраб қолибман. Бир вақт:

— Мистер Ог... — деган дўриллаган овоздан ўзимга келдим. Рэй менга худди ток-шоу бошловчиси сингари мурожаат қиларди. — Мистер Ог, мен бу кунни ҳеч қачон унутмайман.

— Нима учун, Рэй?

— Шунинг учунки, бу кун мен ўзимни биринчи марта катта одамдек ҳис қилдим.

Иўл бўйи, аэропортга етганимизга қадар мен вақти-вақти билан рўпарамдаги кўзгуда Рэйнинг ўзимга қадалган катта мовий кўзларини илгаб, ўзига-ўзи: «...биринчи марта ўзимни катта одамдек ҳис қилдим», деб пичирлашини эшитиб кетдим.

Аэропортда Рэй таксидан тушиб, юкимни йўловчилар рўйхатга олинадиган жойгача олиб бориб қўйди. Шу ерда мен унга йўлқира ҳақини бердим. Кутилмаганда Рэй мени қучоқлаб олди. Унинг кўзларидан тирқираб ёш қуйилди. Атрофдагилар бизни ҳайрон кузатишарди.

— Мен сизни яхши кўраман, мистер Ог, — деди Рэй.

— Мен ҳам сени яхши кўраман, Рэй, — деб жавоб бердим кўнглим бузилиб.

«Улар ярим тунда оламдан ўтади». Бу тамойил сиз учрашадиган барча одамлар билан муносабатлар учун янги уфқлар очади. Унга амал қилиш қийин эмас. Унга амал қилиб сиз ҳаётингизни узил-кесил ўзгартиришингиз мумкин. Уриниб кўринг!

## ХУЛЛАС, ЎНИНЧИ ҚОИДА:

*Бугундан бошлаб ҳаммага — дўсту душманга, танишу нотанишга — гўё улар ярим тунда оламдан ўтадигандек муносабатда бўлинг. Учрашувларингиз нечоғли қисқа бўлмасин, одамларга бор меҳрингиз, эътиборингиз ва муҳаббатингизни беринг. Буни чин дилдан, беғараз қилинг. Шунда ҳар кунингиз байрамга айланади.*

## ЎН БИРИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Турмуш устидан ҳам, ўзингизнинг устингиздан ҳам кулиб яшанг. Заҳарханда қилиб эмас, йўқ — кулги азоб-уқубатларингизни енгиллаштирувчи, руҳий тушкунликдан халос қилувчи, айни дамдаги муаммоларингизни келгусида ҳал қилишга ёрдамлашувчи малҳам, шифобахш восита бўлиши лозим. Оғир пайтларда танглик ва ғам-ташвишни кулги билан қувиб ҳайданг, аниқ ва тиниқ фикрлаб, муаммонинг ечимини топиш учун ақлингизга жой бўшатинг. Ечим эса доим топилади. Ўзингизга ҳаддан ташқари жиддий муносабатда бўлманг.

Кулгингиз бирор марта ҳам янграмаган кунлар сизнинг энг маъюс ва ғамгин кунларингиздир. Қувноқ кулги ҳар бир хонадонга нур олиб киради, ҳар куни, ҳатто ғам-ташвишлар билан курашаётганингизда ҳам ҳазил-мутойиба ҳиссини йўқотманг. Ҳар бир табасум, самимий кулги умрингизнинг қимматли лаҳзаларини узайтиради.

Инсон — кулиш қобилиятига эга ва балки, ўз устидан кулишга лойиқ бўлган ягона тирик мавжудот. Аммо «ўз устидан кулиш учун етарли даражада мардликка эга бўлган кишилар ҳаммадан яхшироқ куладилар. Бу уларда ўзига нисбатан холис муносабатда бўлиш қобилияти мавжудлигидан далолат беради. Агар сиз бунга қодир бўлсангиз, барча ғам-ташвишларингиз ортга чекинади.

Тўғри, ҳаётнинг оғир ўйинида маълум қоидалар мавжуд. Бироқ, бу ҳар қалай ўйин эканлиги ва уни ҳаддан ташқари жиддий қабул қилмаслик кераклигини ҳеч қачон унутманг. Агар биз бутун бошли кундан ҳеч бўлмаса озгина хурсандчилик ололмасак, унда яшашнинг нима қизиғи бор? Ўз устидан кула билиш, ўзига ҳаддан ташқари жиддий муносабатда бўлмаслик — бу мен ҳар қадамда эслайдиган ўйин қоидасидир. Ҳар сафар ўзимни ҳаддан ташқари «ишбилармон» ҳис этиб, олифталик қила бошласам ёки машҳур ёзувчи ролига кирсам, Тангри бошлаб адабимни бериб, ақлимни... кейинги галгача жойига тушириб қўяди.

Мен бир неча кун мобайнида Атланта атрофидаги радио ва телевизион станцияларнинг эшигини қоқиб, энди чиройли қора лимузинда шаҳардан тахминан икки соатлик йўлдаги йирик савдо марказига китобхонлар билан учрашгани кетиб борардим. Қўлимдаги учрашувлар рўйхатида йўл-йўлакай кичкинагина христианлар радиостанциясига кириб, «ҳазрат Жон» номи билан машҳур жентелмен билан жонли эфирда ярим соатни ўтказишим кераклиги кўрсатилган эди.

Ниҳоят, биз бўёғи кўчган кичкина оқ коттеж олдида келиб тўхтадик. Ҳайдовчи мен томон қараб, худди кечирим сўрагандек:

— Мана у, сэр. Радиостанция, — деди. Кираверишдаги соябонли пиллапоядан кўтарилиб улгурмасимдан эшик очилиб, ҳазрат Жоннинг ўзи чиқиб келди. Мен уни дарров танидим, чунки оқ кўйлагининг кўкрак чўнтагига «ҳазрат Жон» сўзлари қизил ип билан чиройли қилиб тикиб қўйилган эди.

— Станциямизга хуш келибсиз, сэр — деди у мени кучоқлаб. — Бу биз учун катта бахт.

Биз қачондир меҳмонхона бўлган, бироқ энди электрон ускуналар, кассета ва ёзувли қутилар уйиб ташланган хонадан етаклашиб ўтдик. Ҳазрат Жон мени уйнинг орқа қисмидаги ўз «студия»сига бошлаб борар экан, қулоғимга қаердадир куйланаётган диний кўшиқлар овози чалинди.

— Бир неча дақиқадан кейин эфирга чиқамиз. Бемалол жойлашиб ўтиринг, — деб мулозамат кўрсатди мезбон.

Ҳазрат Жон қўли билан ишора қилган томонда бўялмаган ёғоч стол, унинг устида эса тахтага бир нечта мих билан қоқилган микрофон қийшайиб турарди. Мен қаттиқ ёғоч курсига ўтирарканман, Бешинчи авенюдаги хос хоналардаги ноширларим ўз муаллифларини қаёққа юбораётганлари ҳақида бирон-бир тасаввурга эгамикан, деб ўйлар эдим. Кейин мени ҳайратга солиб ҳазрат Жон ҳам ёнимга курсини суриб ўтирди. Мен туйқус бу микрофон студияда битта эканлиги ва уни ҳазрат Жон билан баҳам кўришимизга тўғри келишини тушундим. Атлантадаги замонавий радиостанцияларнинг ҳашаматига солиштирганда, бу батамом ажабланарли

ҳол эди. Бироқ мен ярим соатга бундан баттарроғига ҳам чидашга тайёр эдим.

Уша сафаримда мен «Масихнинг ваколоти» китобимни реклама қилардим. Мен билан суҳбатдан олдин бу китобни ўқимаган аксарият суҳбатдошларимдан фарқли ўлароқ, ҳазрат Жон уни фақат ўқибгина қолмай, ён дафтарига қатор ақлли саволлардан иборат узун рўйхат ҳам тузиб олган эди. Эфирга чиққанимиздан кейин у мана шу ён дафтарига қараб, мени саволга тутди.

Мунозарамиз жуда чиройли ўтаётган эди. Бироқ, суҳбатнинг қоқ ярмида қўшни хонада телефон жиринглади. Табиийки, «студия», аксарият замонавий студиялар сингари, четдан овоз кирмайдиган қилиб жиҳозланмаган эди. Шу боис айни саволга жавоб бераётган пайтимда кулоқни батанг қилиб чинқирган қўнғироқ мени маромдан чиқарди. Мен гапнинг учини йўқотдим.

Лаънати телефон эса чинқаришда давом этарди. Ниҳоят, асаби бузилган ҳазрат Жон ён дафтарига қараб, менга рўйхат бўйича навбатдаги саволни берди-да, зўр бериб қилган имо-ишораларимга ҳам қарамай, қўшни хонага афтидан, қўнғироққа жавоб бериш учун, чиқиб кетди. Мен энди бўш курсига қараб гапирар, микрофон эса сўзларимни эфирга узатарди. Камина жавобни тугатсам-у, бошловчи унгача қайтиб келмаса, нима қиламан, деб ўйлаб жуда секин, дона-дона қилиб гапирардим.

Ниҳоят, мен бор гапимни айтиб тугатдим. Ҳазрат Жондан эса ҳануз дарак йўқ эди. Шунда мен, айтиш мумкинки, умримда биринчи марта жуда ақли иш қилдим. Қаршимда ётган блокнотни олдим, саволлар рўйхати устидан бармоғимни юргизиб, навбатдаги саволни топдим ва: — ҳазрат Жон, фикри ожизимча, сиз китобимнинг асосий ғояси қандай тутилганини билмоқчисиз? — дедим.

Шу асно мен кейинги ўн беш дақиқа давомида ўзим билан ўзим суҳбат қурдим!

Ниҳоят, кимдир келиб елкамга қоқди. Бошловчи ва дастур меҳмони ролига шу қадар жиддий киришиб кетибманки, мезбоннинг қайтиб келганини ҳам сезмабман. У деворда осиелиқ каттакон соатга қўли билан ишора қилди ва микрофонга энгашиб:

— Жаноб Мандино, студиямизга ташриф буюрганнгиз учун ташаккур. Сизга ва ажойиб китобингизга каттадан-катта муваффақиятлар тилайман. Сафарингиз беҳатар бўлсин. Илоё Тангри сизни ўз паноҳида асрасин! — деди.

Шу сўзларни айтиб у столдаги тугмалардан бирини босди ва мен пешанамдаги терни артиб, нафасимни ростлаб олгунимча эфирда «Сиондаги Тангрига шукрона» қўшиғи янгради. Кейин мен бизни ўзимизнинг устимиздан кулишга ўргатувчи турмушнинг жуда муҳим бир қоидасини эшлаш бахтига мушарраф бўлдим. Ҳазрат Жон бошдан-адоқ ёзиб ташланган архив варақчасини қаршимда силкитиб, жуда мамнун қиёфада жилмайди.

— Жаноб Мандино, сизни куттириб қўйганим учун узр. Аммо сиз бу синовдан жуда усталик билан ўтдингиз. Сан-Диегодан онам қўнғироқ қилибдилар, саксон яшар кампир. Ўтган сафар гаплашганимизда менга сабили пирог пиширишнинг эски оилавий рецептини беришни ваъда қилгандилар.

Дунё устидан, ундан ҳам кўпроқ ўзингизнинг устингиздан кулинг. Агар кулги яқин дорихонада сотилганида, оилавий дўхтирингиз сизга уни ҳар кунни жуда кўп миқдорда ичишни тайинлаган бўларди. Ишонинг, кулги билан яшаш кулгисиз яшашдан кўра яхшироқ.

## ХУЛЛАС, ЎН БИРИНЧИ ҚОИДА:

*Турмушдан ҳам, ўзингизнинг устингиздан ҳам кулиб яшанг. Заҳар-ханда қилиб эмас, йўқ — бу кулги азоб-уқубатларингизни енгиллашти-рувчи, руҳий тушкунликдан халос қилувчи, айни дамдаги муаммоларингизни келгусида ҳал қилишга ёрдамлашувчи малҳам, шифобаҳи восита бўлиши лозим. Оғир пайтларда танглик ва ғам-ташвишни кулги билан қувиб ҳайданг, аниқ ва тиниқ фикрлаб, муаммонинг ечимини топиш учун ақлингизга жой бўшатиш. Ечим эса доим топилади. Ўзингизга ҳаддан ташқари жиддий муносабатда бўлманг.*

## ЎН ИККИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Майда-чуйдаларга ҳеч қачон бефарқ қараманг. Айни ҳолатда қўлингиздан келганини қилишга, бир неча ортиқча дақиқа сарфлашга, мақтов ёки ташаккур сўзларини айтишга ҳеч қачон эринманг. Сиз ҳақингизда бошқалар нима деб ўйлаши аҳамиятсиз, аммо ўзингиз қандай ўйлашингиз жуда муҳим. Агар оғир вазиятларни юмшатишга уриниб, масъулиятдан ўзингизни олиб қочадиган бўлсангиз, қўлингиз ҳеч қачон баланд келмайди. Сиз ўзига хос одамсиз ва ўзига хос тарзда иш тутишингиз керак. Ҳеч қачон майда-чуйдаларга бефарқ қараманг.

Ўқитувчи, талаба, ишчи, савдогар, автобус ҳайдовчиси, мураббий, спортчи, лифтчи, шифокор, ҳуқуқшунос — ҳаётда қайси бир касбни танлаган бўлманг, қайси бир касб-ҳунар билан тирикчилик қилманг — ҳеч қачон, ҳеч қачон майда-чуйдаларга бефарқ қараманг.

Дарҳақиқат, биз воқеа-ҳодисалар яшин тезлигида ривожланаётган бир даврда яшамокдамиз. Бу ҳовлиқма оламда оғир вазиятларни юмшатиш ва айрим мажбуриятларни бажаришдан қочишга ўрганиб қолиш жуда осон.

Биз тарих сабоқлари ва доноларнинг ўғитларини унутиб қўйяпмиз. Нима иш билан шуғулланманг, майда-чуйдаларга бефарқлик сизга жуда қимматга тушиши мумкин.

Эдисон эътиборсизлик оқибатида ўндан бирга ажратувчи нуқтани бошқа жойга қўйиб, қимматбаҳо патентга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлдан чиқарган.

Роберт де Винченцо ўзининг ногўғри ҳисоб кўрсатилган ҳисоб варақчасига қарамай қўл қўйиб юборгани туфайли муҳим мусобақани бой берган. Ушбу доно сўзларга қўпчилигингиз қўшилсангиз керак:

Мих йўқ эди —  
Тақа  
Йўқолди.

Тақа тушиб,  
От  
Оқсаб қолди.

От оқсади —  
Сардор  
Ўқ еди.

Сардор ўлди —  
Қўшин  
Енгилди.

Ёв шаҳарга кирди,  
Қилди хўб қиргин.  
Нега?  
Тақачида  
Мих йўқлиги учун.

(«Ўрдак Момо қофиялари»)

Айтишларича, Бенжамин Франклин<sup>1</sup> шу сўзларни такрорлашни ёқтирган экан.

Табиийки, ҳар бир инсон ўзига гоят ёқадиган, ҳатто бепул бажаришга ҳам тайёр бўлган иш топишни орзу қилади. Афсуски, бундай бахтли одамлар жуда кам топилади. Шунинг учун ҳам кўпчилигимиз доимий меҳнатдан чарчаб, секин-аста масъулиятдан қочишга урина бошлаймиз. Бу сизнинг ўзингизга бўлган муносабатингизга салбий таъсир қилишидан ташқари, майда-чуйдаларга бефарқлик ёки енгилтаклик билан қараш янада каттароқ муаммоларга олиб келади. Сиз бошқача одамсиз. Гапларингиз ёки ишларингиз билан ҳамма нарсани қойиллатиб бажариш қобилиятингизга бошқаларда заррача шубҳа уйғотманг. Фақат омадсиз ва ўртамиёна одамларгина майда-чуйдаларга эътибор бермайдилар.

Бу оддий, аммо кучли ҳақиқатга ажойиб мисол Нью-Йорк бандаргоҳидаги Озодлик ороли узра қад ростлаб турибди. Агар қачондир Нью-Йоркка келсангиз-у, бир-икки соат бўш вақтингиз бўлса, Ист-Ривердаги Шарқий ўттиз тўртинчи кўчадан бошланувчи вертолёт сайрига чипта сотиб олинг. Бандаргоҳ узра қад ростлаган Озодлик ҳайкалига яқинлашганда, унга алоҳида эътибор билан қаранг.

Озодлик маъбудасининг пўлат конструкция билан мустаҳкамланган мис танаси денгиз сатҳидан 305 фут баландликда юксалиб туради. Вертолёт ҳайкални айланиб ўтаётганида, унинг ҳар бир соч тутами, худди кўйлаги ва танасининг бошқа деталлари сингари, майда-чуйда тафсилотларигача пухта ва мукамал акс эттирилганининг гувоҳи бўласиз. Бу беҳад нозик иш ҳайкалтарош Огюст Бартолдининг Париждаги устахонасида қўшимча бир неча ҳафта меҳнатни талаб қилгани аниқ. Ҳолбуки, буюк ҳайкалтарош бу бир неча ҳафтани тежаб қолиши ҳам мумкин эди — чунки ўша пайт ҳеч ким, ҳатто истаган тақдирда ҳам, Озодлик маъбудасининг бошини яқиндан кўра олмасди!

Ҳайкал президент Гровер Кливленд томонидан 1886 йил 28 октябрда очилди. 1886 йили ҳали самолётлар йўқ эди! Ака-ука Райт ўзлари қурган биринчи аэропланда ердан фақат ўн етти йил кейин кўтарилишга муваффақ бўлдилар. Бартолди ҳайкални тепадан фақат денгиз чағалайларигина кўриши, маъбуданинг соч тутамлари пухта ва мукамал ишланмаса, буни ҳеч сезмаслигини жуда яхши биларди. Бироқ буюк санъаткор енгил йўл изламас эди. Шунинг учун ҳам маъбуданинг ҳар бир соч толаси, кокили — ўз ўрнида!

### ХУЛЛАС, ЎН ИККИНЧИ ҚОИДА:

*Майда-чуйдаларга ҳеч қачон бефарқ қараманг. Айни ҳолатда қўлингиздан келганини қилишга, бир неча ортиқча дақиқа сарфлашга, мақтов ёки ташаккур сўзларини айтишга ҳеч қачон эринманг. Сиз ҳақингизда бошқалар нима деб ўйлаши аҳамиятсиз, аммо ўзингиз қандай ўйлашингиз жуда муҳим. Агар оғир вазиятларни юмшатишга уриниб, масъ-*

<sup>1</sup> Франклин Бенжамин (1706-1790) — америкалик ношир, ёзувчи, олим ва давлат арбоби.

улиятдан ўзингизни олиб қочадиган бўлсангиз, қўлингиз ҳеч қачон баланд келмайди. Сиз ўзига хос одамсиз ва ўзига хос тарзда иш тутишингиз керак. Ҳеч қачон майда-чуйдаларга бефарқ қараманг.

## ЎН УЧИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Ҳар бир тонгни қувонч билан қарши олинг. Ҳар бир янги кунга Тангрининг навбатдаги инъоми, кеча тугата олмаган ишингизни ниҳоясига етказиш учун берилган навбатдаги ажойиб имконият сифатида қаранг. Кайфиятингизни келаётган кунга созланг. Биринчи соатдаёқ муваффақият ғояси, бугун қиладиган ижобий ишларингизнинг ғояси туғилсин. Бу кун бошқа ҳеч қачон қайтарилмайди. Уни дастлабки онлардан бошлаб, бекорга сарфламанг. Ёмон кайфият туфайли муваффақиятсизликка учрашдан ортиқ бемаза нарса йўқ.

Кайфиятингизни келаётган кунга созланг. Ҳар бир янги тонгни қувонч билан қарши олинг ва кечаги натижаларингиздан ўзиш имкониятини бергани учун Тангрига шукрона айтинг. Кўпчилик янги кун нима олиб келаркин, деб қўрқиб, эрталаб ўрнидан тургиси келмайди. Улар эрталабки хулқ-атворимиз куннинг қолган қисмига ўз муҳрини босиб, бизни эртанги кунга ва келгусидаги барча кунларга тайёрлашини тушунмайдилар.

Навбатдаги кун ҳам тушкун, қувончсиз ва зерикарли ўтишини ҳис этган ҳолда, фақат кун ботганидан кейин кўришимиз мумкин бўлган яхши тушгагина умид қилиб уйғониш нақадар даҳшатли!

Бундан яхшироғи эса шу: ҳар бир тонгни қувонч билан кутиб олиш, кун ўзида яширган имкониятлар учун унга раҳмат айтиш, атрофдагиларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш, дўсту душманга хушмуомалалик ва бағрикенглик билан муносабатда бўлиш, яхши бажарилган ишдан лаззатланиш. Ҳар бир яшаб ўтилган кун ҳаётингизда ана шундай из қолдириши керак.

Бироқ, энг муҳими — тонгни қувонч билан қарши олинг. Бош чайқаяпсизми? Начора, агар бу оддий машқ ҳам сизга оғир бўлиб туюлаётган бўлса, агар эрталаб уйғониб қувониш учун сабаб йўқлигини ҳис қилсангиз, тушкунликка тушманг. Бу ҳамманинг ҳаётида бўлади. Шундай кунлар бўладики, ҳатто дунёдаги энг қувноқ одамлар ҳам ўзларини қуршаган олам билан мулоқот қилишдан кўра тўрт девор ичида ёлғиз ўтиришни афзал кўрадилар. «Ёмон» кунлар ҳаммада, ҳатто энг обрўли сиёсий арбоблар, машҳур спортчилар ва йирик корпорацияларнинг президентларида ҳам учрайди. Ҳаммамиз ҳам баъзан гавжум бекатларда автобус кутиш, қайсар мижозларга сим қоқиш ёки қўпол бошлиқ билан учрашиш ўрнига бошимизни юмшоқ ёстиқ остига яшириш истаги билан уйғонамиз.

Мабодо, сиз эртага эрталаб навбатдаги кун оғир кечиши, ҳар қанча уринманг, сизга ҳеч қандай мукофот келтирмаслигини ҳис қилиб уйғонадиган бўлсангиз, руҳингизга бутун кун мобайнида бардамлик бахш этадиган бир маслаҳат бераман. Бу оддий усул ёки фокус — қандай истасангиз, шундай атанг — ҳеч қачон панд бермайди, сизга бир центга ҳам тушмайди, шунга қарамай, сиз учун пўртаҳол шарбати, қаҳва, бифштекс, қуймоқ ёки руҳни кўтарадиган мусиқа ёзилган кассетадан ҳам кўпроқ фойда келтиради. Сиз ўзингизни қуршаган оламга ижобийроқ, қизгинроқ, унумлироқ... ва миннатдорона муносабатда бўла бошлайсиз.

Агар эрталаб ўзингизга нисбатан қаттиқ ачиниш ҳисси билан уйғонсангиз, янги газетани олиб ўқинг. Фақат биринчи саҳифасига қара-

манг, акс ҳолда чиндан ҳам ертўлага тушиб яширингингиз келиб қолади. Бунинг ўрнига... таъзиялар босилган саҳифага кўз ташланг!

У ерда сиз билан бажонидил ўрин алмашишга, барча ғам-ташвиш, иккиланиш, кўркув ва муаммоларингизни ўз елкасига олишга тайёр бўлган одамларнинг узун рўйхатига кўзингиз тушади. Кейинги сафар эрталаб уйдан чиққингиз келмаса, шу усулни синаб кўринг. Кейин менга раҳмат айтасиз.

Энди қушларнинг сайрашини эшитаётгандирсиз?

## ХУЛЛАС, ЎН УЧИНЧИ ҚОИДА:

*Ҳар бир тонгни қувонч билан қариши олинг. Ҳар бир янги кунга Тангрининг навбатдаги инъоми, кеча тугата олмаган ишингизни ниҳоясига етказиш учун берилган навбатдаги ажойиб имконият сифатида қаранг. Кайфиятингизни келаётган кунга созланг. Биринчи соатдаёқ муваффақият ғояси, бугун қиладиган ижобий ишларингизнинг ғояси туғилсин. Бу кун бошқа ҳеч қачон қайтарилмайди. Уни дастлабки ондан бошлаб, бекорга сарфланганг. Ёмон кайфият туфайли муваффақиятсизликка учрашдан ортиқ бемаза нарса йўқ.*

## ЎН ТўРТИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Агар улкан орзуингиз сари кундан-кунга тўхтовсиз интиладиган бўлсангиз, унга албатта эришасиз. Шунинг учун ҳар кун олдингизга енгил ва узоқ муддатга мўлжалланган, лекин зарур ишларни бажаришни мақсад қилиб қўйинг. Улар сизни қадамма-қадам орзуингиз чўққисига олиб чиқади. Агар сизга шу қулай бўлса, уларни ён дафтарингизга ёзиб боринг, бироқ рўйхатни шундай тузингки, бугунги тугалланмаган ишларни эртага қолдиришга тўғри келмасин. Улкан эҳромни бир кунда қуриб бўлмаслигини унутманг. Сабр-тоқатли бўлинг. Иш соатларини асосий мақсаддан чалғитадиган ўткинчи нарсалар билан тўлдирманг. Ҳамма ишларни маромига етказиб бажаринг, бу кунни хурсандчилик билан ўтказинг ва амалга оширган ишларингиздан катта қониқиш ҳосил қилинг.

Олдимизга мақсад қўйишимиз жуда осон. Исталган биримиз келгусида бажаришни мўлжаллаган ишларнинг узун рўйхатини тузишимиз, кейин эса... уни бир чеккага суриб қўйиб, аввалгидек яшашда давом этишимиз мумкин.

Келинг, бу муаммони ҳал қилишингизга ёрдам берай, зеро у баъзан жуда кўп одамлар учун катта тўсиққа айланади. Лекин олдин сизни бир нарса ҳақида огоҳлантириб қўяй. Сизни кундан кунга, йилдан йилга узоқ ва тиним билмай меҳнат қилишга мажбурлайдиган, ўзингиз ва суйган одамларингиз учун ҳам вақт қолдирмайдиган ҳар қандай мақсад — бу мақсад эмас, балки ҳукмдир. У сизни — моддий фаровонлик ва муваффақиятга эришасизми ё йўқми, қатъи назар — бахтсиз турмуш кечиришга маҳкум этади.

Бизга кўпинча: «Ҳаёт — бу дарбадарлик», деб уқтиришади. Социология соҳасидаги мутахассислар бу иборани ҳуда-беҳуда қўллайверадилар, уни катта-катта ҳарфлар билан китобларнинг муқоваларига жойлаштирадилар, ўнлаб аудиокассеталардан ҳам шу сўзлар жаранглайди: «Ҳаёт — бу дарбадарлик!» Шу қадар чиройли жаранглайдики, эшитган одам унга лаққа ишонади.



Аслида бу аҳмоқона ибора муваффақиятнинг биринчи поғонасига етиш учун ҳар қандай йўқчиликларга чидашингиз, ҳоли-жонингиз қолмагунча тинмай ишлашингиз кераклигини англатади. Аммо шунинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳаёт — бу дарбадарликми? Унда чуқур тин олинг-да, суйган одамларингиздан йўлингиздан қочишларини сўраб, сўнг кундан кунга, токи иккинчи поғонага кўтарилгунингизга қадар ишлаб, заҳмат чекишда давом этинг. Қойил! Ҳўш, энди тинчлансак бўлар? Э йўқ, кечирасиз. Буни дарбадарлик дейдилар, дўстим. Яна бир чуқур тин оласиз-да, токи кейинги поғонага, сўнг эса — кейингисига кўтарилгунга қадар заҳмат чекаверасиз.

Ниҳоят, ажойиб кунларнинг бирида...

Буюк рус ёзузчиси Лев Толстой одамлар аслида бахт-саодат келтирмайдиган аллақандай мақсадларга эришишга уриниб, ҳар доим мағлубиятга учрашлари ҳақида ажойиб бир ривоят ёзиб қолдирган. Пахом исмли бир деҳқон агар менда ҳам, худди бойлардагидек, жуда кўп ерим бўлганида, улкан муваффақиятга эришган бўлардим, деган ишонч билан яшайди. Буни ўз ҳаётининг бирдан-бир мақсади деб ҳисоблайди. Ниҳоят, бир куни келиб унга таклиф қилишади: тонгдан шомга қадар қанча ерни югуриб босиб ўтсанг, ҳаммаси сеники бўлади, деган шарт қўйишади.

Пахом бу ажойиб таклиф қилинган олис ўлкага кўчиб бориш учун ўзининг бор буд-шудини сотади. Йўлда кўп азоб-уқубатларни бошдан кечириб, манзилга етиб келади ва эртагаёқ ўзининг улкан орзусини амалга оширишга тайёр эканлигини билдиради.

Эрта тонгдан Пахом икки оёғини қўлига олиб, шитоб билан югуришга тушади. У олдида фақат ўз мақсадини кўради ва унга эришиш учун атрофга ҳам, жазирама иссиққа ҳам қарамай, олга интилади. Кун бўйи у тезликни пасайтирмай, еб-ичиш ёки дам олиш учун ҳам тўхтамай югуради. Унинг ер-суви дам сайин кўпайиб боради. Ниҳоят, кўёш уфқ ортида кўздан йўқолиб, ерга қоронғи тушгач, Пахом маррага етиб келади. Ҳалаба! У ўз мақсадига эришди! Муваффақият!

Бироқ... сўнгги қадамни ташлаб, Пахом силласи қуриб ерга йиқиладию, жони узилади. Энди унга керак бор нарса — фақат олти фут қора ер, холос...

Бу кун ҳам, худди бошқа кунлар сингари, Тангрининг сизга қилган алоҳида инъоми. Олдингизга шундай мақсадлар қўйингки, уларга эришиш кун охирида сизга қувонч бахш этсин. Уларнинг айримлари сизга кун давомида қувонч ва таскин бахш этса ҳам майли. Кундалик вазифаларингизни шундай режалаштирингки, улар сиз ўз орзуларингизга эришиш сари ташлаган алоҳида қадамлар бўлсин. Муваффақиятга эришиш учун бор имкониятингизни ишга солинг. Борди-ю, бугун муваффақият қозона олмасангиз, уринишларингизни эртасига давом эттиринг.

Рим файласуфи Сенека шундай деган эди: «Бугунги кундан қувонган, ўтмишга қарам бўлмаган ва келажакдан қўрқмайдиган одам чинакам бахтлидир. Умид ва хавотирлар билан ўзимизни алдамай, бориға қаноат қилмоғимиз даркор, зеро шукр қилган одам ҳеч нарса истамайди. Инсониятнинг энг буюк неъматини инсонларнинг ўзида. Доно одам ўз қисматига — у қандай бўлмасин шукр қилади ва ўзида йўқ нарсага эга бўлишга интилмайди».

Узоқ ва мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтган, ўз истеъдоди ва меҳнати билан моддий фаровонликка эришиб, бугун дунёда тан олинган америкалик буюк бир комик яқинда берган интервьюларидан бирида ўз муваффақиятига доимо шубҳа қилганини тан олди. «Баъзан эртага эрталаб уйғонаман-у, ҳаммаси ғойиб бўладигандек, кимдир келиб: «Бўлди, оғайни. Сен учун ҳаммаси тугади», дейди-ю, мен унга ишонадигандек бўлиб туюлади», деди у. Ёши олтмишдан ош-

ганига қарамай, бу ҳар томонлама қобилиятли одам худди Пахомга ўхшаб югуришда — театрлар, тунги клублар, кино ва телевидениеда пайдо бўлишда давом этмоқда. Унинг мухлислари бундан, албатта, хурсандлар. Бироқ, мен унинг баъзида тўхташи ва атиргулларнинг сўнги гулбарги тўкилиб тушмасидан, уларнинг атридан баҳра олишини истардим.

Биз ҳаммамиз ҳаёт гирдобиди айланамиз. Шопенгауэр<sup>1</sup> айтганидек, агар инсон йиқилишни истамаса, худди дорбоз янглиғ арқонда мувозанатни сақлаб, тинимсиз олға интилиши керак. Бу нақадар ачинарли! Аммо, ишончим комилки, бундан яхшироқ яшаш ҳам мумкин.

## ХУЛАС, ЎН ТЎРТИНЧИ ҚОИДА:

*Агар улкан орзуингиз сари кундан-кунга тўхтовсиз интиладиган бўлсангиз, унга албатта эришасиз. Шунинг учун ҳар кун олдингизга энгил ва узоқ муддатга мўлжалланган, лекин зарур ишларни бажаришни мақсад қилиб қўйинг. Улар сизни қадам-бақадам орзуингиз чўққисига олиб чиқади. Агар сизга шу қулай бўлса, уларни ён дафтарингизга ёзиб боринг, бироқ рўйхатни шундай тузингки, бугунги тугалланмаган ишларни эртага қолдиришга тўғри келмасин. Улкан эҳромни бир кунда қуриб бўлмаслигини унутманг. Сабр-тоқатли бўлинг. Иш соатларини асосий мақсаддан чалғитадиган ўтқинчи нарсалар билан тўлдирманг. Ҳамма ишларни маромига етказиб бажаринг, бу кунни хурсандчилик билан ўтказинг ва амалга оширган ишларингиздан катта қониқиш ҳосил қилинг.*

## ЎН БЕШИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Ҳеч кимга кайфиятингизни бузиб, келаётган кунга тушкунлик ва омадсизлик соясини солишига йўл қўйманг. Шунинг унутмангки, биронинг хатосини топиш учун қобилият ҳам, мардлик ҳам, теран ақл ҳам керак эмас. Агар ўзингиз бунга йўл қўймасангиз, ҳеч қандай ташқи шароитлар сизга ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Вақтингиз олтинга тенг, шунинг учун ҳам сиз уни нафрат, рашк ва ҳасаднинг қора кучлари билан олишиб, беҳуда сарфлай олмайсиз. Умрингиз омонат. Уни кўз қорачиғингиздек асраб-авайланг. Гулни ёлғиз Парвардигор яратмоққа қодир. Бироқ ҳар қандай эси йўқ бола уни синдириши мумкин.

Монтен айтганидек, ҳаёт жуда нозик, унинг маромини бузиш жуда ҳам осон. Нимадир ўзимиз истагандек кечмаслиги мумкин. Кўпинча майда кўнгилсизликлар, худди майда ҳарфлар кўзимизни чарчатганидек, турмушимизни ғам-ташвишларга тўлдиради.

Умуман олганда, инсон — жуда нозик мавжудот. Биз яхши кайфият, меҳнат қилишга катта рағбат билан уйғонишимиз, бироқ икки оғиз қўпол гап, кийимимизга тўкилган қаҳва ёки тиқилинч автобус кайфиятимизни бутун кунга бузиши мумкин.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса сизни мувозанатдан чиқаришига йўл қўйманг. Сизга, сизнинг истеъдодингиз, ишингиз ёки турмуш тарзингизга

<sup>1</sup> Артур Шопенгауэр (1788-1860) — буюк немис файласуфи.

<sup>2</sup> Монтен Мишель де (1533-1592) — француз ёзувчиси, эрксевар файласуф. Унинг “Тажриба” номи асари инсоннинг муқаррам зот эканлигига бағишланган.

ҳасад қилувчи танқидчи, гийбатчи ё беор одамлар ҳар доим топилади. Уларга эътибор берманг: ит ҳурар — қарвон ўтар. Вақтингиз олтинга тенг, уни инсонда бирорта ҳам яхши хислатни қўра олмайдиган, аммо камчиликларини дoston қилишдан лаззатланадиган бир тўда ҳасадгўйлар билан олишишга сарфламанг. Улар — кечаси кўриб, кундузи сўқирга айланадиган одам қиёфасидаги бойўғли. Бундай одамлар сичқоннинг шитирини эзгу интилишлардан ажрата олмайди.

Мабодо, сиз майда кўнгилсизликлар ва ҳар куни эшитишингиз мумкин бўлган турли фисқ-фасод гапларни кўнглингизга оладиган бўлсангиз, ўзингизга катта зарар етказасиз. Агар бундай гапларни писанд қилмай, ўзингиздан нари ҳайдасангиз, улар секин-аста ўз кучини йўқотади. Гийбатчилар ҳамма ерда топилади. Шунини унутмангки, ҳасад ҳам худди қуртга ўхшаб, доим энг ширин олмани қидиради. Ўз кучи ва иқтидори билан муваффақиятга эриша олмаган одамлар бошқаларни ҳам ўзларига тенглаштиришдан лаззатландилар, деган эди Франклин.

Агар тарки дунё қилиб яшайдиган бўлсангиз, муваффақиятга эриша олмайсиз. Шунинг учун ўзингизни қуршаган олам билан, демакки, ундаги барча кўнгилсизликлар ва ўзингизга нисбатан танқидий муносабат билан ҳам муомала қилишингизга тўғри келади. Бироқ, агар ўзингиз бунга изн бермасангиз, ҳеч қандай танқид кайфиятингизни буза олмайди. Ҳасадгўйлардан юз буриг.

Уларнинг галамисликларига ҳеч қачон жаҳл ва қизиққонлик билан жавоб берманг. Бу битта қаламушдан қутуламан деб ўз уйига ўт қўйиш билан баробар. Ҳеч қачон уларга тенг бўлманг. Қуллик ва тушқундик ботқоғидан буюклик тоқига кўтарилган Букер Т. Вашингтон: «Мен ҳеч кимга ўзимни ундан нафратланишга мажбурлаб, қалбимни таҳқирлашига йўл қўймайман», дея бизга ҳаётдан қимматли сабоқ беради. Келгуси сафар сизни биров хафа қилмоқчи бўлса, шу сўзларни эсланг ва уларнинг мағзини чақинг.

“Ташқи ҳеч нарса менга ўз ҳукмини ўтказа олмайди“. Уолт Уитменнинг бу шиори сизнинг ҳам шиорингизга айлансин. Шунда турмушингиз тинчлик ва осойишталикка тўлади.

Кўп йиллар муқаддам, якшанба куни эрталаб, мен Техас штатининг Эл-Пасо шаҳри яқинидаги қаҳвахонада тамадди қилиб, мижозлар билан ҳазиллашганча столдан столга қатнаб ўз ишини бажарётган чаққон ва шаддод хизматчи қизни кузатиб ўтирдим. У ўз ишини бажонидил бажарар, ҳаётдан бор бўйи лаззатланар, кайфияти беихтиёр атрофидагиларга ҳам ўтмоқда эди. Шу қиз туфайли биз ҳаммамиз ўзимизни жиндай яхшироқ ҳис қилмоқда эдик.

Чинни идишдан қаҳва ҳўплаб, мени олдинда кутаётган узоқ сафар ҳақида ўйлаб ўтирдим. Шу пайт қўшни стулга оғир жомадон кўтарган кекса бир киши келиб ўтирди. У таомномага шошилишч кўз ташлаб, сўнг хизматчи қизимизни кўли билан имлаб чақирди. Қиз илдам юриб унга яқинлашди, Техасдаги энг биройли табассум билан жилмайди ва:

— Бугун ажойиб кун, шундай эмасми?— деди. Киши энсаси қотиб афтини буриштирди.

— Нимаси ажойиб экан?— деб тўнғиллади у.

Қиз ҳеч нарса бўлмагандек жилмайишда давом этди.

<sup>1</sup> Вашингтон Букер Гальяферро (1855-1915) — америкалик педагог-ислохотчи, қора танли оилаларнинг болалари ўқиши учун мактаб очган.

Уитмен Уолт (1819-1892) — америкалик шоир, журналист ва очеркчи. Унинг “Майсалар япроғи” шеърлар тўплами америка адабиёти тарихида бурилиш нуқтаси бўлган.

— Шундай кунлардан бир нечасини ўтказиб кўринг, сэр, ўшанда биласиз, — деди у.

Сиз ўз турмушингизнинг соҳибсиз. Кимдир кайфиятингизни бузиб, дилингизни хира қилаётган экан, бунга ўзингиз сабабчисиз. Чунки бундай қилишига ўзингиз йўл қўйяпсиз. Бошқа йўл қўйманг, хўпми!

### ХУЛАС, ЎН БЕШИНЧИ ҚОИДА:

*Ҳеч кимга кайфиятингизни бузиб, келаётган кунга тушкунлик ва омадсизлик соясини солишига йўл қўйманг. Шунинг унутмангки, бировнинг хатосини топиш учун қобилият ҳам, мардлик ҳам, теран ақл ҳам керак эмас. Агар ўзингиз бунга йўл қўймасангиз, ҳеч қандай ташқи шароитлар сизга ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Вақтингиз олтинга тенг, шунинг учун ҳам сиз уни нафрат, рашк ва ҳасаднинг қора кучлари билан олишиб, беҳуда сарфлай олмайсиз. Умрингиз омонат. Уни кўз қорачи-гингиздек асраб-авайланг. Гулни ёлғиз Парвардигор яратмоққа қодир. Бироқ ҳар қандай эси йўқ бола уни синдириши мумкин.*

### ЎН ОЛТИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Ҳар қандай кийинчиликларда ҳам яхшилик уруғини изланг. Агар бу қоидага амал қилсангиз, шундай бебаҳо қалқонга эга бўласизки, у сизни энг оғир вақтларда ҳам ишончли ҳимоя қилади. Юлдузлар тоғ чўққисиди кўринмаган пайт уларни чуқур қудуқнинг тубидан туриб кўриш мумкин. Қийинчиликлар даврида шундай нарсалардан хабар топишингиз мумкинки, бошқа вазиятларда улар ҳақида ҳеч қачон билмасдингиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам яхшилик уруғи бўлади. Бу уруғни топинг ва ундан фойдаланинг.

Бу воқеа Клемент Стоуннинг «Чексиз муваффақият» журналига бош муҳаррир қилиб тайинлашганидан бир йил кейин рўй берди. Пол Харвининг миллий радиодаги рекламаси ёрдамида тиражимиз мисли кўрилмаган миқдорга етди. Буни менинг иш хонамда осиглиқ турган журналнинг сотилиш жадвали яққол ифодалар эди. Ўшанда мен бир даҳшатли хатога йўл қўйдим. Бу хато фақат биз қўлга киритган барча муваффақиятларни йўққа чиқарибгина қолмай, келажакда компаниямизга жуда катта моддий зарар ҳам келтириши мумкин эди.

Нима иш қилиб қўйганимни тушунганим заҳоти Клемент Стоунга сим қоқиб, қабулига киришга рухсат сўрадим. Учрашувда хатога қандай йўл қўйганимни батафсил, ҳеч нарсани яширмай гапириб бердим. Жаноб Стоун гапларимни диққат билан эшитди, фақат бир неча марта маълум ҳолатларга ойдинлик киритиш учунгина гапимни бўлди. Айбдорлик ҳисси мени тобора кучлироқ қамраб борарди. Менга ишонч билдирган одамнинг юзини шувут қилганимни ўйлаб эзилар, бўйнимга қилич тушадиган дамни сабрсизлик билан кутардим. Ношир сифатидаги фаолиятим тугаганига шубҳа қилмасдим.

Жаноб Стоун узун «Гавана» сигарасини тутатганча бир неча муддат шифтга тикилиб ўтирди. Ниҳоят, у жилмайиб мен томон юз бурди ва:

— Жуда яхши бўпти, Оғ — деди.

Яхши бўпти? Ие, эси жойидами ўзи? Мен унга катта моддий зарар етказиб, севимли журналингни ёпилиш хавфига қўйган бўлсам-у, у менга жуда яхши бўпти, дейди-я! Мен миқ этмадим; афтидан, ҳайронлик ҳисси гапиришга имкон бермади. Кейин жаноб Стоун мен томон энгашди ва қўлимдан оҳиста ушлаб:

— Чиндан ҳам жуда яхши бўпти, Ог. Сабабини сенга ҳозир тушунтириб бераман, — деди.

Шундан сўнг бу буюк инсон менга турмушнинг бебаҳо бир қоида-сини ўргатди. Бу қоидага мен сўнги йигирма беш йил давомида қатъий амал қилиб келаман. Стоун менга аҳволни батафсил тушунтириб берди. Гарчи у вазият нақадар мушкул эканлигини жуда яхши англаса-да, агар биз юзага келган муаммони яхшилаб, ҳолисона кўриб чиқсак, унда яхшилик уруғини албатта топишимиз, уни ўз фойдамизга ишлата олишимизга ишончи комил эди. У, Тангри бир эшикни ёпса, иккинчиси очиқ қолдиришини менга эслатди. Кейинги бир неча соат давомида биз муаммомизнинг ҳар турли жиҳатларини муҳокама қилдик. Ниҳоят, фикр-мулоҳазаларимиз билан бир дунё қоғозни тўлдириб, режа туздик. Бу режа охир натижада фақат кўрилган катта зарарни қоплабгина қолмай, кейинги йилларда рекламадан янада кўпроқ фойда олишимиз учун ҳам имкон яратди. Бу бир неча соат мен учун умримда олган энг буюк сабоқлардан бири бўлди.

Ҳар қандай қийинчиликларда ҳам доимо яхшилик уруғини изланг. Бу қоидага амал қилиш жуда қийин. Аммо ҳар қандай муаммони «Жуда яхши бўпти!», дея қабул қилиб, кейин уни синчиклаб кўриб чиқсангиз ва мавжуд ҳар бир имкониятдан ўзингиз учун фойда чиқарсангиз, ҳар қандай мағлубиятни ҳам ғалабага айлантира оласиз.

Ўн тўққизинчи аср охирида «ўзингга ўзинг ёрдам бер» деб номланган муваффақият мавзусидаги биринчи китобни ёзган Сэмюэл Смайлс : «Биз ютуқларимиздан кўра муваффақиятсизликларимиздан кўпроқ сабоқ оламиз. Боши берк кўчага кириб қолгач, биз кўпинча ундан чиқишнинг янги йўларини кашф қиламиз, қаршимизда янги уфқлар пайдо бўлади. Умрида бирор марта хато қилмаган одам ўз хатоси туфайли янги бирор нимани англаш завқини ҳеч қачон туймайди», деган эди.

Кўнгилсиз вазиятлардан фойда чиқариш қоидаси инсониятнинг ўзи каби кўҳнадир. Ҳаётларига хавф солган буюк душманларини ўзларига хизмат қилишга мажбурлаб, минг йилликлар бўҳронидан омон чиққан Санта-Клаус дўстлари — эскимосларни эсланг. Улар ўз ихтиёрларидаги ягона хом ашё — қор билан муздан ўзларига иссиқ, шинам ва мустаҳкам кулбалар кура олдилар. Мен билан бирга голф ўйнайдиган эски танишим ҳаётнинг чинакам синови, худди голфдаги сингари, очиқ майдонда тура билишда эмас, балки тўп баланд ўтлар орасига тушган тақдирда ҳам яхши зарба бера олишда, деб айтади. Кундалик турмушда ҳам, худди мусобақалардаги каби, қийинчиликлар билан курашишга қодир одамлар ютиб чиқадилар.

## ХУЛЛАС, ЎН ОЛТИНЧИ ҚОИДА:

*Ҳар қандай қийинчиликларда ҳам яхшилик уруғини изланг. Агар бу қоидага амал қилсангиз, шундай бебаҳо қалқонга эга бўласизки, у сизни энг оғир вақтларда ҳам ишончи ҳимоя қилади. Юлдузлар тоғ чуққисидан кўринмаган пайт уларни чуқур қудуқнинг тубидан туриб кўриш мумкин. Қийинчиликлар даврида шундай нарсалардан хабар топишингиз мумкинки, бошқа вазиятларда улар ҳақида ҳеч қачон билмасдингиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам яхшилик уруғи бўлади. Бу уруғни топинг ва ундан фойдаланинг.*

<sup>1</sup> Смайлс Сэмюэл (1812–1909) — мутахассислиги бўйича врач, кейинчалик таниқли шотланд журналисти ва ёзувчиси дея эътироф этилган. Уни «Ўзингга ўзинг ёрдам бер» дидактик асари машҳур қилган. Бу асарда тежамкорлик, мажбурият, ўз устидан тинмай ишлаш каби инсоний фазилатларга эътибор қаратилган.

## ЎН ЕТТИНЧИ ҚОИДА

*Яхши яшаш учун ...*

Бахтимиз ўзимизда зоҳир эканлигини ҳамиша ёдда тутинг. Фаровонлик, шод-хуррамлик ва руҳий хотиржамликни атрофдан қидириб овора бўлманг. Оладиган эмас, берадиган одамгина бахтли бўлишини унутманг. Атрофингиздагиларга ёрдам қўлини чўзинг. Ўртоқлашинг. Қувонинг. Қучоқлашинг. Бахт — бу шундай малҳамки, уни ўзингизнинг устингизга бир неча томчи оқизмасдан бошқаларга бера олмайсиз.

Натаниел Готорн бахт деб аталмиш омонат туйғудан ҳам кўра, капалакни тутиш осонроқ, деб бизни огоҳлантиради. «Бахт, — деб ёзади у, — бу дунёга тасодифан келади. Агар уни қидирадиган бўлсангиз, сиздан тинимсиз қочиб борадиган соя кетидан қувасиз». Бироқ, Арастунинг фикрича, «бахт — бу ҳаётнинг маъноси ва мўлжали, инсон турмушининг мақсади ва сарҳисобидир».

Катта шаҳарларда ҳар оқшом бир неча соатлик бахт илинжида кўнгилочар тадбирларга тўпланувчи одамларни эсланг. Биз ҳар хил кўнгилхушликлар орқасидан қувиб, неча миллион доллар пулни ҳавога совурамиз? Хўш, натижада биз ўзимизни бахтли деб атай оламизми? Яқинда мен кичкина бир тажриба ўтказдим. У ҳақда кўп йиллардан бери ўз чиқишларимда гапириб бераман. Куёшли кунларнинг бирида мен Нью-Йоркдаги Бешинчи авеню ва Эллик тўртинчи кўчанинг муюлишида тўхтаб, олдимдан жануб томонга қараб ўтган икки юзтача одамнинг юз ифодасини кузатдим. Кутганимдек, лабида табассум акс этган ёки ҳеч бўлмаса, ҳаётдан хурсанд кўринган ўнтача одамни ҳам санамадим. Нима учун? Модомики, бахт — бу инсоннинг тан соғлиғига ўхшаш нормал ҳолати экан, унда нега биз уни жуда кам ҳис қиламиз?

Эҳтимол, биз унинг чинакам маъносини яхши тушунмаганимиз учундир. Зотан, кўпчилигимиз улкан бойлик: ёки ҳокимиятга эга инсон албатта бахтли бўлади, деб ўйлаймиз. Аммо мен бир неча гариб ва ўта бахтсиз миллионларни биламан. Яқинда, Панама канали бўйлаб «Ройял Принцесс» кемасида қилган сафарим чоғида бу ҳашаматли лайнерда бахтли чеҳралар нақадар кам эканлигини кўриб ҳайратга тушдим. Шинам шароит, доимий эътибор ва яхши хизмат кўпчилик йўловчилар учун ҳеч нарсани англамасди. Бироқ, ҳайрон бўлишимга ҳожат йўқ эди. Агар бахт зарралари инсоннинг қалбида бўлмас экан, ҳеч қандай моддий фаровонлик, кўнгилхушликлар ва платинали кредит карточкалари уни жилмайишга мажбур қила олмайди.

Эски дўстим Торо бу мавзуда жуда кўп гапирган. Мана, унинг кузатишларидан бири: «Шахсий тажрибамдан мен шуни биламанки, агар инсон ақл билан содда ҳаёт кечирадиган бўлса, ўзининг ердаги турмушини оғир заҳмат билан эмас, роҳатбахш ва шодиёна меҳнат билан байрамга айлантира олади. Зеб-зийнат буюмлар ва «турмуш қулайликлари»нинг кўпчилиги фақат кераксиз бўлибгина қолмай, балки инсоният тарайиғига тўсқинлик ҳам қилади».

Льюс Кэрроллнинг «Алиса мўъжизалар мамлакатада» эртагидаги Оқ Рицар эсингиздадир? Алиса Оқ Рицар билан учрашганида, у ел-

<sup>1</sup> Готорн Натаниел (1804–1864) — америкалик ёзувчи, роман («Альон харф», «Етти қат томли уй» ва бошқалар) ва новеллалар устаси. Унинг ижодида диний дунёқарашлар, ҳаёлий тимсоллар, руҳий ўзгаришлар устунлик қилади.

<sup>2</sup> Кэрролл Льюс (1832–1898) — инглиз ёзувчиси, математик ва мантиқшуноси. Ҳақиқий исми-шарифи Чарлз Латунж Доусан. Унинг машҳур асари — «Алиса мўъжизалар мамлакатада». Кэрролл математикадаги мантиққа доир кўплаб илмий рисоалар ёзган.

касига ва отига ҳар турли «керакли нарсалар»: асаларилар учрагудек бўлса, уларни тутиб олиш учун уя, сичқон ва каламушлардан ҳимояланиш учун қопқон ва ҳатто йўлда бирор сахий одам пудинг билан меҳмон қилиб қолса, солиб ейиш учун лаганча ҳам ортмоқлаб олган, отининг оёқларига ақула тишлашидан сақловчи ҳалқалар тақиб қўйган бўлади. Ортиқча ашқол-дашқоллар юкидан букчайган Оқ Рипар бахтни мол-мулк ва пул тўплашдан излайдиган одамларнинг ажойиб тимсоли ҳисобланади.

Бахт... бу капалакми? Мен бундай деб ўйламайман. «Бахтли турмуш учун жуда кам нарса керак, — деб ёзган эди Марк Аврелий. — Ҳаммаси инсонга, унинг тафаккур тарзига боғлиқ». Токи сиз ўзингизга, ўз қалбингизга кўз ташлаб, бор бойлигингизни бошқа одамлар билан беғараз ўртоқлашмас экансиз, умр бўйи бахт излаб уни топмаслигингиз мумкин.

Жорж Элиот нийг гапига қулоқ солинг-а: «Майда кўнгилхушликлар ҳақида қайғуриб, биз фақат бахтнинг ғариб бир кўринишига эришишимиз мумкин. Чинакам бахт фақат ўзимиз ва атрофимиздаги оламга нисбатан илиқ туйғулар ва том маънода улуг фикрлар билан келади. Бахтнинг бу алоҳида тури кўпинча шу қадар кўп мусибатлар келтирадики, биз уни азоб-уқубатлардан фақат эркин танлаш йўли билан фарқлашимиз мумкин, зеро унинг бахт-саодат эканлигини ботинан ҳис қиламиз».

Пулдор бўлиш ҳам, пулга сотиладиган нарсаларга эга бўлиш ҳам яхши, албатта. Бироқ, вақти-вақти билан ҳеч қанақанги пулга сотилмайдиган нарсаларни йўқотмаганингизга ишонч ҳосил қилиб турсангиз, ёмон бўлмайди.

Атрофингиздагиларга ёрдам қўлини чўзинг. Бахт — бу бор-йўғи сизнинг ўз ақлий қардошларингизга нисбатан муносабатингизнинг қўшимча маҳсули, холос. Бахтга келажакда эмас, ҳозир ва шу ерда эришиш мумкин.

Мен юқорида сиз билан ўртоқлашган қоидаларни ўқиб-ўрганинг ва уларга амал қилиб яшанг. Уларни сизнинг кўмагингизга муҳтож одамларга ҳам ўргатинг. Фақат шундагина сиз ҳавода пириллаб учаётган капалакни тутиб оласиз, фақат шундагина олам нурафшон бўлиб, сеҳрли мусиқа садоларига тўлади. Дунёда бахтли турмушнинг бундан яхшироқ усули бўлмаган ва йўқ.

## ХУЛЛАС, ЎН ЕТТИНЧИ ҚОИДА:

*Бахтимиз ўзимизда зоҳир эканлигини ҳамиша ёдда тутинг. Фаровонлик, шод-хуррамлик ва руҳий хотиржамликни атрофдан қидириб овора бўлманг. Оладиган эмас, берадиган одамгина бахтли бўлишини унутманг. Атрофингиздагиларга ёрдам қўлини чўзинг. Ўртоқлашинг. Қувонинг. Қучоқлашинг. Бахт — бу шундай малҳамки, уни ўзингизнинг устингизга бир неча томчи оқизмасдан бошқаларга бера олмайсиз.*

## ХОТИМА

Кўришгунча хайр. Сизсиз менга қийин бўлади, аммо дўстлигимиз ҳеч қачон тугамайди деб умид қиламан. Агар истасангиз, мен билан умр бўйи бирга қолишингиз мумкин. Бунинг учун «яхши яшаш сирлари»ни ўрганиб, амалда қўлласангиз кифоя. Мен буни жуда ҳам истайман.

<sup>1</sup> Элиот Жорж (1819–1880) — бу унинг тахаллуси, асл исм-шарифи Мари Энн Эванс. Бу инглиз ёзувчисининг «Адам Бад», «Флоссадаги тегирмони» «Сайлес Марнер», «Данимель Деронда», «Мидимарч» асарлари бор.

Мен билан бўлган учрашувдан хурсандсиз деб ўйлайман. Шахсан мен сизни бу ерда, ўз хонамда кўришдан бошим осмонга етди. Ҳар қандай хайрлашув қутилмаган бўлиши керак, деб ёзган эди Байрон. Балки у ҳақдир. Бироқ, гап шундаки, мен чиндан ҳам сизнинг бу хонадан сўнгги бор чиқишингизни кўришни истаяман. Биз сиз билан кўп ишлар қилдик... табиийки, ҳали яна кўп ишлар қиламиз.

Узоқ умрим давомида жуда кўп яқин дўстларим билан айрилиқ азобини бошдан кечиришимга тўғри келган. Ўғилларим — аввал Дэн, кейин эса Мэтт ота-она бағрини тарк этишганидан сўнг бунинг оғриғи қолиши учун менга кўп ойлар керак бўлган.

Мен кўравериб кўникаб қолган жонсиз нарсалардан айрилишдан ҳам шундай кўп азоб чексам керак.

Мен ҳозир бирорта ҳам фотолаборатория ишлов бермайдиган уч ўлчовли слайдларни суратга туширадиган эски «Стерео-Реалист» камерасини, ёғоч дастакли голф чавгонларини, эски русумдаги энли бўйинбоғларни ва 1974 йил чиққан усти олинадиган оқ «Кадиллак-элдорато» автомобилни ҳамон сақлаб келаман.

Шундай қилиб, мен худди оқ-қора тасвирли кинофильмдаги сингари перронда туриб, сизни олиб кетаётган поезд ортидан қўл силкияман ва сиз билан яна ўртоқлашишим мумкин бўлган кўп нарсалар ҳақида ўйлаётман.

Бироқ, шунга қарамай, келажакнинг фақат ўзингизга боғлиқ эканлигини мен ўз тажрибамдан жуда яхши биламан. Токи сиз ўзингиз вақт, ҳаракат, қурбонлар ва азоб-уқубатлар билан талаб қилинган нархни тўлашга жазм этмас экансиз, бирон-бир китоб, маъруза ёки семинар, бирон-бир муаллим, устоз, мураббий ёки руҳоний сизнинг турмуш тарзингизни ўзгартира олмайди.

Ўтган иш ўтди, бўёғи синди. Сиз кечаги кун, ўтган ой ва бурунги йилларда учраган муваффақиятсизликларингизни ўзгартира олмайсиз. Бироқ сиз эртанги ва қолган бошқа кунларингиз ўзингиз истаганингиздек бўлиши учун кўп ишлар қилишингиз мумкин.

Агар сиз ўйин қоидаларига амал қилсангиз, унда сиз учун ҳали ҳаммаси олдинда. Энди, сиз менинг ўтмишим ҳақида ҳамма нарсани билганингиздан кейин, гаров ўйнашим мумкинки, ҳозир: «Агар бу Ог Мандинонинг қўлидан келган бўлса, унда исталган биров шундай қила олади. Менинг қўлимдан келиши-ку, аниқ», деб ўйлаётсиз. Ҳеч қанақанги рад этиш ва ўзини оқлашлар кетмайди, ҳўпми?

Дарҳақиқат, яхши яшаш мумкин. Зотан, энди сиз яхши сирларидан хабардорсиз. Ундан фойдаланинг. Мени уялтириб қўйманг, аммо энг муҳими — ўзингизнинг олдингизда уялиб қолманг!

Кўришгунча хайр, азиз дўстим. Янаги учрашувимизгача Тангри мени ҳам, сизни ҳам ўз паноҳида асрасин.

Тинчлик-омонлик сизга ёр бўлсин!

*Рус тилидан  
Асрор МЎМИН,  
Баҳодир КОМИЛ  
таржимаси*

